



**Маматкулов Давлатжон
Махаматжонович**

1983 йилда Фарғона вилояти, Бағдод туманида туғилган, миллати – ўзбек. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

2000 йилда Бағдод туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабини, 2005 йилда Қўқон давлат педагогика институтининг «Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари» йўналиши бўйича бакалавриатурани, 2008 йилда Тошкент давлат педагогика университетининг «Миллий истиқлол ғоясининг фалсафий муаммолари» йўналиши бўйича магистратурани тугатган.

2016-2018 йилларда А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг таянч докторанти сифатида илмий тадқиқот олиб борган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти сифатида фаолият олиб бормоқда.

Фалсафа, сиёсатшунослик, педагогика ва психология йўналишларида етмишдан ортиқ илмий мақола, рисола ва тезислар муаллифи.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

Мазкур монография муаллиф томонидан олиб борилган халқимиз тарихий тараққиёти ва замонавий ривожланишида мафқуравий жараёнлар билан боғлиқ узок йиллик илмий изланишлар маҳсули ҳисобланади.



9789943035001

МАФҚУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Д.М.Маматкулов



Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети

Д.М.Маматкулов

МАФҚУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Маматкулов Давлатжон
Махаматжонович**

**МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАР
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

МОНОГРАФИЯ

Тошкент – 2023

УЎК:316.75(575.1)

КБК: 63.3(5) 43-72

Д.М.Маматкулов

Мафкуравий жараёнлар трансформацияси. Монография/ – Тошкент:
“LESSON PRESS” нашриёти, 2023 -224 бет.

Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор М.Х.Баратов

Такризчилар: фалсафа фанлари доктори, профессор О.Р.Мусаев

психология фанлари доктори, доцент Д.Н.Арзикулов

тарих фанлари доктори, доцент Х.Д.Хакназаров

Фалсафий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-ғоявий бой тажриба – халқимизнинг улкан тарихий меросга эгалигидан далолат беради. Ушбу тарихий тажрибаларнинг аксарият жиҳатлари бугунги кунгача кўп бор тадқиқ этилган. Бироқ халқимиз тарихидаги маънавий-ғоявий тажриба, мафкуравий жараёнлар трансформацияси ҳозирга қадар тўлиқ таҳлил этилмаган. Мазкур монографияда ушбу муаммо тадқиқ этилиб, халқимиз тарихидаги мафкуравий жараёнлар трансформациясининг илмий манзарасини яратиш ҳамда уни даврлаштириш ва Янги Ўзбекистонни барқарор тараққий этишига асос бўладиган ғоявий тенденцияларга оид илмий таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Ушбу монография ижтимоий-гуманитар йўналишда таълим берувчи ва тадқиқот олиб боровчи муассасалар фаолиятида ҳамда ғоя ва мафкура соҳасига қизиқувчиларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантиришда ўзининг ижобий самарасини беради.

Монография Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Кенгашининг 2023 йил 27 январдаги 6-сон Қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-9245-1-5

© Д.М.Маматкулов, 2023 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. ҒОЯ ВА МАФКУРА ТУШУНЧАЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ	8
1.1-§. Ғоя ва мафкура тушунчаларининг илмий-категориал таҳлили.....	8
1.2-§. Мафкуранинг мазмуни ва унинг таркибий тузилиши.....	25
1.3-§. Ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар трансформацияси ва уларни классификациялаш масалалари.....	41
Биринчи боб бўйича хулосалар	56
II БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ЭВОЛЮЦИЯСИ	59
2.1-§. Илк ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг вужудга келиши ҳамда миллий ғоянинг шаклланиши.....	59
2.2-§. Ислом дини ва мафкурасининг кириб келиши ҳамда ривожланиши.....	74
2.3-§. Чор Россияси босқини ва СССР давридаги мафкуравий ёндашувлар.....	90
Иккинчи боб бўйича хулосалар	110
III БОБ. МУСТАҚИЛЛИК: МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ТИКЛАНИШИ, МАФКУРАВИЙ ЗИДДИЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ	114
3.1-§. Мустақиллик йилларида мафкуравий жараёнлар: Миллий истиклол мафкурасининг мазмун-моҳияти.....	114
3.2-§. Мустақиллик йилларидаги мафкуравий таҳдидлар таснифи: интенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидлар ва уларнинг мазмуни.....	129
3.3-§. Экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидлар, уларнинг турлари, мазмуни ва ғоявий кураш усуллари.....	142
Учинчи боб бўйича хулосалар	157
IV БОБ. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МАФКУРАВИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИ РИВОЖИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	161
4.1-§. Янги Ўзбекистон тараққиётида мафкуравий жараёнлар ва уларнинг замонавий тенденциялари.....	161
4.2-§. Янги Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётини таъминлашда миллий мафкура омили	175
Тўртинчи боб бўйича хулосалар	195
ХУЛОСА	198
ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	204

*Ушбу китобни Падари бузрукворим –
Махаматжон Муҳаммадюсуф ўгли ва
Муҳтарама волидам – Гулнорахон Бойқўзи
қизига бағишлайман.*

*Аллоҳ улардан рози бўлиб, икки дунё
саодатига эриштирасин!*

КИРИШ

Инсоният тарихида цивилизацияларнинг вужудга келиши, ривожланиши ёки таназзулининг туб моҳияти ғоя аталмиш ижтимоий онг маҳсулига бориб тақалади. Бу ҳолат қадимги цивилизациялар қаторида бугунги давр тараққиётига ҳам тааллуқлидир.

Ҳозирги давр хусусиятлари шуни кўрсатмоқдаки, ғоя аввалги даврларга нисбатан ҳам таъсирчан ва самарадор кучга айланиб бормоқда. Дарҳақиқат, «одамлар эндиликда кучга эмас, кўпроқ ғояларга бўйсуняди»¹. Шунинг учун ҳам илмий тадқиқот ишларида мафкуравий жараёнлар мазмунини, мафкуравий трансформация (лотинча *transformatio* – қайта ўзгариш, қайта ҳосил бўлиш)ни таҳлил этиш ҳамда мазкур жараённинг асосий қонуниятларини аниқлаб, уларни муайян мамлакат, минтақа ёки глобал тараққиёт жараёнида ҳисобга олиш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тарихий тараққиёт кўплаб фанлар нуқтаи назаридан тадқиқ этилган бўлса-да, лекин ҳозиргача ўзбек халқи тараққиётидаги мафкуравий жараёнлар, жумладан, тарихимиздаги илк мафкуравий қарашлар, дастлабки мафкуравий трансформациялашув, ўрта асрлардаги мафкуравий жараёнлар, мазкур даврда Биринчи ва Иккинчи Ренессансни вужудга келтирган омиллар, мустамлакачилик, Чор Россияси давридаги мафкуравий сиёсат, коммунистик ва атеистик мафкуранинг халқимиз ижтимоий тафаккурига таъсири, мустақиллик давридаги мафкуравий зиддиятлар ҳамда миллий ғоянинг уйғониши ва такомиллашуви масалалари ҳалигача тўлиқ ва комплекс равишда тадқиқ этилмаган.

¹ Купер Р. Постмодерновое государство и мировой порядок // Полис. – № 6 - 1998 40 - с.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида халқимиз тарихидаги мафкуравий жараёнларни даврлаштириш ҳамда унинг илмий манзарасини яратишга оид яхлит мазмундаги концепция мавжуд эмас.

Таъкидлаш керакки, мафкуравий ишлар тараққиёт билан параллел ривожланмайди, кўп ҳолларда у тараққиётнинг локомативи сифатида олдинда боради. Мафкуравий ишларнинг мазкур моҳиятини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мафкура масаласига жиддий эътибор қаратмоқда. Мазкур масалада у, «мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтинглари? Бундай озиқни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Мана, гап нима ҳақида кетяпти!»¹, дея таъкидлайди.

Ҳоҳ, маънавият ва мафкура масаласидаги чиқишлари орқали² Президент Шавкат Мирзиёев, аввало, масъул шахс сифатида, қолаверса мазкур заминнинг жонкуяр фарзанди сифатида янгиланаётган жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳамда бошқа ички ва ташқи сиёсат соҳаларидаги ислоҳотлар мазмунини акс эттирадиган, уларни фуқаролар онги ва қалбига етказа оладиган, замонавий, прагматик (амалий устуворликка эга) ва латент (яширин, сезиларсиз, «юмшоқ куч») шаклидаги ҳаракат дастурига эга миллий мафкурани шакллантириш ҳақида фикр юритади.

Юртбошимизнинг мафкура масаласидаги кўрсатмалари бугунги кунда мазкур соҳа олимлари ва ёш тадқиқотчилар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июн ы куни Тошкент шаҳрида «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи // <http://www.uza.uz>. 15.06.2017.

² Қаранг: «Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. <https://xs.uz> (мурожаат қилинган сана: 2021 йил 11 февраль); Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <https://xs.uz/uz> (мурожаат қилинган сана 2020: йил 23 сентябрь); Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Т.: O‘zbekiston, 2021 йил. 464 б.

олдига маънавият, ғоя ва мафкура масалалари, мафкуравий таҳдидлар ҳамда уларга қарши кураш йўллари, янгиланаётган жамиятимизга ҳар томонлама мос келадиган бош ва асосий ғоялар, мафкуравий таянч йўналишларни аниқлаш ҳамда бугунги ва истиқболдаги тараққиётимиз учун катализатор вазифасини бажарадиган мафкура концепциясини шакллантириш вазифасини қўяди.

Мазкур монографик тадқиқотнинг мақсади бугунги кунда мафкура масаласида кўтарилаётган далзарб вазифалар билан ҳамоҳанг бўлиб, унда: ғоя ва мафкура тушунчалари; ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар трансформацияси ва уларни классификациялаш муаммоси; халқимиз тарихида илк мафкуравий жараёнларнинг вужудга келиши ҳамда миллий ғоянинг шаклланиши; минтақамизга ислом таълимотининг кириб келиши ва ривожланиши, мустамлакачилик: Чор Россияси босқини ва СССР давридаги мафкуравий ёндашувлар ҳамда мустақиллик: миллий ғоянинг тикланиши, мафкуравий зиддиятлар ва уларнинг таснифи; Янги Ўзбекистон тараққиётининг мафкуравий асослари ва уни ривожининг замонавий тенденциялари; Янги Ўзбекистон мафкурасининг бош ва асосий ғоялари, мафкуравий таянч йўналишлари; Янги Ўзбекистон мафкураси ва фалсафа, ҳуқуқ, илм-фан, дин, тил, таълим ва тиббиёт ҳамда атрибут ва ритуаллар масалалари тадқиқ этилади.

Монографияда ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялардан халқимиз тарихидаги мафкуравий жараёнларни даврлаштириш ҳамда унинг илмий манзарасини яратишда, ҳозирда жамиятимизнинг барқарор тараққий этишига тўсқинлик қилаётган мафкуравий таҳдидларни аниқлаш, мазмунини англаш ва уларга қарши ғоявий курашни ташкил этишда ҳамда янгиланаётган жамиятимиз учун зарур бўлган Янги Ўзбекистон мафкураси концепциясини яратишда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, монографияда илгари сурилган таклиф ва тавсиялар мафкура ва маънавият соҳасида фаолият юритадиган мутахассислар ҳамда муассасалар учун халқимиз тарихидаги мафкуравий жараёнларни тизимлаштириш, уларга нисбатан илмий ва объектив муносабатни шакллантириш, амалиётда

тарихий мафкураларнинг илғор тажрибаларидан ижодий фойдаланиш, тараққиётга тўсқинлик қиладиган мафкуравий таҳдидларга қарши ғоявий курашни ташкил этиш фаолиятларига илмий ва амалий жиҳатдан ёрдам беради, деб умид қиламиз.

I БОБ. ҒОЯ ВА МАҒКУРА ТУШУНЧАЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

1.1-§. Ғоя ва мағкура тушунчаларининг илмий-категориал таҳлили

Маълумки, «ҳар қандай нарса ва ҳодисани аниқлашдан аввал унинг моҳиятини аниқлаш тушунчалар ёки у ҳақда маълумот берувчи таърифларни чуқур таҳлил ва тадқиқ этиш қўйилаётган муаммони илмий амалий ечимини топишда энг қулай восита ҳисобланади»¹. Шу маънода мазкур параграфда тадқиқот ишининг асосий тушунчалари бўлмиш ғоя ва мағкуранинг мазмунини илмий таҳлил этиш асосий вазифамиз ҳисобланади.

Қадимги мутафаккирлар, жумладан, Платоннинг қарашларига кўра, «ғоя» («эйдос») ҳақиқий борлиқ, биз билладиган ва яшайдиган дунё унинг соясидир. Ҳақиқий ўзгариш ва тараққиёт ғоялар дунёсига хос, соялар дунёсидаги ҳаракат эса унинг инъикосидир. Платон ғоялар дунёсини нарсалар дунёсидан устун қўяди, чунки ғоялар дунёси идеал нарсалардир. Инсон ғоялар дунёси билан соялар дунёси ўртасидаги зотдир. Унинг руҳи ғоялар дунёсига, жисмоний танаси соялар дунёсига мансубдир².

Аристотелнинг ғоя ҳақидаги фикрлари, «ғоялар оламининг нарсалар олаmidан ажратилиши ҳақидаги Платон таълимотини танқид қилиш билан боғлиқ. Аристотел «ғоя» материянинг ўзига хос шакли деган фикрни илгари суради. Материя ва шакл ажралмас, улар бир-бирисиз мавжуд бўлолмайди. Табиатда на соф, шаклсиз материя, на номоддий, номоддий ғоялар мавжуд»³.

Бизнинг фикримизча, устоз - шогирд ғоя тушунчасини икки аспектдан туриб таҳлил қилган бўлиб, унга кўра Платон «ғоя»да ҳақиқий борлиқ (ғоялар дунёси)ни кўрса, Аристотел эса, реал борлиқда «ғоя»ни кўради. Мазкур ўринда Аристотелнинг

¹ Норлиев Р.И. Миллий тараққиёт ва маънавий юксалишнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсир хусусиятлари: Автореферат. фалсафа фан. ном. дисс. – Тошкент.: 2011. 10-б.

²Қаранг: Платон. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-p/platon-uz/>; Мир идей и мир вещей у Платона. <http://rushist.com/index.php/philosophical-articles/2214-mir-idej-i-mir-veshchej-u-platona>.

³ Аристотелевская метафизика. <http://rushist.com/index.php/philosophical-articles/2425-filosofiya-aristotelya-kratko#c1>.

қарашлари «ғоя» тушунчасига дунёвийлик хусусиятини берган ҳолда, уни илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганиш мумкинлигини кўрсатади.

Юнон фалсафаси билимдони, буюк аждодимиз Абу Наср Фаробий қарашларида ҳам ғоя тушунчасига ўзига хос ёндашувлар мавжуд. Фаробий борлиқнинг биринчи сабабчиси ва ҳаракат манбаи Худо мавжуд, деб ҳисоблайди. Бу қараш Платоннинг «ғоя» («эйдос») ҳақиқий борлиқ, ҳақиқий ўзгариш ва тараққиёт ғоялар дунёсига хос, соялар дунёсидаги ҳаракат эса унинг инъикосидир» деган қарашига қисман мос келса - да, у «ғоя»ни биринчи сабабчиси ва ҳаракат манбаини Худога нисбатламайди. Аксинча Фаробий «ғоя»нинг таҳлил қилишда Аристотелнинг «ғоя» материянинг ўзига хос шакли» фикрига нисбатан яқин келадиган нарсалар бирламчи, ғоялар иккиламчидир, улар ақлда муайян нарсаларнинг мавҳумлаштириш натижасида пайдо бўлади, дея фикр билдиради¹.

Ғоя тушунчаси бўйича коммунистик мафкура назариётчилари К.Маркс ва Ф.Энгельслар ҳам тўхталиб ўтишган бўлиб, уларнинг қарашига кўра, ғоялар тажрибадан келиб чиқади, ғоялар ҳақиқат ёки бузиб кўрсатилган воқеликнинг акси ҳисобланади².

Тадқиқот мазмунига доир кўплаб луғат ва энциклопедияларда ғоя тушунчасига:

«Ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, жамият ва оламларни мақсад сари етаклайлиган фикр. Унда оламини билиш ва амалий ўзгартириш мақсадлари, уларга эришиш йўллари ва воситалари мужассам бўлади»³;

«Ғоя – бу инсон онгининг маҳсули, ақлий конструкция, тушунчалар тизими. У янгилик элементларини, ривожланиш ва таъсир қилиш потенциалини ўз ичига оладиган объектив воқелик ҳодисаларининг онгдаги иникоси»⁴;

¹ Қаранг: Фараби. Комментарии к категориям Аристотеля // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. – М., 1961, 191-с. Фараби. Китаб ал-Хуруф. – Душанбе: Илм, 1972, 25-с.

² Маркс К. и Энгельс Ф. Соч., 2 изд., Т. 20. 629-с.

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Тошкент.: 2010. 40-б.

⁴ Словарь терминов и понятий по обществознанию. Автор-составитель А.М.Лопухов. 7-е изд. переб. и доп. – М., 2013.117 -с.

«Ғоя (юнонча *idea* – тушунча, тасвир) – 1) бирор нарса, ходиса, ҳодиса, инсон тафаккури маҳсули ҳақидаги бош ғоя, умумий тушунча;

2) қарашлар тизими асосида ётган белгиловчи тушунча, назарий модел; 3) фикр; 4) адабий-бадий асарнинг, илмий ишнинг ўзаги»¹ сифатида ёндашилади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ғоя тушунчаси бўйича илгари сурилган қарашлар ўзига хос ва хилма-хилдир. Бизнингча, бунинг сабаби, ғоя тушунчасининг мазмунига тадқиқотчилар муайян фан йўналишлари бўйича, яъни фалсафий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ёки бадий нуқтаи назардан ёндашганидадир.

Шу ўринда айтиш лозимки, мазкур параграфда ғоя тушунчасига оид қарашлар ўрганилишидан ташқари, ғоя (идея)ни фикр (мысль) билан айнийлаштириб юбормаслик лозимлигига ҳам эътиборни қаратдик. Албатта, ғоя ва фикрнинг ўхшашлиги билан бирга, ўзаро фарқлари ҳам мавжуд. Жумладан, уларнинг ўхшашлиги иккиси ҳам инсон тафаккурининг маҳсули экани билан изоҳланади. Фарқи эса, фикр кундалик онг даражасининг маҳсули ҳисобланиб, унда кўпроқ шахсий характер, манфаат ва муносабат устуворлик қилади. Демак, фикр, ҳар бир руҳий соғлом одам ҳар кун шуғулланадиган, мияда содир бўладиган фикрлашнинг энг кўзга кўринадиган элементиدير². Ғоя бўлса, фикрдан фарқли равишда назарий онг даражасида вужудга келади ҳамда ўзида ижтимоий характер, манфаат ва муносабатни акс эттиради.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, биз ҳам муаллифлик ёндашуви асосида ғоя тушунчага қуйидагича таъриф беришни лозим топдик: *«Ғоя деганда ижтимоий характер ва манфаатни ифодаловчи, ўз даври учун янги ва долзарб бўлган, инсон руҳиятига кучли таъсир этадиган тафаккур маҳсули тушунилади»*.

Дарҳақиқат, руҳий соғлом инсон ҳар доим ҳам фикрлай олади. Аммо унинг тафаккури кундалик онг даражасидан назарий онг даражасига кўтарилмас экан, у ғоя ярата олмайди.

¹ Райзберг Б.А. Современный социоэкономический словарь. – М., 2012. 171-с.

² Мысль. <https://www.psychologos.ru/articles/view/mysl>.

Таъкидлаш керакки, ижтимоий онгнинг барча шакллари – илм-фан, дин, фалсафа, санъат ва бадий адабиёт, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ – муайян ғояларни яратади. Мазкур жараёнда ғояларнинг илмий, фалсафий, диний, бадий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва бошқа турлари яралади. Ушбу турдаги ғоялар ўз моҳиятига кўра прогрессив – бунёдкор характерга эга бўлса - да, амалиётда ғоянинг икки шакли, яъни, прогрессив – бунёдкор ёки регрессив – вайронкор ғоялар томонидан бўйсундирилиши, етакланиши мумкин.

Бунёдкор ғоя дейилганда, аввало, гуманистик талаб ва тамойиллар устувор бўлган, инсонларни эзгулик, адолат ва ҳақиқатга, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилишга, маънавиятли бўлишга, ўзидан яхши ном қолдиришга чорлайдиган ғоялар тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «ўзида гуманизм талабларини акс эттирадиган, инсон камолотига, жамият ривожига, миллат тараққиётига, халқнинг ирода ва интилишларига хизмат қиладиган, уни жипслаштириб, олий мақсадларга сафарбар этадиган ғоялар бунёдкор ғоялардир. Улар инсоннинг ички яратувчанлик моҳияти, ижодкорлик табиатидан келиб чиқади, одамларни комиллик ва фозиллик сари ундайди, имон-эътиқодини мустаҳкамлайди, ҳаётига ижобий мазмун бахш этади»¹.

Вайронкор ғоя бу моҳиятан гуманистик талаб ва тамойилларни инкор этадиган, инсоннинг ўзлиги: миллий, диний ёки жинсий хусусиятларидан маҳрум қиладиган, жамиятни ғайриинсонийликка, маънавиятсизликка бошлайдиган, халқлар ва давлатларни таназзулга маҳкум этадиган ғоя ҳисобланади. Унинг асосида инсонпарварлик тамойилига зид бўлган, бир миллатни бошқасидан устун кўядиган, олий ирқ даъвосида бошқа халқларни қирғин қилишга чақирадиган, жамиятни тарафқашларга ажратиб, бўлиб ташлайдиган қарашлар ётади. Диний ақидапарастлик ва жангари ирқчилик (рацизм), буюк давлатчилик шовинизми ва ашаддий (агрессив) миллатчилик, фашизм ва большевизм, «оммавий маданият», миссионерлик ва

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 10-б.

бошқа шу каби мафкуралар таркибидаги ғоялар вайронкор ғояларга мисол бўлади.

Бизнинг ёндашувимизга кўра, вайронкор ғояларда ўзига хос икки хусусият мавжуд бўлади. Уларнинг биринчиси, жуда яхши ниқобланиш бўлса, иккинчиси, ўзига эргашган кишиларга ўз йўлини мутлақ (абсолют) тўғри ва ҳақиқат, деб тушунтиришидир. Таъкидлаш лозимки, вайронкор ғоялар инсон руҳиятига кучли таъсир этувчи барча нарсалардан, жумладан, ғояларнинг илмий, фалсафий, диний, бадий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва бошқа турларидан ҳам ҳеч истисносиз, ниқоб сифатида фойдаланиши ва улар орқали кишилар онги ва қалбига кириб бориши мумкин.

Илмий таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, ғоя қайси тур ва шаклга мансуб бўлишидан қатъий назар, агар у мафкура таркибидан ўрин олмаган бўлса, куруқ назария сифатида қолаверади ва кўламли таъсирга эга бўлмайди. Ҳар қандай ғоя мафкура таркибида ҳаракатлансагина, кенг кўламли таъсир кучига эга бўлади.

Шу ўринда параграф таҳлилининг иккинчи асосий тушунчаси мафкура эканини инобатга олган ҳолда, мафкура тушунчасига тўхталадиган бўлсак, мафкура бу, ғоя тушунчаси билан параллел равишда кишилик жамиятининг кўп минг йиллик тарихида мавжуд бўлган, бугунги кунда эса, ўз мазмуни ва вазифасига кўра, янада долзарблашиб бораётган мураккаб тушунча ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, мафкура ҳақида гап борганда, «сиёсий, иқтисодий, диний мафкура ҳақида; бирор-бир шаклдаги мафкура; партиялар, ҳаракатлар, ташкилотлар мафкураси; ҳатто хўжаликнинг конкрет мафкураси ҳақида гапирилади, ёзилади»¹. Шунга кўра, мафкура ижтимоий ҳаётнинг асосий элементи сифатида кишилик жамиятида мавжуд ва табиийки, бошқа соҳаларга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Барқарор тараққиётни таъминлаш ҳақида сўз борганда, ушбу соҳага мафкуранинг таъсири борлигини, аниқроқ қилиб айтганда, барқарор тараққиёт билан мафкура ўртасида ўзига хос

¹ Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. 212 -б.

диалектик алоқа мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Дарҳақиқат, ҳар бир мамлакатнинг барқарор тараққиётида ана шу мамлакатнинг расмий (ҳуқуқий асосга эга) ёки норасмий (ҳуқуқий асосга эга бўлмаган) мафкураси (масалан, Хитой Халқ Республикасида – коммунистик мафкура, Японияда – япон национализи, Исроил давлатида – сионизм мафкураси) роль ўйнайди. Шунга кўра, мафкурани барқарор тараққиётни белгилаб берувчи омил, дея эътироф этиш мумкин. Шундай экан, мафкурани нафақат сиёсат, тарих ва бошқа шу каби фанларда, балки фалсафа фанида ҳам тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таъкидлашимиз лозимки, мафкура масаласини тадқиқ этиш ҳақида сўз борганда, айрим кишилар бу масалага худди нопок ёки хавфли нарсага – бир сўз билан айтганда, салбий нарсага қарагандек қарашади. Бундай кишилар, аввало, мафкура деганда, умумий тадқиқот объектини, инсоният фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий онг маҳсулини тушунмайдилар. Аксинча, улар мафкурани тор мазмунда, тарихий ёки бугунги кундаги конкрет мафкураларнинг ғайриинсоний миссиясига боғлаган ҳолда тушунадилар. Шундай кишиларнинг мафкура борасидаги нотўғри муносабати туфайли ҳозирда «мафкура тушунчаси семантик жиҳатдан ундан амалда фойдаланиб бўлмайдиган даражада саёзлашиб кетган. Баъзилар уни бир хил мазмунда талқин қилишса, бошқалар ўзгача мазмун бахш этишади. Кўпинча унга бирон-бир тайинли мазмун беришмайди. Бундай семантик анархия шароитида аслида ҳеч қандай маъноли гап бўлиши мумкин эмас»¹. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, тадқиқот ишини, энг аввало, мафкура тушунчасини тўла таҳлил этишдан бошлаш мақсад мувофиқ.

«Мафкура» арабча сўздан олинган бўлиб, тор маънода қарашлар ва эътиқодлар тизими, мажмуи деган маънони англатади. Кенг маънода мафкура – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуидир. Ғарб мамлакатлари тилларида мафкура «идеология» атамаси воситасида қўлланилади»².

¹ Ўша манба. 212-б.

² Одилқориев Х.Т., Раззоков Д.Х. Сиёсатшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. 238 -б.

Мафкура тушунчаси фанга илк бор XVIII аср охирларида Францияда А.Дестют де Траси томонидан киритилган. Унинг 1801 йилда чоп этилган «Идеология элементлари» асарида ғояларнинг пайдо бўлиши, турлари ва эволюцияси, умумий қонуниятлари тўғрисида муҳим фикрлар бор эди¹. У Этьен Кондильяк билан биргаликда ғоя шаклланишининг умумий принциплари ва инсон билимининг асослари ҳақидаги фанни яратиш устида иш олиб борган. Джон Локкнинг сенсуалистик гносеологияси давомчиси сифатида де Траси ғоялар ҳақидаги таълимотни белгилаш учун фанга мафкура (идеология – идея-ғоя, логия-таълимот) атамасини киритди ва унинг наздида бу таълимот ҳиссий соҳа тажрибаси мазмунидан келиб чиқувчи ғоялар содир бўлишининг умумий қонуниятлари сифатида талқин қилинган. Мазкур таълимот илм ва ижтимоий ҳаётни бошқаришда асосий принциплар ўрнида хизмат қилиши лозим эди. Шунинг учун ҳам Дестют де Траси мафкурада билимлар тизимини кўради².

Коммунистик мафкура назариётчилари К.Маркс ва Ф.Энгельс Дестют де Трасидан фарқли ўлароқ, мафкура тушунчасини «илмий бўлмаган характерга эга», дея қарашган. Уларнинг асарларида «мафкура бу ёлғон идрок; жамиятнинг ишлаб чиқариш асосида моддий келишмовчиликлар натижасида пайдо бўлувчи беҳаё дунёқараш; яхлит жамият қизиқиш ва қарашлари сифатида талқин қилинаётган, аслида маълум синфларнинг қизиқишларини ифода этувчи ёлғон қараш», дея изоҳланади³. Теодор Ойзерманнинг фикрича, «Маркснинг мафкура тушунчасига салбий қараши «коммунистик мафкура»нинг мавжуд бўлишини бутунлай рад этилиши ва унгача мавжуд бўлган, ишчилар синфига нисбатан салбий муносабатдаги барча мафкураларнинг салбий қабул қилиниши сабаб бўлган»⁴.

В.Ленин талқини бўйича, мафкура тушунчаси бошқача мазмун касб этган. Ленин ўз ишларида кўп бора «пролетариат

¹ Новейший философский словарь. – М., Наука, 1999. 256 - с.

² Антуан Дестют де Траси. Основы идеологии. – М., Альма Матер, 2013. 334 - с.

³ Маркс К., Энгельс Ф. Соч. Т. 3, – М., 1955. –25 с.

⁴ Теодор Ильич Ойзерман. – Прогрес-Традиция, 2003. ISBN 5-89826-135-4. 568 - с.

мафкураси» ҳақида гапириб ўтган ва мафкурага у бир ёқлама ёндашиб, уни «илмий социализм ёки марксизм» сифатида белгилаган. Шундай қилиб, Ленин мафкура масаласини (К.Маркс ва Ф.Энгельс талқинидаги) ёлғон идрок эмас, балки «революцион синфнинг алоҳида тили» сифатида талқин этган. «Революцион мафкура ёлғон идрок эмас, чунки унинг мазмуни илмий социализмдан иборат ва шу боис, у ташқи кўринишдан: илмий фикрлай олмайдиганларга ёки умуман саводсизларга етказиш ва тушунтириш усуллари билан мафкурага ўхшайди», дея изоҳлаган ¹.

Бизнинг англашимизча, мафкура тушунчаси унинг асосчиси Дестют де Траси талқинида ижтимоий ҳаётни бошқариш ҳақидаги билимлар тизими сифатида қаралган бўлса, коммунистик мафкура назариётчилари К.Маркс ва Ф.Энгельс талқинига кўра, у илмий бўлмаган характерга эга ёлғон идрокдир. В.Ленин эса, мафкурани умумий ҳолда инсоният фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий онг маҳсули сифатида қабул қилмасдан, уни фақат илмий социализм ёки марксизмдан иборат бўлган пролетариат мафкураси билан айнийлаштирган.

Коммунистик мафкура назариётчилари мафкура тушунчасига соф илмий асосларда эмас, кўпроқ коммунистик дунёқараш асосида ёндашган бўлсалар-да, умумий ҳолда, совет даври адабиётларида мафкура тушунчасига илмий тарзда «Идеология – қарашлар ва идеялар, яъни сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний, философик қарашлар ва идеялар системаси»², дея таъриф берилган.

Таъкидлаш лозимки, мафкура тадқиқот объекти сифатида шу кунгача дунё олимлари томонидан кўп бора тадқиқ этилган ва унга кўплаб таърифлар берилган. Жумладан, Славой Жижек тадқиқотларида «мафкура – бу арвоҳ каби кўринмас иллюзия бўлиб, чидаб бўлмас воқеликдан яшириниш учун ўзимиз томонимиздан ўйлаб чиқарилади, деб ҳисобланади; бу моҳиятига кўра фантазматик тузилма бизнинг «воқелигимиз»

¹ Владимир Ленин. Полное собрание сочинений в 55 томах. – Москва-Ленинград: Издательство политической литературы, 1963. Т.6. 269-с.

² Философия луғати. –Т.: Ўзбекистон, 1976. 172 - б.

учун асос бўлиб хизмат қилади: «иллюзия» бизнинг жамиятимиздаги конкрет, реал муносабатларни тизимлаштиради, ва бундан ташқари, чидаб бўлмас, реал воқеликни ниқоблаштиради. Мафкуранинг функцияси бизга воқеликдан қочиш йўлини таклиф қилиш эмас, балки мавжуд ижтимоий воқеликни жароҳатли реал моҳиятдан пана бўлиш имкони сифатида намоён қилишдир»¹, дейилган.

Мафкура тушунчасини чуқур таҳлил этилишига Джордж Уолфорд ва Гарольд Уолсби, Чарльз Блаттберг, Девид Минар, Уиллард Маллинза каби бир қатор ижтимоий-гуманитар фан вакиллари ҳисса қўшганлар. Жумладан, Джордж Уолфо² ва Гарольд Уолсби³ ларнинг «мафкурани тизимлаштириш» борасидаги ишлари мафкура ва ижтимоий соҳалар ўртасидаги фарқни ўрганишга қаратилган. Чарльз Блаттберг мафкура, сиёсий мафкура ва сиёсий фалсафа ўртасидаги фарқни ўрганган⁴. Девид Минар мафкура тушунчасини қўллашнинг олти тавсифлаб беради. Улар:

- маълум «мазмунга эга» ғоялар тўплами сифатида (одатда, норматив);
- тўпламдаги ғояларга хос бўлган ички мантикий тузилманинг шакли сифатида;
- инсонлараро ҳамкорлик фаолиятларида ғояларнинг эгаллаган ролига кўра;
- ташкилот структурасидаги ролига кўра;
- «ишонтириш»даги аҳамиятига кўра;
- эҳтимол, ижтимоий ҳамкорлик «локус»и сифатида⁵.

Уиллард Маллинза эса, мафкура – тўрт таянч хусусиятга эга бўлади, дея ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, мафкура:

- билиш қобилиятидан устувор бўлиши керак;

¹ Жижек С. Возвышенный Объект Идеологии. – М., Художественный журнал, 1999. – ISBN 5-901116-01-1. 52-с.

² Walford G. Beyond Politics / An Outline of Systematic Ideology. Проверено 27 июня 2013. Архивировано из первоисточника 1 июля 2013.

³ Walsby Harold. The Domain of Ideologies / A Study of the Development and Structure of Ideologies. Проверено 27 июня 2013. Архивировано из первоисточника 1 июля 2013.

⁴ Blattberg Charles «Political Philosophies and Political Ideologies», in Patriotic Elaborations: Essays in Practical Philosophy, Monreal and Kingston: McGill-Queen's University Press, 2009.

⁵ Minar David. Ideology and Political Behavior (англ.). Проверено 27 июня 2013. Архивировано из первоисточника 1 июля 2013.

- баҳолашга оид мулоҳазаларни бошқаришга қодир бўлиши керак;
- ҳаракатлар учун йўриқнома сифатида хизмат қилиши керак;
- мантиқий кетма-кетликда бўлиши керак.

Уиллард Маллинза ўз тадқиқотларида мафкурани у билан боғлиқлиги билан бир вақтда, ундан кескин фарқ қилувчи «утопия» ва «тарихий мифология» билан адаштирмаслик лозимлигини таъкидлайди ¹.

«Мафкура» атамаси француз олимлари: Кабанис, Вольней, Гар, Джерандо, Ланселин ва бошқаларнинг асарларида ҳам кенг қўлланилган. Бироқ Наполеон Бонапарт ўз даврида «исталган ҳар қандай мафкура агар у жамият ривожланиши билан боғлиқ эҳтиёжлар, қизиқиш ва қарашларни ифода этмас экан, ҳеч қандай мазмунга эга бўлмайди», деб ҳисоблаганлиги учун ҳам уларнинг қарашлари мавжуд цензура таъсирида қолиб кетган².

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳалар қатори мафкура соҳаси ҳам олимлар томонидан тадқиқ этилди ва ушбу йўналишда кўплаб илмий адабиётлар яратилди. Мазкур адабиётларда, албатта, мафкура тушунчасига таърифлар берилган. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йиллари (1993 йил)да Ж.Туленов, Э.Юсупов, З.Ғафуровлар ҳаммуаллифлигида нашр этилган «Истиклол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари» номли қўлланмада «мафкура – жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар, миллатлар ва элатлар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, давлат ҳокимиятининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик, фалсафий қарашларининг тизимлаштирилган билимлар йиғиндисидан ташкил топади»³, дея таърифланган бўлса, С.Мамашокиров, Ш.Тоғаевлар томонидан яратилган «Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг мафкуравий масалалари» номли манбада «мафкура – ғоянинг манфаатлашган мазмуни, шакли, қисми, томони, кўриниши, қиёфаси ва

¹ Mullins Willard. The Concept of Ideology: An Analysis and Evaluation (англ.). Проверено 27 июня 2013.

² Россия: опыт национально-государственной идеологии. Под ред. И.А. Ильина. – М., 1994. 15-с.

³ Туленов Ж. ва бошқалар. Истиклол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. 12-б.

характеридир. Айни пайтда, мафкурунинг амал қилишида одамларнинг ундаги ғояларга бўлган ишонч-эътиқоди муҳим ўрин тутди. Бу ҳолда мафкуруни тавсифловчи асосий омиллар: а) кишиларнинг талаб, эҳтиёж-манфаатлари ва уларни қондириш усул-восита, механизмлари; б) ғояларга бўлган ишонч-эътиқоднинг намоён бўлишидир»¹, дея таърифланган.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси (Қ.Назаров ва бошқалар) томонидан нашр этилган «Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти» китобида «Мафкура – муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш тизими»², дея таърифланган. Мафкура тушунчасига доир айнан юқоридагига ўхшаш таърифларни мустақиллик йилларида чоп этилган бошқа кўплаб манбаларда ҳам кўриш мумкин³.

Нисбатан янги тадқиқот ишларида, жумладан, тадқиқотчи А.Муҳторов мафкура тушунчасига «миллат ва халқнинг ҳаётий манфаат ва эҳтиёжлари билан узвий боғланган, асрлар давомида уларнинг орзу-интилишлари, мақсад-муддаоларини ўзида ифода этган, халқнинг тарихий ўтмиши, анъанаси, урф-одати ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлардан озикланадиган, ана шу халқнинг ўтмиши билан бугунги кунини боғловчи кўприк вазифасини ўтайдиган ғоялар тизимидир»⁴, дея таъриф берган бўлса, Б.Сапаров эса, мафкурага – умумий тушунча, миллий мафкурага – хусусий тушунча, Миллий истиқлол мафкураси, жамият мафкурасига – алоҳида тушунча сифатида қараш кераклигини, ғоя ва мафкура тушунчаларини айнанлаштириш

¹ Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. – Тошкент: Маънавият. 2007. –10 б.

² Назаров Қ. ва бошқалар. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. – Тошкент: Фафур Ғулом, 2007. 643-б.

³ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон 2001. 9-б.; Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2001. 31-б.; Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Тошкент.: Академия. 2007. 185-б.; Миллий истиқлол ғояси асосий тушунчалар, атамалар ва тамойиллар (қисқача изоҳли тажрибавий) луғат. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2002. 71-91 б.; Миллий истиқлол ғояси асосий тушунчалар, атамалар ва тамойиллар (қисқача изоҳли тажрибавий) луғат. – Тошкент: Файласуфлар миллий жамияти, 2002. 73-б.; Фалсафа Қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. 244-б.; Фалсафа энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. –177 б.

⁴ Муҳторов А. Миллий ғоя такомилда эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги: Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. – Тошкент: 2011. 37- б.

ёки улардаги умумийликни англамаслик ҳам назарий қарашларда хатоликларни келтириб чиқариши мумкинлигини таъкидлайди¹.

Илмий изланишларимиз натижалари шуни кўрсатадики, мафкура тушунчасига атрофлича ёндашув, унинг жамият тараққиётидаги ўрни масалалари юртимиз олимлари томонидан илмий таҳлил этилган. Жумладан, мафкура тушунчаси, миллий мафкуранинг баркамол шахсни тарбиялашдаги аҳамияти, шахс маънавияти ва миллий тарбия муаммолари М.Қуронов², миллий маънавиятимиз ва мафкурамизнинг назарий ва тарихий-тадрижий масалалари М.Бекмуродов³, ижтимоий-миллий онглилик, фаоллик, миллий ғурур ҳамда ифтихор туйғусини шакллантиришнинг асосий манбалари бўлган миллий ғоянинг моҳияти И.Эргашев⁴, маънавият ҳамда мафкура тушунчаларининг узвий боғлиқлиги ва алоқадорлиги, мустақиллик ва шахс маънавиятини шакллантириш масалалари А.Очилдиев⁵, миллий ривожланиш жараёнида маънавий-мафкуравий салоҳиятни шакллантириш муаммолари Х.Жуманиёзов⁶, миллий мафкурада ворисийлик муаммоси О.Маматов⁷ларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш керакки, мустақиллик даври илмий адабиётларида «мафкура» тушунчасининг таҳлили борасида сўз

¹ Сапаров Б.Б. Миллий ғоя тизимида миллий ўзликни англашнинг тузулмавий-функционал таҳлили. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация.. – Тошкент: 2019. 20 б.

² Қуронов М. Мафкуравий вазиятларни моделлаштириш – ғоявий тарбия воситаси. // Ж. Педагогик таълим. 2000. – №3. –б. 22-23.; Қуронов М. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. – Тошкент: Фан, 1995. 118-б.; Қуронов М. Мафкура, таъсирчанлик ва услуб. Воизга ёрдам: маъруза матни. – Т.: Маънавият, 2000. 12-б.; Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. – Тошкент: Akademiya, 2008. 32-б.; Қуронов М. Эзгу ғоялар рўёби. – Тошкент: Маънавият, 2011. 157-б.; Қуронов М., Жумаев Ш., Сафаров О. Тадбир самарадорлигининг ўн шарти. – Тошкент: Истиқлол, 2006. 24-б.

³ Бекмуродов М. Мафкуравий зомби қилиш механизми. // Г. Маърифат. – Тошкент: 2007 йил 2 июнь; Бекмуродов М. Ўзбек менталитети – Тошкент: Ko'hi-nur, 2011. 95-б.

⁴ Эргашев И., Худойбердиев Х., Қахрамонов А. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ва мафкуравий жараёнлар.–Тошкент: Ижод дунёси, 2002. 31-б.; Эргашев И., Набиев Э., Қаюмов А. Ватан муқаддасдир. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002. 24-б.

⁵ Очилдиев А. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. – Тошкент: Ижод дунёси, 2002. 31-б.; Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Тошкент: Мухаррир. 2009. 48-б.

⁶ Жуманиёзов Х.С. Мустақиллик ва миллий ривожланишнинг маънавий-мафкуравий салоҳиятини шакллантириш муаммолари. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация.– Тошкент: 2000.

⁷ Маматов О.В. Мустақиллик мафкурасини шаклланишида ворисийлик муаммоси. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. – Тошкент: 2002.

борганда, бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан билдирилган фикрларга тўхталмаслик мумкин эмас.

Ислон Каримов том маънода мафкурани инсон ва жамият ҳаётида тутган ролини илмий ва амалий жиҳатдан асослаб берган шахс ҳисобланади. И.Каримов ўзининг улкан тажрибасига таянган ҳолда, мафкурага шундай таъриф беради: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараш ва менталитетига асосланган, айти вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги куни ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан»¹.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов асарларида «мафкура соҳаси билан боғлиқ кўпгина муаммолар ойдинлашади. Уни қуйидаги жиҳатларда кўриш мумкин:

Биринчидан, «мафкура» тушунчасининг кенг маънога эга эканини «коммунистик мафкура»дан фарқини англашда кўриш мумкин. Мафкура ва ҳар қандай жамият ҳаётининг узвий боғлиқлиги тўғрисидаги муҳим концептуал ғоя мустақиллик шароитида Ўзбекистон жамияти учун ҳам зарурлигини англаб етишда, амалий фаолиятда уни ҳисобга олишда асосий таянч, маънавий куч эканини тушуниб олишга хизмат қилади;

Иккинчидан, «миллий ғоя», «Ўзбекистоннинг миллий ғояси» атамаларининг маъно ва моҳияти атрафлича таҳлил қилиб берилдики, бу мафкурани тушунишда ўзига хос янгиланиш, янгича ёндашув ҳисобланади;

Учинчидан, бу асарлар ² мафкуралар хилма-хиллиги, яъни эзгу ва ёвуз ғояларни бир-биридан фарқлашда, шу билан бирга, мафкура соҳасида бўшлиқ бўлмаслиги тўғрисидаги ғоя билан ҳам аҳамиятлидир. «Давлат мафкураси» билан «жамият мафкураси» тушунчаларининг маъно-мазмунисидаги фарқ миллий

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998, 11-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Ж.1.364-б.

ғоя жамият мафкураси эканлиги ҳамда бирор-бир мафкурани давлат мафкураси сифатида ўрнатиш мумкин эмаслиги ғояси стратегик, концептуал асосга эга эканини кўрсатади;

Тўртинчидан, миллий ғояни амалга ошириш, унинг шарт-шароитлари, миллий-маънавий, умумбашарий негизларининг ўзаро муштараклиги билан боғлиқ равишда кўриш мумкин»¹.

Ислом Каримов нафақат мафкуранинг мазмун-моҳиятига, айни вақтда уни шакллантириш жараёнига ҳам катта эътибор қаратган. Жумладан, «Албатта, мафкурани бир кун ёки бир йилда яратиб бўлмайди. Чунки, мафкура шаклланади, шакллантириб борилади. Унинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш мумкин. Аммо бу тамойиллар реал ҳаётда ўз ўрнини топмаса, бундай мафкура фақат қоғозда бўлади, холос»², дея таъкидлаб, «халқ, миллат ўз миллий мафкурасини бутун умри давомида такомиллаштириб, бойитиб боради. Чунки, мафкура қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас. Бу – узлуксиз жараён бўлиб, ҳаёт давом этар экан, унинг шиддатли суръати туфайли мафкуранинг олдига қўйиладиган янги-янги талаблар ҳам пайдо бўлади»³, дея мафкуранинг вужудга келиши ва унинг жамият ҳаётида мустақкам ўрин эгаллашини эволюцион ҳодиса сифатида баҳолайди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти мафкурага баҳо берар экан, унинг жамиятдаги асосий функциясини қуйидагича изоҳлайди: «Биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз одамлар тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз. Ҳар қандай халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан ва чароғон этадиган мафкура – миллий ғояни шакллантиришнинг асосий шarti – одамларнинг тафаккури, дунёқарашининг воқеликка нисбатан таъсирини инобатга олишдир»⁴. Шунингдек, муаллиф

¹ Назаров Қ. ва бошқалар. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. – Тошкент: Гафур Ғулом, 2007. 643-б.

² Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Ж.7.298-б.

³ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.–Тошкент: Ўзбекистон, 2000, –Ж.8. 176-б.

⁴ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Ж.7.298-б.

Ўз асарларида мафкурани шакллантириш, уни фуқаролар, айниқса, ёшлар онгидан мустаҳкам ўрин олиши учун маърифат ва таълим-тарбияга алоҳида эътибор берган. Жумладан, «таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайлиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса, биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди»¹, дея таъкидлайди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мафкура масаласида ўзига хос ёндашуви мавжуд. Бу ёндашувни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ёндашуви билан қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, Ислом Каримов ёндашувида мафкуранинг назарий-концептуал асосларига кучли эътибор қаратилган бўлса, Шавкат Мирзиёев ёндашувида нафақат назарий-концептуал асос, балки амалий фаолиятга катта эътибор қаратилаётганини кўриш мумкин. Масалан, Ш.Мирзиёевнинг мафкура амалиёти ҳақида «бир-икки марта номига тадбир ўтказиш билан иш битмайди. Бу йўналишда ҳар куни, ҳар соатда, доимий ва тизимли равишда иш олиб бориш керак. Буни маънавий ҳаёт, ғоявий-мафкуравий иш деб қўйибди. Бу бизга ғалла ёки чигит экиш эмас»², деган сўзлари юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Шавкат Мирзиёевнинг мафкура соҳасидаги ўзига хос қарашларидан яна бири бу мазкур соҳага амалий жиҳатдан комплекс ёндошиш лозимлигига эътибор қаратаётганлигидир. Дарҳақиқат, Президентимиз «ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар – бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими – уларнинг барчаси айниқса фаол бўлишлари лозим»³, дея эндиликда мафкура соҳасига барча

¹ Ўша манба. 94-б.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи // <http://www.uza.uz>. 15.06.2017.

³ Ўша манба.

дахлдор эканлигига, бу борада ўзаро ҳамкорликда комплекс фаолият олиб бориш лозимлигига урғу беради.

Шавкат Мирзиёевнинг мафкура масаласидаги энг асосий ёндошуви бу барча соҳалар қатори ушбу соҳага ҳам инновацияларни жорий этишга интилаётганлигидир. Президентимиз ушбу жараённи: «бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади»¹, дея изоҳлайди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг мафкура соҳасида инновацияларни жорий этаётганига мисол сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– халқ билан мулоқотни амалда йўлга қўйиш учун зарур механизмлар (Халқ қабулхоналари, Ўзбекистон Республикаси Президенти (2016 йил 23 декабрга қадар Бош вазир)нинг виртуал қабулхонаси) жорий этилгани;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати томонидан радио, телевидения (O'zbekiston 24 телеканали), интернетда (кўплаб сайтлар жумладан, www.president.uz сайти), ижтимоий тармоқ ва мессенжерлар (жумладан, фейсбукда / [mirziyoyev](https://www.facebook.com/mirziyoyev), инстаграмда / [mirziyoyev_sh](https://www.instagram.com/mirziyoyev_sh), твиттерда [president_uz](https://twitter.com/president_uz), телеграмда / [shmirziyoyev](https://www.telegram.com/channel/shmirziyoyev) каналлари)да актив фаолиятни йўлга қўйилгани;

– «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»даги юзта мақсадини қамраб олган еттита устувор йўналиш мазмунида инновацион ривожланишга асосий урғу берилгани;

– давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига интернет ва ижтимоий тармоқларда фаол бўлиш талаб этилаётгани;

– мафкура масаласида нафақат жамият ичида, айни вақтда халқаро майдонда ҳам амалий ҳаракатлар бошлангани,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2017 йил 22 декабрь). –Тошкент: Ўзбекистон, 2018. 80-б.

жумладан, аввало, кўшни, қардош мамлакатлар билан ва айни вақтда бошқа узоқ хориж мамлакатлари билан ҳам ўзаро ҳамкорликни прагматик жиҳатдан йўлга қўйилаётгани каби ислохотлар шулар жумласидандир.

Юқорида тилга олинган масалалар, том маънода, мафкуравий масалалар ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, яхши ўйланган мафкуравий ишда барча мақсад ва ғоялар очиқ-ойдин намоён этилмайди, балки уларни амалга ошириш услуб ва усулларига катта эътибор қаратилади. Бу мафкуранинг «ғоя демасдан туриб, ғояни сингдириш» тамойили¹ ҳисобланади.

Шавкат Мирзиёевнинг мафкура соҳасидаги фаолиятида ҳам «ғоя демасдан туриб, ғояни сингдириш» тамойили мавжудлиги, жумладан, бу соҳада асосий урғу амалий ишларга берилаётгани ва замонавий, инновацион лойиҳаларга катта эътибор қаратилаётганини кўриш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мазкур параграфда ғоя ва мафкура тушунчаларининг мазмун-моҳияти таҳлил этилди. Илмий таҳлилларимиз асосида хулоса қиладиган бўлсак, *биринчидан*, ғоя тушунчаси бўйича фанда кўп тарқалган таъриф ва тушунчалар шуни англатадики, «ғоя» – бу ҳақиқий борлик, яшайдиган дунёмиз эса, унинг инъикоси (Платон); «ғоя» материянинг ўзига хос шакли, улар бир-бирисиз мавжуд бўлолмайди (Аристотел); нарсалар бирламчи, «ғоя»лар иккиламчи, улар ақлда муайян нарсаларнинг мавҳумлаштириш натижасида пайдо бўлади (Фаробий); «ғоя»лар ҳақиқат ёки бузиб кўрсатилган воқеликнинг акси ҳисобланади (К.Маркс ва Ф.Энгельс);

Иккинчидан, муаллифлик таърифимизга кўра, «ғоя деганда, ижтимоий характер ва манфаатни ифодаловчи, ўз даври учун янги ва долзарб бўлган, инсон руҳиятига кучли таъсир этадиган тафаккур маҳсули тушунилади»;

Учинчидан, ғоялар қандай тур ва шаклга мансуб бўлишидан қатъий назар, қачонгина мафкура таркибидан ўрин олиб,

¹ Тоҳириён А. ва бошқалар. Миллий ғоя ва маънавият асослари. – Тошкент: Navro'z. 2015. 48-б.

мафкура билан синхрон ҳаракатлансагина, кенг кўламли таъсир кучига эга бўлади;

Тўртинчидан, илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мафкура деганда, ижтимоий онг маҳсули сифатида муайян ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг дунёқарабини ифодалайдиган илмий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий ёки бошқа томондан тизимга солинган ғоялар, тамойил ва категориялар йиғиндиси ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш йўллари, усул ва воситалари мажмуаси тушунилади. Шунга кўра, бизнингча, мафкура – бу муайян ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг дунёқарабини ифодалайдиган илмий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий ёки бошқа (масалан, диний) томондан тизимга солинган ғоялар, тамойил ва категориялар йиғиндиси ҳамда уларни жамият ҳаётига татбиқ этиш йўллари, усул ва воситалари мажмуаси ҳисобланади.

1.2-§. Мафкуранинг мазмуни ва унинг таркибий тузилиши

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, муайян мафкура, албатта, барча замон ва макон учун умумий мафкура мақомида бўла олмайди. Шунга кўра, «умумий мафкура» мавжуд эмас, лекин мафкураларнинг умумий жиҳатлари мавжуддир.

Дарҳақиқат, мафкуралар ўзининг хусусий даражасида муайян ўзига хослик: назария ва амалиётда номутаносибликлар, бир-бирини такрорламайдиган белгиларга эга бўлиши табиий. Лекин инсон онги ва қалби учун кураш муайян қонуниятларга эга, бу қонуниятларга бўйсунмай туриб, ҳеч қайси мафкура ўз эффектини номоён эта олмайди. Шунга кўра мазкур параграфда хусусий мафкураларнинг умумий белгилари таҳлил этилган ҳолда, мафкуралар таркибий тузилишининг ўхшаш жиҳатлари кўриб чиқилади.

Бизнинг ёндашувимизга кўра, даврийлик ва таълимотидаги тафовутлар инобатга олинган ҳолда хусусий мафкуралар танланди. Жумладан, тадқиқот учун танланган ислом мафкураси – VII аср бошларида, коммунистик мафкура эса – XIX аср ўрталари ва XX аср бошларида шаклланган; ислом мафкураси диний (ислом) таълимотга, коммунистик мафкура эса –

материалистик-атеистик таълимотга асосланади. Хусусий мафкураларнинг даврийлиги ва таълимотида тафовутлар катта бўлса-да, бундай танловдан мақсад, параграфда қўйилган вазифадан келиб чиққан ҳолда, мафкуралар тузилишидаги умумий ва ўхшаш жиҳатларни аниқлашдир.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики (ислом ва коммунистик мафкура билан батафсил II бобда ташишиш мумкин), даврийлиги ёки мазмундан қатъий назар, мафкуралар уч таркибий қисмдан ташкил топиши маълум бўлди. Улар: биринчиси, муайян тизимга солинган (илмий, фалсафий, сиёсий, миллий, диний ва бошқа томондан асосланган) ғоялар, категориялар, тамойиллар мажмуи; иккинчиси, мафкурадаги ғоялар, категориялар ва тамойилларни амалиётга татбиқ этувчи субъектив омиллар (мафкуравий муассасалар ва идеологлар); учинчиси, ғоя ва мафкуравий категорияларни амалиётга татбиқ этиш жараёнида қўлланилган йўллар, усуллар ва воситалар (1.1-расм).



1.1-расм. Мафкуранинг таркибий қисмларининг яхлит кўриниши

Мафкура уч таркибий қисмдан иборат бўлса-да, аслида у бўлинмас, яхлит механизм ҳисобланади. Аксинча бўлса, масалан, мафкуранинг бирор қисми тўла шаклланмаган ҳолда, ўз


вазифасини бажармаса, ушбу мафкура нуқсонли бўлиб, амалиётда ўз етакчилигини йўқотади.

Таъкидлаш лозимки, мафкуранинг биринчи таркибий қисми унинг назарий-фундаментал асоси ҳисобланади. Биринчи таркибий қисмдаги муайян тизимга солинган ғоялар, категориялар ҳамда тамойиллар ана шу мафкура моҳиятини очиб берувчи асосий элементлар бўлиб, улар қандай моҳият (бунёдкорлик ёки вайронкорлик)га эга бўлса, ушбу мафкура реал ҳаётда ҳам ана шундай намоён бўлади. Мафкуранинг шаклланиш жараёни айнан, ана шу биринчи таркибий қисмдан бошланади. Мафкуранинг мазкур қисми – назарий-фундаментал асосни шаклланишида нафақат замонанинг бир гуруҳ шахслари, балки ўтмишдаги олим ва мутафаккирларнинг қарашлари ҳам роль ўйнаши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, мафкуранинг биринчи таркибий қисмидаги ғоялар, категориялар ва тамойиллар бир-биридан алоҳида тушунчалар ҳисобланади ҳамда улар амалиётда ўзига хос вазифаларни бажаради.

Ғоялар (ғоя тушунчасининг изоҳи биринчи параграфда келтирилган) мафкура таркибидан бош ва асосий ғоялар кўринишида ўрин эгаллайди. Ҳар қандай бош ғоя яқка шахс, муайян гуруҳ, миллат ёки халқ томонидан стратегик мақсад ва манфаатнинг англаниши натижасида вужудга келади. Англаган бирламчи мақсад ва ният мафкуравий мақсад бўлиб, у қандай (бунёдкор ёки вайронкор) бўлса, яралган бош ғоя ҳам шундай моҳиятга эга бўлади. Бош ғоя вужудга келиб, мафкура таркибидан ўрин олгач, у ўзида юқорида айтилган англаган стратегик мақсад ва манфаатни акс эттиради. Мафкуранинг курилишида бутун бир структура ана шу бош ғоя атрофига курилади ҳамда бош ғояни тарғиб этиш ва амалга оширишга йўналтирилади.

Мафкура таркибидаги асосий ғоялар ўз мазмунига кўра, бош ғояга нисбатан торроқ бўлиб, ўзларида бош ғоянинг алоҳида қирралари, муайян бир соҳаларнинг мақсад ва мазмунини ифодалайди ҳамда ўзаро боғланган ҳолда, бош ғояни мазмунан бойитишга хизмат қилади (1.2-расм).



1.2-расм. Мафкура таркибидаги бош ва асосий ғояларнинг жойлашуви

Асосий ғояларнинг мафкуравий амалиётдаги роли жуда катта бўлиб, улар мазмунан торроқ, бироқ аниқ бир соҳа бўйича кишиларда ишончни уйғотади. Ҳосил қилинган кичик ишончдан эса, юқорига, яъни бош ғояга ишончни шаклланишини таъминлаб беради. Дарҳақиқат, асосий ғоялар тизимлаштири-лаётганда бевосита ёки билвосита бош ғоя мазмунидан келиб чиқади ва унга тобе қилиб қўйилади. Асосий ғояларнинг миқдори қанча бўлиши бош ғоянинг, яъни анланган стратегик мақсаднинг мазмунига бевосита боғлиқ бўлиб, бунда бош ғоя чуқур мазмун-моҳиятга эга бўлса, унинг ҳар бир қиррасини хусусий тарзда ифодалаш учун асосий ғояларнинг ҳам миқдори шунга мос бўлади. Бош ва асосий ғоялар ҳамда мафкуравий категориялар биргаликда мафкуранинг назарий-фундаментал асосини ташкил этибгина қолмай, улар ана шу мафкура амал қиладиган макон ва замон учун ҳам методологик асос вазифасини ўтайди.

Юқорида қайд этилганидек, мафкуранинг биринчи таркибий қисмида ғоялар тизимидан ташқари, мафкуравий категориялар ҳам ўрин эгаллайди.

Муаллифлик ёндашувимизга кўра, *“мафкуравий категориялар бу методологик ва дунёқараш мазмунига эга бўлган, мафкуравий билиш ҳамда мафкуравий амалиёт натижасида вужудга келиб, зоявий тус олган ва ўзаро бир-бири билан қонуний боғланган асосий тушунчалар ҳисобланади”*. Ушбу тушунчалар кундалик онг натижасида эмас, балки назарий онг натижасида вужудга келганлиги билан ҳам оддий тушунчалардан фаркланади.

Бизнингча, мафкуравий категорияларнинг моҳиятини белгиловчи қуйидаги мезонлар мавжуд:

1. Мафкуравий категориялар муайян мафкуравий таълимот билан бирга вужудга келади ва ана шу мафкура монополиясида бир-бири билан қонуний боғланган ҳолда ҳаракатланади;

2. Мафкуравий категориялар қайси миллат тилида яратилган бўлса, мафкуравий амалиётда ҳам улар ҳеч бир миллат тилига таржима қилинмасдан қўлланилади;

3. Улар ҳажм жиҳатдан бир ёки икки сўздан иборат бўлади (бу уларни тушунча ҳажми қанча кенгайса – мазмун шунча тораяди, аксинча, тушунча ҳажмининг қисқалиги – унга кенг мазмун бахш этади¹, деган тескари нисбат қонунига бўйсунганини кўрсатади);

4. Улар жозибадор, таъсирчан бўлади ҳамда макон ва замон эҳтиёжларини яхлит ва дихотомик* тарзда ўзида намоён этади;

5. Мафкуравий амалиётда рақибларга нисбатан ўта муросасиз бўлади;

6. Мавжуд мафкуранинг мақсади қандай моҳият (бунёдкорлик ёки вайронкорлик)га эга бўлса, ундаги категориялар ҳам шу мақсаддан келиб чиқиб, борлиқни ўзида ифодалайди;

7. Мафкуравий категориялар инсонлар учун билиш, баҳолаш ва фаолият юритиш мезонини кўрсатувчи образли белги ҳисобланади.

Бизнинг илмий хулосаларимиз юқоридаги мезонларга тўғри келадиган мафкуравий категорияларни қуйидаги уч турга таснифлаш мумкинлигини кўрсатади. Улар:

1. Идеал* (позитив) образларни ифодаловчи категориялар;

2. Ноидеал (негатив) образларни ифодаловчи категориялар*;

¹ Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. – Тошкент: Гафур Ғулом, 2004. 72-б.

Дихотомик (грек. *dicha* – ва, *hote* – икки қисмга ажратиш) – тушунчани ўзаро зид бўлган иккита тур тушунчага ажратишдан иборат. Қаранг: Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. – Тошкент: Гафур Ғулом, 2004. 79-б.

* «Идеал» юнонча сўз бўлиб, «андоза», «намуна», «норма» деган маъноларни англатади. Қаранг: Новейший философский словарь. – М.: Наука, 1999. С.-252.; «Идеал (юн. *idea* – тимсол, ғоя, тушунча) – орзу-интилишларнинг олий мақсади. Идеал кенг маънода у ёки бу нарса, ходисанинг энг яхши, энг қадрли, энг мукамал ҳолати». Қаранг: Фалсафа энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. 122-б.

* Ноидеал (негатив) образлар ифодаловчи категориялар мафкуравий мақсадда белгиланган «андоза», «намуна» ва «норма»лардан ташқарида бўлган ҳамда уларга қаршилик қилувчи куч образларини ёритади.

3. Ҳолат ва жараён*ларни ифодаловчи категориялар.

Ушбу категориялар амалиётда ўз ўрнини сақлаб келаётган ҳар бир мафкурада мавжуд бўлади.

Мафкурадаги идеал (позитив) образларни ифодаловчи категориялар қўйилган мафкуравий мақсадга ҳамоҳанг тарзда ўзида идеал инсон ва макон(жамият)ни ёрқин рангларда акс эттиради. Мазкур категориялар инсон онгини намунага йўналтиради, танланган намуна ва андозага мутлақ ишонишни тақозо этади. Демак, идеал (позитив) образларни ифодаловчи категориялар таъсирида онгга йўналтирилган воқелик, андоза ёки намунага нисбатан мутлақ ишонч пайдо бўлади. Айнан ана шу ишонч мафкура субъектларини мудом идеалга талпиниб яшашга, унга имкон қадар тезроқ етишиш учун дадил ҳаракатларга ундайди¹. Бу ҳолат мафкуранинг ҳаракатлантирувчи, сафарбар этувчи кучини кўрсатиб беради.

Ноидеал (негатив) образларни ифодаловчи категориялар эса, мафкуравий мақсадда белгиланган идеал андоза ва нормалардан ташқарида бўлган ҳамда уларга қаршилик қилувчи кишилар, куч ва макон (жамият, давлат ва турли гуруҳлар)ни қора рангларда ифодалайди. Чунки, қарама-қаршиликсиз ҳеч нарса юзага чиқмайди. Зеро, кўзгунинг бир томони қора бўлмас экан, унда ҳеч нарсанинг акси кўринмаслиги кундек равшан². Ҳақиқатан ҳам мафкура ўз субъектларининг тарихини, бугунги куни ва келажакини кўрсатиб берувчи кўзгу вазифасини ўтайди. Бу вазифани тўлақонли бажаришида мафкурага ноидеал (негатив) образларни ифодаловчи категориялар ёрдам беради.

Ҳолат ва жараёнларни ифодаловчи категориялар ҳам айнан ана шу мафкура позициясидан келиб чиқиб, кишилар характери ва ижтимоий муҳитдаги ҳолат ва жараёнларни ўзида ифода этади.

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир мафкура ўзининг бу уч таснифдаги категориялари орқали, инсон, жамият ва ижтимоий

* «Жараён – муайян вақт оралиғида бўлиб ўтган ҳодисанинг давомийлиги... Табиатда рўй берувчи жараёнлар ва жамиятда рўй берувчи жараёнларга бўлинади. Жараёнлар сифат жиҳатдан фарқланади. Тафаккур жараёни муайян мантикий қонуниятларга бўйсунди». Қаранг: Фалсафа энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. 112-б.

¹ Мусаев Ф.А.Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. Фалсафа фан...док. дисс. – Тошкент: 2008. 86-б.

² Бёме Я. Ҳақиқат манзаралари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. 250-б.

воқеликка стратегик мақсадидан келиб чиқиб, баҳо беради. Яъни, мафкуравий мақсад илмий ва умуминсоний мезонларга тўғри келса, бу мафкуравий категорияларда ҳам акс этади ва улар мафкуравий мақсадда ифодаланаётган воқеликни реал ҳаёт билан уйғунлаштиради. Лекин, мафкуранинг мақсади аксинча бўлиб, яъни у илмийликдан, инсонийликдан узоқ бўлса-чи? У ҳолда мафкурадаги категориялар реал ҳаётдаги оқни – қора, қорани эса – оқ, деб кўрсатади. Бу жараён, биринчи навбатда, инсон руҳиятида, қолаверса жамиятнинг барча соҳаларида ўнгланиши қийин бўлган фожеаларни юзага келтиради.

Шу ўринда, мафкуравий амалиётда ишлатиладиган мафкуранинг асосий тушунчалари билан мафкуравий категориялар ўртасида тафовут мавжудлигини таъкидлаш лозим. Бу тафовут уларнинг шаклида эмас, балки мазмунида ҳам кўринади.

Маълумки, тушунча бу – борликдаги предмет ва ходисаларни умумий, муҳим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шаклларида биридир ¹. Кундалик ва илмий истеъмолда ишлатиладиган тушунчалар мазмунига кўра тасниф қилинганда бир қатор (иқтисодий, сиёсий, математик, кимёвий каби) турларга бўлинади. Мафкуранинг асосий тушунчалари ҳам худди мана шундай таснифланган, мазмун-моҳиятига кўра, бир-бирига яқин тушунчалар ҳисобланади. Бироқ бу тушунчалар борликни яқка, бир-бири билан ўзаро мантиқий боғланмаган ҳолда акс эттириш хусусиятига эга. Мазкур хусусият туфайли мафкуранинг асосий тушунчалари мафкуравий амалиётда кишилар онги ва қалбидан тўлиқ ўрин эгаллай олмайди. Шу туфайли улар мафкуравий категориялардан фарқланади.

Мафкуравий категориялар мафкурадаги асосий тушунчалардан фарқли ўлароқ, бир-бири билан қонуний, мутаносиб ҳолда боғланади ва биргаликда инсон, жамият ва ижтимоий воқеликни дихотомик ва яхлит тарзда ифодалайди. Мафкуравий категориялар барча тарихий ва замонавий мафкуралар таркибида мавжуд бўлади. Жумладан, параграф аввалида танлаб олинган ислом (1.3-расм) ва коммунистик

¹ Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. – Тошкент: Фафур Ғулом. 2004. 69-б.

мафкура (1.4-расм)ларда ҳам юқорида таҳлил қилинган мафкуравий категориялар мавжудлигини кўриш мумкин.



1.3-расм. Ислом мафкурасидаги мафкуравий категориялар



1.4-расм. Коммунистик мафкуранинг мафкуравий категориялари

Мафкуралардаги биринчи таркибий қисм, яъни муайян тизимга солинган ғоялар, мафкуравий категориялар ва тамойиллар мажмуининг назарий шаклларидаги ўхшашликдан ташқари, уларнинг амалиётида ҳам умумийлик мавжуд. Таъкидлаш керакки, муайян тизимга солинган ғоялар, мафкуравий категориялар ва тамойиллар мажмуи мафкуравий амалиётда оғзаки шаклда бўлмайди. Улар, биринчи навбатда, стратегик мақсад ва манфаатни англаган ҳамда шу орқали мафкуравий мақсадни ишлаб чиққан муаллиф(лар)нинг асарларида акс этади. Мазкур адабиётлар мафкуранинг назарий қурилиш иерархиясида юқори ўринда туради ва улар ушбу мафкура учун назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилади. Буларга мисол сифатида таҳлил учун танлаб олинган ислом мафкураси учун Ҳадиси Шарифни, коммунистик мафкура учун эса, К.Маркс, Ф.Энгельс ва В.Лениннинг асарлари, мақола ва нутқларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Кейинги поғоналарда, мафкура муаллиф(лар)ининг қарашларини чуқур англаган ва уларга маслақдош бўлган ижодкорларнинг асарлари туради. Бу турдаги асарларда мафкуравий мақсадни ифодаловчи бош ва асосий ғоялар ҳамда категориялар турли шаклларда шарҳланган ҳолда, халқчиллаштирилиб, кенг халқ оммасига яқинлаштирилади. Мазкур фикр бўйича ҳам ислом ва коммунистик мафкурага тааллуқли кўплаб асарларни масалан, Ҳадиси Шарифнинг шарҳи ва ислом ғояларининг бошқа йўналишларида ёзилган саҳобалар, тобеинлар, табаа-тобеинлар, мазҳаб асосчилари ва уламоларнинг асарларини, коммунистик мафкура бўйича эса, ўша даврда яратилган ижтимоий-гуманитар соҳа олимлари, шоир ва ёзувчиларнинг асарларини келтириш мумкин.

Мафкурадаги бош ва асосий ғоялар ҳамда категориялар фақат илмий ёки ижтимоий-сиёсий адабиётлардангина ўрин эгаллайди, дейиш нотўғри ҳисобланарди. Амалиёт тўғри ишлаб чиқилган бўлса, мафкуранинг бош ва асосий ғоялари ҳамда категориялари бадиий адабиёт (наsr ва назм), кино, театр, мультфильм, кўшиқчилик ва рассомчилик санъати намуналари, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар, қўйингки,

инсоннинг эътиборини нималар тортиши мумкин бўлса ана шулар (масалан, реклама роликлари кабилар)нинг барчасидан ўрин эгаллаши мумкин.

Амалга оширган илмий таҳлилларимиз даврийлик ва таълимот мазмунидаги фарқлар катта бўлишидан қатъий назар, барча мафкураларнинг структуравий тузилиши, жумладан, муайян тизимга солинган ғоялар, мафкуравий категориялар ва тамойиллар мажмуи ҳар бир мафкурада мавжуд эканини кўрсатиб бермоқда.

Мафкуранинг биринчи таркибий қисми ҳақидаги таҳлилларни шу ўринда яқунлаган ҳолда, унинг иккинчи таркибий қисми, мафкурадаги ғоялар, категориялар ва тамойилларни амалиётга татбиқ этувчи субъектив омиллар (мафкуравий муассасалар ва идеологлар) таҳлиliga ўтамиз.

Маълумки, мафкуравий муассасалар деганда, *моддий товарлар ишлаб чиқармайдиган, асосан, инсон онгини шакллантириш ёки уни янада ривожлантириш билан шуғулланадиган, фаолияти бевосита инсон онгига йўналтирилган ижтимоий институтлар* тушунилади¹. Ушбу ижтимоий институтлар доирасига бугунги давр нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, оила, маҳалла, барча таълим муассасалари, ижодкорлик уюшмалари (масалан, Ёзувчилар уюшмаси), сиёсий партиялар, радио ва телевидения, интернет сайтлари, ижтимоий тармоқ ва мессенжерлар ҳамда ахборот яратувчи ва уни узатувчи бошқа муассасалар киради. Диний мазмундаги мафкуралар дунёвий мазмундаги мафкуралардан фарқли ўлароқ, юқорида санаб ўтилган мафкуравий муассасалар қаторида махсус ташкил этилган ибодатхона (масжид, черков, синагогия ва ҳоказо)лардан ҳам асосий мафкуравий муассаса сифатида фойдаланадилар.

Жамиятдаги барча институтлар ҳам мафкуравий муассаса ҳисобланмайди. Бирор муассасага мафкуравий муассаса сифатида ёндашишнинг асосий мезони сифатида унинг муайян мафкура таъсирида экани ва унда ўша мафкуранинг ғоялари тарғиб этилаётгани эътиборга олинади.

¹ Пахрутдинов Ш., Саидолимов С., Маматкулов Д. Миллий ғоя ва маънавият асослари. – Тошкент: Тафаккур, 2017. б. 4-5

Мафкуравий муассаса тушунчаси мазмунини янада ойдинлаштириш мақсадида оила институти мисолида тарихий фактларга асосланган айрим маълумотларни келтириб ўтамиз.

Бизнингча, оила институти амалиётда мафкуравий ишни ташкил этиш учун бирламчи субъект ҳисобланади. Дарҳақиқат, оилага мафкуранинг субъекти сифатида қараган ҳамда унга кириб бора олган мафкуралар учун оила ўз аъзоларига ана шу мафкура ғояларини сингдирувчи мафкуравий муассаса ролини ўтайди. Тарихан кўплаб мафкуралар оилага айнан мана шундай тамойиллар орқали ёндашиб келган. Улар ўз ғоялари, категория ва тамойилларини айнан оила институти орқали кишилар онгига етказган. Бунга мисол сифатида тарихчи Наршахий томонидан ёзиб қолдирилган араблар томонидан Бухоро халқига ислом ғояларини сингдириш жараёнини келтириш мумкин: Қутайба араблар бухороликлар билан бирга яшаб, уларнинг хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиб турсалар, улар заруратдан мусулмон бўладилар, деган мақсадда Бухоро аҳолисига ўз уйларининг ярмини арабларга беришга ундаб буйруқ чиқаришни тўғри топди ва шу йўл билан у мусулмончиликни ўрнатди ҳамда шариат ҳукмларини бажаришга уларни мажбур этди¹.

Араблар бу ишлари орқали дастлаб Бухоро шаҳридаги оилаларни, кейинчалик эса, бутун Мовароуннаҳрдаги оилаларни ислом мафкураси учун мафкуравий муассаса бўлишига эришдилар. Улар маҳаллий халқнинг оиласига кириб боргач, у ерда исломий ғоялар, мафкуравий категориялар ва тамойилларини кундалик турмуш асносида кишилар онги ва қалбига сингдириб боришди. Ислом мафкураси амалиётининг дастлабки вақтлариданоқ оилага мафкуравий муассаса сифатида қаралиши маҳаллий халқ ҳаётида исломни дин сифатида мустахам ўрин олишига олиб келди. Кейинги қисқа вақт ичида бу ҳудуддан ислом таълимоти ривожига улкан ҳисса қўшган Исмоил Бухорий, Исо Термизий, Бурхониддин Марғилоний, Абу Мансур Мотурудий, Абу Хафс Кабир Бухорий каби уламолар етишиб чикди. Хусусан, Бухоро шаҳрининг ўзида нисбатан

¹ Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Камалак, 1991. 123-б.

киска муддат давомида кучли исломий муҳит вужудга келиб, бу шаҳар бутун Марказий Осиё учун Ислом динининг маркази, яъни Қуббатул Ислом даражасига кўтарилди.

Кўришиб турибдики, тарихан мафкуравий амалиётда оиланинг ўзига хос функцияси мавжуд бўлган. Бу функция орқали жамиятда амалга ошириш ўта қийин бўлган мафкуравий амалиёт ҳам оилаларда кундалик турмуш билан бевосита боғланган ҳолда доимий амал, кундалик юмуш кўринишида амалга оширилган. Тарихан муайян мафкурани оиладан барқарор ўрин эгаллаши мазкур мафкурани амалиётда энг кучли мафкуравий муассасага эга бўлишига олиб келган. Бу ҳол ана шу мафкурани мафкуравий рақобат ўта кучли бўлган даврларда ҳам яшовчанлигини таъминлаган.

Оилага кириб бора олмаган ёки у ердан юзаки жой олган мафкуралар эса, амалиётда юз берадиган мафкуравий рақобатлар даврида сўзсиз равишда жамият миқёсидаги мавқеидан ҳам айрилган. Бунга коммунистик мафкурани оилага кириб боришга уринишни кўрсатувчи РСФСР томонидан 1917 йил 18 декабрдаги «Гражданлик никоҳи, болалар ва гражданлик ҳолатларини қайд қилишни олиб бориш тўғрисида»ги декретда шаърий никоҳни ҳақиқий эмас, деб белгилаб қўйилиши¹ ҳамда анъанавий тўйлар ўрнига комсомол тўйлар (ёки қизил тўйлар)ни жорий этилиши каби мисолларни келтириш мумкин. Таъкидлаш ўринлики, комсомол тўйларнинг асл мақсади анъанавий диний маросимларга барҳам бериш бўлган. Бироқ бундай тўйлар аҳоли ҳаётига жуда секинлик билан кириб келган². Албатта, коммунистик мафкура ҳам оила институтига мафкуравий муассаса сифатида қараган ҳамда юқорида келтирганимиздек, маҳаллий халқ менталитетига мос келиш ёки келмаслиги чуқур таҳлил этилмасдан, кўп ҳолларда директив шаклда ҳаракатлар амалга оширилган. Мазкур уринишлар мафкуравий тарғибот авж олган ва изчил амалга оширилган даврларда ўзининг қисман натижаларини кўрсатган. Жумладан, буларга мисол қилиб, маҳаллий халқ орасида интернационал (эр ўзбек, хотин рус

¹ Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 135-б.

² Эгамберганаева М.Ж. Хоразм воҳаси туркманлари анъанавий идентиклигидаги ўзгаришлар. «Ўтмишга назар / Взгляд в прошлое / Look to the past» журнали 2021 йил 10 сон, 63 бет.

миллатига мансуб) оилаларнинг пайдо бўлиши, ўзбек оилаларида (кўпроқ марказий шаҳарларда) кундалик сўзлашувнинг руслашуви, маҳаллий халқ фарзандларига «Маркс», «Мэлс», «Ленинза», «Тельман» каби мафкуралашган исмларнинг кўйилиши кабиларни келтириш мумкин. Таъкидлаш керакки, коммунистик мафкура жуда фаол уринса-да, маҳаллий халқнинг оилавий ҳаётига чуқур кириб бора олмаган бўлиб, бу ҳолатни мафкура тарғиботи сустлашган ва кейинчалик тўхтаган вақтлардан бошлаб, халқ ўзининг тарихий турмуш анъаналарини жуда тез тиклаганида кўриш мумкин. Мисол учун «Хуқуқий ахборот» телеграм-боти хабарига кўра, Ўзбекистон Республикасида қайд этилган оилаларда 2018 йилда дунёга келган ўғил болаларнинг 7785 нафарига «Мустафо», 7030 нафар қиз болаларга «Солиҳа» деб исм берилган¹.

Бизнингча, юқоридаги таҳлилардан шундай хулоса чиқадики, мафкуравий муассалар фаолиятига юзаки, илмий асосланмаган ҳолда қараб бўлмайди. Агар юзаки қаралса, бундай мафкураларнинг амалдаги фаолият муддати жуда оз бўлади.

Амалиётда мафкуравий муассасалар зиммасига бошқа ишлаб чиқариш муассасаларига нисбатан икки баробар кўп вазифа ва масъулият юкланади. Чунки, мафкуравий муассасаларда мафкура субъектларининг ғоявий тарбиялаш ишлари амалга оширилади. Мазкур жараёнда бевосита субъект сифатида иштирок этадиган шахслар идеологлар ҳисобланади.

Муаллифлик таърифимизга кўра, идеолог *деганда, муайян мафкура учун бирламчи субъект бўлган, ўз мафкурасининг мақсади, бош ва асосий ғоялари ҳамда категорияларининг моҳиятини англаган ва уларга ишонган ҳамда ўзи ишонган ғоя ва қарашларни бошқа инсонларда ҳам шакллантира олиш малакасига эга шахслар тушунилади*. Идеологлар мафкуравий амалиётда асосий роль ўйнаб, мафкура назариясини мазкур мафкура учун объект бўлган, яъни мафкуравий мақсадни тўла тушуниб етмаган, ҳали ҳаётий ҳаракат йўналишига эга бўлмаган кишилар онгига етказиш вазифасини бажарадилар. Ушбу

¹ Жалилов Б. Ўзбек, рус ва инглиз тиллардаги прецедент номлар таҳлили // ЎЗМУ хабарлари. 2020. 1/1 сони-227-б.

масалада тарихий мафкуралар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, масалан, ислом мафкурасида Муҳаммад алайҳиссалом, сўнгра, у зотнинг ҳалифалари, саҳобалар, тобеинлар, табаа-тобеинлар, мазҳаб асосчилари, уламолар, мударрислар, имомлар, воизлар идеолог сифатида кўрилади. Ўз вақтида мазкур идеологлар ҳаётий ҳаракат йўналишига эга бўлмаган кишилар (дастлаб, араб жамиятидаги иқтисодий ва ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлам) онгига мафкуравий мақсадни етказганлар.

Коммунистик мафкурада ҳам идеологлар иерархияси шакллантирилган ҳолда, бош идеологлар – доҳийлар сифатида К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И.Ленин ва кейинчалик улар қаторига Сталин киритилган. Улардан ташқари, амалда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси (КПСС) аъзолари (1983 йил 1 январь ҳолатига кўра 18 117 903 партия аъзоси бор эди¹), Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети аъзолари (масалан, 1990 йил КПСС XXVIII съездида – 412 аъзо бўлган²), Ёзувчилар уюшмалари ва шу каби мафкуравий муассасаларнинг аъзолари ҳам бор эди. Мазкур идеологлар ҳам амалдаги бошланғич фаолиятини жамиятдаги (мафкуравий мақсадни тушуниб етмаган, ҳаётий ҳаракат йўналишига эга бўлмаган кишилар) ишчи (пролетар) ва деҳқонлар қатламига тарғиб этишдан бошлаган.

Юқорида тилга олинган икки мафкура идеологлар иерархиясининг хизматлари ўлароқ, кейинчалик ислом мафкурасининг муваффақияти учун араб жамиятидаги иқтисодий ва ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлам, коммунистик мафкура муваффақияти учун эса, совет жамиятидаги ишчи ва деҳқонлар қатлами асосий таянч вазифасини ўтаб бергани тарихий фактдир.

Шу ўринда айтиш лозимки, мафкуравий муассасалар ва идеологлар фаолияти ҳар бир мафкуранинг амалий фаолияти ҳисобланади. Яъни, улар фаолиятининг таъсирчан экани мазкур мафкуранинг амалиёти самарали ташкил этилганини кўрсатади.

¹ Агитатор ва сиёсий ахборотчининг қисқача луғат-справочниги. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. 44-б.

² XXVIII съезд Коммунистической партии Советского Союза. 2-13 июля 1990 года. Стенографический отчет. Том 1. – М., Издательство политической литературы, 1991. 639-с. - ISBN 5-250-01713-4.

Ундан ташқари, мафкуравий муассасалар ва идеологлар фаолиятида мафкуранинг уч таркибий қисмидаги биринчи, муайян тизимга солинган ғоялар, категориялар, тамойиллар мажмуи ҳамда учинчи, ғоя ва мафкуравий категорияларни амалиётга татбиқ этиш жараёнида қўлланилган йўллар, усуллар ва воситалар бирлашади.

Бу ҳолат мафкуравий муассасалар ва идеологларга катта масъулият юклайди. Шунга кўра, идеологлар, аввало, ўзлари тааллуқли бўлган мафкура назариясининг мазмун-моҳиятини тўла тушуниб олоқлари, амалиётда уларга мос усул ва воситаларни қўллай олишлари лозим бўлади. Идеологларнинг энг асосий ва бирламчи қуроли сўз бўлганлиги учун ҳам унинг фаолиятида мафкура назарияси: тизимга солинган ғоялар, категориялар, тамойиллар мажмуи асосий роль ўйнайди. Ғоя ва категориялар идеологнинг сўзлайдиган нутқида, ёзадиган мақоласи, яратадиган асарлари ҳамда бошқа шу каби фаолиятларида аниқ позицияни таъминлаб беради. Уларсиз ҳеч бир идеолог ўзининг бадиий, илмий-назарий ва амалий фаолиятида мафкура объектларига қайси йўл тўғри-ю, қайси йўл нотўғри эканини аниқ ва бардавом тушунтириб бера олмайди. Ўзи тааллуқли бўлган мафкуранинг бош ва асосий ғояларини ҳамда категорияларни тўла тушуниб олган ва уларни ўз ўрнида ишлатиш малакасига эга бўлган идеологгина мафкуравий компетентликка эга шахс сифатида мафкуравий мақсадга мос ҳолда фаолият юрита олади.

Бизнинг фикримизча, мафкуравий компетентлик деганда – *бу шахснинг мафкура соҳасида чуқур билимга эгаллиги ва муайян мафкура бўйича кучли мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлиги ҳамда ўз мафкурасидаги ғоя ва қарашларни бошқа инсонларда ҳам шакллантира олишини кўрсатувчи хусусият* тушунилади.

Мафкуравий компетентликда учта асосий компонент мавжуд бўлиб, улар:

1. Мафкура соҳасида чуқур илмий-назарий билимга эгаллик;
2. Муайян мафкура бўйича кучли мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлиги;

3. Ўз мафкурасидаги ғояларни бошқа инсонларда ҳам шакллантира олиш малакасининг мавжудлиги.

Таъкидлаш керакки, жамиятдаги барча шахсларга идеолог сифатида қараб бўлмайди. Чунки, муайян шахс идеолог сифатида кўрилиши учун, албатта, мафкуравий компетентликка эга бўлиши талаб этилади. Юқорида келтирилган ислом ва коммунистик мафкура идеологлари иерархиясида тилга олинган шахсларда албатта мазкур хусусият бўлганини таъкидлаш лозим.

Шу ўринда айтиш лозимки, мафкуравий компетентлик фақат бунёдкор мафкурага асосланган бўлади, дея хулоса чиқариб бўлмайди. Чунки, ижтимоий ҳаётда бошқа мафкуралар, жумладан, вайронкор мафкуралар (диний ақидапарастлик, оммавий маданият, миссионерлик ва бошқа ғоялар)ни тарғиб этувчи шахсларда ҳам ўз мафкураларига асосланган компетентлик мавжуд бўлишини ёддан чиқармаслик керак.

Мафкуранинг учинчи таркибий қисми ғоя ва мафкуравий категорияларни амалиётга татбиқ этиш жараёнида қўлланилган усуллар ва воситалар ҳисобланади. Усул деганда, *«ғоя демасдан туриб, ғояни сингдириш жараёни»* тушунилади. Мазкур жараёнда мафкуравий мақсад, бош ва асосий ғоялар йиғин ва анжуманлар, анъана ва маросимлар («комсомол тўйлар» ёки «қизил тўйлар» каби), ранг-тасвир, куй-қўшиқ, мултфильм ва фильмлар, монументал санъат кабилар мазмунига сингдирилади. Яъни, бу жараёнда мафкура ва ғоя ҳақида ошкора фикр юритилмайди. Тарғибот «юмшоқлик» билан юқоридагилар орқали амалга оширилади. Натижада, масалан, мултфильм – шаклан мултфильм, мазмунан эса, ғоялар мужмуига айлантрилади. Мафкуравий усуллар замон ва маконга ҳамда мафкураларнинг таълимотидаги тафовутларга қараб ҳам фарқ қилиши мумкин. Лекин мафкуравий усуллардаги асосий умумий жиҳат – уларнинг барчасида *«ғоя демасдан туриб, ғояни сингдириш жараёни»* амалга оширилади.

Восита деганда, *мафкура назарияси: ғоялар, категориялар, тамойиллар мажмуасини мафкура субъектларидан мафкура объектларига етиб бориши учун дастак бўлиб хизмат қиладиган нарсалар* тушунилади. Мафкуравий жараёнда қўлланиладиган воситаларга мисол сифатида газета, журнал,

китоб, оммавий ахборот воситалари кабиларни келтириш мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак, юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, ҳар бир мафкура хусусий ҳолда мураккаб ва мазмунан ўзига хос ижтимоий механизм ҳисобланади. Лекин шунга қарамай, ушбу хусусий моҳият ичида умумий жиҳат, яъни мафкураларнинг таркибий тузилишда ўхшашлик мавжудлигини кўриш мумкин. Мазкур умумийлик, аввало, ҳар бир мафкурада, муайян тизимга солинган ғоялар, мафкуравий категориялар, тамойиллар мажмуидан иборат назарий қисм, иккинчидан, мафкурадаги ғоялар, мафкуравий категорияларни амалиётга татбиқ этувчи мафкуравий муассасалар ва идеологлар иерархияси ҳамда учинчидан, ғоя ва мафкуравий категорияларни амалиётга татбиқ этиш жараёнида қўлланилган усул ва воситаларни бўлишида кўринади.

Мазкур параграфда хусусий мафкураларнинг умумий ва ўхшаш жиҳатлари ҳамда уларнинг таркибий тузилишини аниқланиши миллий мафкурамизни янада такомиллаштириш имкониятини яратади. Ҳозирда мазкур вазифани назарий ва амалий жиҳатдан давр талаблари асосида бажара олсак, мафкура соҳасидаги ғалабанинг аҳамияти сиёсат ва иқтисодиёт соҳасидаги ғалабаникидан кам бўлмайди¹.

1.3-§. Ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар трансформацияси ва уларни классификациялаш масалалари

Ўзбек халқининг тарихий тараққиёти мафкуравий жараёнлар билан чамбарчас боғланган. Тарих шуни кўрсатадики, баъзан мафкуравий жараёнлар барқарор тараққиётни таъминлаб берган бўлса, баъзи ҳолларда ғоя ва мафкуралар тараққиётни боши берк кўчага етаклаган, турғунлаштирган ёки чуқур инқирозларга сабаб бўлган. Хўш, мазкур жараёнларда халқимизни қайси куч бирлаштирган? Миллий ғоя мавжуд бўлса, нима учун у чуқур инқирозларга қарши тура олмаган?!

¹ Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. 74-б.

Мазкур параграфда кўйилган вазифаларнинг долзарблиги шундаки, унда:

– Ўзбек халқининг тарихий тараққиётида мафкуравий жараёнлар генезиси қайси тарихий даврларга бориб тақалади, унинг шаклланиши қачон бошланган?

– Ҳозиргача бўлган даврда мафкуравий трансформация (лотинча *transformatio* – қайта ўзгариш, қайта ҳосил бўлиш) тадқиқ этилганми?

– Мафкуравий жараёнлар трансформацияси таснифланган (даврлаштирилган)ми?

– Ҳозирги давргача бўлган мафкуравий трансформация жараёнларида миллий ғояни қандай умумий белгилари сақланиб қолган?

– Ўзининг ривожланиш эволюциясида миллий ғоя қандай фойдали хусусиятларини йўқотган? каби муаммоли саволларга жавоб топиш учун илмий таҳлил ва мулоҳазалар амалга оширилади.

Таъкидлаш ўринлики, мазкур саволларнинг барчасига фандаги классификация илми орқали жавоб топилади. Классификация тушунчаси ўзбек тилида таснифлаш шаклида кўлланилади. Таснифлаш (арабча – саралаш, тартибга солиш), классификация – илм ёки инсон фаолиятининг бирор соҳасига оид ўзаро бир хил тушунчалар системаси. Таснифлаш ҳар бир фанга хос муҳим мантиқий амал бўлиб, унинг воситасида шу фан доирасида тўпланган билимлар қатъий тартибга солинади¹.

Таснифлаш, аввало, ўрганилаётган объект, масалан, мафкуравий жараёнларнинг ривожланишига доир эмпирик ахборот мажмуасини тартибга келтириш усули сифатида мазкур объектга оид ахборотларни тартиблаш, тизимга келтириш имконини беради.

Мазкур параграфнинг вазифаси бўйича таснифлашга мураккаброқ мақсад кўйилган бўлиб, ундан мақсад ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар трансформациясининг маълум структурасини белгилаш, ушбу жараёнда миллий ғояни

¹ Фалсафа энциклопедик луғат. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, – Тошкент: 2010. – б. 256-257

муайян мафкуралар билан боғланган, алоқадорликдаги қоида ва қонуниятларини аниқлаш ҳамда ҳар бир объектни (бирликни) ўзининг жойи ва таснифланган объектлар ўртасидаги горизонтал ва вертикал алоқаларини ўрганиш ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, таснифлаш тушунчаларни бўлишнинг бир тури бўлганлиги сабабли, у тушунчалар доирасини бўлиш амалиётида қўлланиладиган барча қоидаларга бўйсунди. Шунга кўра, таснифлаш фақат битта аниқ асосда амалга оширилиши керак. Агар бу қоида бузилган бўлса, у ҳолда тушунчалар кесишиши пайдо бўлади¹. Масалан, «қоғоз оқ, қора, қалин, ингичка бўлади» мисолида хатога йўл қўйилган бўлиб, бўлиниш бир асосда эмас, балки бир вақтнинг ўзида иккитадан иборат. Яъни, биринчи асос – ранг, иккинчи асос – қалинлик.

Таснифлашнинг яна бир асосий шарти бўлинувчи бирликлар бир-бирини истисно қилишлари кераклигидадир. Яъни, унга кўра, кичик синфларга бўлиниш узлуксиз бўлиши керак².

Таснифлаш жараёнида юзага келадиган қийинчиликлардан яна бири бу унда «ўтиш шакли»нинг мавжудлигидир³. Унга кўра, бир бўлинма тури икки ёки ундан кўп даражаларга мос келиб қолади. Масалан, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таснифлашда сўз эркинлигини табиий (туғма) ҳуқуқларга ҳам, сиёсий ҳуқуқларга ҳам киритиш мумкин.

Ундан ташқари, таснифлашни туркумлашдан жиддий фарқ қилишини ҳам айтиб ўтиш лозим. Унга кўра, таснифлаш орқали бирликлар ва кўпликлар ўртасидаги генетик (тарихий), функционал, структуравий, тизимли алоқадорлик тартиботи аниқланса, туркумлашда бир хил сифат ёки моҳиятга эга бўлган мажмуани гомоген (бир хил) кўпликларга ажратиш, тақсимлаш ва тизимлаш амалга оширилади.

Юқорида келтирилган шартларга амал қилган ҳолда, ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар трансформациясининг тўғри таснифини яратиш мумкин. Бизнингча, таснифлаш жараёнида хатоликка йўл қўймаслик учун, қуйидаги асосларга таяниш лозим. Улар:

¹ Гетманова А. Д. Учебник по логике. - М.: Владос, 1995. 47-с.

² Кондаков Н. И. Логический словарь-справочник. - М.: Наука, 1975. 248-с.

³ Гетманова А. Д. Учебник по логике. - М.: Владос, 1995. 51-с.

1. Ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар генезиси қайси тарихий давр ва манзилларга бориб тақалишини аниқлаш ва шу орқали дастлабки тасниф бирлигига эга бўлиш;

2. Ўзбек халқи тараққиётида ғоя ва мафкуралар трансформациялашуви даврларини аниқлаш ва шунга таянган ҳолда, уларни янги тасниф birlikларни ажратиш.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳозиргача бундай тадқиқот ишлари амалга оширилмаган, шунинг учун ҳам илмий истеъмолда бундай таснифлар мавжуд эмас.

Мазкур тадқиқот ишининг долзарблиги ва аҳамияти шундаки унда илк бор ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар трансформациясининг таснифлаш бўйича муаллифлик ёндашуви илмий асосланади.

Маълумки, таснифлашда дастлабки birlikни аниқлаш жуда муҳимдир. Шунга кўра, дастлаб ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар генезисини таҳлил этамиз.

Ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий трансформациялашув тарих фани билан чамбарчас боғлиқликка эга. Бу ўринда тарих фанига, жумладан, тарихчи олимларнинг юртимиз тарихини даврлаштиришга оид ёндашувларига мурожаат қилмаслик мумкин эмас.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, бугунги кунда амалдаги тарих дарсликларида ¹ Ўзбекистон тарихи қуйдагича даврлаштирилган:

- 1) Қадимги давр – энг қадимги даврдан – IV асргача;
- 2) Ўрта асрлар тарихи – IV-XVI асргача;
- 3) Хонликлар даври – XVI асрдан – XIX аср ўрталаригача;

¹ Қаранг: Tarix. Qadimgi dunyo 6-sinf: umumiy o'rta ta'lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik / A.Sagdullayev, V.Kostetskiy. - Tuzatilgan va to'ldirilgan beshinchi nashr. – T.: Yangiyo'l poligraf servis, 2017. - 192 b; O'zbekiston tarixi: 7-sinf uchun darslik. Qayta ishlangan uchinchi nashr / Muall. A.Muhammadjonov. – T.: Sharq, 2017. – 160 b; O'zbekiston tarixi: Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik. / U.Jo'raev va boshq. Qayta ishlangan va to'ldirilgan 4-nashri – T.: O'qituvchi NMIU, 2019. – 160 b; O'zbekiston tarixi (XIX asrning ikkinchi yarmi — XX asr boshlari): 9-sinf uchun darslik / Mas'ul muharrir: D.A. Alimova. – T.: Sharq, 2019. – 160 b; O'zbekiston tarixi: O'rta ta'lim muassasalarining 10-sinfi va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarining o'quvchilari uchun darslik / Muall.: Q.Rajabov, A.Zamonov. 1-nashri. – T.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017. – 144 b; O'zbekiston tarixi: O'rta ta'lim maktablarining 11-sinf o'quvchilari va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari uchun darslik / Muall.: N.Jo'rayev, A.Zamonov. 1-nashri. – T.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2018. – 144 b.

4) Россия босқини даври – XIX аср ўрталаридан – 1917 йилгача;

5) Советлар даври – 1917-1991 йиллар;

6) Мустақиллик даври – 1991-2017 йиллар.

Ушбу даврий ёндашувни ҳам, албатта, мутлақ деб бўлмайди. Чунки, бугунги кунда айрим тарихчи олимлар ўз тадқиқот ишларида даврлаштиришни такомиллаштириш масалаларини кўтараётгани маълум. Мана шундай тарихчи олимлардан академик А.Асқаров томонидан таклиф этилган даврийлаштириш ҳам эътиборга молик. Унда олим томонидан Ўзбекистон тарихи бўйича қуйидаги еттита асосий давр кўрсатиб ўтилади:

1) Ибтидоий тўда даври (1 млн – 40 минг йилликлар);

2) Ибтидоий уруғчилик жамоаси ва мулк эгаллигининг шаклланиш даври (40 минг йилликдан – милодий IV асрларгача);

3) Илк Ўрта асрлар даври (V асрдан – VIII аср охиригача);

4) Ўрта асрлар даври (IX аср ўрталаридан – XIX асрнинг биринчи ярмига қадар);

5) Мустамлакачилик ва миллий уйғониш даври. (XIX аср ўрталари, подшо Россияси босқини давридан то 1917 йил Октябрь давлат тўнтаришигача);

6) Советлар даври (1917-1991 йиллар);

7) Миллий истиқлол, мустақилликка эришиш ва демократик-фуқаролик жамияти қуриш даври¹.

Таъкидлаш керакки, юқорида келтирилган амалдаги ҳамда янги таклиф этилаётган Ўзбекистон тарихини даврлаштиришга оид ёндашувлар, албатта, тарих фани талаблари доирасида ишлаб чиқилган ва ўзининг илмий-методологик асосларига эга. Мазкур ёндашувларга баҳо беришни тарихчи олимларга қолдирган ҳолда, бу даврлаштиришлар тадқиқотда кўтарилаётган ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар трансформациясини таснифлаш муаммосига мос келмаслигини айтишимиз лозим. Бунинг асосий сабаби тарих фани даврлаштиришни инсоният ибтидосининг даслабки вақтларидан бошлашга эътибор қаратади. Бу масалада тарих фани учун

¹ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – б 67-90.

маънавий манбанинг етишмаслиги муаммо эмас, моддий манбалар мавжудлигининг ўзиёқ мазкур масала учун етарли ҳисобланади.

Ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий трансформацияни таснифлаш муаммосига келадиган бўлсак, мазкур масалада тарих фани билан бир хил ёндашувда туриб бўлмайди. Чунки, мафкуравий жараёнлар трансформациясини таснифлашда моддий манбалар эмас, асосан маънавий ва ғоявий аҳамият касб этадиган манбалар эътиборга олинади.

Хўш, Ўзбекистон тарихида маънавий ва ғоявий аҳамиятга эга тарихий манбалар қайси даврларга бориб тақалади? Аввалдан шуни айтиш мумкинки, мазкур даврнинг аниқланиши мамлакатимиз ҳудудида ғоялар генезисини аниқлаш имконини беради.

Албатта, ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар генезиси қайси тарихий давр ва манзилларга бориб тақалишини аниқлаш ва шу орқали дастлабки тасниф бирлигига эга бўлиш учун изланишларимиз зоя кетмади. Унинг натижаларига кўра, мамлакатимиз ҳудудида дастлабки мафкуравий жараёнлар генезиси Сурхондарё вилоятида жойлашган Тешиктош ғорига бориб тақалиши маълум бўлди. Мазкур манзилгоҳ милоддан аввалги 100-40 минг йиллар – ўрта палеолит даври маданиятининг жаҳонга машҳур ёдгорлиги ҳисобланади. Бу жой биринчи марта рус олими А.П.Окладников томонидан 1938-1939 йилларда ўрганилганда, ундан 8-9 ёш атрофидаги неандертал боланинг суяк қолдиқлари топилган. Бу топилманинг тадқиқотимиз учун аҳамияти шундаки, унда «бола дафн қилинган жой атрофида тоғ эчкисининг бир неча жуфт шохи ётган. Марҳумни қабрга турли буюмлар билан кўмиш, дастлабки диний тасаввурларнинг пайдо бўла бошлаганлигидан далолат беради»¹.

Милоддан аввалги 100-40 минг йилларга бориб тақаладиган мазкур асос дастлабки диний эътиқодлар юзага келганини, бу

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти – Тошкент: 2010. 351-б. <https://n.ziyouz.com>.

сода диний тасаввурлар, ўз навбатида, мамлакатимиз ҳудудида мафкуравий жараёнлар бошланганидан далолат беради¹.

Ундан ташқари, мамлакатимиз ҳудудида мафкуравий жараёнлар генезисига тааллуқли яна бир асос борки, бу петроглифлар, яъни қоятош расмлардир. Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги қоятош расмлар мезолит даври яъни милоддан аввалги 12-7 минг йилликларга тааллуқли бўлиб, у 1912 йилда Сурхондарё вилоятида, Термиздан 100-110 километр шимолий-ғарбда жойлашган Зараутсой дарасидан топилган².

2001 йилда эса, Китоб шаҳридан 25 километр шимолий-ғарбда Зарафшон тизими ёнбағирларида Сийпантош қоятош расмлари ҳам аниқланган бўлиб, улар тахминан мезолит (мил. авв. 12–7 минг йилликлар) ва неолит (мил. авв. 6–4минг йилликлар) даврларига оид (Р.Х.Сулаймонов)дир. Минерал бўёқ-оҳра, жигар, қизил ва оқ рангдаги геометрик расмлар (халқа, хоч, ромб ва чизиқлар), қуёшнинг рамзий тасвири, ёввойи буқа ва аёл бармоқлари излари, умуман, Сийпантош расмлари самовий эътиқодни ўзида акс эттиради, деган тахминга асос бўлади³. Заратсой ва Сийпантошдан ташқари, бундай қоятош расмлари юртимиздаги Сармишсой, Биронсой ва Илонсой каби ҳудудларда ҳам учрайди.

«Тешиктош одами»нинг дафн этилиш тартиби, Зараутсой, Сийпантош, Сармишсой, Биронсой ва Илонсой каби қоятош расмлар берган асослар, тадқиқотимиз учун ўзбек халқи тарихида ғоялар генезиси қайси даврларга бориб тақалишини аниқлаш имкониятини беради.

Бизнингча, юқоридаги асослар ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар шаклланишининг биринчи даврини «Илк мафкуравий жараёнларнинг вужудга келиш даври (мил.авв. 100 – 1 минг йилларгача)» сифатида белгилаш мумкинлигини кўрсатади.

«Ўрта Осиёда палеолит даври эътиқодларига доир маълумотлар кўп эмас. Шу боисдан, адабиётларда кўпинча сўнгги палеолитда вужудга келган тотемизм (уруғ жамоалари

¹ Sagdullayev A.S. O'zbekiston tarixi, I kitob. – T.: Donishmand ziyosi MЧЖ, 2021. – B. 66-71.

² Зараутсой расмлари. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-z/zarautsoy-rasmlari-uz/>

³ Sagdullayev A.S. O'zbekiston tarixi, I kitob. – T.: Donishmand ziyosi MЧЖ, 2021. 68-b.

аъзоларининг маълум ҳайвон зоти, қушлар ва ўсимликлар билан калин алоқадорлигига ишониш), анимизм (инсонни ўраб турган муҳитда жонлар, руҳларнинг мавжудлигига ишониш), фетишизм (омад ва фаровонлик келтирувчи ёхуд бало-қазони бартараф этувчи, ёмон кўздан сақловчи нарса – тумор, мунчоқ, ҳайвон шохи, тиши ва ҳ.к. га ишониш ҳамда магия (сеҳргарликка эътиқод қилиш) ҳақида гапирилади»¹. Тарихий манбаларда тотемизм, анимизм ва фетишизм сингари ибтидоий мафкураларни мазкур даврларда шаклланиганини қайд этилиши ҳам юқорида милоддан аввалги 100 – 1 минг йилларгача бўлган даврни «Илк мафкуравий жараёнларнинг вужудга келиш даври» сифатида белгилашда хатоликка йўл қўймаганимиздан далолат беради.

Назаримизда, ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар генезисини аниқлашда асосий муаммо ҳал этилди. Дарҳақиқат, мазкур параграфнинг асосий мақсадлардан бири ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнларнинг бошланғич асоси – «Илк мафкуравий жараёнларнинг вужудга келиш даври»ни аниқлаб олиш эди.

Юқорида қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, эндиликдаги вазифамиз ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар трансформациялашув даврларини аниқлаш ва шунга мувофиқ уларни янги тасниф бирликларга ажратиш ҳисобланади.

Маълумки, ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар генезисини аниқлаш моддий манбалар (хайвон шохлари, қабрга қўйилган турли хил буюмлар, қоятош расмлари: оҳра бўёғи, турли геометрик расмлар, қуёшнинг рамзий тасвири, ёввойи буқа ва аёл бармоқлари излари кабилар)га таянилган ҳолда амалга оширилди. Яъни, бу давр учун маънавий ва ғоявий аҳамиятга эга бўлган моддий манбалар бирламчи роль ўйнади.

Шу ўринда табиий савол туғилади: Ўзбекистон тарихида ёзма – тош, суяк, сопол, темир ҳайвон териси кабиларга битилган ёзувлар; этнографик (ethnos – халқ, grapho – ёзаман) яъни, қабила, уруғ, халқни келиб чиқишига доир маълумотлар

¹ Ўша манба. - 67 б.

ҳамда халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ манбаллар қайси даврларга бориб тақалади?!

Мазкур саволга жавоб топилиши ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнларнинг дастлабки трансформациялашув даврини аниқлаш имконини юзага келтиради.

Қўйилган вазифадан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз тарихида ёзма, этнографик ҳамда халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ манбалар таҳлил қилинганида, дастлабки ёзма манба сифатида Зардуштийлик динининг муқаддас китоби Авесто юзага чиқади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, милоддан аввалги I минг йилик ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнларнинг биринчи трансформациялашув даври ҳисобланади. Чунки, бу даврда мифологик қарашлар ўрнида Зардуштийлик таълимоти шакллана бошлаган.

Зардуштийлик, зороастризм – милоддан аввалги VII-VI асрларда вужудга келган дин. Асосчиси – Зардушт¹, муқаддас китоби Авесто ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, Зардуштийлик ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнларда туб бурилиш ясаган, ўзидан аввалги стихияли (ташқи мафкуравий кучлар таъсирини кўзда тутмаган), содда, мифологик қарашларнинг ижтимоий даражасини йўққа чиқарган, Ўзбекистон тарихида биринчи профессионал мафкура сифатида ижтимоий ҳаётда ғоялар алмашинуви – трансформациялашувни амалга оширган таълимот ҳисобланади.

Зардуштийликнинг аввалги илк мафкуравий жараёнлардан фарқи унда, *биринчидан*, барча етук мафкураларга хос бўлган: 1) муайян тизимга солинган ғоялар, мафкуравий категориялар, тамойиллар мажмуидан иборат назарий қисм; 2) ғоялар, мафкуравий категорияларни амалиётга татбиқ этувчи мафкуравий муассаса ва идеологлар иерархияси; 3) ғоя ва мафкуравий категорияларни амалиётга татбиқ этиш жараёнида қўлланилган усул ва воситалар мажмуаси мавжуд бўлган;

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти – Тошкент: 2010. 53-б. // <https://n.ziyouz.com>.

Иккинчидан, у муайян уруғ ёки қабила ҳудудидан чикиб, катта ҳудудлардаги этносларни ягона ғоя таъсирига кирита олган. «Сўнгги тадқиқот хулосаларига қараганда, Ўрта Осиё, хусусан, Хоразм Зардуштийликнинг ватани бўлган. Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқнинг бир неча мамлакатларида тарқалган»¹;

Учинчидан, Зардуштийликнинг шаклланиши Ўрта Осиё ҳудудида илк давлатчиликнинг шаклланиш даврларига тўғри келади. «Милоддан аввалги I минг йиллик бошларида Бактрия, Суғд ва Хоразм каби тарихий-маданий вилоятлар шаклланади... Бу даврда нисбатан ҳудудий йирик мулклар – қадимги Бактрия ва қадимги Суғд давлатлари, шунингдек шимолда сак-массагетларнинг қабилалараро конфедерациялари ташкил топган»². Шу сабабли ҳам зардуштийлик таълимотини ўзбек халқининг миллий давлатчилиги ва миллий ғоясини шаклланиш пойдевори – ядросидан жой эгаллаган асосий мафкура сифатида хулоса қилиш мумкин.

Юқоридаги таҳлилларнинг барчасини инобатга оладиган бўлсак, милоддан аввалги I минг йиллик ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнларнинг биринчи трансформациялашуви ҳамда миллий ғоянинг шаклланиш даври ҳисобланишига яна бир бор амин бўламиз.

Илмий таҳлиллар натижасида қўлган киритилган ушбу хулосалар ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнларнинг иккинчи даврини «Миллий хусусият ва миллий ғоянинг шаклланиш даври (Мил. авв. 1-минг йиллик бошлари – милодий VIII асрларгача)» сифатида белгилаш мумкинлигини кўрсатади.

Шу ўринда ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар трансформациясини таснифлашда аниқланаётган ҳамда тадқиқот ишининг таклифи сифатида илгари сурилаётган даврларнинг мазмунини тўла шархлай олмаётганимиз сабабини айтиб ўтиш жоиз. Маълумки, мазкур параграф ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар трансформациясининг таснифлаш муаммосига бағишланган. Шунга кўра, қўйилган вазифадан

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти – Тошкент: 2010. 53-б. <https://n.ziyouz.com>

² Sagdullayev A.S. O'zbekiston tarixi, I kitob. – T.: Donishmand ziyosi MЧЖ, 2021. 95-б.

узоқлашмаслик ҳамда параграфнинг хажми ортиб кетишини олдини олиш учун ҳам аниқланган даврлар мазмунини тўлиқ илмий таҳлил этиш 2 боб вазифасига киритилган.

Юқоридаги таҳлиллар натижасига кўра, ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнларнинг биринчи ва иккинчи даврлари аниқлаштирилди. Эндиликдаги асосий вазифамиз халқимиз тараққиётида зардуштийликдан кейинги мафкуравий жараёнларни таснифлашдир.

Маълумки, зардуштийлик халқимиз ҳаётида милодий VIII аср бошларига қадар дин ва асосий мафкура ролини ўтаган. Бу вазият ислом дини ва мафкураси кириб келгунга қадар давом этган.

Шу ўринда табиий саволлар туғилади. Нима учун арабларга қадар ҳам юртимизга кириб келган ва бу ҳудудларга ўзининг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий таъсирини ўтказган Аҳмонийлар (милоддан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмидан, то икки юз йил, яъни милоддан аввалги 330 йилгача ҳукмронлик қилган) ёки Александр Македонский (милоддан аввалги 329-327 йилларда юртимизга босқинчилик юришларини амалга оширган) даврларида мафкуравий жараёнларда катта ўзгаришлар юз бермаган?!

Айтиш лозимки, мафкуравий трансформация икки хил шаклда бўлади: биринчиси – прогрессив, иккинчиси – регрессив трансформация ҳисобланади. Прогрессив трансформацияда *муайян ҳудуддаги гегемон мафкура ташқаридан кириб келган моҳияти яқин келадиган янги гоялардан гоявий озуқа сифатида фойдаланади. Бу жараён латент (яширин, сезиларсиз) ҳолатда амалга ошади, ва одатда, унинг натижасида гегемон мафкура ўз мавқеини сақлаб қолади ёки мазмуни ва таъсир ҳудудини янада кенгайтиради.*

Регрессив трансформация *революция шаклида амалга ошади, унинг натижасида муайян ҳудуддаги гегемон мафкура ташқаридан кириб келган мафкура томонидан мутлақ инкор этилади ва бутунлай янги гоявий сфера юзага келтирилади.*

Таъкидлаш ўринлики, икки юз йиллик Аҳмонийлар мустамлакачилиги, ундан кейин Александр Македонский босқини, эллинистик давлатлар – Салавкийлар, Юнон-Бақтрия

давлатлари ҳамда маҳаллий Қадимги Хоразм, Қанг ва Даван давлатлари ҳамда Турк хоқонлиги вақтларида ҳам мафкуравий жараёнларда прогрессив трансформациялашув юз берган. Бу жараёнда зардуштийлик Аҳмонийларнинг давлат дини даражасига кўтарилиб, «Ахурамазда йирик давлатнинг турли халқлари учун олий ягона худо деб эълон қилинган»¹ бўлса, Александр Македонский босқини даври (милоддан аввалги 329-327 йиллар)да Хоразм, Тошкент ва Фарғона водийси ўз мустақиллигини сақлаб қолгани Зардуштийлик ғояларининг ижтимоий мавқеи яна узоқ вақт сақлаб қолинишига сабаб бўлган.

Албатта, эллинистик – Салавкийлар ва Юнон-Бактрия давлатлари вақтларида халқимизнинг мафкуравий ҳаётига эллинистик олам худолари ҳақидаги ғоялар кириб келган². Шунга қарамай, «маҳаллий аҳоли зардуштийлик динига эътиқод қилган бўлиб, бу эътиқодлар антик даврда ҳам сақланиб қолган»³.

Қайд этиш лозимки, зардуштийлик ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнларда фаол роль ўйнаган бўлса-да, мазкур жараёнда, албатта, бошқа, масалан, Шомонийлик (Кўк-Тангри) христианлик, буддавийлик ва монийлик мафкуралари ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, Кушон давлати (милодий I-III асрлар) худудларининг Ҳинд воҳасигача кенгайиши натижасида халқимизнинг мафкуравий ҳаётига Будавайлик ғоялари ҳам кириб келган. Мазкур дин ҳам зардуштийлик билан бирга, милодий VIII асргача Ўрта Осиёда сақланиб қолган⁴.

Хуллас, юқоридаги илмий материаллар таҳлили бизни, жуда мураккаб мафкуравий жараёнлар бўлишига қарамай, зардуштийлик халқимиз ҳаётида милодий VIII аср бошларига қадар дин ва асосий мафкура ролини ўтаган ва бу ислом мафкураси кириб келгунга қадар давом этган, дея хулоса

¹ Ўша манба. 185-б.

² Ўша манба. 278-б.

³ Ўша манба. – б.277-278.

⁴ Қаранг: Sagdullayev A.S. O‘zbekiston tarixi, I kitob. – Toshkent.: Donishmand ziyosi MЧЖ, 2021. 279-б; Tarix. Qadimgi dunyo 6-sinf: umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik / A.Sagdullayev, V.Kostetskiy. - Tuzatilgan va to‘ldirilgan beshinchi nashr. – Toshkent: Yangiyo‘l poligraf servis, 2017. 140-б.

чиқаришга асос бўлади. Ўз навбатида, мазкур хулоса ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнларнинг учинчи даврини аниқлашга ҳам ёрдам беради.

Бизнингча, бу давр «Ислом дини ва мафкурасининг кириб келиши ва ривожланиши даври» бўлиб, у милодий VIII аср бошларидан – XIX аср ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олади.

Таъкидлаш ўринлики, юртимизга Ислом таълимоти ва мафкурасининг кириб келиши юқорида тўхталганимиздек, зардуштийлик муҳитига эллинистик олам худолари ҳақидаги ғояларни ёки Буддавийлик ғояларини кириб келишидан катта фарқ қилади. Мазкур фарқ шундаки, бу жараён революция шаклида амалга оширилган. Яъни, унга кўра, маҳаллий халқ ҳаётидан чуқур ўрин эгаллаган гегемон мафкура – зардуштийлик ислом мафкураси томонидан мутлақ инкор этилган (мазкур масала 2.2. параграфда илмий таҳлил этилади).

Мафкуравий трансформация даврида мафкуралар рақиб мафкуранинг ҳар қандай ғоя, образ ва белгиларига қарши аёвсиз кураш олиб боради. Бу кураш аксарият ҳолларда рақиб мафкурани таъминотдан узиш йўли билан амалга оширилади.

Таъкидлаш керакки, мафкураларга ҳам таъминот зарур бўлади. Мафкуравий таъминот икки хил шаклда учрайди: ғоялар жамланган манбалар: *битиклар, китоблар, ғоя мазмунини чуқур эгаллаган шахслар кўринишида бўлса*, иккинчиси, амалий-ашёвий манбалар бўлиб, уларга: *пул, ер-мулк, чорва моллари ва бошлар кўринишида бўлади* (шу ўринда ислом дини ва мафкураси кириб келгач, унинг тарғиботи билан шуғулланадиган масжид ва мадрасаларга «вақф» ер-мулклари ажратилганига эътибор қаратиш лозим).

Ҳеч қайси мафкура таъминотсиз натижа кўрсата олмайди. Шунинг учун ҳам Абу Райхон Беруний томонидан келтирилган маълумотда (2.2. параграфга қаранг) ислом мафкураси зардуштийлик мафкурасини таъминотдан узиб қўймоқда. Бу усул ғоялар трансформацияси даврида қўлланиладиган кўплаб усуллардан бири ҳисобланади.

Албатта, ислом мафкураси «эски» ғояларни тозалаш ва халқимиз ҳаётида чуқур ўрин эгаллаш учун кўплаб усулларни

амалга оширган ва бунинг натижасида бутунлай янги, исломий ғояларга хос мафкуравий сфера юзага келтирилган (мазкур маълумотлар тадқиқот ишининг 2.2. параграфида келтирилади).

Таъкидлаш керакки, ислом мафкураси ўзбек халқи тараққиётидаги мафкуравий жараёнларнинг энг фаол ва таъсирчани бўлиб келган. Мазкур омил сабабидан ҳам кўплаб ташқи кучлар (мўғуллар босқини милодий 1219 йилдан то XIV асрнинг 50–60-йилларигача) юртимизга кириб келиши ва сиёсий, иқтисодий жиҳатдан истило қилишларига қарамай мафкуравий жараёнлар ўзгаришсиз қолаверган.

Албатта, ислом ғояларининг барқарор сфераси узоқ давом этган бўлса-да, XIX аср ўрталардан бошлаб, ушбу сферага ҳам ташқи кучлар ўз таъсирини ўтказа бошлаган.

Маълумки, XIX аср ўрталаридан – 1991 йилларга қадар бўлган давр юртимиз тарихида мустамлакачилик даври ҳисобланади. Бу давр амалда тарихшунослар томонидан «Россия босқини даври – XIX аср ўрталаридан 1917 йилгача» ҳамда «Советлар даври – 1917-1991 йиллар» сифатида ¹ даврлаштирилади.

Тарихий даврлаштиришга оид янги ёндашувларда ҳам бу даврларни «Мустамлакачилик ва миллий уйғониш даври (XIX аср ўрталари, подшо Россияси босқини давридан то 1917 йил Октябрь давлат тўнтаришигача)» ҳамда «Советлар даври (1917-1991 йиллар)» сифатида белгилаш таклиф этилган².

Юқорида келтирилган тарихий даврлаштиришга оид ёндашувлар ҳамда тадқиқот ишида олинган дастлабки хулосаларга таянган ҳолда, ўзбек халқи тараққиётидаги мафкуравий жараёнларнинг тўртинчи даври бўйича XIX аср ўрталаридан – 1990 йилларга қадар бўлган даврни «Мустамлакачилик, коммунистик ва атеистик мафкуранинг кириб келиши ва ҳукмронлиги даври» сифатида белгилашни таклиф этамиз.

¹ Қаранг: O‘zbekiston tarixi XIX asrning ikkinchi yarmi — XX asr boshlari): 9-sinf uchun darslik / Mas’ul muharrir: D.A. Alimova. – Toshkent: Sharq, 2019. 160-b; O‘zbekiston tarixi: O‘rta ta’lim muassasalarining 10-sinfi va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi muassasalarining o‘quvchilari uchun darslik / Muall.: Q.Rajabov, A.Zamonov. 1-nashri. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017. 144-b.

² Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи – Т.: Ўзбекистон. 2005. – б. 67-90.

Албатта, бизнинг ёндашувимизга кўра, ўзбек халқи тараққиётидаги мафкуравий жараёнларнинг тўртинчи – «Мустамлакачилик, коммунистик ва атеистик мафкуранинг кириб келиши ва ҳукмронлиги даври (XIX аср ўрталаридан – 1990 йилларга қадар)» кўплаб умумийликларни инобатга олган ҳолда яхлит ифодаланган бўлса-да, аслида уни таҳлил этишда: 1) Мустамлакачилик ва прогрессив ғояларга қарши латент (яширин) кураш даврига; ҳамда 2) Исломий ва бошқа прогрессив ғояларга қарши коммунистик мафкуранинг тажовузкор кураши даврларига ажратиш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаймиз (мазкур таҳлиллار тадқиқот ишининг 2.3. параграфида тўлиқ келтирилади).

Таъкидлаш керакки, ўзбек халқи тараққиётидаги мафкуравий жараёнларни таснифлашда бешинчи давр бу мамлакатимиз мустақиллиги билан боғлиқ. Албатта, тарихчилар ҳам мазкур воқеликни алоҳида босқич сифатида даврлаштирадилар. Улар буни миллий тарихимиздаги туб бурилиш, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий муносабатлардаги революцион ўзгаришлар билан боғласалар, биз эса, бу даврни ўзбек халқининг мафкуравий ҳаётида мустамлакачи мафкуранинг таъминотсиз қолиши, тарихий-миллий ғоянинг қайта уйғониши билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этамиз.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ўзбек халқи тараққиётидаги мафкуравий жараёнларнинг бешинчи босқичини 1991 йилдан ҳозирга қадар бўлган даврни ўз ичига оладиган – «Мустақиллик, миллий ғоянинг қайта уйғониши ва такомиллашуви даври» сифатида белгилаш таклиф этилади. Мазкур даврнинг илмий таҳлили тадқиқот ишимизнинг 3 ва 4 бобларида кенг ёритилган.

Хулоса қиладиган бўлсак, мазкур параграфда ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар генезиси ва трансформациясига оид даврларни аниқлаш ва уларнинг янги тасниф бирликларга ажратиш асосий вазифа сифатида қўйилган эди. Амалга оширган илмий изланишлар натижасида, мафкуравий жараёнларнинг классификациялаш масаласи бўйича бутунлай янги, ўзбек халқи тараққиётидаги мафкуравий жараёнларга оид маълумотларни тартибга келтирувчи, илк мафкуравий жараёнлардан ҳозирга қадар бўлган мафкуравий

жараёнларни тизимлаштириш имконини берадиган «Ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар трансформациялашуви ва уларнинг даврлари»га оид илмий хулоса таклиф этилди (1.5-расм).



1.5-расм. Ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар трансформациялашуви ва уларнинг даврлари

Мазкур даврлаштириш эндиликда ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар генезиси ва трансформациясига оид мавжуд билимларимиздаги бўшлиқларни аниқлашга ҳамда истиқболда миллий мафкурани янада ривожлантириш билан боғлиқ назарий ва амалий фаолиятимизни аниқ белгилаш имкониятини яратади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Мазкур бобда ғоя ва мафкура тушунчалари категориал таҳлили ҳамда ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар

генезиси ва уларни даврлаштириш масалалари таҳлил этилиб, куйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, ғоя тушунчасининг кенг тарқалган таърифларига кўра, «ғоя» – бу ҳақиқий борлиқ, яшайдиган дунёимиз эса, унинг инъикоси (Платон); «ғоя» материянинг ўзига хос шакли, улар бир-бирисиз мавжуд бўлолмайди (Аристотел); нарсалар бирламчи, «ғоя»лар иккиламчи, улар ақлда муайян нарсаларнинг мавҳумлаштириш натижасида пайдо бўлади (Фаробий); «ғоя»лар ҳақиқат ёки бузиб кўрсатилган воқеликнинг акси ҳисобланади (К.Маркс ва Ф.Энгельс);

Иккинчидан, муаллифлик ёндашувига кўра, «ғоя ижтимоий характер ва манфаатни ифодаловчи, ўз даври учун янги ва долзарб бўлган, инсон руҳиятига кучли таъсир этадиган тафаккур маҳсули» ҳисобланса, мафкура эса, «муайян ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг дунёқарашини ифодаладиган илмий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий ёки бошқа (масалан, диний) томондан тизимга солинган ғоялар, тамойил ва категориялар йиғиндиси ҳамда уларни жамият ҳаётига татбиқ этиш йўллари, усул ва воситалари мажмуаси» ҳисобланади. Ғоя ва мафкура ўртасида диалектик алоқадорлик мавжуд бўлиб, ғоялар мафкура таркибидан ўрин олиб, у билан синхрон ҳаракатлансагина, кенг кўламли таъсир кучига эга бўлади;

Учинчидан, ҳар бир мафкура хусусий ҳолда мураккаб ижтимоий механизм ҳисобланади. Лекин шунга қарамай, мафкураларда хусусий моҳиятдан ташқари умумий жиҳат ҳам мавжуд бўлади. Мазкур умумийлик барча мафкураларда, биринчидан, муайян тизимга солинган ғоялар, мафкуравий категориялар, тамойиллар мажмуидан иборат назарий қисмни, иккинчидан, ғоялар, мафкуравий категорияларни амалиётга татбиқ этувчи мафкуравий муассасалар ва идеологлар иерархиясини ҳамда учинчиси, ғоя ва мафкуравий категорияларни амалиётга татбиқ этиш жараёнида қўлланилган усул ва воситалар мавжуд бўлишида кўринади.

Тўртинчидан, мазкур бобдаги изланишлар ғоя ва мафкуралар тараққиёти ҳар бир халқнинг тараққиёти билан узвий боғлиқликда кечишини аниқлаш имконини берди. Мазкур

асосга таянилган ҳолда, ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнларнинг давлар аниқланиб, шу асосида қуйида келтирилган беш даврдан иборат «Ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар трансформациялашуви ва уларнинг давлари» ишлаб чиқилди:

1) Илк ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг вужудга келиш даври (милоддан аввалги 100 – 1 минг йилларгача);

2) Миллий хусусият ва миллий ғоянинг шаклланиш даври (милоддан аввалги 1-минг йиллик бошлари – милодий VIII асрларгача);

3) Ислом дини ва мафкурасининг кириб келиши ҳамда ривожланиши даври (VIII аср бошларидан – XIX аср ўрталаригача);

4) Мустамлакачилик, коммунистик ва атеистик мафкуранинг кириб келиши ва ҳукмронлиги даври (XIX аср ўрталаридан – 1990 йилларга қадар);

5) Мустақиллик, миллий ғоянинг қайта уйғониши ва такомиллашув даври (1991 йилдан – ҳозирга қадар).

Мазкур даврлаштириш асосида тадқиқот ишининг кейинги босқичлари учун ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар трансформациясининг мазмунини, бу борадаги тажриба: ютуқ ва камчиликларни илмий тадқиқ этиш ва шулар орқали миллий мафкурани янада ривожлантириш билан боғлиқ назарий ва амалий фаолиятни аниқ белгилаш имконияти вужудга келди.

II БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҒОЯВИЙ-МАҒКУРАВИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ЭВОЛЮЦИЯСИ

2.1-§. Илк ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг вужудга келиши ҳамда миллий ғоянинг шаклланиши

Маълумки, I боб илмий хулосалари асосида ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар трансформациясининг таснифи ишлаб чиқилди. Албатта, ушбу жараёнда таснифлаш учун етарлича илмий асослардан фойдаланилган бўлса-да, бироқ унда ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари, бир даврни бошқа даврлардан ажратиб турувчи ғоявий асослар мазмунини юқорида (параграфлар хажми ортиб кетмаслиги нуқтаи назаридан) тўлиқ ёритиш имкони бўлмади.

Тадқиқот ишининг II боби ўзбек халқи тараққиётининг мафкуравий асослари ва уларнинг тарихий босқичлари таҳлилига бағишланган бўлиб, мазкур бобда халқимиз тарихида илк мафкуравий жараёнларнинг вужудга келиш давридан – то мустамлакачилик, коммунистик мафкура ҳукмронлиги ўрнатилиши давригача бўлган жараёнлар мазмуни илмий таҳлил этилади.

Бобда қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мазкур параграфда илк мафкуравий жараёнларнинг вужудга келиши ҳамда миллий ғоянинг шаклланишини тадқиқ этиш мақсад қилиб қўйилган. Мазкур мақсад ўз ичига ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнларнинг қуйидаги икки босқичи: «Илк мафкуравий жараёнларнинг вужудга келиш даври (мил. авв. 100 – 1 минг йилларгача)» ҳамда «Миллий хусусият ва миллий ғоянинг шаклланиш даври (мил. авв. 1 минг йиллик бошлари – милодий VIII асрларгача)»лари тадқиқини ўз ичига олади.

1.2-параграфда таъкидланганидек, илк мафкуравий жараёнларни вужудга келиш даврини аниқлашда муайян маънавий ва ғоявий аҳамият касб этадиган манбалар эътиборга олинди. Албатта, бу даврнинг бошланғич нуқтаси «Тешиктош одами»нинг дафн этилишга бориб тақалиши тўғрисидаги таклиф

илгари сурилди. Ундан кейин эса, мазкур ёндашув юртимиздаги Зараутсой, Сийпантош, Сармишсой, Биронсой ва Илонсой каби қоятош расмлари асосидаги қўшимча фактлар билан мустаҳкамланди.

Таъкидлаш керакки, юқоридаги худудларда ўз изларини қолдирган илк мафкуравий асослар (давримиз нуқтаи назаридан) ўта содда қарашлар мажмуи ҳисобланган. Улар ўзида асосан инсон ва табиат муносабатини, табиат кучларини кишилар ҳаётидаги ўрнини ифодалаган. Илк мафкуравий жараёнлар генезиси, уларнинг муаллифлари бўлмиш қадимги аجدодларимиз тафаккурига бориб тақалади.

Маълумки, қадимги аجدодларимиз ўзларини табиат олдидаги ожизликларини жуда чуқур ҳис этганлар. Мазкур ожизлик уларда табиат кучларидан кўрқиш ва улардан умид қилиш ҳиссини ривожлантирган¹. Натижада аجدодларимиз онгида табиатдаги нарса ва ҳодисаларни яхшилик ва ёмонлик келтирувчи (дихотомик) тимсолларга ажратган ҳолда, идрок этиш ривожланган. Инсон тафаккуридаги бу жараён, ўз навбатида, унинг маҳсули бўлган ғоялар ва категорияларда ўз ифодасини топган².

Илмий адабиётлар берган маълумотларга кўра, илк мафкуравий жараёнлар шаклан тотемизм, анимизм ва фетишизм кўринишида бўлган.

Тотемизм – Шимолий Америка индеецларининг ожибве қабиласи тилидаги ототем - унинг уруғи сўзидан олинган бўлиб, ибтидоий диний эътиқодларнинг илк шаклларида бири. У кишиларнинг маълум гуруҳи билан ҳайвон ва ўсимликларнинг муайян турлари (баъзан табиат ҳодисалари, жонсиз нарсалар) ўртасида ғайритабиий алоқа, қонқариндошлик бор деган эътиқодга асосланади. Ҳайвонлар, ўсимликлар, жонсиз предметлар тотем ҳисобланган. Тотемлар (кўпинча ҳайвонлар) ов қилинмаган, ўлдирилмаган, гўшти ейилмаган, улар гўё кишиларнинг қудратли ҳимоячиси ҳисобланган. Қабилла, уруғ

¹ Турсунов Қ.М., Қўзибоев Ж., Ҳамидов А., Турсунов Й.Қ. Дин ва хурфикрлилик тарихи асослари. Фарғона: 2000. 13-б.

² Маллаева Э.М. Фуқароларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг мафкуравий омиллари: Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация. – Тошкент: 2020. 41-б.

хар бир аъзосининг ҳаёти ва фаровонлиги тотемга боғлиқ, деб қаралган. Улар ўз тотемини қариндоши, акаси, отаси, дўсти, деб ҳисоблаган. Ҳар бир қабила, уруғ ўз тотемининг номи билан аталган¹.

Анимизм эса, табиатда жон ва руҳлар борлигига ишонч ҳисобланади. Ибтидоий кишилар тасаввурида нарса, ўсимликларнинг жони бордек туюлган. Яъни, жон одамлардан бошқа айрим мавжудотларда ҳам бор. Руҳ эса, эгаларидан ажралган ҳолда ҳам мавжуд бўлиб, у ҳар қандай нарсаларга таъсир кўрсатади², дея ҳисобланган.

Анимистик тасаввурлар ҳам худди тотемизм сингари ўзбек халқи тараққиётидаги илк мафкуравий қарашлар ҳисобланади.

Фетишизм португалча *feitico*, французча *fetich* – сеҳрли нарса, тумор сўзларидан олинган бўлиб, ғайритабиий хусусиятларга эга, деб ҳисобланадиган жонсиз нарсалар – фетишларга сиғиниш ҳисобланади. Сиғиниш объектлари, яъни фетишлар - тош, таёқ, кўзмунчоқ, тумор ва ҳар қандай буюм бўлиши мумкин. Фетишизм диннинг қадимги унсурларидан бири сифатида, барча ибтидоий халқларда мавжуд бўлган³.

Илк мафкуравий қарашлар мажмуи бўлган тотемизм, анимизм ва фетишизм келиб чиқишига кўра мифологик дунёқараш маҳсули ҳисобланади.

Мифологик дунёқараш, борлиқ ҳақидаги мифологик билимлар тўпланган ва тизимга солинган даврга хос дунёқараш шакли бўлиб, унда борлиқ инсон онгида содда, ҳаёлий инъикос эттирилган турли ривоят ва афсоналар асосида тасвирланган. Мифологик дунёқарашда қаҳрамонлар ёвуз ва хайрли кучларни акс эттирувчи образларга ажратилган. Табиатдаги жонсиз жисмлар жонлантирилиб, олов, сув, ҳаво, табиат ҳодисаларини ҳам муайян жонли образларнинг намоён бўлиши, деб ҳисоблашган.

Албатта, мифологик дунёқараш ибтидоий кишилар учун типик дунёқараш ҳисобланади. «Шу маънода, ҳар қандай

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти – Тошкент: 2010. 512-б. <https://n.ziyouz.com>.

² Фалсафа энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. 18-б.

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти - Тошкент: 2010. 107-б. <https://n.ziyouz.com>.

дунёқараш ижтимоий-тарихий моҳиятга эга бўлиб, кишиларнинг умри, амалий фаолияти, ҳаёти, табиатга таъсири ва меҳнати жараёнида вужудга келади. Ҳар бир даврда ижтимоий гуруҳ, жамият ва авлоднинг ўз дунёқарашини мавжудлиги ҳам бу тушунчанинг тарихий моҳиятга эга эканини кўрсатади»¹.

Илк мафкуравий қарашлар мажмуи бўлган тотемизм, анимизм ва фетишизм назарияда мифологик дунёқарашга таянган бўлса, амалиётда бу ғоялар «табу»ларга таянганлар. Табу – ибтидоий жамият босқичидаги халқларда тарқалган тақиқлаш тизими ҳисобланган². Ибтидоий кишилар жамоани зарарли нарса ва ҳодисалардан қайтаришда, уларни ҳаётий эҳтиёжлар учун бирлаштиришда, ғоявий жипсликни сақлашда табудан фойдаланишган.

Демак, ўзбек халқи тараққиётида мифологик дунёқараш илк мафкуравий қарашлар – тотемизм, анимизм ва фетишизмга асос бўлган бўлса, ўз навбатида, мазкур қарашлар дастлабки мафкуравий механизм – «табу»ларга эга бўлишган. Бу учлик ўрнатган ижтимоий тартибга кўра, «жамоа яхши яшайман деса, озуқалар билан таъминланган, кимнингдир томонидан ҳимояланган бўлишни истаса, биринчи вазифаси ўша ғайритабиий кучларни жуда ҳурмат қилиши керак эди»³.

Албатта, ибтидоий турмуш ва мифологик дунёқараш борлиқни кундалик онг даражасида англаш ва англатиш учун кифоя қилган. Лекин ишлаб чиқариш кучларининг такомиллашуви, яъни дастлаб тирикчилик термачилик ва овчиликка асосланган бўлса, милоддан аввалги 4-3 минг йилликларга келиб, Ўрта Осиё жанубида сунъий суғоришга асосланган дехқончиликнинг вужудга келиши маҳаллий халқни тотемизм, анимизм, фетишизм сингари содда мафкуравий қарашларга кифояланмаслигига олиб келди. Эски ғояларнинг қадрсизланиб бориши мифологик дунёқарашга асосланган илк мафкуравий қарашлар даврининг тугалланаётганидан дарак эди.

¹ Фалсафа асослари (Тузувчи ва масъул муҳаррир: Қ. Назаров). – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.18-б.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти – Тошкент: 2010. 25-б. <https://n.ziyouz.com>.

³ Диншунослик. – Тошкент: Меҳнат нашр., 2004. 23-б.

Дарҳақиқат, «илгари тор доирада ҳаёт кечирган, турли тотемлар, фетишларга сиғинган, анимистик қарашлари ҳам хилма-хил тусда бўлган элатлар, халқларнинг катта ҳудудларда биргаликда ҳамкор-ҳамнафас бўлиб яшашлари учун янги ғоялар илгари сурила бошланди. Бундай ғоя, жумладан, Туронда, тўғрироғи, Ўзбекистон ҳудудида Зардуштийлик номи билан юзага келди»¹.

Зардуштийликнинг вужудга келиши даври ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнларнинг иккинчи босқичи, яъни милоддан аввалги I минг йиллик бошларидан – то милодий VIII асргача бўлган даврни ўз ичига олувчи «Миллий хусусият ва миллий ғоянинг шаклланиш даври»ни бошлаб берди.

Таъкидлаш керакки, мазкур давр ўзининг профессионал мафкураларга бойлиги билан ажралиб туради. Жумладан, бу даврда халқимиз тараққиётининг мафкуравий жараёнлар эволюциясида Зардуштийлик, Шаманлик, Эллинистик ғоялар ҳамда Буддавийлик ғоялари бўй кўрсатди.

Зардуштийлик дини Ўрта Осиёда пайдо бўлиб, Эронга, Озарбайжонга тарқалган. У I минг йилликнинг бошларида давлат динига айланган. Зардуштийлик ёки зороастризм номи бу динга асос солган афсонавий пайғамбар Заратуштра (Зороастра) исми билан боғлиқ².

Зардуштийлик ғояларининг энг муҳим белгиси, уларнинг дуалистик характерга эгалигидир. Яъни, Зардуштийликда ёруғлик, эзгулик худоси Аҳура Мазда ва қоронғулик, ёвузлик худоси Ангра Майнью (Ахриман) орасидаги доимий кураш ётади.

Зардуштийлик ғоялари ҳақида М.Умарзода қуйдагиларни баён этади: «Зардуштийлик фалсафасига кўра яхшилик ва ёмонлик кишиларнинг ботинида – ички дунёсида яшайди. Инсон Ахриман ёки Аҳура Мазда тарафида бўлиши мумкин, чунки эзгулик фариштаси уни ҳамиша яхшилик қилишга, лекин ёвуз Ахриман уни ёмонлик қилишга ундайди ва бу тортишув киши ҳаётининг охириги дамларигача давом этади...»³. Ўз даври учун

¹ Каримов И. Имон ва Маслак тарихи.– Тошкент: 2010, Янги нашр нашр., 42-б.

² Жаҳон динлари тарихи. // Масъул // муҳаррир: М. М. Хайруллаев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 117-б.

³ Умарзода М. “Овесто” сирлари. Жаҳон адабиёти журнали. 1997. 4-сон. – Б.199-200.

мутлак янгича мазмунга эга бўлган мазкур ғоялар «Туронзамин халқлари, жумладан, ўзбеклар феъл-атворининг шаклланишига асос бўлди»¹.

Дарҳақиқат, зардуштийлик ғоялари халқимизнинг миллий хусусияти ва миллий ғояси шаклланишининг пойдевори ҳисобланади.

Миллий хусусият ҳақида гап борганда, илмий изланишларимиз хулосаларига таянган ҳолда, зардуштийлик ғоялари халқимиздаги асосий хусусияти – «кучли сабр-тоқат» шаклланишида асосий роль ўйнаганлиги тўғрисидаги гипотезани илиғари сурмоқчимиз.

Мазкур гипотезани асослайдиган бўлсак, биринчи факт сифатида Зардуштийликда деҳқончилик улуғланишини кўриш мумкин. Жумладан, «Авесто»да «Зардушт илоҳ Аҳура Маздадан сўради:

– Эй, Аҳура Мазда! Заминни ҳаммадан ҳам бахтиёр қилгувчи зод ким?

Аҳура Мазда жавоб берди:

– Эй, Зардушт! Кимки, уни яхшилаб ҳайдаса ва зироатга тайёрласа!...

– Эй, Зардушт! Кимки, ғалла экса, у ҳақиқатни экади...»².

«Авесто»нинг «Видевдат» китобида ҳам деҳқончилик савоб иш деб ҳисобланиб, унда: «Ким ерга ишлов берса, О, Спитама Заратуштра, чап ва ўнг қўли билан, ўнг ва чап қўли билан, у ерга манфаат келтиради»³, дейилади.

Бугунги замонавий назариялар ҳам деҳқончилик, айниқса, суғорма деҳқончилик у шуғулланадиган халқ менталитетида «кучли сабр-тоқат»ни шакллантиришини илмий асослайди. Шундай назариялардан бири Присцилла Блинко амалга оширган тадқиқот бўлиб, унда Японияда шоликорлик билан шуғулланадиган қишлоқ аҳолисининг фарзандлари ҳамда америкалик шаҳар аҳолиси фарзандларидан иборат биринчи синф ўқувчиларига мураккаб математик бошқотирмани ечиш топшириғи берилган ҳамда болалар ечишни тўхтатган вақти

¹ Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. 48-б.

² Авесто. Шарҳ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, – Тошкент: 2001, 358-б.

³ Ўша манбада.

инобатга олинган. Америкалик болалар ўртача 9,47 дақиқадан ортиқ чидай олмаган бўлса, япон деҳқонларининг фарзандлари ўртача 13,93 дақиқа ҳаракат қилган ҳолда, амеркаликлардан 40 фоизга кўпроқ «сабр-тоқат»га эга эканликларини кўрсатишган¹.

Мазкур фактларни инобатга оладиган бўлсак, милоддан аввалги 4-3 минг йилликларга келиб, Ўрта Осиё жанубида сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг вужудга келиши ҳамда қарийб XVII аср давомида Зардуштийлик мафкураси томонидан деҳқончилик ишининг улуғланиши бугунги кунда халқимизнинг асосий фазилатларидан бири бўлган «кучли сабр-тоқат» хусусиятининг илдизлари ўша даврларга бориб тақалиши тўғрисидаги гипотезамизни илмий асослайди.

Хуллас, илмий изланишларимиз натижалари шуни кўрсатадики, Зардуштийлик ўзининг дуалистик характерга эга таъсирчан ғоялари билан халқимизнинг миллий хусусияти ва миллий ғоясининг шаклланишида пойдевор вазифасини ўтаган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Зардуштийлик милодий VIII асргача юртимиздаги мафкуравий жараёнларда асосий ролни ўйнаган бўлса-да, бироқ унга параллел равишда Шомонийлик (Кўк-Тангри) мафкураси ҳам ривожланиб борган бўлиб, мазкур мафкура кўчманчи туркий халқлар кўк турклар мафкураси ҳисобланган².

Тарихчи олимларнинг тадқиқотларида «Геродотнинг таъкидлашича, шомонийликнинг тарихи милоддан аввалги IX асрга бориб тақалиши»³, айрим тарихий манбаларда Шомонийлик (Кўк-Тангри) мафкурасида «ягона илоҳ» ғояси илгари сурилгани, яъни «кўк-турклар давридаёқ «Тангри бирлиги» инончи майдонга келгани»⁴ таъкидланади.

Бошқа тарихий манбалар гувоҳлигига кўра, Шомонийлик (Кўк-Тангри) мафкураси ўзидан аввалги тотемистик қарашлар таъсиридан тўла озод бўлмаганини кўрсатади. Жумладан,

¹ Қаранг: Гладуэлл М. Зукколар ва ландавурлар. – Тошкен: Нихол, 2019. 206-б; <https://uchebnikfree.com/issledovanie-lichnosti-psihologicheskoe/myagkaya-sila-amerikantsyi-aziatskogo-34083.html>.

² Туркларда «кўк – осмон» илоҳийлик ва буюклик сифатида «кўк турклар – илоҳий турклар» маъносини берган. Қаранг: Садыков К. Титулы древнетюркских каганов и понятие «сын небо» // Shygys. 2005. – № 2. – С. 157–159.

³ Турон У. Туркий халқлар мафкураси. Абдулвахоб У. тарж. – Тошкент: Чўлпон - 49-б.

⁴ Ўша манба. – 49-б.

туркийларда бўри тотем ҳисобланган бўлиб, 568 йилда Еттисувга келган Византия элчиси Земархнинг ёзишича, элчилар Истами ябғу қароргоҳи олдида Шарққа қараб чўккалаб ўтирганлар. Сўнгра бўри калласи тасвири туширилган байроққа таъзим бажо келтириб, ёниб турган олов билан покланганлар. Шундан сўнггина Истами ябғу ўтирган улкан чодир – қароргоҳга кирганлар¹. Туркийлар ҳаётида бўридан ташқари тоғ эчкиси ҳам тотем саналган бўлиши мумкин. Чунки, туркийларнинг илк тангаларида асосан тоғ эчкисининг шакли кўзга ташланади². Шарқий Турк хоқонлиги ҳукмронлигининг иккинчи босқичида (691-742) ҳатто, тоғ эчкиси тасвирли тамғалар сулолавий белгига айланган³.

Мавжуд манбалардан олинган маълумотларга кўра, туркий халқларнинг барчаси ягона Шомонийлик (Кўк-Тангри) мафкураси таъсирида бўлган, деб бўлмайди. Хитой сайёҳи Сюань Цзан (VII аср): «турклар оловга эътиқод қилишар эди. Шу боис улар ёғоч тахтдан фойдаланмасдилар»⁴, – деб ёзганида эҳтимол туркийларнинг зардуштийликка бўлган эътиқодини назарда тутган.

Дарҳақиқат, Марказий Осиёнинг шимоли-шарқида макон топган муҳожир суғдийлар асрлар давомида маҳаллий туркийларга зардуштийликни тарғиб қилиб, биргаликда зардуштийлик ибодатини амалга оширганлар⁵. Шарқий Туркистонда Суғддаги каби, эҳром – «вағн» бунёд этилиб, коҳинлар – «вағнпатлар» диний амалларни бажо келтиришган⁶.

Туркийлар мафкуравий масалаларда самимий ва бағрикенг бўлганини англаш мумкин. Чунки, тарихий манбаларда Шомонийлик (Кўк-Тангри) мафкурасига эътиқод қилган туркийларнинг бошқа ғоя ва мафкураларга тажовузкор

¹ Тургун Алмас. Уйғури. Кн.1. 84-с; Шювен П. Византийские посольства к первым тюркским правителям Согда (Проблемы ономастики и топонимики). – С. 33.

² Бобоёров Ф. Ғарбий Турк хоқонлигининг илк тангалари // *Moziydan sado*. – 2007. – № 1 (33). – Б. 24–25; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VII-VIII вв.). – Ташкент. 2007. – С. 34-35.

³ Радлов В.В. Атлас древней Монголии. – СПб., 1892-1899 // *Тр. Орхонской эксп.* – Вып. 1–4. – Табл. XVII.

⁴ Тугушева Л.Ю. Уйғурская версия биографии Сюань Цзяна. – М.: Наука, 1991. – С. 5-6.

⁵ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Монография. – Т.: Art-flex, 2010, 48-бет.

⁶ Windengren G. Die religionen Iran. – Stuttgart, 1965. – S. 326.

қаршилик қилинганлиги ҳақида маълумотлар учрамайди. Мазкур ҳолат бугунги кунда халқимизнинг яна бир ўзига хослиги – «динлараро бағрикенглик» хусусиятининг генезиси Шомонийлик (Кўк-Тангри) мафқурасига бориб тақалиши тўғрисидаги гипотезани илгари суриш имконини беради.

Дарҳақиқат, туркийлар турли мафқуравий жараёнларга нисбатан анча бағрикенг бўлган. Чунки, туркийлар ўз динлари тангричилик, шомонлик ёки «қам»дан ташқари, зардуштийлик, буддавийлик, монийлик ва шарқ христианлиги – несторианликка ҳам эътиқод қилишган¹. Ҳатто туркийлар даврида Ўрта Осиё зардуштийлиги Сосонийлар Эрони зардуштийлигидан фарқланган. Эронда зардуштийлик расмий давлат дини мақомида, қатъий талаблар асосида ривожланган бўлса, Ўрта Осиёда эса, диний толерантлик негизида унга амал қилинган².

Шундай бўлса-да, аксарият кўчманчи турклар Шомонийлик (Кўк-Тангри) мафқурасида собит қолганлар. Чунончи, «Будда дини VI-VIII асрлар давомида Ўрта Осиёда тарқала бошлаган эди. Бироқ Кўк-турк ҳукмдори Билге Хон ва унинг вазири Тўнгюкүк бу динни юмшоқлик ва мискинликни тарғиб этгани, жангу жадални ва ҳайвон сўйишни ман қилгани, хуллас, туркларнинг ҳаёт тарзларига ноуёғун келгани учун рад этдилар»³. Туркий битиклардан бири «Тўнгюкүк»да келтирилишича, ушбу «рад этиш» «хоқонлар – қаҳрамон, маслаҳатчилар – доно бўлишган»⁴гани учун шундай қилинган.

Дарҳақиқат, Шомонийлик (Кўк-Тангри) мафқураси туркий халқлар менталитетига мос мафқура бўлган. Жумладан унда «жанговарлик руҳияти», сиёсий бирликни сақлаш ғояси устувор ҳисобланган. Масалан, унда давлат отадек муқаддас ҳисобланиб, «Давлат – ота» таъбири билан таърифланган⁵. Ундан ташқари, мазкур мафқурада амалиёт учун зарур бўлган идеал (позитив) ҳамда ноидеал (негатив) образларни ифодаловчи категориялар

¹ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Монография. –Т.: Юқоридаги манба. 50-б.

² Якубовский А.Ю. Вопросы изучения пиянджикенской живописи // Живопись древнего Пиянджикента. Сб. статей. – М., Изд. АН СССР, 1954. – С. 21–22.

³ Усмон Турон. Туркий халқлар мафқураси. – Т.: Чўлпон, 1995. – Б. 13.

⁴ Раҳманов Н.А. Орхоно-Енисейские памятники и тюркские эпосы: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Т.: 199.. 22-с.

⁵ Турон У. Туркий халқлар мафқураси. Абдулвахоб У. тарж. - Тошкент: Чўлпон. 15-б.

мавжуд бўлган. Жумладан, вафот этган кишини ҳузур-ҳаловат топадиган жойи – «Учмак», ёмон руҳлар ер остига кирадиган жой эса, «Тамуғ» категориялари орқали¹, ёрдамчи, эзгу кучлар эса, хайрли руҳ – «Умай» категорияси орқали ифодаланган. Ўрхун-Энасой ёзувларида хоқонларнинг оналари Умайга ўхшатилиб, болаларнинг ҳомийси деб, ҳисобланган. Ундан ташқари, яна бир идеал (позитив) образ «Бўзқурт» (бўри) категорияси орқали ҳам ифодаланган². Туркий халқлар бўрини ҳалоскор тотем деб билишган бўлиб, «Ўғизнома»да кулранг ёлли бўрини тилга олиниши ҳам буни тасдиқлайди³.

Таъкидлаш лозимки, кўчманчи турк халқлари мафкураси ва унинг мазмуни ўзбек халқи тараққиётидаги мафкуравий жараёнлар эволюциясида ўзига хос ўринга эга бўлган. Бизнингча, мазкур мафкура халқимизнинг миллий хусусиятлари бағажига «динлараро бағрикенглик» ҳамда «жанговарлик руҳияти»ни тақдим этган.

Жаҳонда мазкур қарашимизга мос келадиган назариялар ҳам мавжуд бўлиб, уларда ҳам «жанговарлик руҳияти» чорвадорлик турмуш тарзига бориб тақалиши тўғрисида қарашлар илгари сурилади.

«Чорвадорликда яшаб қолишингиз бутун ҳамжамиятнинг биргаликдаги ҳаракатларига боғлиқ бўлмайди. Ҳар ким ўз аравасини ўзи тортади. Ер эгаси унинг даласидаги ҳосилни биров ўмариб кетишидан хавотир олмаса ҳам бўлади, бунинг учун меҳнат қилиш керак, ўғри бутун далани бир ўзи йиғиштириб олишга қасд қилмаса керак. Аммо чўпонларнинг ҳамини хавотирлари бор. Улар ўз қарамоғидаги жониворларидан айрилиб қолиш хавфидан доим хавотирда бўладилар. Шунинг учун улар қаҳрли, ғазабнок эканликларини, кучларини доимо намоиш қилишлари, буни ўз сўзлари ва хатти-ҳаракатлари билан исботлаб туришлари керак»⁴. Мазкур қарашлар, нафақат қадимги туркий халқлар феъл-атворини

¹ Ўша манба. 52-б.

² Ўша манба. 74-б.

³ Мусаев Ф.А. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. Фалсафа фан...док. дисс. – Тошкент: 2008. 36-б.

⁴ Қаранг: Гладуэлл М. Зукколар ва ландавурлар. Нихол нашрети, Тошкент: 2019. 138-б; Хакетт Фишер, Дэвид. Семя Альбиона. Oxford University Press, 1989. 946-с.

тушунишда, ундан ташқари, қадимги кўчманчи-чорвадор мўғул-татар халқлари, бугунги Кавказдаги чечен, доғистон каби халқлар феъл-атворини тушунишда ҳам кўл келади.

Юқоридаги асосларга таянган ҳолда, тадқиқотимизнинг мазкур қисмида, суғорма деҳқончилик ҳамда уни тарғиб этган Зардуштийлик таъсирида халқимизда «кучли сабр-тоқат» миллий хусусият сифатида шаклланган бўлса, кўчманчи ва чорвадорлик турмуш тарзига асосланган Шомонийлик (Кўк-Тангри) мафкураси таъсирида халқимизда «жанговарлик руҳияти» қарор топган, деган илмий фаразни илгари сурамиз.

Турк хоқонлиги ва ундан кейинги даврларда, араблар босқинига қарши халқ ҳаракатлари, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳларнинг жанговар маҳоратлари, мўғул босқинига қарши халқнинг мардонавор кураши, Амур Темур ва Темурийларнинг жанговар руҳияти, Рус босқинчиларига қарши фаол жанговор қаршиликлар, Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ўзбек аскарларининг жанговар қаҳрамонликлари мазкур фаразимизнинг тарихий-амалий исботи ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, ўзбек халқи тараққиётидаги мафкуравий жараёнлар эволюциясида Зардуштийлик ҳамда Шомонийлик (Кўк-Тангри) мафкуралари жуда фаол роль ўйнади ҳамда миллий хусусиятларимизда ўзига хос из қолдирди. Мафкуравий жараёнлар эволюциясида катта из қолдирмаган бўлса-да ушбу даврларда Марказий Осиёда эллинистик ғоялар, христианлик, буддавийлик ва монийлик мафкуралари ҳам мавжуд эди.

Ўзбек халқи тараққиётидаги мафкуравий жараёнлар эволюциясида эллинистик ғояларнинг шаклланиши Александр Македонский (милоддан аввалги 329-327 йилларда) босқини ҳамда ундан кейин вужудга келган Салафкийлар ва Юнон-Бақтрия давлати даврларига тўғри келади. Тадқиқотлар натижаларига кўра, Юнон-Бақтрия ибодатхоналарида юнон худолари Гермес ва Гераклга бағишланган битиклар, Зевс ва Посейдоннинг ҳайкаллари топилган. Юнон-Бақтрия

хукмдорлари тангаларида Гемос, Ника, Геракл каби худоларнинг, илоҳий эгизакларнинг тасвирлари учрайди¹.

Эллинистик ғоялар халқимизнинг мафкуравий жараёнлар эволюциясида катта таъсирга эга бўлмаса-да, юқоридаги асослар ўз даврида халқимиз эллинистик ғояларга тўқнаш келганидан далолат беради.

Мафкуравий жараёнлар эволюциясида христианлик динининг несториан оқими ҳам муайян аҳамият касб этган бўлиб, мазкур оқим III асрда Марвда, V асрда Самарқандда христиан жамоалари ва митрополиясини вужудга келтирган².

Марказий Осиё худудларига кириб келган христианликнинг несторианлик оқими милодий V асри бошларида шаклланган бўлиб, унга милодий 428-431 йилларда роҳиб Несторий томонидан асос солинган. У Исо Худонинг ўғли эмас, балки вужудида Худо яшаган инсон бўлган, деган таълимотни тарғиб қилган. Несторианлар ғоялардаги тафовут сабаб, ҳукмрон Константинопол черкови томонидан таъқиб қилинган. Уларнинг Сурия ҳамда Эрон орқали Марказий Осиёга кириб келиши мазкур омил билан изоҳланади³.

196 йилда ёзилган сурёний манбаларига кўра, Эфталлийлар орасида христианлик II-III асрларда тарқалган бўлиб⁴, арман манбаларида, 451 йилдаги Аварайр жангида, арманлар ва Эфталлийлар Сосонийларга қарши «насронийлик қасами» билан сулҳ тузганлар⁵. Бу маълумотлар Ўрта Осиёда христианликнинг тарқалиши даврига аниқлик киритади. Самарқанд Суғди, Бухоро ва Чочга христианлик 412-720 йиллар орасида тарқалиб, епископия ва митрополия каби диний муассасалар ташкил қилинган⁶. Шулардан бири Самарқанд жанубидаги Шавдорнинг Вазкерд қишлоғида X асргача фаолият юритган⁷.

¹ Sagdullayev A.S. O'zbekiston tarixi, I kitob. – Toshkent: Donishmand ziyosi MCHJ, 2021. 278-b.

² Лившиц В.А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика. – С.131; Togan A.Z.V. Umumî Türk tarihi'ne giriş. Cild I. – S. 49.

³ Марказий Осиёда динлар тарихи ва диний бағрикенглик. <https://bugun.uz/2021/11/12/markaziy-osiyoda-dinlar-tarixi-va-diniy-bagrikenglik/>

⁴ Mingana A. The Early Spread of Christianity in Central Asia and the Far East A New Document // Bulletin of the John Rylands Library. – Manchester, 1925. – vol. 9. – pt. 2. – P. 301.

⁵ Егише. О Вардане и войне армянской / История. Пер. Шаншиева. – Тифлис, 1853. 79-с.

⁶ Лившиц В.А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика. 131-с.

⁷ Бетгер Е.К. Извлечение из книги «Пути и страны» Абул Касыма ибн Хаукаля. 18-с/

Эътибор қаратиладиган бўлса, ўзбек халқи тараққиётидаги мафкуравий жараёнлар эволюциясида бугунги католик ёки православ мазҳабидаги христианлик бўлмаган. Несторианлик оқими ҳар икки мазҳабга ҳам муҳолиф бўлиб, улар ўзларининг мафкурасидаги назарий-фундаментал, яъни «Исо Худонинг ўғли бўлганми ёки йўқми» деган масалада келиша олмаган. Несторианлик оқими католик ёки православ мазҳабларидан фарқли равишда «Исо Худонинг ўғли эмас, балки «вужудида Худо яшаган инсон бўлган» деган фикрда қатъий турган.

Христианликнинг ушбу оқимига тегишли ер усти ва ер ости ибодатхоналари Қарши воҳасининг Шайхали қўрғонидан, Қожартепа харобаларидан ва Култепа ёдгорлигидан, Тошкент воҳасидаги Илоқ маркази Тўнкентдаги Корхона манзилгоҳидан, Самарқанд Афросиёбининг ғарбий қисмидан ҳамда Регистондан, Ўзган шаҳристонида топилган ¹ бўлиб, мазкур мисоллар мафкуравий жараёнлар эволюциясида халқимизнинг ғоявий плюралиزم ва диний бағрикенглиги нақадар юксак бўлганлигидан далолат беради.

Ўзбек халқи мафкуравий жараёнлар трансформациясининг иккинчи босқичи, яъни милоддан аввалги 1-минг йиллик бошларидан – то милодий VIII асргача бўлган даврида Буддавийлик ҳамда Монийлик ғоялари ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, Буддавийлик динининг антик давр ва илк ўрта асрларда Ўрта ва Марказий Осиёга ёйилганлигини қатор археологик ашёлар ва ёзма ёдгорликлардаги маълумотлар тасдиқлайди².

Буддавийлик мафкурасида тўртта ҳақиқат мавжудлиги эътироф этилади. Улар: биринчиси, азоб, укубат мавжуддир, яъни, ҳар бир тирик жон уни бошидан кечиради, шунинг учун ҳар қандай ҳаёт – қийноқ, азоб-укубатдир; иккинчиси, қийноқларнинг сабаблари мавжуддир, яъни инсон моддий

¹ Қаранг: Раимкулов А. Подземные культовые сооружения христиан Средней Азии // Қадимги Қарши. Ўрта Осиё шаҳарсозлиги ва маданияти тарихи. – Қарши: Насаф, 1999. – Б. 8 -10.

² Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Очерки истории / Под ред. С.Л. Тихвинского, Б.А. Литвинского. – М., 1988. – С. 28–43, 67–72; Gauthiot R. Une version sogdienne du Vessantara Jātaka // JA. – 1912. – ser. 10. – t. 19. – P. 13–46; ib. Apropos des dix premiers noms de nombre en sogdien bouddhique // MSL. – 1911. – t. 17. – P. 23–34; ib. Le surta du religieux angles – longs // MSL, 1912. – t. 17. – P. 9-14.

нарсалардан фойдаланиб, уларни ҳақиқий ва доимий деб ҳисоблайди ҳамда доимо уларга эга бўлишга интилади ва натижада ўз-ўзини азобга қўяди; учинчиси, қийноқларни тугатиш мумкин, яъни интилишлардан бутунлай воз кечиш, нирвана ҳолатига олиб боради. Бу ҳолатда инсон қайта туғилишдан тўхтайдди. Нирвана ҳолати, буддавийлар фикрича, ҳаёт ғилдирагидан ташқарига чиқишдир; тўртинчиси, қийноқлардан қутилиш йўли мавжуддир. Бу йўл – Буддага эргашиш, тўғри тушуниш, тўғри ҳаракат қилиш, тўғри муомалада бўлиш ва фикрни тўғри жамлаш. Бу йўлдан борган инсон Будда йўлини тутуди, дейилади¹.

Буддавийлик таълимоти бир қатор девон шаклига келтирилган тўпламларда баён қилинган. Улардан энг асосийси Трипитака (ёки Типитака) – уч сават маъносини англатади.

Мазкур даврдаги мафкуравий жараёнлар эволюциясида Монийлик ҳам ўзига хос ўринга эга. Монийлик (Моний – 216-276/277) таълимоти² ва у тарғиб қилган дин зардуштийлик, буддавийлик, христианлик каби динлар синтези эди³. Монийлик таълимоти зардуштийликдан дуалистик назарияни, христианликдан хоч тимсолини олган⁴.

Монийлик таълимотида тасвирий санъатга алоҳида эътибор берилган. Дастлаб диний мазмундаги китобларда Моний талқинидаги сюжетлар акс эттирилган⁵ бўлиб, бунинг таъсирини ҳатто Афросиёб, Варахша, Панжикент тасвирий санъати

¹ Қаранг: Литвинский Б.А. Буддизм и буддийская культура Центральной Азии (древность) // Московское востоковедение. Очерки, исследования, разработки. – М., 1997. – С. 57–59. Litvinsky B. Die Geschichte des Buddhismus in Ost-Turkestan. – Wiesbaden, 1999. – С. 37–39; Ставиский Б.Я. Была ли Средняя Азия ретранслятором буддизма? // Эрмитажные чтения памяти В.Г.Лукониной 1995-1999 гг. Тезисы докладов. – СПб., 2000. – С. 18–19.

² Гафуров Б.Г. Таджики. Кн 1. – С. 218; Togan A.Z.V. Umumî Türk tarihi'ne giriş. Cild I. – S. 49; Ахунжанов Э.А. Письменная культура Средней Азии (древняя и раннесредневековая история письменности и книги Средней Азии). – Ташкент: Изд-во им. А. Кадыри. 2000. 57-с.

³ Брагинский И.С. Иранское литературное наследие. – М.: Наука, 1984. 106-с; Ахунжанов Э.А. Письменная культура Средней Азии. 57-с.

⁴ Кызласов Л.Р. Символ креста у манихеев и сакральное пространство города Суяба на реке Чу // Вестник МГУ. История. – 2006. – сер. 8. – № 2. – С. 138–150; Кызласов Л.Р. Городская цивилизация Срединной и Северной Азии. Исторические и археологические исследования. // М.: «Восточная литература». 2006. –С.314–322.

⁵ Луконин В.Г. Культура сасанидского Ирана / Иран в III-IV вв. Очерки по истории культуры. – М.: ИВЛ, 1969. – С. 74–81.

намуналарида ва ўрта асрлар даври Ўрта Осиё миниатюра санъатида кузатиш мумкин¹.

Берунийнинг ёзишича, ўз даврида мафкуравий жараёнларда муайян роль ўйнаган монийлик, ислом дини кириб келгач, унинг таъсиридан узоқ бўлган ўлкалардан паноҳ топган².

Мазкур илмий натижаларга таянган ҳолда, хулоса қиладиган бўлсак, ушбу параграфда ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнларнинг икки босқичи: «Илк мафкуравий жараёнларнинг вужудга келиш даври (мил.авв. 100 – 1 минг йилларгача)» ҳамда «Миллий хусусият ва миллий ғоянинг шаклланиш давр (мил. авв. 1-минг йиллик бошлари – милодий VIII асрларгача)»лари тадқиқ этилди.

Мафкуравий жараёнларнинг биринчи милоддан аввалги 100 – 1 минг йилларгача бўлган «Илк мафкуравий жараёнларнинг вужудга келиш даври»ни ўрганишда Тешиктош ғоридан топилган 8-9 ёшли боланинг дафн этиш услуби ҳамда юртимиздаги Зараутсой, Сийпантош, Сармишсой, Биронсой ва Илонсой каби қоятош расмлари асосидаги фактларга таянилади. Мазкур фактлар юртимиздаги илк мафкуравий жараёнлар шаклан тотемизм, анимизм ва фетишизм кўринишида бўлганлигини кўрсатди.

Илк мафкуравий қарашлар назарияда мифологик дунёқарашга таянган бўлса, амалиётда «табу»ларга таянгани, табулар улар учун дастлабки мафкура ролини ўтагани маълум бўлди.

Мазкур параграфда Зардуштийликнинг вужудга келиши даври ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнларнинг иккинчи босқичи, яъни милоддан аввалги 1-минг йиллик бошларидан – то милодий VIII асргача бўлган даврни ўз ичига олувчи «Миллий хусусият ва миллий ғоянинг шаклланиш даври»ни бошлаб берганлиги тўғрисидаги қараш илмий асосланди.

¹ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Монография. –Тошкент: Art-flex, 2010. 57-б.

² Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / А. Расулов тарж. Танланган асарлар. 1 –жилд. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 242-243.

Ундан ташқари, кўлга киритилган илмий асосларга таянилган ҳолда, суғорма деҳқончилик ҳамда уни тарғиб этган Зардуштийлик таъсирида халқимизда «кучли сабр-тоқат» миллий хусусият сифатида шакллангани, кўчманчи ва чорвадорлик турмуш тарзига асосланган Шомонийлик (Кўк-Тангри) мафқураси таъсирида эса, халқимизда «жанговарлик руҳияти» қарор топгани тўғрисидаги илмий фараз илгари сурилди.

Тадқиқот давомида халқимиз тараққиётининг мафқуравий жараёнлар эволюциясида Зардуштийлик ҳамда Шомонийлик (Кўк-Тангри) мафқураларидан ташқари, эллинистик ғоялар, христианлик, буддавийлик ва монийлик мафқуралари мавжуд бўлгани аниқланди ва илмий таҳлил этилди. Мазкур таҳлиллар милоддан аввалги 1-минг йиллик бошларидан то милодий VIII асргача бўлган даврнинг мафқуравий манзарасини тўлиқ англаб олишга хизмат қилиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мафқуравий хилма-хиллик бўлгани, ҳеч қайси мафқура монопол даражада ўрнатилмагани ҳамда халқимиз ҳаётида ғоявий плюрализм ва диний бағрикенглик юксак даражада ривожланганлигини кўрсатиб берди.

2.2-§. Ислom дини ва мафқурасининг кириб келиши ҳамда ривожланиши

Ўзбек халқи тарихий тараққиётидаги мафқуравий жараёнлар трансформациясини таснифлаш асосида ишлаб чиқилган даврлаштириш бўйича ёндашилганда Ўрта Осиёга ислом дини ва мафқурасининг кириб келиши ҳамда ривожланиши VIII аср бошларидан – XIX аср ўрталаригача бўлган учинчи даврни ўз ичига олади.

Таъкидлаш керакки, ҳар қандай динга, жумладан, ислом динига ҳам мафқура бевосита алоқадор тушунча ҳисобланади. Чунки, мафқура – бу ривожланган динларнинг (буддизм, христианлик, ислом) унсурларидан бири, ижтимоий доктринанинг бир қисмидир. Мафқура ва диннинг алоқаси дунёвий мафқура айрим диний ғояларни ўзлаштиришида, дин эса дунёвий ғояларни ўзлаштирганлигида номоён бўлади. Аммо

мафкураинг энг чуқур манбаи кишиларнинг динлар ва дунёвий мафкураларда бир хил талқин қилинмайдиган реал ҳаётидир¹. Шу маънода тадқиқот ишида, жумладан ушбу параграфда дин эмас, балки диннинг бир қисми бўлган мафкура масаласи, яъни ислом мафкураси тадқиқ этилмоқда.

Тарихий манбалардан маълумки, Ўрта Осиёга ислом мафкурасининг кириб келиши икки босқични ўз ичига олади. Биринчи босқич VII асрнинг ўрталаридан – VIII аср бошларигача бўлган давр бўлиб, бу даврда араблар маҳаллий ҳукмдорларни синаш, халқни ўрганиш ҳамда Ислом динини ёйишга тайёргарлик кўриш мақсадида ҳарбий юришлар қилганлар. Юртимизга нисбатан Моворауннаҳр атамаси ҳам мана шу даврларда шаклланган.

Мовароуннаҳр атамасига бўлган ишора илк бор ҳалифа Умарнинг Аҳнаф²га йўллаган мактубида учрайди. Милодий 642 йилда араблар Марв ва Балхни эгаллагач, халифа Умар ибн Хаттоб Аҳнаф ибн Қайсга шундай мактуб йўллаган: «Аммо баъд! Дарёдан ўтманглар. Дарёнинг бу тарафи билан чекланинглари. Хуросонга нима мақсадда кирганингизни яхши биласизлар. Хуросонга нима мақсадда кирган бўлсангиз, шу ниятда бардавом бўлинглар. Шунда ғалабангиз ҳам бардавом бўлади. Дарёнинг у тарафига ўтишдан сақланинглари»³. Ҳалифа Умар мазкур мактубида дарё ортидаги юртларга ишора қилиб, мактубда ан-наҳр – дарё ва дун ан-наҳр – дарёнинг олди тарафи ибораларини ишлатади. Мазкур иборалардан ўша вақтда «Мовароуннаҳр», яъни «дарёнинг орқа тарафи» атамаси келиб чиққан, деган асосли эҳтимол илгари сурилади⁴.

¹ Назаров Қ. Мафкура. Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. – Тошкент: 2014. 104-б.

² Абу Баҳр ат-Тамимий Аҳнаф ибн Қайс ибн Муовия ибн Хусойн (в. 67, 71 ёки 72/686, 690 ёки 691). Асли исми Заҳҳок бўлган. Оёғи оқсоқ бўлгани учун Аҳнаф (оқсоқ) деб ном олган. Расулulloҳ (с.а.в.) даврида мусулмон бўлган ва Умар (р.а.) томонидан Хуросонга жўнатилган. Сиффин жангида Али (р.а.)нинг лашкарбошиси бўлган (Шамсуддин аз-Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.10. – Байрут: Дар ал-фикр, 1991. 199-б)

³ Ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ат-Табарий. – Ар-Риёд: Байт ал-афкар ад-давлия, 2005. 695-б.

⁴ Мазкур ҳудудлар қадимда Турон, Александр Македонский босқини ва ундан кейинги вақтларда Сўғдиёна деб юритилганлиги тарихий манбаларда қайд этилади. Кейинчалик араблар кириб келгач, Мовароуннаҳр атамаси пайдо бўлган. Улар Мовароуннаҳр деганда, Ўрта Осиёнинг Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ҳудудларни назарда тутганлар. XIX асрга келиб, мазкур ҳудудлар Туркистон деб атала бошлаган.

Ҳалифа Умар даврида араблар Хуросон билан чекланишган бўлса-да, лекин, бу даврда уларнинг Мовароуннаҳрни ўрганиш ишларини тўхтатмаган. Жумладан, ўша даврда юртимиз ҳақида куйидагича маълумотлар тўпланган: «Мовароуннаҳр иқлимлар ичида ҳавоси энг мусаффоси, энг ҳосилдори ва бошқа яхши жиҳатлари нисбатан кўпроғи саналади. У ерлик аҳоли яхшилик ва саховатга ўч ва ёрдампарвар бўлиб, ёмонликдан йироқ ва бағрикенг инсонлардир. Шу билан бирга, мовароуннаҳрликлар тенгсиз куч-қудрат, энгиб бўлмас қатъиятлилик ва жасурлик соҳиби... уларда ҳарбий тайёргарлик ва қурол-аслаҳа яхши ривожланган. Бу ўлканинг ҳосилдорлиги шундаки, мазкур ҳудуднинг унумдорлиги борасида айтилган васфларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Ҳатто бутун ислом оламида ҳам Мовароуннаҳрчалик ҳосилдор юрт топилмайди... Ҳудуддаги сувлар чучуклиги ва истеъмолга яроқлилиги билан ажралиб туради. Мовароуннаҳрнинг тоғлари, воҳалари ва шаҳарларининг деярли барчасида сув мавжуд. Аҳоли туя, эшак ва хачир каби уловлардан фойдаланадилар. Қўй гўштини туркманлардан олиб келадилар, қолган озуқалар эса ўзларида етарлича топилади.

Мовароуннаҳр аҳолисининг либослари пахтадан бўлиб, пахта бу ҳудудда кўп етиштирилади ва у ердан бошқа юртларга етказиб берилади. Шунингдек, шойи, жун, тола ва Хўжанд ипаги кўп ишлаб чиқарилади. Ипак аҳоли орасида қадрли бўлиб, ортиб қоладиган даражада кўп эмас. Бу ҳудудда мислсиз ва бебаҳо қоғоз ишлаб чиқарилади. Ўлкада темир конлари ҳам кўп. Аҳоли темирдан қурол ва бошқа асбоб-асқуналарни истаганча ясай оладилар. Шу билан бирга, олтин, кумуш ва симоб конлари ҳам мавжуд бўлиб, улар бошқа юртларда топилмайдиган даражада кўп захирага эга. Панжаҳарнинг кумуш кони захирасини ҳисобга олмаганда, Мовароуннаҳрдаги симоб, олтин, мис ва бошқа конлар захирасига ҳеч қайси юртнинг конлари ета олмайди.

Сўғд, Уструшана, Фарғона ва Шош меваларининг тўкин-сочинлиги ҳеч бир юртда топилмайди»¹. Мазкур маълумотлар юртимизни Мовароуннаҳрга кириб келгунга қадар араблар томонидан жуда яхши ўрганилганини кўрсатади.

¹ Қаранг: Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-Булдон. Ж.5. – Байрут: Дар Байрут, 1984. – Б. 45-47; Абул Қосим ибн Ҳавқал ан-Насибий. Китаб сурат ал-арз. – Лондон: Брилл, 1939. – Б. 465.

Ислом мафкурасини кириб келишининг иккинчи босқичи VIII аср бошларидан бошланади. Бу даврда араблар Мовароуннаҳр ҳудудини тўлиқ босиб олишга киришадилар.

Юқоридаги параграфда амалга оширган таҳлилларимиздан маълум бўлдики, милодий VIII асргача бўлган даврда юртимизда Зардуштийлик, Шомонийлик, эллинистик ғоялар, Христианлик, Буддавийлик ва Монийлик мафкуралари мавжуд бўлган. Ижтимоий ҳаётдаги мазкур ҳолат тинч даврларда ўзининг прогрессив натижаларини берган бўлса-да, бироқ ташқи кучлар босқини яқинлашяётган вазиятда мафкуралар хилма-хиллиги ва ягона ғоянинг йўқлиги фақат регрессив роль ўйнаши мумкинлигини кўрсатди.

Араблар томонидан Мовароуннаҳр ҳудуди тўлиқ босиб олиншида Қутайба ибн Муслим¹ катта роль ўйнади. Илмий манбаларга таянган ҳолда унинг ҳарбий ва идеологик фаолиятини тўрт босқичга бўлиш мумкин. Улар:

Биринчи босқич, милодий 706 йилда Қутайба Тохаристон, Марв ва Чағониённи бўйсундириб, у ерга ислом динини олиб кирди;

Иккинчи босқич, милодий 706-708 йилларда Бухорога бир неча бор юриш қилди. Милодий 706 йилда Байкент (ёки Пойкент), сўнг Ромитан ва Тумишкат эгалланди. 708 йилда Бухорони тўлиқ эгаллади ва у ерда ислом ғояларини ёйиш ишларига масъул бўлди;

Учинчи босқич, бу милодий 709-711 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Қутайба Мовароуннаҳрда ислом қонун-қоидаларини қарор топтириш билан шуғулланган ҳолда милодий

¹ Қутайба ибн Муслим (669-715) Хуросонда ўн йил волийлик қилади. Отаси Язид ибн Муовия ҳузурида эътиборли кишилардан бўлган. Валид ибн Абдумалик тахтга чиққач, Ҳажжож томонидан Хуросон волийси этиб тайинланади. Халифа Валид вафот этгач, ҳокимият унинг укаси Сулаймон қўлига ўтади. Қутайба билан Сулаймоннинг муносабатлари яхши эмас эди. Шу боис Қутайба очикчасига итоатсизлик қилиб, мустақил бўлишга уринади. Натижада Қутайба лашкарлари орасида келишмовчиликлар пайдо бўлиб, Вакиъ ибн Ҳассон ат-Тамимий томонидан Фарғонада ўлдирилади. Қутайба бадавлат ва шижоатли саркардалардан бўлиб, Мовароуннаҳр ўлкасини буткул қўлга олган. Қутайба даражага бошқа волийлар сингари насл-насаби билан эмас, балки шижоати, қатъиятлилиги ва моҳир саркардалиги билан эришган. Унинг эллик минг нафар аскарлари бўлган. Шулардан етти минг нафари хуросонликлардан иборат бўлган (Шамсуддин аз-Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.5. – Байрут: Дар ал-фикр, 1991. – Б. 348-349; Хайруддин Зириклий. Аълам. Ж.5. – Байрут: Дар ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 189-190; Доктор Шавқий Абу Халил. Фатҳ Самарқанд. – Байрут: Дар ал-фикр ал-муъасир, 2004. – Б. 33-40).

710 йилда Сижистон ва милодий 711 йилда Хоразм ва Самарқандни тўлиқ эгаллайди¹;

Тўртинчи босқич, милодий 712-715 йилларни ўз ичига олган бўлиб, бу босқичда Қутайба Шош, Фарғона ва ҳатто Хитойнинг Қашғар шаҳрини эгаллаб, ислом оламининг шарққа чўзилган чегарасини ниҳоялаб берди².

Қутайба ибн Муслим Андижоннинг ҳозирги Жалақудук туманида Вакиъ ибн Ҳассон ат-Тамимий томонидан ўлдирилгунга қадар³ Мовароуннаҳр ҳудудларида ислом қонун-қоидаларини қарор топтириш сиёсатини олиб борган⁴.

Мовароуннаҳрга ислом ғояларини ёйишда араблар томонидан дастлаб куйидаги мафкуравий усуллар қўлланилган. Улар:

1) Эски мафкуралар таъминотини узиб қўйиш. Мазкур усул бўйича буюк аждодимиз Абу Райхон Беруний ўз асарлари орқали шундай гувоҳлик берган: «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин, ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди... Кейин Қутайба Ибн Муслим ал-Боҳилий Хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли, улар саводсиз қолди»⁵;

2) Ғоявий маслакдошларни моддий рағбатлантириш. Унга кўра, ислом ғояларига ишонган кишилар ҳирож (ҳосилнинг 1/3 қисми ҳажмидаги ер солиғи) ва жизя солиқларидан озод этилган ва масжидга келиб намоз ўқувчилар учун 2 дирҳамдан пул ҳадя қилинган;

3) Ғоявий маслакдош бўлмаганлардан моддий тўлов ундириш. Унга кўра, ислом ғояларига ишонмаган кишилар жизя (мусулмон бўлмаган аҳолидан олинадиган жон) солиғини тўлашга мажбур этилган. Ўша давр манбалари гувоҳлигига кўра,

¹ Аҳмад Роиф. Атлас тарих ал-ислам. – Қоҳира: Дар аз-захро ли ал-иълам ал-арабий, 1987. 131-б.

² Ўша манба. 131-б.

³ Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Биз ким, ўзбеклар. – Тошкент: Шарқ, 2011. 150-б.

⁴ Абул Ҳасан Балозурий. Футуҳ ал-Булдон. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1991. 420-б.

⁵ Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, – Т.: Фан, 1968, –Б. 72-84

ушбу солиқни тўламаган кишилар бўйинларига «қарздор» деб ёзилган тахтача осиб қўйилган ҳолда жазоланган;

4) Устоз-шогирд анъанасини йўлга қўйиш. Тарихчи Табарийнинг хабарига кўра араб аскарларининг аксарияти саҳобий ва тобеъий ҳамда табаъа тобеъийлардан иборат бўлган. Жумладан, Усмон ибн Аффон, Ҳакам ибн Амр, Абдуллоҳ ибн Омир ва Қусам ибн Аббос улуғ саҳобийлардан бўлса, қолган деярли барча саркардалар тобеъий ва табаъа тобеъийлардан бўлганлар. Шубҳасиз, мазкур шахслар исломий таълимотларни маҳаллий аҳолига ўргатишга алоҳида эътибор қаратишган¹. Жумладан, тарихчи Наршахий ҳам мазкур масалада маълумот қолдирган бўлиб, унда Қутайба араблар бухороликлар билан бирга яшаб, уларнинг хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиб турсалар, улар заруратдан мусулмон бўладилар, деган мақсадда Бухоро аҳолисига ўз уйларининг ярмини арабларга беришга ундаб, буйруқ чиқаришни тўғри топди ва шу йўл билан у мусулмончиликни ўрнатди ҳамда шариат ҳукмларини бажаришга уларни мажбур этди², дейилган.

Албатта, дастлабки вақтларда қўлланилган мазкур усуллар ислом ғоялари тарғиботида муайян натижалар берган. Лекин маҳаллий халқни тўлиқ ислом ғояларига ишонишини мазкур омилларгагина боғлаб бўлмайди.

Бизнингча, юқоридаги омиллардан ташқари, ислом ғояларини ижтимоий-мафкуравий ҳаётда муносиб ўрин эгаллашида унинг халқимиз миллий хусусиятларига яқинлиги ҳам катта аҳамият касб этган.

Маълумки, юқоридаги параграфда халқимиз менталитетида суғорма деҳқончиликни тарғиб этган Зардуштийлик таъсирида «кучли сабр-тоқат» хусусияти ҳамда чорвадорлик турмуш тарзига асосланган Шомонийлик (Кўк-Тангри) мафкураси таъсирида эса «жанговарлик руҳияти» (бу тушунча фақат ҳарбий маънонигина билдирмайди) қарор топганлиги тўғрисидаги илмий фараз илгари сурилган эди. Ислом ғояларини халқимиз томонидан тез қабул қилингани ҳам мазкур фаразимизни илмий асослайди. Бинобарин, исломда «сабр» туйғуси ва жидду жаҳд –

¹ Ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ат-Табарий. – Ар-Риёд: Байт ал-афкар ад-давлия, 2005. 1226-б.

² Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Камалак, 1991. 123-б.

жиҳод (бу тушунча ҳам худди «жанговарлик руҳияти» тушунчаси каби фақат ҳарбий маънонигина англлатмайди) тушунчалари кўп тарғиб этилади. Масалан, Қуръони Каримда сабр тушунчаси 70 та ўринда¹ зикр қилинган бўлса, унинг Анкабут сураси, 69-оятида «Биз учун жидду жаҳд қилганларни Ўз йўлларимизга ҳидоят этурмиз...» дейилади.

Дарҳақиқат, ушбу даврдаги «эски» ва «янги» мафкуралар қиёсий таҳлил этилганда, «туркларнинг «Тангри»си ва исломнинг «Оллоҳи» ифода этаётган маъно бир-бирига анча мувофиқ эди. Шомонийликда пайғамбарнинг йўқлиги ҳам Ҳазрати Муҳаммаднинг тезгина қудсият топишию эъзозланишига имкон берди. Исломнинг жиҳоди ҳам туркларнинг жангари руҳларига ва жаҳон ҳокимияти даъволарига ҳамоҳанг эди. Қолаверса, руҳнинг боқийлиги, охират ҳаёти, жаннат ва дўзах ақидалари, Тангрига ва аждод руҳига қурбон сўйиш ишончлари шомонийликда мавжуд эдики, бу ҳол исломда, айниқса, ўзининг мукаммал моҳияти билан юз очганди. Шомонлар авлиёларга, алп(қахрамон)лар ғозийларга ўхшарди. Шунинг учун ҳам турклар исломни хуш кўрдилар»².

Бизнингча, халқимиз томонидан ислом ғояларининг тез қабул қилинишига яна бир сабаб сифатида ўз даврида араб халифалари, волийлари ва саркардаларининг ижтимоий адолатга интилишлари ва шу орқали маҳаллий халқ ишончини қозонганини кўрсатиш мумкин. Масалан, тарихий манбаларда келтирилишича, Моваруннаҳрнинг исломга кирган аҳолисидан ҳам жизя (жон солиғи) олинаётганини эшитган ҳалифа Умар ибн Абдулазиз³ Хуросон волийси Жарроҳ¹га шундай мактуб ёзади:

¹ Азимов М. Исломда сабр. <https://muslimun.uz/iclomda-cabr/>

² Усмон Турон. Туркий халқлар мафкураси. – Тошкент: Чўлпон, 1995. 100-б.

³ Ҳалифа Умар ибн Абдулазиз милодий 680 йил Мадинада туғилган. Умарнинг отаси Абдулазиз ибн Марвон ёш вафот этади. Амакиси Абдулмалик ибн Марвон Умар ибн Абдулазизни ўз қарамоғига олади. Умар ибн Абдулазиз тавозели, сахий, ҳалим, кечиримли, такводор ва зоҳид инсон бўлган. Уммавийлар сулоласи минбарларда Али (р.а.)ни лаънатлашга одатланишган эди. Умар ибн Абдулазиз бу нолойиқ одатга чек қўяди. У милодий 717 йилда амакиси Сулаймон ибн Марвондан сўнг тахтга чиқади ва милодий 719 йилда заҳарланиш натижасида вафот этади. Умар ибн Абдулазиз Расулulloҳ (с.а.в.) башорат қилган юз йилда бир марта дунё юзини кўрадиган мужаддид олимлардан саналади (Абу Фидо Исмоил ибн Касир. Ал-Бидая ва ан-нихая. Ж.9. – Байрут: Дар ихя ат-турос ал-арабий, 1997. 142-б.; Можид ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳасан. Сиясат Умар ибн Абдулазиз ал-қазоия. – Ар-Риёд: Марказ Ал-Малик ли ал-бухус ва ад-дирасат ал-исламия, 2011. – Б. 35, 37, 39, 47; Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад – Ибн ал-Имроний ал-Хоразмий. Ал-Анба' фи тарих ал-хулафа'. – Қоҳира: Дар ал-афақ ал-арабия, 1999. – Б. 50-51).

«Сендан олдин қиблага қараб намоз ўқиганларга бок! Улардан жия олишни тўхтат». Бунга жавобан Жарроҳ «Одамлар жиядан қўрқиб, исломни қабул қилмоқдалар. Уларни хатна қилиш² билан имтиҳон қилиш зарур», деган таклиф билан ҳалифага мактуб йўллайди. Умар ибн Абдулазиз унга жавобан: «Албатта, Аллоҳ таоло Муҳаммад (с.а.в.)ни исломга гўзал тарзда тарғиб қилувчи шахс сифатида юборган, одамларни хатна қилувчи сифатида эмас», деган мазмунда мактуб ёзиб, бу ишнинг ножоизлигини уқтиради. Бошқа бир ривоятда «Албатта, Аллоҳ таоло Муҳаммад (с.а.в.)ни исломга гўзал тарзда тарғиб қилувчи шахс сифатида юборган, одамлардан солиқ йиғувчи сифатида эмас», дейилган³. Хуросон волийси Жарроҳ ўз фикридан қайтишни истамагач, Умар ибн Абдулазиз уни волийликдан бўшатади. Яна бир мактубида Умар ибн Абдулазиз Самарқанд волийси Сулаймон ибн Абу ас-Сиррийга: «Юртингда махсус бинолар қуриб, ҳожатманд мусулмонларга жой бер. Уларга ва уловларига бир кунлик шароит яратиб бер. Агар бемор бўлишса, икки кунлик шароит яратиб бер. Агар ҳеч вақоси бўлмаса, уларни ўз шаҳрига етиб олишида керак бўладиган зарурий нарсалар билан таъминла!»⁴ дея, кўрсатма беради.

Бундай тарихий фактлардан англанадики, ўз вақтида ислом ғояларини тарғиб этувчилар ижтимоий адолатга интилган. Бу мафкуравий амалиёт учун зарур бўлган «ғояни ижтимоий ҳаётда амалий исбот топиши»ни юзага келтириб, тарғиб этилаётган ғояга маҳаллий халқ ишончини уйғотиш имконини берган.

¹ Абу Ақабан Жарроҳ ибн Абдуллоҳ ал-Ҳақамий Дамашқда туғилган, Ҳажжож даврида Басра волийси бўлади, сўнг Умар ибн Абдулазиз даврида Хуросон ва Сижистон волийлиси сифатида фаолият юритган. (Аҳмад ал-Яъқубий. Ал-Булдон. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 2002. – Б. 133-134).

² Хатна ислом дини шиорларидан бўлиб, зарурат ҳолларда, масалан, жангда ҳалок бўлганлар орасидан мусулмонларни ажратиб олиш ва бошқа шу каби вазиятларда катта аҳамият касб этади. Ҳанафий мазҳаби таълимотларига кўра, эркак кишини хатна қилиш суннат саналади. Ҳанафий олимлар «Хатна эркаклар учун суннатдир» деган ҳадисни далил сифатида оладилар. Шунингдек, шофеъий ва ханбалий мазҳаби олимлари хатнани эркаклар учун фарз деб биладилар. Улар «Ким мусулмон бўлса, хатна қилдирсин», деган ҳадисни далил сифатида қабул қилганлар. Маълумки, араб мусулмонлар Мовароуннаҳрга кириб келишларидан олдин ўлкада хатна қилиш урф бўлмаган. Кейинчалик маҳаллий аҳоли ўз ихтиёри билан ислом динини қабул қилгач, бу суннат амал урф-одат ва қадрият даражасигача кўтарилган.

³ Абу Фидо Исмоил ибн Касир. Ал-Бидая ан-нихая. Ж.9. – Байрут: Дар ихя ал-маърифат, 1998. 223-б.

⁴ Қаранг: Ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ат-Табарий. – Ар-Риёд: Байт ал-афкар ад-давлия, 2005. 1273-1289-б; Доктор Шавқий Абу Халил .Фатҳ Самарқанд. -Байрут: Дар ал-фикр ал-муъасир, 2004. – Б. 101-104

Таъкидлаш керакки, халқимиз тараққиётидаги мафкуравий жараёнлар эволюциясида ислом ғояларини бу қадар чуқур ўрин олишига, албатта, фақат мафкуравий ёки иқтисодий-сиёсий усуллар билан эришиб бўлмас эди.

IX асрга келиб, араблар фатҳ этган ҳудудларнинг миқдорий жиҳати шу даражада кенгайдики, бу ўз-ўзидан сифат ўзгаришларни талаб эта бошлади. Турли географик муҳит, ирқ ва миллат, маданият ва анъаналарга асосланган янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар эндиликда Қуръон ва Ҳадислардаги далиллар билан бир қаторда, ақлий далилларга ҳам таяниш борасида эҳтиёжни юзага келтирди. Мазкур эҳтиёж сабаб, ислом асослари билан бир вақтда шаклланган диний илмлар (улум нақлийа) қаторида борлиқни рационал талқин этишга асосланган (улум ақлийа) дунёвий илм йўналишлари вужудга келди.

Дарҳақиқат, «IX асрга келиб илк ўрта асрлар маданиятида барча илмлар иккига – ўз ичига Ислом тартиб-қоидалари, Қуръон тили, араб тили асослари ва услуби билан боғлиқ гуманитар билимларни мужассам қилган «улум ал-қадимийа» – «анъанавий илмлар» (ёки «улум ал-ислом» ёки «улум ан-нақлийа» ёки «улум аш-шаръийа», яъни «шариат илмлари») ҳамда риёзиёт, тиббиёт, мантиқ, метафизика ва бошқа илмлардан иборат «улум ал-ажам» – «араб бўлмаган илмлар» (ёки «улум ат-табиййа» ёки «улум ал-ақлийа», яъни «ақл-идроққа асосланган илмлар»)га бўлинган. Биринчи гуруҳ илмлар вазифасига Исломни, диний билишни мустаҳкамлаш, қонунлаштириш ва ишлаб чиқиш, иккинчи гуруҳга эса моддий олам, табиатнинг хусусиятларини ўрганиш кирган»¹.

IX асрда ислом ғоялари тарғиботида катта бурилиш ясалди. Бу даврда аввалги даврлардан фарқли равишда ислом ғоялари тарғиботи жараёнига «улум ал-ақлийа», яъни ақл-идроққа асосланган илм тарафдорлари кириб келишди. Бунинг натижасида ислом мафкураси нафақат диний илм эгаларининг, балки рационал билим тарафдорларининг ҳам мафкурасига айланди.

¹ Баҳодиров Р.М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан // Масъул муҳаррир М.М. Хайруллаев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 63-б.

Ушбу даврда ғоялар баҳси кундалик суҳбатлардан илмий давраларга, кундалик онгдан назарий онг даражасига кўчди. Албатта, оддий халқдан фарқли ўлароқ, олимларни муайян ғояга ишонтириш осон кечмайди. Шунинг учун ҳам бу даврда олимлар мутакалим ва муътазилий тоифаларига бўлиниб кетди. «Агар мутакалимлар Қуръондаги тушунчаларни ҳар қандай шакл-шамойилида эркин талқин қилишга қарши турган бўлсалар, муътазилийлар Каломдаги Ақл тўғрисидаги ғояга эътиборни қаратиб, унда илм олишга даъват етакчи эканлигини исботлашга уриндилар»¹.

«Моҳиятан илоҳий илм билан дунёвий илмни ажратишнинг назарий асоси ташаббускорлари, фикримизча, муътазилийлар эдилар. Муътазилийларнинг хизмати шундаки, улар инсон ақлини, гарчи илоҳий ақлдан мукамал бўлмаса-да, шариатнинг баҳсли масалаларини ҳал қилишда ҳакам бўлиш вазифасига яроқли деб билдилар»². Муътазилийлик халифа ал-Маъмун (786-833) даврида давлат ҳомийлигидаги таълимот даражасига кўтарилган бўлса, халифа Мутаваккил (847-861) даврида маън этилиб, бидъат, деб эълон қилинди. Муътазилийликка муносабатнинг кескин ўзгаришига сабаб, улар баҳсларда ислом динининг аксиоматик асосларигача кириб боришди, ўз ақидалари (хусусан, Қуръонни яратилганлиги)ни тан олмаганларга сиёсий босимлар ўтказишди, ҳатто бу жараёнда ўлим жазосини ҳам қўллашди.

Кўриниб турганидек, IX асрда ислом ғоялари тарғиботида катта бурилиш ясалди. Муътазилийлик ва мутакаллимлиқ соф илмий баҳслардан чекиниб, ақидавий ихтилофларга берилиб кетгунга қадар ҳурфикрлиқ муҳитини вужудга келтиришди. Бу даврда «илоҳиётчилар томонидан «Кўшҳақиқат» тўғрисидаги таълимот яратилди, бунга кўра, илоҳий ҳақиқат ва дунёвий ҳақиқат мавжуд бўлиб, биринчиси фақат пайғамбарлар, азиз авлиёларга аён бўлади, иккинчисига эса илм олиш йўли билан ҳар қандай банда эришиши мумкин»³ – деган ғоя илгари сурилди. Мафкуравий жараёнлардаги бундай ўзгаришлар IX-XII

¹ Каримов И. Имон ва Маслак тарихи. – Тошкент: Янги нашр. 2010, 132-б.

² Фролова Е.А. Проблема веры и знания арабской философии. – М.: Наука, 1983. 28-бс

³ Каримов И. Имон ва Маслак тарихи. – Тошкент: Янги нашр нашр, 2010 132-б.

асрларда минтақамизда Мусулмон Ренессанси деб номланган Биринчи Шарқ Уйғониш даврини вужудга келишига сабаб бўлди.

Таъкидлаш керакки, мазкур даврда муътазилийлик ва мутакаллимлик ўртасидаги ақидавий ихтилофларга барҳам берилишида Ироқ ва Сурия ҳудудларида имом Ашъарининг – Ашъария, Моварауннаҳрда имом Мотрудийнинг – Мотурудия таълимотлари асосий роль ўйнади. Абу Мансур Мотрудий мазкур баҳсларга чек қўйиш мақсадида «Китобу-т-тавҳид» («Яккаҳудолик ҳақидаги китоб») асарини ёзди. Аллома ўзининг анъанавий ислом ақидаларига асосланган ғоялари билан Аллоҳнинг зоти ва сифатлари, Қуръон ақидалари юзасидан баҳс-мунозара юритаётган, ихтилоф қилаётган турли-туман оқимлар ва гуруҳларнинг асоссиз тортишувларига чек қўйди¹.

Мана шундай олимлар фаолияти сабаб, ислом дунёсидаги ғоявий бўлинишининг олди олинди. Хусусан, Мотурудия таълимоти кенг тарқалган XI-XII асрларда Моварауннаҳр ўлкасида диний, ижтимоий-сиёсий вазият бошқа ўлкаларга нисбатан ўзининг барқарорлиги билан ажралиб турди. Шунинг учун ҳам «имом Ашъарий ва Мотурудийлар Аҳли сунна вал жамоанинг ақийда бўйича имомлари деб тан олиндилар. Бу икки имом Ислом оламининг икки тарафида Ашъарий басралик, Мотурудий самарқандлик бўлса ҳам ва бир-бирлари билан кўришмаган бўлсалар ҳам, бир хил ишни бир хил вақтда, бир хил тарзда адо этганлари ҳамда икковларининг бирданига Аҳли сунна вал жамоа мазҳабининг имоми деб эътироф қилиниши бу мазҳабнинг ақийдаси барча юртларда ҳар доим маълум ва машҳур эканига ёрқин далилдир»².

Мафкуравий жараёнларда диний илм (улум нақлийа) ҳамда дунёвий илм (улум ақлийа) тарафдорлари ўртасидаги баҳслар кетаётган бир вақтда ислом оламида ғояларни ўзига хос тарғиб этишга асосланган тасаввуф таълимоти ривожланиб борди. Тасаввуф таълимотида дин асосларидан чекинмаган ҳолда,

¹ Даминов И. Баркамол авлод тарбиясида Мотурудия таълимотининг аҳамияти. – Тошкент: Sano-standart нашр, 2015. 22-б.

² Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Мазҳаблар бирлик рамзи. – Тошкент: Hilol-nashr, 2018. 143-б.

рационал тафаккурдан кўра, борлик ва унинг яратувчисини ишқ, меҳр-муҳаббат туйғулари асосида англаш, руҳ, ҳис-туйғу, завқу-шавқ ва қалбга хитоб қилиш тенденцияси устуворликка эга эди. Мисол учун, ақоид илми Аллоҳ эшитиш, кўриш, гапириш, кудрат, ҳаёт, илм каби сифатларга эга эканлиги ҳақида баҳс юритса, тасаввуф бандага Аллоҳнинг эшитиши ёки кўришини бутун вужуд билан қандай ҳис қилиш кераклигини ўргатар эди.

Тасаввуфнинг вужудга келиши ва оммалашувига ўша даврнинг ижтимоий муҳити ҳам албатта катта таъсир кўрсатган. Бу ҳақда профессор Н.Комилов шундай фикр билдирган: «Тасаввуф гарчи ислом бағрида куртак ёзиб, Қуръон ва ҳадислар ҳикматидан озикланган, кўп ҳолларда шариат аҳкомига суянган бўлса-да, аммо у расмий, диний схоластика-мутаассиб руҳонийларнинг зоҳирий ақидапарастлиги ҳамда ҳоким табақаларнинг айшу-ишратга ғарқ турмуш тарзи, талончилик ва манфаатпарастлигига зид ўлароқ меҳнаткаш халқ норозилигини ифодалаб келди. Шу сабаб бу таълимот тезда эл орасига ёйилиб, фикрий изланишдаги, Ҳақ ва ҳақиқатга ташна зиёлилар, илму адаб аҳлининг юрагини банд этди»¹.

Юқоридаги таҳлилларимиздан маълум бўлдики, IX асрда ислом оламида муътазилӣй ва мутакаллимларнинг ақидавӣй ихтилофлари авж олган эди. Мазкур вазиятда тасаввуф аҳли ўзларининг мазҳабларини ишқу муҳаббат, йўлларини сулҳ ва сафо йўли деб эълон қилдилар. Айнан шу ғоялар тасаввуф таълимотининг обрўсини кўтарди. Бунинг натижасида, «эътиқод масалаларида турли ғоявий ихтилоф ва курашлар майдонига айланиб бораётган Мовароуннаҳр IX аср ўрталарига келиб, ўзига хос кучли ғоявий иммунитетга эга бўлди»².

Тасаввуф тарихидан маълумки, Ўрта Осиёда тасаввуф тарихини назарӣй ва амалӣй жиҳатдан яратиш Юсуф Ҳамадонӣй (1048-1141) томонидан амалга оширилган. Бу ҳақида шарқшунос олимлар В.Бартольд, Е.Бертельс ва И.Мўминовлар ҳам ўз тадқиқотларида айтиб ўтишган³. Юсуф Ҳамадонӣйдан сабоқ

¹ Н.Комилов. Тасаввуф ва бадӣй ижод // Ёшлик 1997, №8. 73-б.

² К. Раҳимов. Абу Бакр Калободӣй – йирик тасаввуф назарӣётчиси // Нақшбандия. 2016. – №1. 24-б.

³ Қаранг: Бартольд В. Туркестан в эпоху мангольскогo нашествия. Том – 1,2. -С-Пб., 1900; Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. –М., 1965; Мўминов И. Танланган асарлар. 1-том. – Т.: 1969.

олган Аҳмад Яссавий (вафоти 1166) ва Абдулхолиқ Ғиждувоний (1103-1179)лар минтақада тасаввуф тараққиётининг кейинги босқичларида муҳим ўрин тутди ва икки мустақил тариқат: Яссавия ва Хожагон (кейинчалик Нақшбандия – Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1389) тариқатларига пойдевор қўйишди. Бундан ташқари, Хоразмда валийтарош унвони билан машҳур бўлган Нажмиддин Кубро (1145-1221) Кубравия тариқатига асос солди.

Мазкур таълимотлар умумий тарзда ислом ғоялари назарияси ва амалиётига ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Жумладан:

1. Тасаввуф таълимоти Мусулмон Шарқида рационал фалсафа турлари – Қадимги Юнон фалсафаси (Шарқ аристотелизми ва неоплатонизм) ва ислом теологияси – калом фалсафаси (муътазилия, ашъария, мотуридия, ботиния)дан сўнг, фалсафий тафаккур оламида мутлақ иррационал ҳисобланган учинчи йўналиш – ирфон фалсафасини бошлаб берди ва ҳатто тўртинчи йўналиш – ишроқ фалсафасининг шаклланишида ҳам фаол қатнашди;

2. Тасаввуф ўзига хос бўлган диншунослик тизимини ишлаб чиқди;

3. Тасаввуф таълимоти бир қатор фан соҳаларига ҳам фаол тарзда кириб борди. Тарих, Қуръон тафсири (ирфоний тафсирлар), ҳадис (тасаввуф таълимотига мос тушадиган ҳадисшунослик), адабиётшунослик (бадий характерга эга бўлган тасаввуфий асарлар), тилшунослик (тасаввуфий сўзлар, истилоҳлар ва ибораларни изоҳлаб берадиган луғатшунослик мисолида), педагогика (устозлар (муршидлар)нинг шогирдлар (муридлар) учун ёзилган қўлланмалар шулар жумласидан);

4. Тасаввуф таълимоти Мусулмон Шарқи халқлари адабиёти (айниқса, араб, форс-тожик ва ўзбек адабиётида) таркибида гўзал маъно ва мазмун ҳамда шаклга эга бўлган бадий адабиёт яратди;

5. Тасаввуф таълимоти Шарқ, жумладан, ўзбек мусиқа санъатига ҳам сезиларли даражада таъсир ўтказди. Жумладан,

Ўзбек ва тожик халқларининг мумтоз мусиқаси «Шашмақом»ни ушбу таълимот талқинларисиз англаб етиш амри маҳол¹.

Дарҳақиқат, тасаввуф таълимоти ислом ва инсон, борлиқ ва яратувчи, банданинг яратувчи ризолигига эришишга ундаш масалаларида жуда катта маънавий мерос яратди. Бу мерос юқорида таъкидланганидек, янги (ирфон ва ишроқ) фалсафий йўналишлар, тафсир илми, адабиёт, тилшунослик, педагогика ва бошқа соҳаларни маънан бойишига хизмат қилди.

Бироқ шунга қарамай, тасаввуф таълимоти исломий ғоялар тарғиботида иррационал ёндашув (иррационализм – билиш жараёнида ақлнинг имкониятларини чеклайдиган ёки инкор этадиган фалсафий оқим²)ни кучайишига олиб келди. Ундан ташқари, тасаввуфлик ғоялари (фақр, фано, узлат кабилар) таъсирида мусулмон кишиси шахсиятида исломнинг дастлабки йилларида шаклланган жидду жаҳд ғоялари заифлашди. Унинг ўрнида эса, эгоистик-аскетизм (ас-кетизм – тарки дунёчилик, сақланиш маъноларини билдириб, Худонинг марҳаматига мушарраф бўлиш учун тарки дунё қилиш зарурлиги ҳақидаги диний тасаввур³)нинг оммалашувига олиб келди.

Таъкидлаш керакки, ўз даврида тасаввуф таълимоти таъсирида исломий ғоялар тушуниш ва тарғиб этишда иррационал ёндашувнинг кучайиши, ижтимоий ҳаётда эгоистик-аскетизмни устувор характер касб этиши ислом ғояларидаги дунёвийлик мазмунига зид эди. Мазкур ҳолат албатта жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ва мафкуравий даражасига салбий таъсир этмай қолмади.

Шундай асосларга таянган ҳолда Аҳмад Яссавий (1041-1167) томонидан шакллантирилган зоҳидлик, таркидунёчилик ғоясини устувор бўлган Яссавия тариқатини Мовароуннаҳр ҳудудида ёйилиши ва обрў топишидан ўртача 50 йил ўтиб, Хоразмшоҳлар давлатини мўғуллар томонидан босиб олиниш (Чингизхон Хоразмшоҳларга қарши юришини 1219 йилнинг кузида

¹ Қаранг: Холмўминов Ж. Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва Нақшбандия таълимоти (Ибн-ал-Арабий, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор Валий ва Мавлоно Абдурахмон Жомий қарашлари асосида). Монгорафия. / Масъул муҳаррир: Н.Жўраев. – Тошкент: Tafakkur, 2020. 324-б..

² Фалсафа энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. 142-б.

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти – Т.: 2010. 141-б.

бошлаган) жараёнлари ўртасида ўзига хос мантикий боғланиш мавжуд, – деган хулосага келиш мумкин.

Дарҳақиқат, «Мусулмон Шарқи VIII-XI асрларда тараққиётда Ғарбдан олдинда эди: ғарб олимлари мусулмон файласуфлари ва табибларидан сабоқ олишган; ғарб савдогари ислом дунёсидаги савдонинг кўламига ҳавас билан қараган; шарқ товарлари ғарбда зеби зийнат моллари ҳисобланган. Шарқ шаҳарларининг бойлиги ва ҳашамати Ғарб учун афсонадек туюлган. Буларнинг барчасида асосий мафкура вазифасини бажарган исломнинг ижобий хизмати буюк, албатта. Аммо XII-XIII асрлардан кейин мусулмон дунёси дастлаб турғунлик, сўнг таназулга юз тута бошлади»¹.

Тадқиқот аввалида таъкидлаганимиздек, инсоният тарихида цивилизацияларнинг вужудга келиши, ривожланиши ёки таназулининг туб моҳияти ғоя аталмиш ижтимоий онг маҳсулига бориб тақалади. Дарҳақиқат, шу ўринда, эгоистик-аскетизм ғоялари қораланган, жидду жаҳд ғоясига урғу берилган, яъни «дил ба Ёру, даст ба кор» – «кўлинг ишда, дилинг Аллоҳда бўлсин» тамойилига асосланган Нақшбандия (Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1389) тариқати кенг ёйила бошлаган даврга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, бу даврларда Темур ва Темурийларнинг тарих сахнасига келиши, мўғуллар истилосига барҳам берилиши ҳамда мустақил ва марказлашган давлат барпо этилиб, унда маданий-маънавий ривожланиш юз берганини кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, прогрессив ғоялар амалиёти бу даврда «бутун дунёда Темурийлар даври Ренессанси дея эътироф этилган XIV-XVI асрлардаги Иккинчи Шарқ Уйғониш даврида ҳам жамиятда эътиқод мустаҳкам, маънавият кучли, инсонлар дунёқарашида маънавият устувор, давлатчилик тузумида маънавият ва маърифат етакчи бўлган»² воқеликни вужудга келтирди. Мазкур воқелик юқорида келтирилган таркидунёчилик ғояси устувор бўлган Яссавия тариқати ҳамда жидду жаҳд ва дунёвийликга

¹ Ислом. Энциклопедия. – Т.: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. 117-б.

² Саидов А. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси: иқтисодиёт ва маънавият уйғунлиги йўлида. https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/37879/?sphrase_id=8032635 (мувожаат этилган сана: 25.04.2022).

урғу берилган Накшбандия тариқати ҳақидаги мисолларимиз ижтимоий ҳаётда «эгоистик-аскетизм ғоялари – инқирозга, жидду жаҳд ва дунёвийлик ғояси (барча соҳалар: илм, касб, сиёсат ва ҳаказоларга мослаб тарғиб этилса) – тараққиётга» олиб бориш тўғрисидаги ижтимоий қонуниятнинг яна бир бор амалий исботини кўрсатди.

Афсуски, мазкур қонуният ўзбек халқи тараққиётидаги мафкуравий жараёнлар эволюциясида кўп бор бузилди. Жумладан, Темур ва Темурийлар давридан кейин ҳам юртимизда «эгоистик-аскетизм» ғоялари кучайиб борди. Мазкур жараён юртимизда муқаррар равишда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ва мафкуравий инқирозни келтириб чиқарди. XIX аср ўрталаридан бошлаб Рус босқинчилари мазкур инқироз ҳолатидан фойдаланиб, Туркистон юртини мустамлакага айлантириш ишини бошлаб юборишди.

Мазкур параграфдаги изланишлар асосида хулоса қиладиган бўлсак, ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар эволюциясининг VIII аср бошларидан – XIX аср ўрталаригача бўлган учинчи даврида Ўрта Осиёга ислом дини ва мафкурасининг кириб келиши ҳамда биринчи бор мафкуравий монополлашув амалга оширилгани аниқланди.

Мовароуннахр аҳолисига ислом ғояларини сингдиришда араблар томонидан:

- эски мафкуралар таъминотини узиб қўйиш;
- ғоявий маслақдошларни моддий рағбатлантириш;
- ғоявий маслақдош бўлмаганлардан моддий тўлов ундириш;
- устоз-шогирд анъанасини йўлга қўйиш каби мафкуравий усуллардан фойдалангани маълум бўлди.

Ундан ташқари, ушбу параграфда халқимиз менталитетида суғорма деҳқончиликни тарғиб этган Зардуштийлик таъсирида шаклланган «кучли сабр-тоқат» хусусияти ҳамда чорвадорлик турмуш тарзига асосланган Шомонийлик мафкураси таъсирида шаклланган «жанговарлик руҳияти» ислом ғояларини тез қабул қилинишида асосий роль ўйнагани тўғрисида илмий фараз илгари сурилди.

Параграфда таҳлил этилган тарихий фактлар ўз вақтида ислом ғояларини тарғиб этувчилар ижтимоий адолатга интилгани, бу эса, «ғояни ижтимоий ҳаётда амалий исбот топиши»ни юзага келтириб, тарғиб этилаётган ғояга маҳаллий халқ ишончини уйғотганини исботлади.

Тадқиқот давомида IX аср ислом ғоялари тарғиботида катта бурилиш ясаган давр экани аниқланди. Унга кўра, ислом тарғиботининг илк даврларида кучли мафкуравий кураш амалга оширилиб, мафкуралар хилма-хиллигига чек қўйилгани, бунинг натижасида ҳукмрон мафкура учун ташқи рақобатчи мафкура қолмагач, ўз ичида назарий-ғоявий кураш авж олгани аниқланди. Мутазилий ва мутакаллим ҳамда тасаввуфни вужудга келиши ва улар ўртасидаги ихтилофлар шулар жумласидан эди.

Параграфнинг якуний хулосалари асосида тасаввуф таълимоти таъсирида исломий ғояларни тушуниш ва тарғиб этишда иррационал ёндашув ҳамда эгоистик-аскетизмни устувор характер касб этгани аниқланиб, тарихий далиллар асосида ижтимоий ҳаётда «эгоистик-аскетизм ғоялари – инқирозга, жидду жаҳд ва дунёвийлик ғоялари – тараққиётга» олиб бориш тўғрисидаги қонуният илмий асослаб берилди.

2.3-§. Чор Россияси босқини ва СССР давридаги мафкуравий ёндашувлар

XIX аср бошларида Ўрта Осиёдаги сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳамда мафкуравий муҳит жуда оғир ҳолатда эди. Бу сиёсий жиҳатдан қадимдан ягона сиёсий бирлик саналиб келинган Ўрта Осиёни уч мустақил давлатга бўлиниб кетганида, иқтисодий томондан халқаро савдо алоқаларини сув йўлларига кўчиши натижасида Буюк Ипак Йўли аҳамиятининг йўқолиши ва Ўрта Осиёни халқаро савдо муносабатларидан четда қолишида, ижтимоий ҳаётда эса ишлаб чиқариш инфратузилмаси, таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалар ўрта аср стандартларида қолиб кетганида кўринар эди. Энг афсусланарли томони мазкур даврда сиёсий бирликни тарғиб этадиган, ишлаб чиқариш муносабатларини янгилашга хизмат қиладиган, таълим мазмуни ва шаклини замонавийлаштириш орқали миллатни

уйғонишга ундаши лозим бўлган мафкуравий омиллар мазмунида ҳам иррационализм ва эгоистик-аскетизм устувор характерда эканлиги билан бошқа даврлардан ажралиб турар эди.

Бу ҳақида етук олим, дин ва давлат арбоби Алихонтўра Соғуний шундай деган эди: «Нима учун кейинги асрларда Туркистон халқи бундай жоҳилият ботқоғига ботди? Бунинг бош сабаби – динни асоси билан тушунмаган илм-маданият душманлари ҳокимият тепасида бўлдилар. Ўзларини дин ҳомийлари деб эълон қилиб, халқни маърифат нуридан маҳрум, замонавий фанний илмлардан бутунлай йироқ тутдилар. Чет давлатлар билан алоқа боғламадилар, ўқиш-ўқитиш ишларига ҳеч қандай аҳамият бермадилар. Шунинг учун Туркистон халқининг ичида уйғониш, фикр очилиш ва бор шароитдан фойдаланиш имкониятлари бўлмади»¹.

Бу даврда Шарқдан фарқли равишда Ғарб мамлакатларида сиёсий томондан давлатлар империял куч-қудратга кира бошлаган, иқтисодий томондан ишлаб чиқаришда фан-техника тараққиёти юз берган, ижтимоий жиҳатдан, инсоннинг шахсий, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлари учун учун кураш бошланган, мафкуравий томондан эса, черков иерархиясини йўқ қилиш, тоат-ибодатни соддалаштириш, аскетизмдан воз кечиш масалаларида ғалаба қозонилган ҳамда прагматик ва рационал тафаккурда кучли ривожланиш бошланган эди.

Ғарб мамлакатларига доимо тақлид қилиб яшаган Чор Россиясига ҳам, албатта, мазкур ўзгаришлар таъсир қилган бўлиб, айниқса, бу даврда «дунё славянларники, славянлар эса Россияники», «Москва бу – янги Рим – Константинопол ўрнини эгаллаган Учинчи Рим» деган империалистик ғоялар билан мустамлакачилик кайфияти жуда ривожланган эди.

Мустамлакачилик масаласида Чор Россияси ва Ғарб давлатлари сиёсатида катта фарқ мавжуд бўлиб, бу фарқ Чор Россияси асосан куруқликдаги ёндош ҳудудларни босиб олишга уринишида кўринган. Шу маънода, Ўрта Осиё, аввало, куруқликдаги ёндош ҳудудлиги қолаверса сиёсий, иқтисодий-

¹ Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. – Тошкент: Шарқ, 2003. 53-б.

ижтимоий ва мафкуравий жихатдан инқирозли ҳолатда эканлиги билан доимо Россия империясини қизиқтириб келган. Чор Россиясининг мазкур қизиқишлари кейинчалик амалий ҳаракатларни келтириб чиқарган ҳамда ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар трансформациясининг тўртинчи – XIX аср ўрталаридан – 1990 йилларгача бўлган даврни ўз ичига оладиган «Мустамлакачилик, коммунистик ва атеистик мафкуранинг кириб келиши ва ҳукмронлиги даври» бошланишига сабаб бўлган.

Таъкидлаш керакки, ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар эволюциясининг тўртинчи даври мазмунан икки босқичга бўлинади. Уларнинг биринчиси – Чор Россия мустамлакачилиги даври бўлса, иккинчиси СССРнинг вужудга келиши ва коммунистик мафкуранинг ҳукмронлиги даври ҳисобланади.

Мазкур параграфда ҳар икки даврнинг мафкуравий муҳити илмий тадқиқ этилади. Сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, ҳарбий масалаларга фақат параграф мақсадидан келиб чиқилган ҳолда тўхталиш мумкин.

Маълумки, Чор Россиясининг Ўрта Осиёга қизиқиши император Пётр I даврига бориб тақалади. Пётр I ҳукмронлиги давридаёқ Ўрта Осиёга 1714 йилда Хива хонлигига Алекеандр Бекович-Черкасский, 1715 йилда Иван Бухголтс бошчилигида ҳарбий отрядлар юборилган. Уларнинг муаффақиятсизлигидан кейин эса, италиялик Флорио Беневел Бухорога элчи-айғоқчи сифатида юборилади ва бу ҳаракат ҳам муаффақиятсизликка учраб, 1725 йилда Петр I вафотидан кейин айғоқчи Флорио Беневел Россияга қайтиб кетади.

Петр I вафоти ҳамда ўша даврдаги Европадаги таранглашган халқаро вазият, жумладан, 1805-1807 йилларда русларнинг Наполеонга қарши кураши, 1806-1812 йиллардаги рус-турк уруши, 1808-1809 йиллардаги рус-швед уруши, 1805-1813 йиллардаги рус-форс урушлари Чор Россиясини Ўрта Осиёга босқинини нисбатан кечикишига сабаб бўлган.

Албатта, босқинчилик юришлари муқаррар эди. Чунки, ўша даврда ер усти ва ер ости қазилмаларига бой бўлган, пахтачилик саноати учун хомашё етказиб бериш потенциалига эга бундай

ўлкага Ҳиндистон ҳудудларини эгаллаб, Афғонистон чегарасигача етиб келган Буюк Биритания империяси ҳам кўз тикаётган эди. Мана шундай тарихий вазият юртимизни икки ўт орасида қолганини кўрсатар, бундан чиқиш йўллари эса, ягона халқни уч сиёсий бирликда сақлаб келаётган шахслар томонидан англолмаган эди.

Таъкидлаш керакки, кўп ҳолларда мутахассислар томонидан ўша даврнинг муаммолари ҳарбий-сиёсий, иқтисодий-ижтимоий соҳалар билан боғлаб тушунтирилади. Бизнингча, бу даврдаги ҳарбий-сиёсий, иқтисодий-ижтимоий муаммолар устқурма муаммолар бўлиб, улар фундаментал муаммо – прагматик ва рационал тафаккурдан узоқлашган, иррационализм ва эгоистик-аскетизм устувор бўлган мафкуравий муҳит таъсирида юзага келган эди. Одатда, бундай мафкуравий муҳитнинг бузилиши икки-уч авлод даврида юзага келади. Лекин кўп ҳолларда жавобгарлик ва товон бир авлод зиммасига юкланади.

XIX аср ўрталарида иқтидорда бўлган шахслар мана шундай авлод эди. Улар аждодлари томонидан йўл қўйилган мафкуравий хатолар ҳамда шу асосда келиб чиққан ва ўзлари томонидан бартараф этилмаган ҳарбий-сиёсий, иқтисодий-ижтимоий муаммолар учун жавоб беришди.

Россия империясининг Ўрта Осиёга юриши тўрт босқични ўз ичига олди. Улар:

1) 1847-1865 йилларда Қўқон хонлигининг шимолий-ғарбий ҳудудлари, жумладан, Тошкент шаҳрининг эгалланиши ва Оренбург генерал-губернияси таркибига кирувчи Туркистон вилоятининг ташкил этилиши;

2) 1865-1868 йиллар, бу босқичда Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигига босқинчилик юришлари амалга оширилиши;

3) 1873-1879 йилларда Хива ва Қўқон хонлиги ерларининг босиб олиниши;

4) 1880-1885 йилларда туркман халқининг бўйсундирилиши босқичлари ҳисобланади.

Бу даврда Россия империяси томонидан ўлкани босиб олишда нафақат жанговар балки мафкуравий усуллар ҳам кенг қўлланилди. Жумладан, ўлкада ислом ва тасаввуф ғоялари кучли таъсирга эгаллиги сабаб, Қўқон хонлигига қарашли Туркистон

худудига ҳужум бошланганда «... чор қўмондони агар шаҳар таслим бўлмаса, Аҳмад Яссавий мақбарасига тўп отилиши ва вайрон қилинишини маълум қилган. Шундан кейингина химоячилар урушни тўхтатишга мажбур бўлган»¹.

Таъкидлаш керакки, хонликлар даврида юзага келган прагматик ва рационал тафаккурдан узоқлашган, иррационализм ва эгоистик-аскетизмга асосланган мафкуравий муҳит мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятларда халқни бирлаштирадиган, унга жидду жаҳд (жанговарлик) руҳини берадиган потенциал куч – қувват нуқтаси эмас, аксинча амалда душманлар фойдаланадиган заиф нуқта родини ўташи маълум бўлди.

Албатта, ўша даврда Қўқон ва Хива хонлиги ҳамда Бухоро амирлиги мудофасида кўплаб саркарда ва жангчилар катта жасоратлар кўрсатишган. Жумладан, Қўқон хонлиги лашкарбошиси Алимқул ва унинг сарбозларининг жасоратлари тарихий манбаларда сақланиб қолган. Таъкидлаш керакки, юқорида айтилган мафкуравий муҳитни мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятларда заиф нуқтага айлангани ватан ҳимояси йўлида хизмат қилган шахслар жасоратига соя солмайди.

Бу ўринда асосий муаммо – иррационализм ва эгоистик-аскетизмга асосланган мафкуравий муҳит сабаб халқда қадимги туркий аجدодларнинг Шомонийлик мафкураси таъсирида шаклланган «жанговарлик руҳияти» ҳамда ислом мафкураси таъсирида шаклланган «жидду жаҳд» – «жиҳод»ни оммавий тарзда юзага келмагани ва душманга қарши бирлашмаганида эди.

Мана шундай мафкуравий омиллар сабаб юртимиз Чор Россияси мустамлакасига айланди. Мустамлакачилик даврида Чор Россияси мутахассислари ўлкамиздаги мафкуравий муҳитга ўз манфаатларига мос нуқтаи назаридан тўғри ташҳис қўя олишди. Мазкур ташҳис маҳаллий халқ турмуш тарзи иррационализм ва эгоистик-аскетизм мазмунидаги мафкуравий омилларга асосланганини, бу ҳолатнинг сақланиб қолиниши империя манфаатларига тўла мос келиши мумкинлигида кўринди.

¹ Зиёев Х. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи: (Милоддан олдинги асрлардан то 1991 йил 31 августгача). – Тошкент: Шарқ, 2001. 135-б.

Дарҳақиқат, юқоридаги ташҳис Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатида ўз исботини топди. Жумладан, мафкуравий муҳитни янгилашнинг энг асосий шартларидан бири бўлган таълим масаласида империя кичик бўлса ҳам бошланғич мактаблар ҳар бир қишлоқда мавжуд. Шунчалик кўп халқ ўқишига қарамасдан, таажжуб, саводлилар йўқ¹, дея диний таълими борларни ҳисобга олмасдан масалага дунёвий фан ўлчовлари нуқтаи назаридан баҳо берган бўлса-да, Туркистоннинг (1867-1882 йиллардаги) биринчи генерал-губернатори К.П.Кауфманнинг топшириғига кўра, ўлка маҳаллий халқ таълими жараёнининг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши, уларга нисбатан эътиборсиз қолдириш сиёсатининг олиб борилиши ва шу орқали уларнинг тўлиқ таназулга учрашини кўзда тутувчи режа ўз кучини кўрсатди. Натижада шундай ҳам ташкил этиш жараёни назорат қилинмаган, таълим бериш сифати тушиб кетган мусулмон таълим муассасалари бошқаруви тўлиқ издан чиқди, таълим-тарбия назорати, таълим босқичлари ўртасидаги узлуксизлик йўқотилди².

Бу даврда нафақат ўғил болалар таълими ва айни вақтда хотин-қизлар таълими ҳам бутунлай издан чиққан эди. Мазкур масалада ўша давр зиёлиларидан бири Абдулваҳҳоб Муродий «Бизим Туркистонда тараққий асарлари кўрила бошлағонга бир оз вақтлар бўлди. Замон таъсири ила бизда тараққий этган нарса фақат эрлар учун ибтидоий мактаблар яратилди... Аммо миллатнинг онаси бўлғон қизлар мактабина келсак, эски тартибда мактаб учрамаз. ...миллатнинг тараққийси учун энг ва аввал қизлар мактабларини кўпайтув бурч эди. Лекин бизда ул ҳолларнинг асари ҳам йўқ»³, дея фикр билдирган эди.

Чор Россиясининг маҳаллий халқнинг анъанавий таълимига эътиборсизлиги ва уни ислоҳ қилмагани ҳам унинг кўплаб мафкуравий усулларидан бири эди.

Маҳаллий мактаблар ҳолати Кауфманни бутунлай қониқтирган бўлса-да, бироқ у хоч (христианлик) эмас, балки

¹ Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 гг.). – М., АПН, 1961. 45-с.

² Джураев Д.У. Туркистон анъанавий мактаблари фаолияти тарихидан (XIX аср иккинчи ярми). Замонавий таълим / Современное образование. 2017. 7-сон. 20-б.

³ Ал-Ислоҳ журнали. // 1915 йил, 24-сон.

мактаб (рус-тузем мактаби) Туркистонга христианча рус цивилизациясини олиб келишига¹ ишонган. У «Туркистон ўлкасининг аҳолиси христианликни қабул қилиш учун... ҳали етилган эмас. Христиан динини ҳозирги вақтда тарғиб қилиш яхши натижалар бермайди, аксинча, маҳаллий халқни биздан узоқлаштирадиган бу тадбир ишимизга бутунлай зарар келтириб, эплаш қийин бўлган мушкуликларни вужудга келтириши мумкин»², деб ҳисоблаб, мафкуравий ишда христиан руҳонийларга таянишни афзал, деб билмаган.

Кауфман фақат халқ таълимигина Туркистон ўлкасини руҳан босиб олишга қодир³ лигини эътироф этиб, «ватанимиз доирасида яшовчи барча ғайритабаа (*ғайритабаа – Чор Россияси даврида руслардан бошқа халқларга, хусусан Туркистон халқига берилган ном*) кишиларга таълим беришнинг пировард мақсади, шак-шубҳасиз, уларни руслаштиришдан ва рус халқи билан қўшиб юборишдан иборат бўлиши лозим»⁴, дея ҳисоблаган. Шунинг учун ҳам Кауфман Россия империяси ғояларини тарғиб қилишда ҳамда маҳаллий халқни бошқаришда ёрдам берадиган маслакдош кадрларни етиштириб берувчи рус-тузем мактаблари фаолиятига катта баҳо берган. Буни ўз вақтида Туркистонда маориф ишларининг билимдони сифатида танилган Н.Остроумов ҳам тасдиқлаб: «Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори, генерал-адъютант фон Кауфманнинг Туркистон ўлкасини қуриш кенг миқёсли режасига маҳаллий аҳолига ўрисча маълумот бериш ташвиши ҳам кирган эди... Ўзига ишончи катта бўлган рус маъмури Туркистон ўлкасида ҳам рус мактаблари асосида руслаштириш сиёсатини қўлдан бермасликка тиришарди»⁵, дея изоҳлаган.

Юқорида келтирилган фактлар Чор Россиясининг маҳаллий халқнинг анъанавий таълимига эътиборсизлигини кўрсатган бўлса, ундан кейинги фактлар эса, империяни Туркистонда рус-

¹ Қаранг: Архив. Савицкийнинг шахсий фонди. Рус мактаблари нега керак. <https://aniq.uz/yangiliklar/rus-maktablari-nega-kerak-2-qism>.

² Қаранг: К открытию памятника генерал-адъютанта К.П. фон Кауфман как устроителя Туркестанского края. Ташкент, 1913 г. С. 67-71.

³ Туркестанские ведомости. 1908. № 224, 16 октябрь.

⁴ Ўзбекистон МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 382-иш, 3-4-варақлар.

⁵ Н.Остроумов. «Сборник Кауфмана». – М., 1910 г. 68-с.

тузем мактабларини ташкил этишга жон-жаҳди билан киришганидан далолат беради. Мазкур икки факт ҳам Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати Туркистондан фақат ер усти ва ер ости қазилма бойликларини олишга мўлжалланмагани, балки мазкур сиёсатда ҳудуд аҳолисини ғоявий тобе қилиш мақсади ҳам мавжудлигини кўрсатади.

Булардан ташқари, мустамлакачилар ер муносабатларига ҳам алоҳида эътибор қаратишган. Бу ҳаракат худди VIII аср бошларида араблар томонидан қўлланилган «эски мафкуралар таъминотини узиб қўйиш усули»ни эслатиб юборади. Кауфман томонидан Рус императорига берилган ҳисоботда «ўзларининг ерга бўлган даъволарини ҳимоя қилувчи мулк эгалари ва мусулмон руҳонийлари аҳолининг зодагонлар синфини ташкил этиб, улар бизга сиёсий жиҳатдан душман ҳисобланади. Бу нуфузли табақалар ўзларини аввалги ижтимоий-сиёсий мавқеидан маҳрум этган янги тартиботдан норозидир. Имтиёзли равишда ерга эгалик қилиш маҳаллий зодагонларнинг моддий кучга эга эканлиги ҳақидаги масала бўлиб, уларнинг манфаатлари ҳукуматнинг ниятлари билан мос келмайди»¹, дея уларни имтиёздан маҳрум этиш таклифни илгари суради. Мазкур таклифдан кўзланган асосий мақсад «маҳаллий аҳолининг энг хавфли қисмини вақф ва мулк нафақаларини берадиган рус маъмуриятига бевосита қарам қилиб қўйиш эди»².

Россия империяси томонидан ўлкада христианча рус маданиятини тарғиб этишга асосланган мустамлакачилик ғояларини жорий этишнинг яна бир йўли бу – рус миллатига мансуб аҳолини Туркистонга кўчириш сиёсати эди. Ўша даврда бу сиёсатни амалга ошириш учун рус губернияларидан кўчиб келувчиларга катта имтиёзлар ажратилди. Бу усул ҳам юқоридаги каби ўз вақтида араблар томонидан қўлланилган «ғоявий маслакдошларни моддий рағбатлантириш» усулининг ўзгинаси эди. Унга кўра, кўчиб келувчиларни турар жой ва ер майдонлари билан таъминлаш, 5 йил давомида уларни солиқлардан озод этиш, кейинги беш йил давомида солиқларни ярмини тўлаш, улар учун мактаб ва черковлар қурилишига

¹ Проект отчёта К.П.Кауфмана за 1867-1881 гг. – С-Пб., 1885. – С. 242-243.

² Проект отчёта К.П.Кауфмана за 1867-1881 гг. – С-Пб., 1885. 247-с.

бюджетдан маблағ ажратиш кўзда тутилган эди. Бу ҳаракатлардан «Шарққа кўчиш» жозибадорлигини ошириш ва шу орқали Туркистонда мустамлакачи ҳукуматга таянч бўладиган, маслакдош аҳолини шакллантириш мақсади кўзланган эди.

Мазкур ҳолат Туркистонни икки регрессив ғоя: аввалдан мавжуд – ирроционализм ва аскетизм мазмунидаги ички ғоялар ҳамда янги кириб келган – христианча рус маданиятини тарғиб этишга асосланган мустамлакачилик ғоялари қуршовида қолганини кўрсатади. Ўзбек халқи тараққиётининг мана шундай мураккаб вазиятида миллатни сақлаб қолиш ва уни юксалтиришга қаратилган Жади́дчилик ғоялари юзага келди.

Туркистонда Жади́дчилик ҳаракатлари шаклланиши бир томондан крим татар-зиёлиси Исмоил Гаспиринский фаолияти билан боғлиқ¹ бўлса, иккинчи томондан, ўлкада вужудга келган миллий уйғониш эҳтиёжи билан боғлиқ бўлиб, том маънода бундай мазмундаги ғояларнинг шаклланиши учун Туркистонда ижтимоий муҳит етилган эди.

Жади́дчилик ўз даврида регрессив ғояларга қарши шаклланган прогрессив ғоя сифатида илғор фикрловчи ёшлар, маърифатпарвар шахслар ва тараққийпарвар зиёлиларни бирлаштира олди. Жади́дчилик ғояси амалиётида асосан қуйидаги йўналишлар устувор эди: янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш; қобилятли ёшларни хорижга ўқишга юбориш; турли маърифий жамиятлар ва театр труппалари тузиш; газета ва журналлар чоп қилиш; халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш билан Туркистонда миллий демократик давлат қуриш².

Мавжуд ички ва ташқи кучларнинг тўсқинликларига қарамай, Жади́длар янги усул мактабларини ташкил этиш, иқтидорли ёшларни хорижга ўқишга юбориш, театр труппаларини ташкил этиш ҳамда газета ва журналлар чоп қилиш ишларини уддасидан чиқа олишди. Жумладан, тарихчи

¹ Абдирашидов З. Исмоил Гаспиринский ва Туркистонда жади́дчилик. Марказий Осиёни тадқиқ қилиш Француз Институти, «ИФЕАКнинг иш хужжатлари» серияси, 2008. 299-сон.

² Э.Назарова. Жади́дларнинг миллий маънавият ривожига қўшган ҳиссалари. // «Oriental Art and Culture» Scientific-Methodical Journal. – (2) I/2020. 153-б.

В.В.Бартольднинг ёзишича, Тошкентда 1910 йили 16 янги усул мактаби, Қўқонда эса 1911 йили 530 ўқувчиси бўлган 8 та усули жаҳид мактаблари фаолият кўрсатган¹. Давлат Думаси аъзоси С.Мақсудов эса, ўзининг «Туркистон» газетасида эълон қилган мақоласида Тошкентда 1910 йили 20 та, Қўқонда эса 16 та янги усул мактаблари борлигини таъкидлайди².

Жаҳидлар мазкур даврда газета ва журналлар чоп этиш ва шу орқали ўз ғояларини халққа етказишга ҳам катта аҳамият бердилар. Мазкур газета, журналлардаги аксарият мақолалар халқни илм олишга, ёш авлодга дунёвий илм-фан билан қуроллантиришга ундайдиган мазмунда эди. Жумладан, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 1913 йилда «Самарқанд» газетасида чоп этилган мақоласида «Бошқа миллатларга қаралса кўрилурки, мунтазам мактаблари бор ва аввал мактабда диний илм устида дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур. Чунки дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур» дейилган бўлса, «Ойина» журналидаги мақоласида «Тўй ва таъзияга сарф қилинатурғон оқчаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб оврупойилардек тараққий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизга давом этсак, дин ва дунёга зиллат ва мискинатдан бошқа насибамиз бўлмайдур»³, деган фикрлар илгари сурилган.

Таъкидлаш керакки, Жаҳидлар томонидан ташкил этилган мактаблар, театр труппалари, газета ва журналлар айни вақтда ғоявий кураш воситалари ҳисобланар эди. Улар мазкур воситалар орқали ўз ғояларини кенг халқ оммасига етказиш, ғоявий рақибларга раддия бериш, уларнинг ҳақсизлигига далиллар келтириш мақсадида фойдаланишган.

Жаҳидлар ушбу даврда икки ғоявий фронтда кураш олиб боришди. Уларнинг биринчиси, ирроционализм ва эгоистик-аскетизм мазмунидаги ички ғоялар fronti бўлса, иккинчиси

¹ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Ленинград: Издательство Академии наук СССР, 1927, – С.136-137.

² Газеты «Туркестан», 15 октября 1910 г.

³ Маҳмудхўжа Бехбудий. «Бизни кемиргувчи иллатлар» мақоласи, «Ойина» журнали, 1915 йил. <https://oyina.uz/kiril/teahouse/381>

христианча рус маданиятини тарғиб этишга асосланган мустамлакачилик ғоялари fronti эди (2.1-расм).



2.1-расм. 1909 йилда Тифлисида нашр қилинган «Мулла Насриддин» журналида чоп этилган «Жадидларнинг маҳаллий дин пешволари ва рус амалдорлари томонидан қаттиқ эзилиши» номли карикатура

Мазкур даврда ҳам худди IX асрдаги мутазилий ва мутақаллимлар ўртасидаги ғоявий ихтилоф сингари жадидчилик ва қадимчилар ўртасида ғоявий кураш юзага келди. Айниқса, бу кураш Бухоро амирлигида яққол кўзга ташланиб, ғоявий баҳслардан қонли тўқнашувларгача бориб етди.

«Бухоро жадидлари ва қадимчилари ўз фаолиятлари давомида қуйидаги камчиликларга йўл қўйдилар:

– Бир дин вакиллари ўртасидаги маориф борасида бошланган ҳаракат сиёсий курашларга айланиб кетди;

– Бу икки гуруҳ ўртасидаги низолар Россия империясига жуда қўл келди ва мамлакатни мустамлакага айлантириш жараёнини тезлаштирди;

– Бухоро ёшларининг ҳокимиятни эгаллаш мақсадида Россия ҳукумати билан яқинлашуви Бухоро халқининг норозилигига сабаб бўлди;

– Бухоро амирлиги тугатилгач, совет ҳокимиятига қарши бошланган ҳаракатларда уламолар ва жаидлар бирлаша олмади»¹.

Бу давр аввалги даврлардан фарқли равишда мустамлакачилик: бошқа дин, бошқа миллат ва бошқа маданият вакиллари ҳукмронлиги даври эди. Шунинг учун ҳам бу даврда мутазилий ва мутақаллимлар ўртасидаги ғоявий ихтилофлар ечимини кўрсатган, ғоявий бўлиниб кетишни олдини олган имом Мотурудий сингари олимлар етишиб чиқмади, аниқроғи, бундай олимларнинг етишиб чиқишига мустамлакачи кучлар томонидан йўл қўйилмади. Ғоявий ихтилофлар, ягона ғоя атрофида бирлашмаслик иллоти ҳамда мустамлакачилик сиёсати Жаидчиликнинг илғор ғояларини амалиётда ўз исботини топишига имкон бермади.

XX аср бошларида Чор Россияси Туркистондаги мафкуравий жараёнларни бошқаришни уддасидан чиққан бўлса-да, бироқ империянинг марказий ҳудудларида авж олган ғоявий жараёнларга тўсқинлик қила олмади. Бу даврда Россияда ўз мақсадлари ва ижтимоий табақаларининг манфаатлари учун кураш олиб бораётган эллиқдан зиёд сиёсий партия ва оқимлар мавжуд эди. Бу партиялар орасида большевик, меньшевик, кадет ва эсерларнинг таъсири кучли бўлиб, улар Туркистонда ҳам ўз тарфдорларига эга бўла бошлаганди.

1917 йил мафкуравий жараёнлар эволюциясида Чор Россия мустамлакачилиги ғоялари барбод бўлиши ҳамда унинг вориси сифатида СССР вужудга келиши ва коммунистик мафкура ҳукмронлигининг ўрнатилиши даври ҳисобланади.

Собиқ Иттифоқнинг дастлабки йилларида коммунистик мафкуранинг шаклланиши ҳамда бу вазиятга миллий ғоя ва мафкуранинг реакцияси қиёсий таҳлил қилинганда, мавжуд

¹ Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида жаидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири « XX аср бошлари): Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати: –Тошкент: 2019. 24-б.

мафкуравий манзара қуйидагича намоён бўлади. Миллий ғоя ва мафкура амалиёти натижасида:

– Жадидчилик маърифатпарварлик ҳаракатидан сиёсий ҳаракатга айланди. Ўша даврда бу ҳаракат замирида Тараққийпарвар (1913-1914 йилларда У.Асадуллахўжаев томонидан ташкил этилди), Исломия клуби (Самарқандда), Мирвож ул-ислом (Қўқонда), Озод халқ (Андижонда), Равнак ул-ислом (Каттакўрғонда), Муаййин ат-толибин (Хўжандда) каби сиёсий ташкилотлар пайдо бўлди¹;

– Большевиклар Туркистон ўлкаси бошқарувини тўлиқ эгаллашга киришгач, ўзаро зиддиятда бўлган «Қадимчилар» ҳамда Жадидларга тегишли «Шўрои исломия» ва «Шўрои уламо» ташкилотлари ҳокимиятни советларга ўтишига қарши яқдил қарорга келдилар ва натижада 1917 йил 26-28 ноябрь (9-11 декабрь) кунлари Қўқонда Бутунтуркистон мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи чакирилди. Ушбу Қурултой Туркистон ўлкаси тарихида янги давр очилганини таъкидлаб, Туркистон Мухторияти тузилганлигини эълон қилди²;

– Туркистон халқида туркий аجدодларнинг Шомонийлик ва ислом мафкураси таъсирида шаклланган «жанговарлик руҳияти» ҳамда «жидду жаҳд» ғоялари уйғонди ва Қўқон, Бухоро, Хоразм худудларида миллий озодлик ҳаракатлари юзага келди.

Ўз навбатида Туркистондаги миллий ғоя уйғонишига нисбатан большевиклар ва коммунистик мафкура:

– 1918 йилнинг 30 январь куни Қўқон шаҳрида ташкил этилган Туркистон Мухториятини тугатиш учун босқинчилик урушини бошлади. Қизил армия аскарлари ҳамда «Дашноқцутюн» партияси аъзоларининг қуролли дружиналари томонидан амалга оширилган қирғин натижасида 1918 йилнинг 19 февраль куни Туркистон Мухториятини ағдарилди³;

– Қўқон, Бухоро ва Хоразм худудларида бошланган миллий озодлик ҳаракати қон тўкиш, ҳаракат етакчиларини сотиб олиш,

¹ Агзамходжаев С. Туркистон Мухторияти: борьба за свободу и независимость (1917-1918 гг.) - Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Тошкент: 1996 г. 29-с.

² Рашидов О. Туркистон ўлкасини бошқаришда миллий зиёлилар ва большевикларнинг кураши // «Тамаддун нур» журналы. 2021.1-2-сон (30). 25-б.

³ Ўша манба. 26-б

бир-бирига қарши қўйиш ва бирлаштирмаслик усуллари орқали 1930 йилларга келиб базўр бостирилди;

– Большевиклар Туркистон Мухторияти тажрибасидан муҳим хулоса чиқариб, Туркистоннинг келажакда мустақил, суверен давлат бўлиб, ажралиб чиқиб кетишига йўл бермасликка ҳаракат қилишди. Дастлаб, Туркистон Совет Автоном Республикаси¹, 1924 йил 14 октябрда эса, Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм республикалари ўрнида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (ЎзССР)ни ташкил этишди.

Бизнингча, ушбу даврда миллатни бирлаштириш учун маърифат билан бирга сиёсатнинг ҳам зарурлигининг англаниши, «Қадимчилар» ва Жадидларнинг советларга қарши кўплаб масалаларда яқдил қарорга келишлари, Туркистон халқига туркий аждодларнинг «жанговарлик руҳияти»ни қайтиши миллий ғоя ва мафкура ривожига бир поғона юксалиш юз берганидан далолат беради. Бу даврнинг ўзига хос яна бир жиҳати – унда, миллий ғоя ва мафкуранинг дунёвийлашуви, назарияда аниқ сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва миллий манфаатларнинг кўзга ташланиши, амалиётда эса, сиёсий, иқтисодий, бадиий, педагогик, публистик ва зарур бўлганда ҳарбий усулларни қўллаш жараёни кузатилди. Бу даврда миллий мафкура ҳукмрон коммунистик мафкурага нисбатан очик шаклда кураш олиб бора олди.

1924 йилда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (ЎзССР) ташкил этилишидан кейинги даврлар юртимиздаги мафкуравий жараёнлар эволюциясида коммунистик мафкуранинг кучли (тотал) мафкуравий таъсири ва монополияси ўрнатилиши ҳамда миллий мафкуранинг яширин (латент) кураши сифатида тарихга кирди.

Коммунистик мафкура Ўзбекистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун барча мафкуравий усул ва воситаларни ишга солди. *Биринчи* навбатда, советлар ҳам худди араблар сингари «эски мафкура таъминотини узиб қўйиш» усулини қўллашди. Бу «маданий инқилоб» шиори билан амалга оширилиб, у орқали асрлар давомида шаклланган тарих, ёзув ва маданият «эскилик

¹ Ўша манба. 27-б.

саркити», деб эълон қилинди. Б.В.Луниининг ёзишича, СССР тарихчиларининг 1928 йил декабрь ойида бўлиб ўтган I Умумиттифоқ конференциясида «Шарқ мамлакатлари тарихига буржуа фанининг таъсири тугатилмаган»¹ лиги ҳақида фикр юритилди. Собиқ иттифоқнинг шу каби ғоявий кўрсатмалари натижасида Ўзбекистон тарихини сохталаштириш ҳамда «Ўзбекистон ССР Шўролар Марказий Ижроия Қўмитасининг 1928 йил августида қабул қилган «Янги ўзбек ёзувига ўтиш тўғрисида»ги Қарори асосида, янги алифбога 1930 йилнинг охиригача ўтиш² ишлари жадаллик билан амалга оширила бошланди;

иккинчидан, мафкуравий амалиётда ғоявий маслакдош бўлмаганлар таъқиб қилина бошлади. Жумладан, 1931 йилда Тошкентда нашр этилган «Ўзбекистон КП (б)ни келгусида мустаҳкамлаш учун» номли китобда: «ленинча миллий сиёсатни амалга оширишда хавф туғдирадиган буюк давлатчилик шовинизми билан курашни кучайтириш лозим»³, деган сатрларни ўқиш мумкин. Мана шундай сиёсат натижасида миллий ғояни қалбан англаган шахслар уч даврда:

1) XX асрнинг 20-30 йиллари давлат ва партия раҳбарлари, жадидчилик ҳаракати номоёндалари;

2) XX асрнинг 50 йиллари шоирлар, ёзувчилар ва уларнинг асарлари;

3) XX асрнинг 80 йиллари «Пахта иши» номли тўқиб чиқарилган бўҳтон билан республика, вилоят, туман раҳбарлари ва оддий деҳқонлар қатағон қилинди;

учинчидан, таълим тизими тўлиқ коммунистик мафкуранинг тарғибот механизмига айлантирилди. Бунда, аввало, жадидлар томонидан тайёрланган ёки Қозон, Уфа ва Туркия шаҳарларида нашр қилинган ўқув дастури ва адабиётлардан воз кечилиб, таълим дастурлари ҳамда адабиётларини шаклан миллий, мазмунан эса коммунистик мафкура руҳида тайёрлашга асосий

¹ Лунин Б.В. 20-30 йилларда шарқшуносликка доир тадқиқотларнинг ҳолати ва ривожланиши // XX аср дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик очерклари). II қисм. – Тошкент: 1994. 303-б..

² Раҳмонов Т. «Маданий инқилоб»: Бухорои шарифга юриш // Фан ва турмуш. 1993 – № 3. –Б. 22-25.

³ За дальнейшее укрепление КП (б) Узбекистана. (Речи т.т.Лева и Фролова на III пленуме ЦК КП (б) Уз (5-19/Х-31г.) – Т.: УзГИЗ. 1931.– С.9.

этибор қаратилди. Дарҳақиқат, «Ленин ва Коммунистик партияни улуғлаш, ўлкани советлаштириш тарихи, ўтмишни буткул қоралаш – совет турмуш тарзини идеаллаштириш бу давр адабиётининг асосий мазмунини ташкил қилди»¹;

тўртинчидан, коммунистик мафкура ўзидан аввалги мафкуралардан фарқли ўлароқ, мафкуравий тарғибот жараёнига ёшлар қатламини ҳам тортди. Жумладан, улар бошланғич таълим давридаги 6-7 ёшдан 10-11 ёшгача бўлган болалардан иборат «октябрий»лар, 11-15 ёшли «пионер»²лар, 16 ёшдан то 35 ёшгача «Комсомол» (Всесоюзный Ленинский коммунистический союз молодёжи)³лар эди. Бу даврда ҳар бир ёш давридаги босқичнинг ўз ғоявий вазифаси, мазкур вазифага содиқлик қасамёди ҳамда коммунистик ғояларни сингдириб борувчи ритм ва атрибутлари мафкуравий амалиётда фаол қўлланилди;

бешинчидан, коммунистик мафкурада аёллар масаласига алоҳида этибор қаратилди. Чунки, жамиятдаги мафкуравий, маданий ва халқ хўжалиги соҳаларидаги муаммоларнинг ҳал қилиниши кўп жиҳатдан хотин-қизларнинг ғоявий маслағига боғлиқ эди. Бу жараён «икки томонлама характерга эга бўлиб, минтақадаги халқларни бутунлай қарам қилиб олиш мақсадида уларнинг анъаналарига, миллий, диний, тарихий ва маданий қадриятларига қарши курашиш учун аёлларни тутқунликдан озод қилиш, замонавийлаштириш шиори остида миллий ва маънавий қадриятлари, диний этиқодидан ажратиш, тили ва тарихидан жудо қилиш мақсадида олиб борилди»⁴.

Аввало, хотин-қизларни «озод қилиш» масаласига мафкуравий бўёқлар берилиб, саводсизликни тугатиш ва илм бериш шиори остида амалга оширилди. Юқорида келтирилган таҳлилларимиздан маълум бўладики, аёлларга таълим бериш ва

¹ Қосимов Б. Ўзбек Совет энциклопедияси. 528-б.

² Изоҳ: Пионер (французча pionnier – биринчи бўлиб ўтувчи, бошловчи), ниманидир бошловчи; янги тадқиқ этилмаган соҳага кирган, фанда, техникада, санъатда янги йўللарни кашф этган одам. Қаралсин: Большая Советская Энциклопедия. №19. - М.. Издательство «Советская Энциклопедия», 1975. 544-б.

³ Большая Советская Энциклопедия. №12. - М.: Издательство «Советская Энциклопедия», 1973. стр.-599.

⁴ Жўраева Н. Ўзбекистонда хотин-қизларга муносабат (XX асрнинг 20-80 йиллари мисолида). – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2013. 9-б.

уларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш ғояси Жадиждларда ҳам бор эди.

Советлар Жадиждлардан фарқли ўлароқ, хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этиш орқали ўз мустамлакачилик сиёсатининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаландилар. Жумладан:

– советлар маҳаллий миллат аёлларини ижтимоий-сиёсий жабҳага тортиб, улардан партия сафларини тўлдириб, янги социалистик жамиятни қуришда ўз тарафдорларига эришишга интилди;

– ўзбек аёлларининг табиатида мавжуд бўлган ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларини сунъий равишда Иттифоқ деб аталган ҳудудга ёйишга ҳаракат қилди;

– советлар маҳаллий миллат хотин-қизларидан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланиб, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини шакллантирмасликка қаратилган сиёсат олиб борди;

– бу эса, ўз навбатида, маҳаллий миллат вакилаларида миллий ўзликни англаш ва мустақиллик учун курашишга зарур бўлган туғма эҳтиёжларнинг уйғонишига йўл қўймади¹.

1927 йилда Республикада амалга оширилган Хужум ҳаракати эса, мусулмон хотин-қизлари мафкуравий дунёқарашида туб бурилиш ясади. Мазкур ҳаракат минглаб йиллар давомида халқимиз онгида шаклланиб келган миллий ва диний қадриятларни, маънавий қарашларни, урф-одат ва кўникмаларни қўпориб ташлади²;

олтинчидан, дастлабки вақтларда мафкуравий амалиётда фақат «социализм ғоялари» тарғиботига зўр берган коммунистик мафкура кейинчалик Россия империясининг мустамлакачилик мафкурасида ҳам дахл этилмаган ислом динига қарши мафкуравий кураш, яъни тажоввузкор атеистик тарғиботни йўлга қўйди. Дарҳақиқат, «СССР деб аталган ва буюк давлатчилик шовинизми асосига қурилган «Қизил империя» миллати, ирқи ва бошқа хусусиятларидан қатъий назар, атеистик қарашларга эътиқод қилувчи индивидларни тарбиялаш учун

¹ Жўраева Н. Ўзбекистонда хотин-қизларга муносабат (XX асрнинг 20-80 йиллари мисолида). – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2013. 16-б.

² Ўша манба. 39 б.

давлат мақомига эга бўлган мафкуравий ташкилотлар туздилар. Атеизмга эътиқод қилувчиларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориш, бундай эътиқодга қарши бўлганларни ғайриинсонлар сифатида жамоатчилик нафратига учратишнинг бутун бир тизимини яратдилар»¹.

Хуллас, коммунистик мафкура умуминсоний мезонларни қўпол равишда бузган бўлса-да, ўз амалиёти орқали ижтимоий ҳаётда мафкуравий иш қандай ташкил этилишини ёрқин кўрсатиб берди. Бунинг натижасида тили, дини, миллати ва маданияти турли-туман халқлар ичида қарийб эллик йил ўтиб, «60-йилларгача коммунизм ғоясига имон келтирган, унга эргашишни ҳаёт маъноси ҳисоблаган бутун бир авлод етишган эди. Ана шу боисдан қисқа тарихий муддатда иқтисодий қолоқ бир мамлакат – индустрлашган, фан ва техника жиҳатидан илғор давлатлар даражасига кўтарила олди»².

Шу ўринда тадқиқот аввалидан бошлаб кузатиб келинаётган мафкуравий амалиётда «ўртача эллик йил» муддати ўзига хос хусусусиятга эга эканини таъкидлашимиз лозим. Бунга мисол қилиб, зоҳидлик, таркидунёчилик ғоялари устувор бўлган Яссавия (Аҳмад Яссавий, 1041-1167) тариқатини Мовароуннаҳрда ёйилишидан ўртача эллик йил ўтиб Хоразмшоҳлар давлатининг мўғуллар томонидан (Чингизхон 1219 йил юриш бошлаган) босиб олиниши, мусулмон оламида эгоистик-аскетизм ғоялар қораланган, жидду жаҳд ғоясига урғу берилган Нақшбандия (Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1389) тариқати ёйилишидан ўртача эллик йил ўтиб, Темур ва Темурийлар ҳаракати натижасида Моваруннаҳрда кучли марказлашган давлатнинг вужудга келишини кўрсатиш мумкин.

Юқорида келтирилган мисоллар айни вақтда коммунистик мафкура амалиётига ҳам бевосита таалукли бўлиб, бу бизни, «ўртача эллик йиллик тарғибот» – «мафкуранинг натижадорлик муддати» деган илмий хулосани илгари суришимизга асос бўлди.

¹ Қаримов И. Имон ва Маслак тарихи. – Тошкент: Янги нашр. 2010. 162-б.

² Ўша манба. 164-б.

Мазкур хулосалардан ташқари, бевосита параграф бўйича хулоса қилганимизда, қуйидагиларни алоҳида қайд этиш мумкин бўлди:

Биринчидан, XIX аср бошларида Ўрта Осиёда сиёсий томондан уч мустақил давлатнинг мавжудлиги, иқтисодий томондан халқаро савдо алоқаларининг сув йўллариغا кўчиши натижасида мазкур давлатларнинг халқаро савдо муносабатлардан четда қолгани, ижтимоий ҳаётда эса ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалар қолоқ шаклда қолиб кетгани ва энг хафли жиҳати мазкур даврдаги мафкуравий омиллар мазмунида ҳали ҳам иррационализм ва эгоистик-аскетизм ғояларининг устувор экани аниқланди;

Иккинчидан, Туркистон юқоридаги инқирозга олиб келган омиллар сабаб, расман 1847-1885 йиллар ичида Россия империяси томонидан босиб олинди. Бу босқин ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар трансформациясининг тўртинчи – XIX аср ўрталаридан – 1990 йилларгача бўлган даврни ўз ичига оладиган «Мустамлакачилик, коммунистик ва атеистик мафкуранинг кириб келиши ва ҳукмронлиги даври» бошланишига сабаб бўлди;

Учинчидан, бу даврда Россия империяси ўзининг мустамлакачилик сиёсати Туркистондан фақат ер усти ва ер ости қазилма бойликларини олиш эмас, балки ҳудуд аҳолисини ғоявий тобе қилиш мақсадида эканини ошкор қилди. Бу мақсад:

– империя томонидан, маҳаллий халқнинг анъанавий таълимини замонавийлаштиришига йўл қўймаганида;

– христианча рус цивилизацияси олиб келиш учун рус-тузем мактаблари фаолиятини қўллаб-қуватлаганида;

– маҳаллий зодагон ва мусулмон руҳонийларнинг моддий кучини камайтириш мақсадида уларни ерга эгалигидан маҳрум қилишда;

– Туркистонда мустамлакачи ҳукуматга таянч бўладиган, маслакдош қатламни шакллантириш рус миллатига мансуб аҳолини Туркистонга кўчириш сиёсатини амалга оширишда кўринди;

Тўртинчидан, ушбу даврда жаҳолат ва мустамлакачиликка қарши Жадиличилик ҳаракати вужудга келди. Жадиждар ушбу

даврда икки ғоявий фронтда: бири – иррационализм ва эгоистик-аскетизм мазмунидаги ички ғоялар fronti; иккинчиси – христианча рус маданиятини тарғиб этишга асосланган мустамлакачилик ғоялари frontида кураш олиб боришди;

Бешинчидан, XX аср бошларида Чор Россияси империяси марказий ҳудудларида авж олган ғоявий жараёнларга тўсқинлик қила олмагани сабабли барбод бўлди ҳамда унинг вориси сифатида большевиклар ҳукумати ва коммунистик мафкура ҳукмронлиги ўрнатилди;

Олтинчидан, коммунистик мафкура ўз амалиётида жаҳондаги социалистик таълимотларга таянди. К.Маркс ва Ф.Энгельс асарлари мазкур мафкура учун илмий-фалсафий манба бўлди. Бунинг натижасида мазкур мафкура идеологлари мафкуравий курашда мураккаб масалаларни ҳам тушунтира олиш имконига эга бўлишди;

Еттинчидан, коммунистик мафкура амалиётида ғоявий маслақдош бўлмаганлар қаттиқ таъқиб қилинди. Кўп ҳолларда жиноятчи бўлмасида ғоявий жиҳатдан «ёт унсур» бўлгани учун жисмонан йўқотилди. Шу қатори мавжуд коммунистик номенклатура ҳам коммунистик мафкурага содиқлиги доимий назорат остида турди. Бу ҳолат ижтимоий ҳаётда коррупция ва жиноятчиликни олдини олиш имконини ҳам берди;

Сакқизинчидан, II Жаҳон уруши, гарчи дунё халқларига моддий ва маънавий жиҳатдан улкан зарар келтирган бўлса-да, бу уруш коммунистик мафкура учун халқларни ягона ғояга бирлаштириш йўлида фойда келтирди. «Иккинчи жаҳон уруши фронтларида ва унинг орқасида халқ оммаси большевиклар зуғумидан кўрққани учун эмас, балки хаёлий тарзда бўлса-да, қандайдир порлоқ истиқбол келишига комил ишонч руҳи туфайли шундай оммавий қаҳрамонликлар рўй берди. Бунингсиз тиш-тирноғига замонавий қуроллар билан таъминланган кўп сонли фашистлар армиясининг даҳшатли зарбаларига бардош бериш амри маҳол эди»¹;

Тўққизинчидан, коммунистик мафкура ўз даврининг барча инновацияларидан мафкуравий тарғиботда кенг фойдаланди.

¹ Каримов И. Имон ва Маслақ тарихи. – Тошкент: Янги нашр. 2010 164-б.

Жумладан, радио, кейинчалик телеведения коммунистик мафкуранинг энг таъсирчан воситаларига айланди;

Ўнинчидан, коммунистик мафкура мафкуравий тарғиботига комплекс ёндашди. Бу жараёндан, ёшлар, аёллар, таълим, матбуот, маҳаллий урф-одатлар (комсомол тўйлари сингари) ва бошқа кичик ижтимоий элементлар ҳам кўздан қочирилмади. Мафкуравий тарғиботга комплекс ёндашиш тажрибаси ўлароқ, улкан географик ҳудудда ягона мафкуравий сфера яратилди.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Мазкур бобда халқимиз тарихида илк мафкуравий жараёнларни вужудга келишдан – то Чор Россияси мустамлакачилиги ва коммунистик мафкура ҳукмронлиги давридаги мафкуравий жараёнлар тадқиқ этилиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, юртимиз ҳудудида илк мафкуравий қарашларни вужудга келиш даври милоддан аввалги 100 минг йилларга бориб тақалиши, бу даврнинг бошланғич нуқтаси ўрта палеолит (милоддан аввалги 100 – 40 минг йиллар)га тааллуқли «Тешиктош одами»нинг дафн этилиши билан боғлиқлиги тўғрисидаги илмий таклиф илгари сурилди. Мазкур таклиф юртимиздаги Зараутсой, Сийпантош, Сармишсой, Биронсой ва Илонсой каби қоятош расмларининг ғоявий мазмунига оид фактлар билан мустаҳкамланди. Ушбу даврга оид илмий изланишлар орқали илк мафкуравий қарашлар асосан тотемизм, анимизм ва фетишизм шаклида бўлгани, улар назарияда мифологик дунёқарашга, амалиётда эса «табу»ларга таянгани маълум бўлди;

Иккинчидан, ушбу бобда Зардуштийлик ҳамда Шомонийлик (Кўк-Тангри) мафкурасининг вужудга келиши ўзбек халқи тараққиётида янги мафкуравий босқич, яъни милоддан аввалги 1-минг йиллик бошларидан – то милодий VIII асргача бўлган даврни ўз ичига олувчи «Миллий хусусият ва миллий ғоянинг шаклланиш даври»ни бошлаб берганлиги илмий асосланди. Унга кўра, мазкур даврда суғорма деҳқончилик тарғиботи устувор бўлган Зардуштийлик ғоялари таъсирида халқимизда «кучли

сабр-тоқат» миллий хусусият сифатида, чорвадорлик турмуш тарзига асосланган Шомонийлик (Кўк-Тангри) мафкураси таъсирида эса, халқимизда «жанговарлик руҳияти» қарор топгани тўғрисидаги илмий фараз илгари сурилди;

Учинчидан, мазкур даврда Зардуштийлик ҳамда Шомонийлик (Кўк-Тангри) мафкураларидан ташқари, мафкуравий жараёнларда эллинистик, христианлик, буддавийлик ва монийлик ғоялари ҳам мавжуд бўлгани аниқланди. Ушбу илмий асослар милоддан аввалги 1-минг йиллик бошларидан – то милодий VIII асргача бўлган даврда юртимизда ҳеч қайси мафкура монопол даражада ўрнатилмагани, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ғоявий плюрализм юқори даражада шаклланганлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон яратди;

Тўртинчидан, VIII аср бошларидан – XIX аср ўрталаригача бўлган даврда Ўрта Осиёга ислом дини ва мафкурасининг кириб келиши, ушбу жараёнда «эски мафкуралар таъминотини узиб қўйиш», «ғоявий маслакдошларни моддий рағбатлантириш», «ғоявий маслакдош бўлмаганлардан моддий тўлов ундириш», «устоз-шогирд анъанасини йўлга қўйиш» каби мафкуравий усуллардан фойдаланиш орқали араблар томонидан юртимиздаги мафкуравий жараёнлар тарихида биринчи бор мафкуравий монополлашув амалга оширилгани аниқланди;

Бешинчидан, бобдаги илмий изланишлар ўз вақтида ислом ғояларини тарғиб этувчилар ижтимоий адолатга интилгани, бу эса, «ғояни ижтимоий ҳаётда амалий исбот топиши»ни юзага келтириб, тарғиб этилаётган ғояга маҳаллий халқ ишончини уйғотганини исботлади. Ундан ташқари, ушбу бобда Зардуштийлик таъсирида суғорма деҳқончилик маданиятини тарғиб этилиши натижасида шаклланган «кучли сабр-тоқат» хусусияти ҳамда чорвадорлик турмуш тарзига асосланган Шомонийлик мафкураси таъсирида шаклланган «жанговарлик руҳияти» халқимиз томонидан ислом ғояларини тез қабул қилинишида асосий роль ўйнагани тўғрисида илмий фараз илгари сурилди;

Олтинчидан, IX аср ислом мафкурасида катта ғоявий зиддиятлар юзага келган давр экани аниқланди. Унга кўра,

ислом динининг илк даврларида кучли ғоявий кураш орқали ғоялар хилма-хиллигига чек қўйилгани ва ҳукмрон мафкура учун ташқи рақобатчи мафкура қолмагач IX асрларга келиб, ички ғоявий кураш мутазилийлик, мутакаллимлик ҳамда тасаввуфни шаклланишига олиб келгани ва бунинг натижасида ислом ўлкаларида мураккаб диний-ғоявий муҳит юзага келганини кўрсатди;

Еттинчидан, мазкур бобда айрим тасаввуф тариқатларида исломий ғояларни тушуниш ва тарғиб этишда ирроционал ёндашув ҳамда эгоистик-аскетизмнинг устувор бўлгани аниқланиб, таркидунёчилик ғояси усувор бўлган Яссавия тариқати ҳамда жидду жаҳд ва дунёвийликка урғу берилган Нақшбандия тариқати мисолида «эгоистик-аскетизм ғоялари – инқирозга, жидду жаҳд ва дунёвийлик ғоялари – тараққиётга» олиб боришини кўрсатувчи ижтимоий қонун тўғрисида илмий фараз яратилди;

Саккизинчидан, ушбу бобда XIX аср бошларида Ўрта Осиёда сиёсий томондан уч мустақил давлатнинг мавжудлиги, иқтисодий томондан халқаро савдо алоқаларининг сув йўлларида кўчиши натижасида уларни халқаро савдо муносабатларидан четда қолгани, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалар қоқоқ шаклда қолиб кетгани ва энг хафлиси мазкур даврдаги мафкуравий омиллар мазмунида ҳали ҳам ирроционализм ва эгоистик-аскетизм ғояларининг устувор экани аниқланиб, ушбу омиллар 1847-1885 йиллар оралиғида Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасини босиб олинишига қулай вазиятни вужудга келтирганига оид илмий хулоса берилди;

Тўққизинчидан, ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнларнинг тўртинчи – «Мустамлакачилик, коммунистик ва атеистик мафкуранинг кириб келиши ва ҳукмронлиги даври»да Россия империяси томонидан маҳаллий аҳолисини ғоявий тобе қилиш мақсадида: «маҳаллий халқнинг анъанавий таълимини замонавийлаштиришига йўл қўймаслик», «христианча рус цивилизациясини олиб келиш учун рус-тузем мактаблари фаолиятини йўлга қўйиш», «маҳаллий зодагон ва мусулмон руҳонийларни жамиятга нисбатан моддий-маънавий куч ҳамда таъсирини камайтириш», «мустамлакачи ҳукуматга таянч

бўладиган маслакдош қатламни шакллантириш», «рус миллатига мансуб аҳолини Туркистонга кўчириш сиёсатини амалга ошириш» каби мафкуравий усуллар қўлланилгани маълум бўлди;

Ўнинчидан, мазкур даврдаги мафкуравий жараёнларда Жадидчилик ҳаракати юзаган келгани, улар икки ғоявий фронтда, яъни бири, иррационализм ва эгоистик-аскетизм мазмунидаги ички ғоявий фронт, иккинчиси христианча рус маданиятини тарғиб этишга асосланган мустамлакачилик ғоялари фронтида кураш олиб боргани маълум бўлди;

Ўн биринчидан, XX аср бошларида Чор Россиясининг инкйрози ва унинг худудларида большевиклар ҳукумати ва коммунистик мафкура ҳукмронлигининг ўрнатилиши юз берди. Мафкуравий жараёнларда коммунистик мафкура тўлиқ монопол мафкурага айланди. Бу жараёнда жинойтчи бўлмаса-да, ғоявий маслакдош бўлмаганлар «ёт унсур» сифатида жисмонан йўқ қилинди. Айти вақтда номенклатуранинг ғоявий содиқлиги ҳам доимий назоратга олиниши натижасида бу ғайритабиий равишда ижтимоий-сиёсий ҳаётда коррупция ва жинойтчиликни бартараф этиш имконини берди. Ундан ташқари, II Жаҳон уруши барча халқларга зарар келтирган бўлса-да, коммунистик мафкура учун турли миллат ва элатларни ягона ғояга бирлаштириш йўлида фойда келтиргани илмий асосланди;

Ўн иккинчидан, ушбу бобда коммунистик мафкура ўз даврининг барча инновациялари (радио, телеведения кабилар)дан кенг фойдалангани ҳамда мафкуравий тарғиботга комплекс ёндашгани аниқланди.

Мазкур натижа мафкуравий жараёнларда инновациялардан самарали фойдаланиш ва мафкура ишига комплекс ёндашув асосида ҳар бир жамиятда ягона мафкуравий сферани яратиши мумкинлиги тўғрисида илмий хулоса чиқаришга имкон яратди.

III БОБ. МУСТАҚИЛЛИК: МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ТИКЛАНИШИ, МАФКУРАВИЙ ЗИДДИЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

3.1-§. Мустақиллик йилларида мафкуравий жараёнлар: Миллий истиқлол мафкурасининг мазмун-моҳияти

XX аср охириларида келиб, коммунистик мафкуранинг ижтимоий ҳаётда амалий исботини топиши тобора мавҳумлашиб борди. Бунинг сабаблари, *биринчидан*, коммунистик мафкура «мутлақ ҳақиқат» даъвосини илгари сурди ва шу позициясининг ўзи унинг назарий ва амалий ривожланиш йўллари тўсиб қўйди; *иккинчидан*, коммунистик мафкурада миллат омили ҳисобга олинмади. Миллатларнинг тили, тарихи ва маданиятига беписандлик билан қаралиб, байналмилаллик ғояси фониди рус тили ва маданияти тарғиб этилди. Натижада аксарият миллатларда ўз-ўзини асраш инстинкти кучайиб борди; *учинчидан*, коммунистик мафкура ўзидан аввалги, узоқ тарихий муддат ва тажрибага эга диний мафкураларни бутунлай инкор этди. Мафкуравий босим кучайган даврларда бу бир муддат иш бергандек кўринди, лекин, танлов имконияти пайдо бўлиши билан кенг халқ оммаси яна диний илдизларига қайта бошлади; *тўртинчидан*, коммунистик мафкура, назарий жиҳатдан кенг халқ оммаси: ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар мафкураси бўлиб кўрингани билан 80-йилларнинг ўрталарига келиб, у фақат кичик ижтимоий гуруҳ – коммунистик партия номенклатурасининг мафкураси экани маълум бўлиб қолди.

Коммунистик партия номенклатураси ҳам 80-йилларнинг охириларида ўз эътиқодида қатъий туришган бўлса-да, СССРнинг 1990 йил 14 мартдаги Н 1360-И «СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ва СССР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни¹ ушбу мафкуравий элитада ҳам ғоявий парокандаликни юзага келтирди. Чунки, мазкур қонунга кўра, 1977 йилда қабул қилинган СССР

¹ СССР нинг 1990 йил 14 мартдаги Н 1360-И сон «СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ва СССР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни. <http://constitution.garant.ru/history/ussr-rsfsr/1977/zakony/185465/>

Конституциясининг 6-моддасида белгиланган «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси совет жамиятининг етакчи ва йўналтирувчи кучи, у сиёсий тизимнинг, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзагидир. КПСС халқ учун мавжуд ва халққа хизмат қилади» жумлалари бекор қилиниб, коммунистик мафкура ва партия ҳукмронлигига ҳуқуқий жиҳатдан барҳам берилган эди. Мана шундай вазиятда собиқ Иттифоқ марказида ғоявий парокандалик ва сиёсий хаос юзага келган бўлса, мамлакатимизда бу жараён миллий ғоя феноменини юзага чиқиши тарзида юз берди. Дарҳақиқат, ушбу давр ўзбек халқи тараққиётидаги мафкуравий жараёнлар эволюциясида туб бурилиш ясаб, 1991 йилдан ҳозирга қадар бўлган «Мустақиллик, миллий ғояни қайта уйғониши ва такомиллашуви даври»ни бошлаб берди.

Бизнинг ёндашувимизга кўра, ўзбек халқи тараққиётидаги мафкуравий жараёнлар трансформациясида бешинчи «Мустақиллик, миллий ғоянинг қайта уйғониши ва такомиллашуви даври»ни ҳам шартли равишда икки босқичга бўлиш зарур деб топилди. Унинг биринчи босқичи – 1991 йилдан - 2017 йилга қадар бўлган даврни ўз ичига олса, иккинчи босқичи – 2017 йилдан - ҳозирга қадар бўлган даврни қамраб олади.

Малумки, мустақиллик арафасида юртимиздаги мафкуравий жараёнлар жуда мураккаб ва тезкор эди. Чунончи, қайта куриш сиёсати бошланган даврда уйғона бошлаган миллий ғоя амалиётда дастлаб «Ўзбек иши»га қаршилик позицияси, «Ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш», «Миллий кадриятларни тиклаш (масалан, Наврўз байрамининг тикланиши мисолида)» каби ҳаракатларда кўрина бошлади. 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан Мустақиллик декларацияси ҳамда 1991 йил 31 августда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиниши юртимиз тараққиётидаги мафкуравий жараёнлар эволюциясида катта ғалаба бўлди.

Совет социалистик тизимининг парчаланиши ва коммунистик мафкуранинг барҳам топиши туфайли юзага келган кўтаринки рух (эйфория) мафкура феноменининг йўқ

бўлиб кетишини тақозо этадиган, бутун инсониятнинг мафкурадан батамом холи бўлишини илмий асослашда ўз ифодасини топди. Кўпгина давлатлар, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам ғоя ва қадриятларни танлаш эркинлигининг ифодаси сифатида мафкуравий плюрализм эълон қилинди¹.

Қисқа муддат ичида мафкуравий плюрализмнинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас»², дея белгилаб қўйилди.

Саксонинчи йиллар охири ва мустақилликнинг дастлабки йилларида миллий ғоя нафақат ижтимоий мафкура сифатида, балки сиёсий мафкура сифатида ҳам бўй кўрсата бошлади. Жумладан, 1988 йил ноябрда ташкил топган «Бирлик» халқ ҳаракати, 1990 йил апрелда ташкил этилган «Эрк» демократик партияси ўз фаолиятларида «ўнг, миллий демократия, миллий консерватизм, дунёвийлик» позицияларини эълон қилишди.

Айни вақтда, миллий ғоя расмий ҳукумат фаолияти билан ҳам уйғунлашиб борди. Бу фаолият:

- миллий манфаатлар устуворлигига асосланган ҳуқуқий тизимни яратиш;
- таълимни коммунистик мафкурадан халос этиш;
- таълим-тарбия тизимини миллий ва хориж тажрибаси асосида қайта ташкил этиш;
- миллий ва диний қадриятларни тиклаш;
- миллий маънавиятимизга мос ахборот муҳитини шакллантириш ва бошқа шу каби ҳаракатларда ўз ифодасини торди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, миллий ғоянинг дунёвий асосларда ривожланиши Жадидлар даврида қисман юз берган бўлса-да, қарийб уч минг йиллик тараққиётимизда миллий ғоя

¹ Назаров Қ. Мафкура. Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. – Тошкент: 2014. 7-б.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/21/671/0093-сон.

фақат диний асослар билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган эди. Шунинг учун ҳам дунёвий асосларда миллий ғоянинг шаклланиши ва амалиёти учун тарихий, ижтимоий, сиёсий тажриба етарли бўлмади. Мазкур ҳолат, биринчи навбатда ижтимоий ҳаракат ва партиялар фаолиятида яққол кўзга ташланди. Яъни, Ўзбекистон жамияти сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-мафкуравий туб бурилиш палласида, миллий бирлик жуда зарур бир вақтда улар ўз фаолиятларида муҳолифлик йўлига ўтдиларки, бу нарса жамият барқарорлиги, фуқаролар тотувлиги ва ҳамжихатлигига путур етказа бошлади.

Дарҳақиқат, «Президент Каримов «Эрк» партиясининг хайрихоҳлигини, унинг ижобий куч сифатида сиёсий тизимга кўшилишини умид қилган эди. У муҳолифатга қўл узатди. Аммо унинг қўли муаллақ қолди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Чунки, муҳолифат Москва билан ҳамкорлик қилувчи Тошкент маъмурияти даврида Ўзбекистондаги миллий ҳаракат тўлқинида юзага келган эди. Каримов давридаги ҳокимият миллий манфаатларни муҳолифатдан ҳам қатъийроқ ҳимоя қила бошлагач, сиёсий манфаатларга муқкасидан кетган муҳолифат нима қиларини билмай қолди. Мамлакатга дабдабали шиорларни эмас, амалий ислохот дастурларини таклиф қиладиган одамлар муҳолифат орасидан чиқмади. Ҳокимиятни тўхтовсиз танқид қилиш, ҳокимиятни ағдаришга қодир куч сифатида талабалар ва умуман ёшларга мурожаат этиш бошланди»¹.

Ўша даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов СССР парчаланиб кетгандан кейин бизнинг иродамиз ёки интилишимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон амалда фронт яқинидаги давлатга айланиб қолди. Унинг ташқи чегараларида – Афғонистон ва Тожикистонда сўнгги йилларда юз минглаб инсонлар ҳаётига зомин бўлган иккита танглик ўчоғи аланга олиб турибди², деганларида мустақилликнинг дастлабки йилларидаги мафкуравий вазият жуда оғир ва мураккаб эканлигидан огоҳлантирган эди.

¹ Левитин Л. Ўзбекистон туб бурилиш палласида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 179-б.

² Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 6-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 42-б.

Мураккаб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий вазият ўша даврда миллий давлатчиликни сақлаб қолиш, асрлар давомида шаклланган миллатлараро ва динлараро бағрикенглик муҳитини сақлаш, миллий манфаатга мос келадиган ички ва ташқи сиёсий тизимни яратишни миллий ғоянинг асосий мақсадига айлантирган эди.

Бу даврдаги мафкуравий жараёнлар фақат мавжуд партия ва ижтимоий ҳаракатлар билан миллийлашган ҳукумат фаолиятининг айро тушишидагина эмас, балки коммунистик ғояларнинг қадрсизланиши жараёни «Худонинг қасоси» сифатида қабул қилган диний мафкуравий фундаментализмнинг ўсиши билан ҳам белгиланади¹.

Дарҳақиқат, ушбу даврга келиб, «XX аср ниҳоясида атеизм ваҳимасидан қутилаётган инсоният бошқа бир таҳдидга рўбарў келди. Эндиликда, уфқда диний миллатчилик шарпаси пайдо бўлди»².

Узоқ вақт давом этган атеистик тарғибот ва сиёсат натижасида диний маърифат заифлашган, бироқ исломий билим ва ғояларга эҳтиёж ортган вазиятда юртимизга ўзининг тарихий, ижтимоий, акциологик асосларига эга бўлган ислом динига шаклан ўхшаш, лекин мазмунан сиёсийлашган диний-экстремистик мафкуралар кириб кела бошлади.

Марказий Осиё, жумладан, мамлакатимизда асосан «Ҳизб ут-таҳрир» (Фаластин), «Салафийлар» (Сурия), «Нурчилар» (Туркия), «Таблиғчилар» (Шимолий Ҳиндистон), «Адолат уюшмаси» (Наманган), «Ислом уйғониш партияси» (1990 йил Астраханда асос солиниб, 1991 йил январда Ўзбекистонга кириб келган), «Одамийлик ва инсонпарварлик» (Қўқон), «Туркистон ислом партияси» ҳамда «Ислом лашкарлари» (Наманган) диний-экстремистик оқимлар фаолияти кузатилди³. Мазкур оқимларнинг ғоялари ва мафкуравий фаолияти кейинги параграфда тўлиқ таҳлил этилади.

¹ Назаров Қ. Мафкура. Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. – Т.: 2014. 10-бет.

² Фридланд Р. Когда в истории появляется бог // Социс, № 3, 2000, – С 89-94.

³ Қаранг: Экстремизм ва терроризм – тараққиёт душмани. Ички ишлар тизими ходимлари (профилактика инспекторлари) учун ўқув-амалий кўлланма/ Масъул муҳаррирлар: З.Исломов, Ш.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. 164-б.

«Мустақиллик, миллий ғоянинг қайта уйғониши ва такомиллашуви даври»нинг биринчи босқичидаги мафкуравий жараёнларнинг ўзига хослиги шунда бўлдики, юқорида санаб ўтилган диний-экстремистик оқимлар ҳамда шулар қатори дастлаб миллий ҳаракат тўлқинлари ва коммунистик мафкурага муҳолифат сифатида шаклланган – «Бирлик» халқ ҳаракати, «Эрк» демократик партияси каби мафкуравий омилларнинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан легаллашувига йўл қўйилмади. Яъни, мазкур ҳаракат ва партия 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни¹га кўра қайта рўйхатдан ўта олмади.

Таъкидлаш керакки, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ушбу ҳаракатлар прогрессив ва регрессив ғояларни ажратиш борасида халқимиз ва ҳукуватимиз фаолиятида муайян тажриба шаклланганлигини кўрсатди. Бироқ ушбу даврда, мафкуравий масалада айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Жумладан, социалистик ғоялар кадрсизланган бир вазиятда социал-демократик асосдаги Халқ демократик ва «Адолат» социал-демократик партияларига ва шу қатори ижтимоий асослари шаклланиб улгурмаган либерал-демократик ғояларга асосланган Либерал-демократик партияларнинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан легаллашуви қўллаб-қувватланди. Бироқ юртимиздаги мафкуравий жараёнлар ривожига ҳисса қўшиши кутилган ушбу партиялар ўз ғояларининг ижтимоийлашмагани сабабли кўзлаган натижани бермади. Мана шундай ҳолатлар давлат бош ислоҳотчи тамойилидан келиб чиққан ҳолда, жамиятдаги мафкуравий жараёнлар ривожига амалий ва назарий жиҳатдан ёрдам бериш зарурияти юзага келганлигини кўрсатди.

Амалий жиҳатдан бу, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 апрелдаги «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони² ҳамда шу асосда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги 337-И-сон Қонуни. (1996 йил 26 декабрь) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 йил, 03/21/683/0375-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида»ги 1994 йил 23 апрелдаги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, 6-сон, 169-модда.

июндани 288-сон қарорига кўра «давлат бюджетидан маблағлар билан таъминланиш билан бир қаторда, хўжалик ҳисобида ҳам иш юритувчи ижтимоий ташкилот»¹ – Республика Маънавият тарғиботи марказининг очилишида кўринди. Бу жараён давом этиб, 2006 йилга келиб, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши негизида Республика Маънавият тарғиботи маркази ҳамда Миллий ғоя илмий-амалий маркази алоҳида ташкилот сифатида иш бошлади².

Иккинчидан, 2001 йил 18 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани бўйича таълим дастурини яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши³ қабул қилинди. Мазкур фармойиш асосида мамлакатимиздаги мафкуравий жараёнлар барқарорлигини таъминлаш ва ёш авлодни регрессив ғоялар таъсиридан ҳимоялаш мақсадида янги – Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани жорий этилди. Мазкур фан қарийб ўн тўққиз йил давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълим муассасаларида тарбия фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 422-сон⁴ Қарори қабул қилингунга қадар мактаб ўқувчиларидан то олий таълим муассасалари талабаларига ўқитилиб келинди.

Албатта, мазкур амалий ишлар мафкуравий жараёнлар мураккаб ва тезкор бўлган бир шароитда сиёсий ва мантиқий жиҳатдан тўғри эди. Фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида «...Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас»лиги ҳамда 41-

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 1994 йил 8 июндаги 288-сон Қарори // <https://lex.uz/docs/735209>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/1354503>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурини яратиш ва Республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида»ги 2001 йил 18 январдаги ПФ-1331-сон Фармойиши. – // Г. Маърифат. – Тошкент: 20.01.2001.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълим муассасаларида «тарбия» фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 422-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.07.2020 йил, 09/20/422/1033-сон.

моддасида «Мактаб ишлари давлат назоратидадир»¹ деб белгиланган шароитда ҳукумат ташаббуси билан Республика Маънавият тарғиботи маркази, Миллий ғоя илмий-амалий маркази сингари давлат ташкилотларининг тузилиши ҳамда Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асосларини фан сифатида мактаб ва олий таълим муассасаларида ўқитилишида ҳуқуқий ғализлик юзага келди. Бизнингча, ўша даврда ҳукумат ташаббуси билан мазкур ишларни амалга оширилишида давлат ва мафкура муносабатларининг ҳуқуқий жиҳати эътиборга олинмади ёки вазият тақозоси нуктаи назаридан бу ҳуқуқий нормалар четлаб ўтилды.

Таъкидлаш керакки, Миллий истиқлол мафкурасининг амалиётини йўлга қўйиш билан боғлиқ ҳуқуқий ғализликлар бўлишига қарамай, мазкур даврда унинг назарий асослари ҳам яратилди. Жумладан, Миллий истиқлол мафкурасининг назарияси «Президент Ислом Каримов асарлари, маъруза ва нутқлари, чиқишларидаги маънавий-маърифий мавзуда билдирган фикрлари асосида»² Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамиятининг ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилди.

Албатта, мазкур ишчи гуруҳ Конституциянинг 12-моддаси билан Миллий истиқлол мафкураси ўртасидаги муносабатга эътибор қаратди. Улар юқоридаги ҳуқуқий ғализликни тушунтириш мақсадида «Миллий истиқлол мафкураси турли сиёсий партия ва ижтимоий гуруҳлар мафкурасидан устун турадиган социал феномен – ижтимоий ҳодисадир. Бу мафкурада бирор дунёқараш мутлақлаштирилмайди ёки у мавжуд сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида сиёсий қуролга айлантилмайди»³, деган фикрни илгари суришди. Бир қарашда юқоридаги ҳуқуқий ғализликнинг ечимидек кўринган мазкур фикр амалда кўплаб қарама-қарши фикрларни юзага келтирди. Масалан, «Миллий истиқлол мафкураси турли сиёсий партия ва ижтимоий гуруҳлар мафкурасидан устун турадиган социал феномен – ижтимоий ҳодиса» дейилиши баробарида

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/21/671/0093-сон.

² Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 80 б.

³ Ўша манба. 45-б.

худди шу ишчи гуруҳ томонидан «Ҳар бир партиянинг ўз дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида Миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойилларига амал қилиши сиёсий ҳаётнинг бош мезонидир»¹ дея белгиланиши Миллий истиқлол мафкурасига берилган «ижтимоий феномен» статуси ҳамда «мавжуд сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун сиёсий қуролга айлантирмаслик» тамойилини заифлаштирди. Бу назарий жиҳатдан Миллий истиқлол мафкурасини «ижтимоий феномен» эмас, кўпроқ сиёсий ҳаётда партияларга давлат буюртмасини етказувчи мафкура образи ҳосил қилинишига олиб келди.

Ундан ташқари, Миллий истиқлол мафкурасининг назарияси билан боғлиқ ҳолда, «бу мафкурада бирор дунёқараш мутлақлаштирилмайди» дейилиши ҳам ҳар қандай мафкура, албатта, муайян дунёқарашга қатъий таяниши тўғрисидаги илмий хулосаларга² зид келар эди. Яна, Миллий истиқлол мафкурасининг фалсафий асосларида ҳам ғализлик мавжуд бўлиб, бу «Мафкурамизнинг фалсафий асосини, аввало, миллий-ижтимоий тафаккурнинг мумтоз намуналари бўлган дунёвий билимлар, жаҳон фалсафаси дурдоналари белгилайди. Олам ва одамнинг яралиши ва такомиллашиб бориши ҳақидаги диний ва илмий қарашлар ...мафкурамиз шаклланишига таъсир ўтказди»³ дейилган жумлаларда кўринади. Мазкур фикрда айтилаётганидек, мафкурамизнинг фалсафий асосини «дунёвий билимлар» белгилайди ва айна вақтда «диний ва илмий қарашлар» ҳам унинг шаклланишига таъсир ўтказди. Ахир бу ўринда «дунёвий билимлар» деганда, мантиқан «диний билимлар» рад этилади-ку?! Хўп, бу тушунарли бўлса, унда яна нима учун унинг шаклланишига «диний қарашлар»ни таъсир ўтказиши қайта эътироф этилмоқда?!

Тарихий мафкуралар тажрибаси шуни кўрсатадики, улар назарий ва амалий томондан илмий-фалсафий ёки диний таълимотларга бирламчи асос сифатида таянади. Жумладан,

¹ Ўша манба. 68-б.

² Қаранг: Назаров Қ. Мафкура. Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. – Тошкент: 2014. – Б. 9-11.

³ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 47-48

ислом мафкурасининг фалсафий асосини ислом фалсафаси – калом илми ташкил этса, коммунистик мафкуранинг фалсафий асосини диалектик-материализм ташкил этади. Бу мафкуралар тажрибаси ўз фалсафий асосларини аниқ белгилаб олишида, ундан озгина оғиш юз берганда (масалан, мутазилий ва мутакаллимлар ихтилофи сингари) бу вазият тезда тўғриланишида кўринади.

Мана шундай зиддиятли жиҳатларга қарамай, Миллий истиқлол мафкурасининг назарий асосларини шакллантиришда муайян ютуқларга эришилган. Жумладан, ишчи гуруҳ томонидан ўз вақтида Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси: «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш» ҳамда унинг «Ватан равнақи», «Юрт тинчлиги», «Халқ фаровонлиги», «Комил инсон», «Ижтимоий ҳамкорлик», «Миллатлараро тотувлик» ва «Динлараро бағрикенглик (толерантлик)» сингари асосий ғоялари ишлаб чиқилган ва улар илмий жиҳатдан асослаб берилган¹.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мафкура назарияси учун жуда зарур бўлган бош ва асосий ғоялар яратилган бўлса-да, мазкур назариянинг мантикий давоми сифатида Миллий истиқлол мафкураси учун зарур бўладиган мафкуравий категориялар шакллантирилмай қолган (3.1-расм).

Маълумки, мафкуравий категориялар – бу методологик ва дунёқараш мазмунига эга бўлган, мафкуравий билиш ҳамда мафкуравий амалиёт тарихий тараққиёти натижасида вужудга келиб, ғоявий тус олган ва ўзаро бир-бири билан қонуний боғланган асосий тушунчалар ҳисобланади. Улар таснифланганда уч турга:

- идеал (позитив) образларни ифодаловчи категориялар;
- ноидеал (негатив) образларни ифодаловчи категориялар;
- ҳолат ва жараёнларни ифодаловчи категорияларга бўлинади.

Мукамал структурага эга бўлган ҳар бир мафкура концепциясида ғоялар ва тамойиллардан ташқари, мафкуравий категориялар ҳам мавжуд бўлади. Улар ўз мазмуни ва

¹ Ўша манба. – Б. 50-60.

функциясига кўра, кенг халқ оммасида образлар, яъни мафкуравий тимсолларни яратади. Дарҳақиқат, тарихан мафкуравий амалиётда муаффақиятга эришган барча турдаги мафкураларда мафкуравий категориялар мавжуд бўлган (1.2 - параграфга қаранг). Мазкур мафкуралар ўз категориялари орқали мафкуравий нуқтаи назардан идеал (позитив) ҳамда мафкуравий мақсадга мос келмайдиган ноидеал (негатив) образларни ва жамиятдаги ҳолат ва жараёнларни аниқ категориялар билан ифодалаб берган. Шунинг учун ҳам улар мафкуравий амалиётда кишиларга эзгулик ва ёвузлик, дўст ва душман образини аниқ кўрсатиб бера олишган.



3.1-расм. Миллий истиқлол мафкураси назариясининг умумий кўриниши

(расмда ишлатилган сўроқ белгиси Миллий истиқлол мафкурасида мафкуравий категориялар мавжуд эмаслигига ишора сифатида келтирилган)

Миллий истиқлол мафкураси назариясида эса, юқорида айтганимиздек, идеал (позитив) ва унинг акси бўлган ноидеал (негатив) образларни ҳамда шу қатори ҳолат ва жараёнларни ифодаловчи категориялар ишлаб чиқилмаган. Бу категориялар мафкуравий амалиёт учун ҳиссиётга йўғирилган туйғу ва тасаввурларни ҳосил қилиш учун зарур ҳисобланади.

Бинобарин, француз олими Густав Лебон айтганидек, «омма бу – доимо онгли шахсинг йўқолиши ва туйғу ҳамда фикрларнинг бирор йўналишга қаратилиши демакдир. Демак, оммани бошқариш учун, аввало, унинг туйғуларига ва тасаввурларига таъсир кўрсатиш керак. Бунинг учун эса ғояларни образларга айлантириш керак. Ана шунда улар (ғоялар) онг остига кириб боради, туйғуларга айланади. Туйғулар омма хулқ-атворининг асосий стимуляторига айланади»¹.

Миллий истиқлол мафкураси назариясидаги мазкур камчиликлар сабабли, амалиётда ҳис-туйғуларни бойитиш билан шуғулланадиган бадий ижод йўналишидаги: ижодкорларни мураккаб ва шонли тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини, бугунги ҳаёт воқелигини, олийжаноб орзу-умидларимизни акс эттирадиган адабиёт, кино, мусиқа ва тасвирий санъат асарлари яратишга ҳар томонлама рағбатлантириш, ёшларга ибрат бўладиган баркамол инсонлар, замонавий қаҳрамонлар тимсолини яратиш² мақсадларига эришилмай қолинди. Бунга қиёсий мисол сифатида собиқ Иттифоқ даврида коммунистик мафкура таъсирида яратилган бадий адабиёт, кинофильм, театр ва мусиқа асарлари билан рақобатлаша оладиган санъат асарлари ўттиз йиллик мустақил тараққиёт давомида яратилмаганини кўриш мумкин. Албатта, бу вазият фақат бадий ижод аҳли билан эмас, кўп жиҳатдан адабиёт ва санъатга ғоявий йўналиш берадиган, уларга идеал (позитив) ва ноидеал (негатив), эзгулик ва ёвузлик, дўст ва душман образларини аниқ кўрсатиб бериши зарур бўлган Миллий истиқлол мафкурасининг назариясидаги муаммо билан боғлиқ эди.

Умуман олганда, ўзбек халқи тараққиётидаги мафкуравий жараёнлар трансформациясида бешинчи «Мустақиллик, миллий ғоянинг қайта уйғониши ва такомиллашуви даври»нинг 1991 йилдан 2017 йилга қадар бўлган биринчи босқичида миллий ғоя назарияси ва амалиёти учун тажриба орттириш даври бўлди. Бу даврда Миллий истиқлол мафкураси расман яратилди, унинг бош ва асосий ғоялари ишлаб чиқилди. Ундан ташқари, мазкур даврда Миллий истиқлол мафкурасининг тарғиботи ҳам фаол

¹ Г.Лебон. Психология народов и масс. – СПб., 1896, 159-с.

² Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 64 б.

йўлга қўйилди ва бу жараёнга илмий, тарғибот ва таълим муассасалари кенг жалб этилди.

Лекин шунга қарамай, бу даврда Миллий истиқлол мафкурасининг назарияси ва амалиётида юқорида таҳлил қилганимиз:

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-ва 41-моддалари билан Миллий истиқлол мафкураси ўртасидаги ҳуқуқий муносабат масаласи;

– «Миллий истиқлол мафкураси турли сиёсий партия ва ижтимоий гуруҳлар мафкурасидан устун турадиган социал феномен» экани ва айти вақтда «ҳар бир партиянинг ўз дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ этишда Миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойилларига амал қилиши» масалалари;

– Миллий истиқлол мафкурасида «бирор дунёқарашни мутлақлаштирилмаслиги» қондаси илмий жиҳатдан мафкура, албатта, муайян дунёқарашга қатъий таяниши тўғрисидаги хулосага зид келиши масаласи;

– Миллий истиқлол мафкурасининг фалсафий асосини «дунёвий билимлар» белгилаши ва айти вақтда «диний қарашлар» ҳам унинг шаклланишига таъсир ўтказиши тўғрисидаги ғализликлар илмий жиҳатдан ўз ечимини топмади.

Ундан ташқари, мазкур даврда Миллий истиқлол мафкурасининг назарияси учун жуда зарур бўлган идеал (позитив) ва унинг акси бўлган ноидеал (негатив) образлар ҳамда ҳолат ва жараёнларни ифодаловчи категориялар ишлаб чиқилмади. Натижада ижтимоий онг шакллари – илм-фан, фалсафа, санъат, адабиёт, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқда миллий манфаатимиз мос аниқ ғоявий йўналиш вужудга келмади, Миллий истиқлол мафкураси назариясига мос келадиган эзгулик ва ёвузлик, дўст ва душман образлари фаол тарғиб этилмади.

Мана шундай омиллар Миллий истиқлол мафкурасини бир гуруҳ интеллигенция қўлида баҳс-мунозара объекти, оддий халқ учун эса, уларнинг ўй-фикри ва кундалик ҳаётидан узоқ бўлган тушунарсиз «объект»га айланишига олиб келди. Бунинг натижасида ижтимоий ҳаётда Миллий истиқлол мафкурасига нисбатан тушунарсиз, ғализ объект муносабати шаклланди.

Моҳиятини англай олмаган кенг халқ оммаси томонидан эса, унга нисбатан «мусаффо осмон» ибораси қўлланила бошланди. Бу ҳолат Миллий истиқлол мафкурасининг назарияси ва амалиётида йўл қўйилган камчиликлар сабабли юзага чиқди.

Мана шундай «ғоя»ни амалиётда ўз исботини топиши мавҳумлашиб бораётган шароитда юртимизги мафкуравий жараёнларда қуйидаги мафкуравий таҳдидлар:

– ислом халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларини янги империяга бирлаштиришга қаратилган интилишлар;

– ёш мустақил давлатларни собиқ иттифоққа бирлаштириш ғояси;

– тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар;

– ахлоқсизлик ғояларини ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар;

– турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро мажароларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар¹нинг мавжудлиги яққол кўзга ташлана бошлади.

Афсуски, мана шундай мафкуравий таҳдидларнинг уйғониши шароитида Миллий истиқлол мафкурасининг назарияси ва амалиётидаги камчиликлар илмий ва амалий жиҳатдан бартараф этилиб, ҳар бир фуқарога тушунарли мафкуравий система яратилиши ўрнига, 2010 йилларидан бошлаб юртимиздаги мафкуравий жараёнларни мафкуравий изоляциялаш йўлига ўтилди. Дарҳақиқат, «дунё XXI аср бошида постмодерн ва диджимодернга ўтаётган бир вақтда биз ўзимизни дунё илми ва маданиятидан беркитдик. Изоляционизмнинг энг ёрқин белгиси сиёсий ва ижтимоий борликни борича, тафаккурсиз қабул қилиш ва танқидий ёндашувни йўқ қилишдан иборат эди. Бундай ҳолат эса, бизнинг жамиятни маълум маънода маданий турғунликка олиб келди»².

Хулоса қиладиган бўлсак, «Мустақиллик, миллий ғоянинг қайта уйғониши ва такомиллашуви даври»нинг 1991 йилдан

¹ Ўша манба. 41-б.

² Алимжанов Б. Мафкура аслида нима // <https://ishonch.uz/archives/5746>.

2017 йилга қадар бўлган биринчи босқичи мафкуравий жараёнларнинг мураккаблиги ва тезкорлиги билан бошқа даврлардан ажралиб туради. Мазкур даврда, *биринчидан*, коммунистик мафкура расман бекор қилинди ва унинг инерциявий кучини тўхтатиш ишлари амалга оширилди;

Иккинчидан, жамиятда юзага келган «ғоявий бўшлиқ» мухолиф сиёсий гуруҳлар ва диний-экстремистик ҳаракатларни фаоллаштирди. Уларга қарши курашиш жараёни прогрессив ва регрессив ғояларга муносабат масаласида халқимиз ва ҳукуматимиз фаолиятида муайян тажрибани шакллантирди;

Учинчидан, халқимизнинг мафкуравий тараққиётида илк бор Миллий истиқлол мафкураси ишлаб чиқилди, унинг бош ғояси, асосий ғоялари ва тамойиллари аниқ белгилаб олинди;

Тўртинчидан, Миллий истиқлол мафкурасининг назарияси ва амалиёти билан боғлиқ қуйидаги муаммолар: «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Миллий истиқлол мафкураси ўртасидаги ҳуқуқий муносабат масаласи», «Миллий истиқлол мафкурасининг социал ёки сиёсий феноменлиги масаласи», «Миллий истиқлол мафкурасини муайян дунёқараш билан боғлиқлиги масаласи» ҳамда «Миллий истиқлол мафкураси учун зарур бўлган мафкуравий категориялар масаласи» ушбу даврда илмий ва амалий жиҳатдан ҳал этилмади;

Бешинчидан, миллий ғояни амалиётда ўз исботини топиши мавҳумлашиб бораётган шароитда диний-экстремистик, ахлоқсизлик, пансоветизм ва бошқа шакллардаги регрессив ғояларнинг фаоллашуви кузатила бошланди;

Олтинчидан, жамиятимиздаги мафкуравий жараёнлар мураккаблаша бошлаган шароитда ҳар бир фуқарога тушунарли мафкуравий система яратилиш ўрнига, мафкуравий изоляциялаш йўлидан борилди;

Еттинчидан, «Мустақиллик, миллий ғоянинг қайта уйғониши ва такомиллашуви даври»нинг 1991 йилдан 2017 йилга қадар бўлган биринчи босқичи ўзининг мана шундай характерли жиҳатлари билан тарихга айланди. 2017 йилдан бошлаб унинг иккинчи босқичи бошланди ва бу даврда ўзбек халқи тараққиётидаги мафкуравий жараёнлар ўзининг сифат жиҳатдан янги босқичига қадам қўйди.

3.2-§. Мустақиллик йилларидаги мафкуравий таҳдидлар таснифи: интенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидлар ва уларнинг мазмуни

Юқоридаги параграфлардан маълум бўлдики, «Мустақиллик, миллий ғоянинг қайта уйғониши ва такомиллашуви даври»нинг биринчи босқичида Миллий истиқлол мафкурасининг назарий концепцияси яратилди ва амалий жиҳатдан йўлга қўйилди. Бу даврда мафкуравий жараёнлар ўзининг мураккаб ва тезкорлиги билан характерланиши баробарида, барқарор тараққиётга хавф туғдирадиган кўплаб мафкуравий таҳдидлар ҳам юзага келди.

Маълумки, «таҳдид» деганда, «инсон ва жамият ҳаётий фаолиятини қийинлаштирадиган, унинг барқарорлиги, тараққиёти ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган ижтимоий-сиёсий тузилмани заифлаштириш, яъни давлатнинг конституциявий асосларини бузишга қаратилган ва салбий оқибатларни келтириб чиқарадиган ижтимоий-сиёсий ҳодиса»¹ тушунилади.

Бевосита «таҳдид» назарияси билан шуғулланган олимлар, жумладан, Ш.Пахрутдинов «таҳдид»ни ўзига хос тузилишга эга эканини тасдиқлаб, уни шартли равишда ижтимоий ва геосиёсий жиҳатларга ажратади. Муаллиф, «таҳдид»нинг ижтимоий жиҳатлари сифатида:

- сиёсий;
- иқтисодий;
- социал;
- маънавий;
- мафкуравий турларини кўрсатади².

Мазкур параграфда айнан таҳдиднинг мафкуравий тури, унинг мазмуни, мафкуравий таҳдиднинг таснифини таҳлил этиш режалаштирилган бўлиб, режага мувофиқ аввало мафкуравий таҳдид тушунчасига аниқлик киритилади.

¹ Пахрутдинов Ш. Барқарор тараққиёт ва раҳбар масъулияти. – Тошкент: Академия, 2011. 98-б.

² Ўша манба. 98-б.

Мафкуравий таҳдид деганда, ижтимоий-сиёсий ҳаракат, оқим ёки сиёсий куч ўз манфаатини ифодаловчи мафкурасини кўрқитув, зўрлик йўли билан бошқаларга тикиштириш ҳаракати. Жамият, давлат ёки халқ, миллат ёки элат тақдирига хавф солиб турган, фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мафкуравий хавф-хатарлар мажмуаси ¹ назарда тутилади. Мафкуравий таҳдиднинг асосий хусусияти асосида мафкуранинг мавжуд бўлиши, мазкур мафкуранинг регрессив кучга эгаллиги ва барқарор тараққиётни издан чиқаришга қаратилганида кўринади.

Мафкуравий таҳдид тушунчасини таҳлил қилиш ва унинг турларини аниқлашда «таҳдид» назариясига мурожаат қилмаслик мумкин эмас. Шунга кўра, ушбу соҳа бўйича етук олим Ш.Пахрутдиновнинг илмий ишларига эътибор қаратадиган бўлсак, муаллиф таҳдидларнинг намоён бўлишига қараб, икки турга ажратганини кўрамиз. Улар:

1. Ҳозирги вақтда таҳдидларнинг, асосан, давлатлар ҳаётий, муҳим ва ўта муҳим манфаатларига бевосита таъсир этиш механизмлари мавжуд, буларни бартараф этишга нисбатан қилинаётган ҳаракат *de jure* ва *de facto* сифатида эътироф этилади.

2. Эҳтимолий таҳдидлар, асосан, келажакда юзага келиши ва жамият тараққиёти йўлида салбий таъсир этиши мумкин бўлган мавҳум, яъни жаҳон ҳамжамияти ёки халқаро ташкилотлар томонидан тан олинмаган эҳтимолдаги таҳдидлар².

Мазкур ўринда муаллиф «таҳдид»нинг биринчи турига «давлатларнинг ҳаётий, муҳим ва ўта муҳим манфаатларига бевосита таъсир этиш механизмлари мавжуд» таҳдидларни киритади. Иккинчи турга эса, «эҳтимолий, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмаган» таҳдидлар киритилади. Бизнингча, «таҳдид»ларни турларга ажратиш бўйича ушбу қоида универсал характерга эга бўлиб, ундан айни вақтда мафкуравий таҳдидларни таснифлашда ҳам методологик асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Жамиятнинг барқарор тараққиётига хавф туғдирувчи мафкуравий таҳдидларнинг маъно-моҳиятини англаш зарурияти

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: 2000. 26-б.

² Пахрутдинов Ш. Барқарор тараққиёт ва раҳбар масъулияти. –Т.: Академия, 2011. 97-б.

уларни бевосита тасниф (классификация)лашни тақозо этади. Мафкуравий таҳдидларни таснифлаш орқали тадқиқот жараёнида уларни алоҳида-алоҳида ўрганиш имконияти вужудга келди.

Бизнингча, юқоридаги сабаб ва асосларга таянган ҳолда, мафкуравий таҳдидларни икки турга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Улар:

1. Интенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидлар;
2. Экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидлар.

Маълумки, интенсив тушунчаси «жадал, тезкор фаолият кўрсатиш, юқори даражада кучланиш, куч билан номоён бўлиш» маъноларини билдиради, экстенсив тушунчаси эса, унга нисбатан тескари, «кенг қамровли, узоққа чўзилган, кенгликка йўналтирилган»¹ маъноларига эгадир.

Интенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидлар юқоридаги маънодан англанадики, «тезкор фаолият кўрсатадиган, куч билан номоён бўладиган» мафкуравий таҳдидлар ҳисобланади. Фикримизча, интенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидлар профессор Ш.Пахрутдинов томонидан илгари сурилган «таҳдид»нинг биринчи тури – «давлатларнинг ҳаётий, муҳим ва ўта муҳим манфаатларига бевосита таъсир этиш механизмлари мавжуд» таҳдидларга тўғри келади.

Экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидлар ҳам ўзининг «кенг қамровли, узоққа чўзилган, кенгликка йўналтирилган» моҳияти билан, Ш.Пахрутдинов томонидан илгари сурилган иккинчи турдаги «эҳтимолий, асосан, келажақда юзага келиши ва жамият тараққиёти йўлида салбий таъсир этиши мумкин бўлган таҳдидлар»га мос келди.

Интенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидларга бевосита мисол келтирадиган бўлсак, уларга:

1. Диний-экстремизм;
2. Миссионерлик ва прозелитизм кабилар киради.

Экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидларга эса:

1. Демократия экспорти;
2. «Маданий даража» ва «инсон ҳуқуқлари» экспанцияси;

¹ Қаранг: Словарь терминов и понятий по обществознанию. Автор-составитель А.М.Лопухов. 7-е изд. переб. и доп. – М., 2013. – С 128-129.

3. «Оммавий маданият» каби мафкуравий таҳдидлар мисол бўлади.

Таъкидлаш ўринлики, мустақил тараққий этаётган ҳозирги жамиятимизда ҳар икки турдаги мафкуравий таҳдидлар аниқланган ва аниқланмоқда. Мазкур параграфда бевосита мустақиллик йилларида аниқланган интенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидлар мазмуни, уларнинг турлари ва оқибатлари илмий таҳлил этилади. Экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидлар таҳлили эса кейинги параграфда давом эттирилади.

Маълумки, халқимиз ўз тараққиётининг яқин ўттиз йиллигида интенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидларнинг энг оммалашгани – диний-экстремизмга рўбарў келди. Мазкур таҳдид том маънода жамиятимиздаги мафкуравий жараёнларда энг фаол ва хавфлиси ҳисобланади.

Юртимизда диний-экстремистик мазмундаги мафкураларининг шаклланишини икки сабаб билан тушунтириш мумкин. Улар, биринчиси, собиқ Иттифоқ даврида атеистик сиёсат орқали юртимизда масжид ва мадрасаларнинг сони ва сифатини камайтириш, уламоларни қатағон қилиш, диний манбаларни йўқотиш ва аҳоли томонидан сақлашига йўл қўймаслик натижасида ислом ғояларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри англашга хизмат қиладиган мафкуравий таъминот (масжид ва мадрасалар, уламо ва мударрислар, диний адабиётлар ва ҳоказо)нинг заифлашуви юз берганлиги бўлса, иккинчиси, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги исломий билимлар борасидаги заифлик баробарида халқимизда исломий билимга жуда катта эҳтиёж мавжудлиги сабаб бўлди. Юртимиздаги мана шундай исломий билимларнинг етишмаслиги ва бундай билимларга улкан эҳтиёжнинг мавжудлиги билан боғлиқ мафкуравий шароитдан биринчилардан бўлиб, ислом ниқобидаги турли экстремистик гуруҳлар¹ фойдалана бошлади.

¹ Қаранг: Экстремизм ва терроризм – тараққиёт душмани. Ички ишлар тизими ходимлари (профлактика инспекторлари) учун ўқув-амалий қўлланма/ Масъул муҳаррири З.Исломов, Ш.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. 164-б.

Мазкур диний-экстремистик гуруҳлар тизимли таҳлил этилганда, уларнинг байроқ қилиб кўтариб олган ғояларида қатор ўхшашликлар борлиги кўзга ташланади. Жумладан:

1. «Такфир» (арабча, «куфрда айблаш») – бунда диний-экстремистик оқимга эргашмаган шахс, ҳатто мусулмон бўлса ҳам кофирликда айбланади;

2. «Ҳижрат» (арабча, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш. Амалда Муҳаммад (с.а.в.)ни Маккадан Мадинага кўчишга айтилади). Диний-экстремистик оқимлар бу ғоядан хориждаги жангариларни тайёрлаш марказларига одам йиғишда, мусулмонларни уй-жойи ва ватанини ташлаб кетишлари учун фойдаланишади;

3. «Жиход» (арабча «ғайрат қилиш», «кучни ишга солиш») сўзи аслида ижобий маънога эга бўлиб, «жидду-жаҳд», яъни инсон ўз мақсадига эришиш учун бор имкониятини ишга солиб, ҳаракат қилишига айтилади. Ҳозирда диний-экстремистик оқимлар бу ғоядан ўз мақсадлари йўлидаги жангарилик ҳаракатларини номлашда фойдаланишмоқда;

4. «Шаҳид» (арабча «гувоҳлик», «ҳозир бўлмоқ»). Бу исломда юқори мақом бўлиб, унга кўра, Аллоҳ йўлида душман билан жангда Ватани, дини, оиласи, миллати ва шаънини ҳимоя қила туриб вафот этган инсон назарда тутилади. Ҳозирда диний-экстремистлар бу ғояни жангарилик ҳаракатларида ўлган ёки ўзини портлатган шахсларга нисбатан қўллашмоқда¹.

Мазкур ғоялар келиб чиқишидан қатъий назар, аксарият диний-экстремистик гуруҳлар учун хос ҳисобланади.

Шу ўринда табиий савол туғилади: мустақиллик йилларида диний-экстремизм фақат собиқ Иттифоқ атеистик сиёсатининг натижасида вужудга келдими ёки бу жараёнга бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатдими?

Таъкидлаш ўринлики, собиқ Иттифоқнинг атеистик сиёсати диний-экстремистик мафкураларнинг мамлакатимизда тез фаоллашуви учун ғоявий бўшлиқни юзага келтиришда асосий роль ўйнади. Лекин диний-экстремизмга олиб келувчи ғоявий

¹ Экстремизм ва терроризм – тараққиёт душмани. Ички ишлар тизими ходимлари (профлактика инспекторлари) учун ўқув-амалий қўлланма/ Масъул муҳаррири З.Исломов, Ш.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 36-41.

ихтилофлар халқимиз тарихининг айрим даврларида учрайди. Буларга мисол қилиб, IX асрда муътазилийлар ва мутакалимлар, XX аср бошларида эса, жаидлар ва қадимчилар ўртасидаги ғоявий ихтилофларни келтириш мумкин.

Албатта, бугунги кундаги диний-экстремистик оқимларнинг тарихдаги ғоявий ихтилофларни юзага келтирган диний жамоалар билан ўзаро ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари мавжуд. Аввало, уларнинг ўхшашлиги – ҳар икки томонда ҳам ўз рақиблари билан ақидавий масалаларда назарий келишмовчиликларнинг мавжудлиги бўлса; фарқи – диний-экстремистик оқимлар фаолиятида мақсадга эришиш учун «экстремал» – кескин ва хавfli усулларни қўллаш амалиётининг мавжудлигидир.

Хуллас, муътазилий ва мутакалимлар, жаидлар ва қадимчилар ақидавий жиҳатдан бир-бирига муҳолиф бўлган бўлсалар, ҳозирда диний-экстремизм маърифатли исломга ҳам ақидавий, ҳам амалий жиҳатдан муҳолифат ҳисобланади.

Ислом оламининг тарихдаги муътазилийлар ва мутакалимлар, жаидлар ва қадимчилар сингари тоифаларга бўлиниши, афсуски, бугунги замонимиз учун ҳам хос экани тадқиқотчилар томонидан таъкидланади. Уларнинг фикрига кўра, ақидавий ва амалий жиҳатдан мусулмонлар ҳозирда ҳам тўрт қисмга бўлинади. Улар:

1. Дунёвийлар. Бу турдаги мусулмонлар ҳамма нарсада Ғарбга тақлид қилиш керак, деб ҳисоблайдиган аҳоли қисми. Улар модернизацияни вестернизация деб тушунишади. XX асрнинг бошида ва ўрталарида элита ўртасида жуда таъсирли бўлган бу мафкура (Туркияда Отатурк, Эронда Резо Пахлавий, Яқин Шарқдаги Баас режимлари, Марказий Осиёдаги собиқ Совет Иттифоқи элитаси ва бошқалар) биров вақт ичида ўз жозибасини йўқотди, аммо ҳозир ҳам муҳим ва таъсирли мафкуравий йўналиш бўлиб қолмоқда.

2. Диний модернистлар. Модернизацияни мусулмон жамиятининг анъанаси, унинг ноёб ижтимоий хотираси, маданий мероси, диний эътиқодлари билан боғлиқ бўлиши керак ва вақт талабларига мувофиқ ҳолда ушбу мерос, анъаналар ва

эътиқодлар, исломнинг асосий қоидаларига зиён етказмайдиган тарзда, танқидий кўриб чиқилиши керак, деб ҳисоблашади.

3. Анъаналар тарафдорлари/консерваторлар. Улар дин соҳасида ҳеч қандай танқидий фикрга ўрин йўқ, чунки исломдаги диний ва ҳуқуқий мактабларнинг асосчилари томонидан ҳамма нарса кўзда тутилган, деб ҳисоблайдилар. Модернизация технологик ёки иқтисодий ўзгариш тушунчалари орқали «тор» маънода тушунилади.

4. Фундаменталистлар/радикаллар. Улар модернизм тушунчасини ғарб устуворлигининг бир шакли ва мусулмон дунёсининг барча муаммоларини ҳал қилишнинг ягона йўли «тоза» исломга қайтиш, деб ишонадиган «Ал-Қоида», «ИШИД», «Ўзбекистон Исломий Ҳаракати» каби маргинал гуруҳлардир¹.

Таъкидлаш керакки, ушбу тоифалар бугунги кунда ҳар бир мамлакатда, жумладан, юртимизда ҳам мавжуд бўлиб, ушбу тоифаларнинг қуйидаги иккитаси диний-экстремизм учун потенциал куч ҳисобланиши бизни янада хушёрликка чорлайди.

Бизнингча, диний-экстремизм ўз моҳиятига кўра, интенсив шаклдаги таҳдид сифатида, Ш.Пахрутдинов томонидан илгари сурилган «давлатларнинг ҳаётий, муҳим ва ўта муҳим манфаатларига бевосита таъсир этиш механизмлари мавжуд» таҳдидлардан бири ҳисобланади. Мазкур таҳдиднинг хавф даражаси тўғри баҳоланган ҳолда 2021 йил 1 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «2021–2026 йилларга мўлжалланган Экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ – 6255-сон фармони имзоланди. Эндиликда «2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси»га кўра, уч босқич (биринчи босқич – 2021 йил, иккинчи босқич – 2022-2025 йиллар ва учинчи босқич – 2026 йил)да ишлар ташкил этилиб, унда қуйидагилар²:

¹ Сардор Салим. «Ўзбекистон: давлат дин соҳасида “олтин оралик”ни қандай топиши мумкин?» <https://cabar.asia/ru/author/sardorsalim>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2021 – 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2021 йил 1 июлдаги ПФ – 6255 сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.07.2021 йил, 06/21/6255/0638-сон.

– экстремизм ва терроризм ғоялари тарқалишининг олдини олиш мақсадида ватанпарварлик, анъанавий қадриятлар ва бағрикенглик мафқурасини тарғиб қилиш;

– вояга етмаганлар ва ёшлар орасида экстремизм ва терроризм ғоялари тарқалишининг олдини олиш;

– аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги ролини кучайтириш;

– узоқ муддат хорижда бўлган фуқароларни экстремизм ва терроризм ғоялари таъсиридан ҳимоя қилиш;

– интернет жаҳон ахборот тармоғидан экстремистик ва террорчилик мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш;

– фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг экстремизм ва терроризмга қарши курашишга кенг жалб қилиш;

– экстремистик ва террорчилик ҳаракатларини содир этганлик ҳамда уларни молиялаштирганлик учун ҳуқуқий таъқиб ва жавобгарликка тортиш чораларини такомиллаштириш;

– экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

– ушбу соҳадаги халқаро ва минтақавий ҳамкорлик.

– фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг экстремизм ва терроризмга қарши курашишга кенг жалб қилиш ишлари амалга оширилади.

«Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга»¹, деган эди Биринчи Президентимиз Ислом Каримов. Дарҳақиқат, барқарор тараққиётга хавф солаётган диний-экстремизм сингари интенсив турдаги мафкуравий таҳдидлар ҳозирда ҳам турлари кўп бўлиб, улардан яна бири бу миссионерлик ва прозелитизм ҳисобланади.

Маълумки, миссионерлик тушунчаси «миссия» ўзак сўзига қурилган бўлиб, ўзбек тилида «вазифа», «вазифа топшириш», «юбориш» ёки «жўнатмоқ» маънолари англанади². Юртимиз

¹ Каримов И. Юсак маънавият енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият. 2008. 113-б.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2010. 6-жилд.26-б.

олимлари томонидан миссионерлик ва прозелитизм тушунчалари илмий тадқиқот объекти сифатида ҳозиргача ўрганилиб келинмоқда. Жумладан, мазкур олимлардан С.Отамуродов ўз илмий изланишларида, миссионерликни «табшир, мубашширлик – бирор динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб этишни англатади»¹, дея таърифласа, сиёсатшунос Ф.Равшанов миссионерликни «марказлари четда бўлган, узок муддатли стратегик режаларга эга бўлган сиёсий вазифали диний ташкилотнинг кўп босқичли амалиёти»² сифатида таърифлайди.

Шу ўринда доимо миссионерлик билан қўшалок юрадиган прозелитизм тушунчасини ҳам унутмаслигимиз лозим. Маълумки, прозелитизм юнонча «proselitos» – яъни эътиқодни қабул қилган одам маъносини англатади. Лекин бу атама XVII асрда француз тилида пайдо бўлиб, бир одамнинг иккинчи одамга ҳийла, найранг билан таъсир ўтказишини англатувчи салбий маъно касб этган³.

Таъкидлаш керакки, мафкуравий жараёнларда прозелитизм билан миссионерлик кўп ҳолларда қўшалок феномен сифатида намоён бўлади. Прозелитизм миссионерликка қисман ўхшаса-да, бироқ унинг моҳиятида «бошқаларни ўз динига оғдириш учун турли хил усуллар: зўравонлик, ёлғон ва пора бериш орқали ўзга диндаги фуқарони эътиқод қилаётган динидан чиқариб, ўз динига ўтказиш каби тажовузкор ёндашув»⁴ устувор ҳисобланади. Бу фикрнинг мантикий давоми сифатида жамиятимизда мавжуд бўлган икки турдаги интенсив таҳдидларнинг ҳам ўзаро фарқини аниқлаб олиш лозим бўлади. Улар диний-экстремизм ҳамда миссионерлик ва прозелитизм бўлиб, бу таҳдидлар сиёсатшунос Ш.Пахрутдинов фикрига кўра, «сектантизм (миссионерлик ва прозелитизм) ва экстремизм сиёсийлашиш нуқтаи назаридан бири иккинчисидан фарқ

¹ Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. –Т.: Ўзбекистон. 2013. 297 б.

² Равшанов Ф. Миллий маънавиятга таҳдидлар. –Т.: Маънавият. 2013. 19-б.

³ Хасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, –Тошкент: 2014. 379-б.

⁴ Религиозные лидеры России высказались о разнице между проповедью и прозелитизмом // Мир религий. URL:<http://www.religio.ru/news/12903/html>

қилади, сектантлар сиёсий жараёнларга радикал тарзда аралашмайдилар ва сиёсий интилишларини очик дастурда эълон қилишмайди, сектантлар яширин фаолият олиб борса, экстремистлар ошкора террорчилик йўлини танлаб олишган»¹.

Дарҳақиқат, юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, миссионерлик ва прозелитизм ғоявий тарғибот масаласида экстремизмга қараганда, анча хушёр ва тажрибали ҳисобланади. Мазкур таҳдиднинг ғоявий фаолиятини бир қарашда англаб олиш жуда қийин. Одатда, ушбу мафкуравий таҳдид муайян ҳудудда ўз режаларини «очарчилик ва қашшоқликни бартараф этиш», «инсон ҳуқуқларини тиклаш», «миллий низоларни олдини олиш», «гуманитар ёрдам» ниқоби остига яширади. Ижтимоий тарзда ташкил этилган миссияларнинг ғоявий мақсадлари зоҳиран қуйидагича кўринишда бўлади: «зиддиятли ҳудудларга озиқ-овқат, дори-дармон каби кундалик эҳтиёж маҳсулотлари ҳамда тиббий ёрдам кўрсатувчиларни жўнатиш», «жабрланган аҳолига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш», «коммуникация тизимларини қайта тиклаш ҳамда бартараф этиш»² кабилар.

Ундан ташқари, мазкур мафкуравий таҳдид ўз ғояларини ёйишда кадрлар тайёрлаш сиёсатига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Одатда, улар танланган ҳудудларда мактаблар ва бошқа ўқув масканларини ташкил этишдан ташқари, мазкур ҳудуддаги иқтидорли ёшларни турли (ўзларининг) нодавлат ва нотажорат ташкилотлари грантлари орқали махсус ўқув курсларига юборади ва келажак учун ишончли ва содиқ маҳаллий кадр сифатида тарбиялашади. Бу масалага ўз вақтида эътибор қаратган Биринчи Президентимиз Ислом Каримов шундай деган эди: «бугун ҳаётнинг ўзи шуни яққол кўрсатмоқдаки, ташқаридан маблағ оладиган ва четдан бошқариладиган нодавлат ташкилотлари ҳозирги пайтда ана шундай давлатлар ташқи сиёсатининг восита ва қуролига айланиб бормоқда»³.

¹ Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. – Тошкент: Академия. 2001. 66-б.

² Конь Р.М. Введение в сектоведение. Нижегородская Духовная семинария. 2008. 496-с.

³ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари олий кадрият. – Тошкент: Ўзбекистон. 2006. 14-жилд. 95-б.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, миссионерлик ва прозелитизм ўз ғояларини тарғиб этишда юқоридаги усул ва йўллардан ташқари, бугунги даврнинг юруқларидан бири бўлган интернет тармоғидан ҳам катта устунлик билан фойдаланишади. Миссионерлик ва прозелитизмга оид «интернет диний сегментининг таҳлил натижаларига кўра, диний веб-порталларда қуйидаги блоклар мавжуд: янгиликлар, диний таълимот асослари ҳақидаги маълумот, MP3 форматидаги ваъзлар, Инжил, гувоҳликлар, фотоқўрғазма, мақолалар, китоб матнлари, конференциялар, эълонлар, табрикномалар, байрамлар, христиан дўконлари. Шунингдек, миссионерлик фаолияти билан шуғулланаётган аксарият оқимларнинг диний сайтлари ўз тарафдорларига меҳмонлар китоби, блоглар, форумлар учун мулоқот қилиш шароитларини яратган. Уларнинг барчаси бу соҳадаги фаолиятнинг бир томони бўлиб, миссионерлик мансуб сиёсат ва диннинг маддоҳлигига қаратилган. Иккинчи томондан миссионерлар ташаббуси билан интернет тармоғидаги жуда кўплаб сайтларда муайян ҳудуд маданий ҳаётини фаҳш, қотиллик, қолоқлик, ёвузлик ўчоқлари сифатида бузиб кўрсатувчи порталлар шакллантирилганки, улар мазкур мамлакат сиёсатини ҳам ички ҳаётда, ҳам ташқи ҳаётда обрўсизлантиришнинг муҳим омиллари ролини бажаради»¹.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, миссионерлик ва прозелитизм ғаразли, жамият барқарорлигига жиддий путур етказадиган интенсиф турдаги мафкуравий таҳдид ҳисобланади. Бу масалага Ғарб сиёсатчилари нуқтаи назаридан қарасак, биз учун миссионерлик ва прозелитизм қандай таҳдид экани аён бўлади. Жумладан, ўз вақтида Франция императори Наполеон Бонапарт миссионерлик ҳақида «черков ходимлари давлатимиз учун Осиё, Африка ва Америкадан ғоят катта фойда келтиради. Авлиёлик кийими уларни ҳимоя қилади, сиёсат ва савдо соҳасидаги вазифаларни ниқоблайди. Варварлар авлиёларни ҳурмат қилади, уларнинг фаолияти эса биз учун арзонга

¹ Мусаев М.Т. Глобаллашув шароитида миссионерлик ва прозелитизмнинг жамият ҳавфсизлигига таҳдиди. Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация. – Т.: 2018. –80 б.

тушади»¹, деган эди. Шунга мос ҳолда, АҚШ президенти Тафт ҳам ўзининг черковдаги маърузасида «Сиз миссионерларни Шарқ цивилизацияси руҳида тайёрланг. Миссионер раҳбарлари нафақат епископ ёки пастор, балки улар бўлажак давлат арбоблари ҳамдир»², дея таъкидлаган ҳолда, АҚШнинг мустамлакачилик сиёсатида миссионерларнинг ролига катта баҳо берган эди.

Дарҳақиқат, юқоридаги таҳлиллар ва тарихий шахсларнинг фикрларидан маълум бўладики, миссионерлик ва прозелитизм жамиятимиз учун улкан мафкуравий таҳдид ҳисобланади. Бу таҳдид минг йиллар давомида шаклланган диний ва миллий қадриятларни емиради ва мана шундай ғояларга эргашган шахслар қўли билан мамлакат сиёсий, иқтисодий, мафкуравий жиҳатдан мустамлакага айлантирилади.

Параграф натижалари асосида олинган хулосалар шуни кўрсатадики, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ёки ҳарбий механизмлар диний-экстремизм ҳамда миссионерлик ва прозелитизмга қарши курашда мажбурий ва маъмурий ҳаракатлар ҳисобланади. Лекин улар асосий чора бўла олмайди. Асосий чора бу жамиятда интенсив мафкуравий таҳдидлар учун потенциал куч ҳисобланадиган ҳамда уларга эргашиши мумкин бўлган тоифалар билан мафкуравий ишларни пухта ташкил этиш ҳисобланади.

Бизнингча, диний-экстремизм ҳамда миссионерлик ва прозелитизмга қарши курашдан кўра, уни олдини олиш самаралироқ йўл бўлиб, бунинг учун:

– дунёвий ва диний таълим сифатини параллел ривожлантириб бориш, яъни бирини ортда қолишига йўл қўймаслик;

– энг зарур вақтлардагина диний-экстремизм ҳамда миссионерлик ва прозелитизм мазмунига оид ошкора тарғибот (масалан, лекторлар иштирокидаги маърузалар)ни ташкил этиш, бошқа вақтларда эса тарғиботни летент (яширин) шаклда (масалан, мультфильмлар, кино фильмлар, театр томошалари, санъат галереяларидаги суратлар намойиши, таълим жараёнида

¹ Сюрэ-Каналь Ж. Африка Западная и Центральная. – М. 1961. -140 с.

² Brown A.J. The mastery of the Far East. – New York: 1921.p. 471.

ижтимоий-гуманитар фанларнинг махсус мавзулари кабилар орқали) амалга ошириш;

– уюлмаган ёшлар, ишсизлар, маҳкумлар ва уларнинг оила аъзолари ва бошқа шу сингари шахслар билан ҳудудий профилактика инспектори, фуқаролар йиғини раиси, жоме масжиди имом-хатиби ёрдамида диний-экстремизм ҳамда миссионерлик ва прозелитизм масалаларида жамоавий ва яқка тартибда суҳбатлар ташкил этиш;

– интернет тармоғи билан боғлиқ профилактик чоратадбирларни кучайтириш. Бунинг учун биринчи фазада – диний-экстремизм ҳамда миссионерлик ва прозелитизмга тааллуқли сайтларни аниқлаш, улардаги тарғибот материалларини мутахассислар томонидан ўрганиш ва шу йўллар билан уларнинг мақсадини аниқлаш; иккинчи фазада – ноқонуний сайт ва ижтимоий тармоқ каналларини блоклаш, регрессив руҳдаги контентларни ўчириш ҳамда мавжуд сайт ва ижтимоий тармоқ каналлари бўйича кенг халқ оммасини огоҳлантириб бориш;

– ёшлар дунёқарашига мос, замонавий форматдаги профилактика мазмунини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш. Масалан, диний-экстремизм ҳамда миссионерлик ва прозелитизм хавфини тушунтирувчи комиксларни серияли тайёрлашни йўлга қўйиш;

– мутахассислар билан ҳамкорликда кенг халқ оммасининг диний саводхонлигини оширишга, диний-экстремизм оқимлари ҳамда миссионерлик секталарининг ташқи ва ички белгиларини тушунтиришга қаратилган оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар учун кўп форматли (матнли, расмли аудио, видео, кино фильм, ҳужжатли фильм ва шу каби) контентлар тайёрлаш ва уларни жойлаштириш ишларини амалга ошириш лозим.

Албатта, мазкур мафкуравий ишлар профилактик хусусиятга эга бўлиб, агар ушбу ишлар маромига етказилиб, қониқарли ташкил этилса, интенсив мафкуравий таҳдидлар ҳисобланмиш – диний-экстремизм ва миссионерликка қарши курашни сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ёки ҳарбий механизмлар асосида ташкил этувчи кўплаб ташкилотлар фаолиятида ҳам энгиллик юзага келди.

3.3-§. Экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидлар, уларнинг турлари, мазмуни ва ғоявий кураш усуллари

Маълумки, мафкуравий жараёнлар ҳеч қачон мафкуравий таҳдидлардан холи бўлмаган. Шунга кўра, тадқиқот ишида ўзбек халқи тараққиётидаги мафкуравий жараёнлар трансформациясининг бешинчи «Мустақиллик, миллий ғоянинг қайта уйғониши ва такомиллашуви даври»да юзага келган мафкуравий таҳдидларни алоҳида таҳлил этиш зарур, деб топилди. Ўрганишлар натижасида мустақиллик йилларида шаклланган мафкуравий таҳдидлар икки тур: интенсив ва экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидларга ажратилди. Юқоридаги параграфда интенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидлар илмий таҳлил этилган бўлса, энди режага мувофиқ, ушбу параграфда экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидлар тадқиқ этилади.

Экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидлар деганда, интенсив бўлмаган, кенг қамровли ва узоқ муддатли, сезиларсиз таъсир стратегиясига эга бўлган, «юмшоқ куч» характеридаги таҳдидлар назарда тутилади.

«Юмшоқ куч – бу бошқаларни сиз кўлга киритмоқчи бўлган натижаларни исташга мажбурлаш» демакдир. Бироқ бу «таъсир кўрсатишнинг ўзи эмас... Юмшоқ куч – шунчаки ишонтириш, кўндириш ёки гарчи булар бари ушбу кучнинг муҳим элементлари бўлса-да, далил-исботлар ёрдамида бирон ишни қилишга ундаш қобилиятидир. Юмшоқ куч, шунингдек жалб этиш қобилияти ҳамдир, жалб этиш эса, кўпинча ўзаро тушунишга олиб келади. Оддий қилиб айтганда, хулқ-атвор маъносида юмшоқ куч – жозибадор куч»¹ ҳисобланади. Бундай мафкуравий таҳдидлар бир қарашда таҳдидлиги ҳам англамасдан, беэиён кўринса-да, аслида хавфлилик даражаси бўйича интенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидлардан ҳам юқорида туради.

Таъкидлаш керакки, экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидларнинг мазмунига эътибор қаратилса, улар «маданият»,

¹ Най Дж. Гибкая власть. Как добиться успеха в мировой политике. Пер.с англ. – Новосибирск/Москва, 2006. – С. 30-32.

«сиёсат», «хуқуқ» каби йўналишларга тааллуқли экани аён бўлади. Буларга мисол қилиб,

– «маданият» мазмунидаги мафкуравий таҳдидга – «оммавий маданият»ни;

– сиёсат мазмунидаги мафкуравий таҳдидга – «демократия экспорти»ни;

– «хуқуқий» мазмундаги мафкуравий таҳдидга «инсон хуқуқлари» экспанцияси кабиларни келтириш мумкин.

Оммавий маданият ҳақида гап борганда, ижтимоий ҳаёт ва илмий жамоатчиликда бу хусусида икки хил ёндашув мавжудлигини таъкидлаш лозим. Уларнинг биринчиси «оммавий маданият турли эътиқодлар ва амалий фаолият турларини, шунингдек аҳоли кенг қатламлари томонидан фойдаланиладиган маданий объектларни ўз ичига олади»¹ деган мазмунда бўлса, иккинчиси муайян миллатни минг йиллар давомида шаклланган миллий маданиятига зид келувчи, унга мухолиф бўлган, аслида маданият мезонларига тушмайдиган «анти маданият»ни назарда тутувчи ёндашувлар ҳисобланади.

Оммавий маданиятнинг иккинчи тури бўйича «оммавий маданият», туб моҳиятига кўра, миллий маданиятнинг кушандаси бўлиб, у маданий плюрализмни хушламайди, унинг асл мақсади – бу оламни бир хил рангда кўриш»², «оммавий маданият инсонни барча соҳаларда, жумладан, маданият ва дам олиш, бўш вақтини ташкил қилиш борасида ҳам индивидуаллигини йўқотган истеъмолчига айлантириб қўяди. Унинг истеъмол қилаётган маънавий-маданий маҳсулотлари, санъат асарлари эса стандартлашган, миллий қиёфасиз («поп-арт») товарга айланади. Мусиқада ва ашулачиликда рэп, рок каби жанрлар, жангарилик, мистик-фантастик фильмлар, триллерлар, блокбастерлар фикрмизни тасдиқлайди. Оммавий маданият ниқоби остида вақти-вақти билан пайдо бўладиган турли ижтимоий ҳаракатлар ва гуруҳлар (хиппилар, пранклар, рокерлар ҳамда гейлар (бесоқоллар) ҳаракати, антиглобалистлар ва ш.к.), фахш ва зўравонликни, вампирлик ва жодугарликни тарғиб қилувчи фильмлар, очикчасига порнографик саҳналардан

¹ Муқерджи Ч., Шадсон М. Новый взгляд на поп-культуру. – № 3. 101-с.

² Дворкин А.Л. Сектоведение. – Нижний Новгород, 2002. 66-с.

иборат кассеталар, дисклар ва бошқалар таъсири эса инсон шахсини емиришга, жамиятни дегуманизация қилиш»¹ каби қарашларни келтириши мумкин. Тадқиқот ишида айнан мана шундай характердаги «оммавий маданият» экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдид сифатида келтирилган.

Таъкидлаш керакки, бугунги ахборот айланиши жадаллашган ва глобаллашув шароитида «оммавий маданият – мафкуравий уруш қуроли»² сифатида роль ўйнамоқда. Унинг қайноқ уруш қуролларидан фарқи шундаки, у «юмшоқ куч» шаклида секин асталик билан, маданият ниқоби остида, сиёсий даъволарсиз миллий маданияти устувор жамиятларга кириб келмоқда.

Илмий изланишлар шунини кўрсатадики, «оммавий маданият» яқка тушунча сифатида қўлланилгани билан у кўпдан-кўп шаклларда ўзини намоён этади. Жумладан, унинг шакллари сифатида:

– китч – бадий-эстетик қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш;

– вандализм – маданий ёдгорликларни, қадриятларни ваҳшийларча вайрон, оёқ ости қилиш, йўқотиш;

– нигилизм – жамиятнинг маънавий норма ва устунлари, умумэътироф этилган тарихий ва маданий қадриятларни инкор этиш, шунингдек уларга нисбатан мутлақо салбий, ўта танқидий муносабатда бўлиш;

– комикс – тагига қисқа матн ёки луқмалар битилган беҳаё матбаа – расм маҳсулотлари;

– старизм – субъектив эхтиросларга берилган ҳолда, эстрада артистлари, актёр, спортчи ва теледикторларни идеаллаштириш;

– хеппининг – аввалдан режалаштирилмаган, ногаҳонда уюштириладиган кескин томошалар;

– татуировка тушириш – тери остига ранг юбориб, турли хил шакл ва нақшлар чизиш;

¹ Эркаев А. Маънавият. – Тошкент: Маънавият, 2011. – Б. 215-216.

² Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. 74-б.

– бир жинслилар никоҳи - эркак ва эркак ёки аёл ва аёл ўртасида оила қуриш ҳаракати кабиларни келтириш мумкин.

«Оммавий маданият» амалиётда юқоридаги ҳаракат шаклларида ташқари, бутун бир миллатнинг миллий маданиятига қарама-қарши бўлган субмаданиятларни ҳам ҳосил қила олади. Субмаданият деганда, муайян инсонлар гуруҳининг ҳаёт тарзига таъсир қилувчи ижтимоий психологик ва ғоявий белгилар (норма, қадрият, стереотип, дид) мажмуаси тушунилади. Субмаданият – муайян ижтимоий гуруҳга хос бўлади ва у жамиятдаги ҳукмрон маданиятдан тил, кийиниш, одатлар ва бошқа жиҳатлари билан фарқланади¹.

Бугунги кунда субмаданиятнинг турларига мисол қилиб, қуйидагиларни келтириш мумкин:

– Эмолар – субмаданият кўринишларидан бири бўлиб, шу номли мусиқа йўналиши негизида яралган. Унинг вакиллари ноодатий безак ва кийимлари билан ажралиб турди;

– Готлар – XX асрнинг 70 йилларида пост-панк талқини остида пайдо бўлган. Готларнинг ўзига хос хусусиятлари: махсус имиж, гот мусиқасига қизиқиш, кийимлари асосан қора рангда, кўпроқ эркакларга хос одатлар, тишлари учли вампирсимон кўринишда бўлиши билан характерланади;

– Беатниклар – 1950 ва 1960 йилларда Америкада шаклланган ва дастлаб улар америкаликларнинг мумтоз қадриятларига, гиёҳванд моддалар истеъмоли, жинсий эркинлик ва анти-материализмга қарши чиқишган. Уларнинг одатий кийими француз берети, куёшдан сақловчи кўзойнак ва қора свитер ҳисобланади;

– Модлар – 1960 йилларда Америкада шаклланган. Кийинишда эркаклар ўзига хос италиян костюмидан, аёллар эса мини юбка ва этиклардан фойдаланишади. Шунингдек, улар дубулғага ўхшаш сочлари ва мотоциклда юришлари билан ҳам ажралиб туришади;

– Ҳиппилар – 1970 йилларда пайдо бўлган. Улар бошқа субмаданиятлардан узун сочлари ва ранг-баранг кийимлари,

¹ Субкультура // Энциклопедия социологии / Сост. А.А.Грицанов, В.Л.Абушенко, Г.М.Евелькин, Г.Н.Соколова, О.В.Терещенко. – Минск: Книжный Дом, 2003. 1312-с.

санда кийишлари ҳамда онгни кенгайтириш усули сифатида гиёҳванд моддалар билан тажриба ўтказиши билан ажралиб туради. Айни вақтда улар жамоат ҳаёти, жинсий инқилоб ва эркин севги ғояларини тарғиб қиладилар;

– Пунклар – 1970 йилларнинг ўрталарида пайдо бўлган. Улар ўз мафкурасида анархия (ҳокимиятсизлик, бебошлик)ни тарғиб қилади. Кўриниш жиҳатидан улар Mohican соч турмаги*, чарм куртка ва қулфланган ёқа билан бошқалардан ажралиб турарди.

Амалиётда субмаданиятнинг яна рокчилар – рок-ролл каби муסיқа фанатлари, металлистлар – металл нишонларга ихлос қўйганлар, геймерлар – видео ўйин мухлислари, готиклар – мотам ва ўлимга талпинувчи ва тарғиб этувчилар каби турлари ҳам учрайди.

Таъкидлаш керакки, субмаданиятлар «оммавий маданият»нинг ҳаётдаги кўриниши ҳисобланади. Уларнинг пайдо бўлишига кўп ҳолларда мафкурасизлик, жамоавий таъсирнинг йўқлиги ҳамда уларга қарши сиёсий ва ҳуқуқий механизмларнинг яратилмагани сабаб бўлади.

Экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидларнинг яна бири бу «демократия экспорти» шаклидаги таҳдид бўлиб, бу «оммавий маданият»дан сиёсий мазмунга эгалиги билан ажралиб туради.

«Демократия экспорти» деганда, муайян жамият ва давлатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ва бошқа йўналишларда ўзига хос ривожланишини ҳисобга олмасдан, манфаатдор кучларга мос келадиган демократик «андоза»ни ташқаридан, жамият ҳаётига мафкуравий усуллар орқали киритиш ҳаракати тушунилади.

Ҳар бир жамиятда демократик ривожланиш муайян қонун ва қонуниятлар асосида амалга ошади. «Демократик жараёнлар, – дейди Ислом Каримов, – ўз объектив қонуниятлари асосида ривожланади. Уларни ўрганиб бориш, уларга амал қилиш талаб этилади»¹. Шу нуқтаи назардан қараганда, муайян жамиятга ҳар

* Mohican соч турмаги – унда бошнинг иккала томони олдирилиб, марказда сезиларли узунроқ соч йўлаги қолдирилади.

¹ И.А.Каримов. Демократия – бош йўлимиз. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 8-б.

хил демократия «андоза»ларини сунъий тикиштириш яхшиликка олиб келмайди.

Албатта, демократия идеал бошқарув усули эмас. Айни вақтда унинг барча давлатларга мос келадиган ягона модели ҳам йўқ. Айнан шу масалада америкалик олим С.Хантингтон шундай деган эди: «Кўпинча халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашини ёқлаб гапирилган гаплар қулоққа чалиниб туради. Бунинг маъноси, ҳар бир гуруҳ ўзи хоҳлаган йўлдан бориши мумкин, деганидир. Аммо бу бош-бошдоқликнинг кучайиши, жамият ва давлатнинг парчаланиб кетишига олиб келиши мумкин. Боз устига, демократия бундай муаммоларни ҳал этишга унчалик ҳам мосланмаган. Демократиялаш ва демократиянинг амал қилиш жараёни жамиятнинг этник, диний ва бошқа гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни мураккаблаштириб юбориши мумкин»¹.

Таъкидлаш керакки, демократия «экспорти» тарафдорлари ҳар бир жамиятнинг этник, диний ва бошқа гуруҳлари ўртасидаги ўзига хос муносабатларни ҳисобга олишмайди. Уларнинг фаолиятида маҳаллий халқ ҳаётини ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ва бошқа жиҳатдан ривожлантириш эмас, аксинча ўзларининг сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий мақсадлари бирламчи ўринда туради. Бинобарин, «халқаро муносабатларга инсонпарварлик, беминнат ёрдам, юксак ахлоқийлик жиҳатдан ёндашилганда ҳам уларнинг замирида маълум манфаатлар, манфаатдорлик ҳисси ётади»².

Бунинг тасдиғи сифатида АҚШ Давлат департаментининг собиқ ходими Уилям Блумнинг фикрларини келтириш мумкин. У «демократия экспорти» ёки «демократия тарғиботи» Америка бизнесменларининг лоббичилик манфаатларини яширадиган «афсона» деб ҳисоблайди. Блум мазкур «афсона» натижасида: «...Иккинчи Жаҳон уруши тугаганидан бери Қўшма Штатлар:

– 50 мартадан ортиқ хорижий ҳукуматларни ағдаришга урингани;

¹С. Хантингтон. Неуправляемость демократии? Демократия 1990-х // Специальный выпуск журнала «Глобальные проблемы переходного периода». 1993. 16-с.

² Б.Очилова, С.Абдурахмонов. Ҳозирги давр: геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсат. – Тошкент: Фан. 2009. 32-б.

- камида 30 та давлатдаги демократик сайловларга қўпол аралашгани;
- хорижий давлатлар раҳбарларига 50 дан ортиқ суиқасд уюштиргани;
- 30 дан ортиқ давлат аҳолисини бомбардимон қилгани;
- 20 та давлатда халқ ёки миллий озодлик ҳаракатларини бостиришга ҳаракат қилгани»¹ тўғрисидаги фактларни келтиради.

Гарчи, юқоридаги рақамлар бир қарашда «демократия экспорти»ни ошқора ва интенсив таҳдиддек кўрсатсада, аслида бу экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдид бўлиб, Уилям Блум келтирган рақамлар мазкур таҳдиднинг сўнгги натижалари ҳисобланади. Бу натижаларгача “демократия экспорти”да экстенсив тарзда қуйидаги усуллар қўлланилади:

«Демократияни ёйиш» шиори. Бу усулда манфаатдор кучлар ўз фаолиятини «демократияни ёйиш», «инсон ҳуқуқларини қарор топтириш», «сўз эркинлиги», «либерализм» шиорлари билан ниқоблашади. Бунга мисол сифатида Ж.Бушнинг ўз фаолияти даврида «демократияни ёйишни иккинчи президентлик муддатим давомида мен учун бош вазифалардан бири деб биламан. Бугун озодлик Ер курраси бўйлаб мислсиз ривожланиш ва ёйилишни касб этаётган экан – бу ҳали дебоча, холос. ...Кавказда, Ўрта Осиёда, қолаверса, ҳамма минтақаларда миллионлаб одамлар бўлажак буюк ўзгаришларни орзиқиб кутмоқда. Ва, бу албатта, рўй беради»², деган фикрини келтириш мумкин.

Сайловларга аралашиниш. Бу усул, асосан, сайловлар билан боғлиқ – жамиятда «қўзғалиш» ҳолати вужудга келадиган вақтларда қўлланилиши билан ажралиб туради. Дарҳақиқат, «бугунги шароитда ташқи кучлар томонидан у ёки бу мамлакатдаги мақбул бўлмаган раҳбарларни сиёсий майдондан олиб ташлаш ва мақсадга мос шахсларни ҳокимият тепасига келтириш билан боғлиқ геосиёсий вазифаларни амалга ошириш

¹ Блум У. Смертоносный экспорт Америки – демократия. Правда о внешней политике США и многом другом / пер. с англ. – М., Кучково поле, 2014. 272-с.

² Т.Жўраев, С.Акобиров. Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик. – Тошкент: Академия, 2007. 52-б.

учун сайлов ва сайлов технологиялари восита сифатида қўлланилмоқда»¹.

Оппозицияни қўллаб-қувватлаш ёки ёшлар ҳаракатини вужудга келтириш. Бу четдан туриб, билвосита муайян давлатнинг ички ишларига аралаштириш имконини берадиган усулдир. Унинг натижаси «фақат битта сценарий – ҳукуматни ўзгартириш билан тугайди. Агар бундай ҳаракатлар муваффақиятга эришса, улар сўнгра уни «тинч демократик инқилоблар» деб атайдилар»².

Ноҳукумат ташкилотларнинг фаол ҳаракати. Улар оппозиция ёки турли диний ташкилотлар сингари инқилобларда ташқи кучлар аралашувини ниқобловчи воситалардан бири ҳисобланади. Масалан, «Guardian» журналида келтиришича, АҚШ ташқи сиёсатини қўллашга давлат бюджетидан молиялаштириладиган «Озодлик уйи», «Халқаро республикачилар институти», «Миллий демократик институт» кабилар бевосита жалб этилади³.

Мазкур усуллар, одатда, «озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуши», «фикр ва сўз эркинлиги», «инсон ҳуқуқлари ҳимояси» каби жозибадор шиор ва қарашлар билан биргаликда қўлланилади. Бу жараёнга маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари, интернет ресурслари, ижтимоий тармоқлар тўлиқ жалб этилади. Булардан мақсад экстенсив мафкуравий таҳдиднинг асосий усули бўлган «юмшоқ куч»ни ишлатиш ва шу орқали маҳаллий халқ ичида хайрихоҳлар, маслакдошлар қатламини шакллантириш ҳисобланади.

Аксарият холларда «демократия экспорти» мана шундай босқичлардан кейин интенсив шаклга кириб боради. Унинг интенсив таҳдиди «рангли инқилоб»ларда намоён бўлади. «Рангли инқилоб»лар – бу геостратегик ва геосиёсий куч марказларининг манфаатларини авж олдириш, у ёки бу давлатнинг ички ишларига аралаштириш, ҳокимият тепасига қўғирчоқ ҳукуматни келтиришнинг ўзига хос йўлидир. Асосий

¹ М. Мацаберидзе. «Революция роз» и страны Южного Кавказа // Центральная Азия и Кавказ, № 2 (38). 2005. – С. 11-12.

² В. Жахирин. Спасибо революциям // Евразия журналы. 2005 г. декабрь. - С. 54.

³ Traynor I. US campaign behind the turmoil in Kiev // <http://www.guardian.co.uk/world/2004/nov/26/ukraine.usa>.

мақсад – инқилобни молиялаштирган ва унинг қонунийлигини эътироф этган ташқи куч фойдасига геосиёсий йўналишни ўзгартиришдир¹.

«Рангли инқилоб» ўз маъноси билан сиёсий тўнтариш, демакдир. Яқин тарихимизга эътибор берадиган бўлсак, Грузияда «атиргул», Ироқда «қирмизи», Украинада «зарғалдоқ», Қувайтда «мовий», Қирғизистонда «лоларанг» каби инқилобларнинг юз бериши бунга мисол бўлади.

Таъкидлаш керакки, «рангли инқилоб», гарчи интенсив шаклдаги таҳдид ҳисобланса-да, у генезисига кўра, аввал экстенсив шаклда бўлгани, яъни у «демократия экспорти» мазмунидаги узоқ йиллик мафкуравий тарғибот натижасида юзага келганини билдиради. Шунинг учун ҳам бу фактор «рангли инқилоб»ларга қарши тўғридан-тўғри курашиб бўлмаслиги, амалиётда, аввало, мана шу таҳдидни юзага келтираётган «демократия экспорти» сингари экстенсив таҳдидларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш лозимлигини кўрсатади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидларнинг «ҳуқуқий» мазмундаги тури ҳам мавжуд бўлиб, уларга мисол сифатида «инсон ҳуқуқлари» экспанциясини келтириш мумкин. Ҳозирда мазкур таҳдид жамиятимиз мафкуравий жараёнларида жуда пухта ниқоблангани, «инсон ҳуқуқлари» шиори ортига яширингани, асосан, тор доира – ҳуқуқий давралардагина муҳокама қилиниши, кенг халқ оммасига ҳуқуқий норма шаклига киргачгина ошкор бўлиши каби хусусиятлари билан бошқа таҳдидлардан ажралиб туради.

«Инсон ҳуқуқлари» экспанцияси аксарият ҳолларда маънавий ва ғоявий бузғунчилик билан боғланган бўлади. Бунга ҳозирда халқаро ҳуқуқ таъсирида жамиятимизга тиқиштирилаётган бир жинслилар ҳуқуқлари мисол бўлади.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунга келиб айрим ғаразли кучлар томонидан халқаро ҳуқуқда кўплаб миллатларнинг маънавий ва ғоявий ҳаётига мос келмайдиган нормалар

¹ <http://www.press-info.uz> – 2006 йил 10 май.

шакллантирилди. Бунга мисол қилиб, «бир жинсдаги катталар ўртасидаги ўзаро розилик асосида жинсий алоқани ёки ўзининг гендер идентификациясини ифодалашни жиноят деб ҳисоблаш инсон ҳуқуқларини очикдан-очик бузиш ҳисобланади»¹ деган нормани келтириш мумкин.

Бундай «норма» тарафдорлари, албатта, Ўзбекистон халқининг минг йиллик тарихи, менталитети, эътиқоди ва кундалик турмуш тарзидаги жинслараро соғлом муносабатни инобатга олмайди. Улар учун жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий соғломлик инсон ҳуқуқларининг «бузилиши» бўлиб кўринади. Масалан, бундай кучлар «Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатларида жинсий ориентация ёки гендер идентификация асосидаги камситишнинг ҳеч қандай тақиқи мавжуд эмас. Устига устак, Жиноят кодексига кўра² вояга етган эркеклар орасида ўзаро розилик билан амалга ошириладиган гомосексуал алоқалар жиноят ҳисобланади. Бу бесоқоллар, бисексуал ва трансгендерлар камситишга йўлиқишига олиб боради. Бу Давлат жинсий ориентация ва гендер идентификация асосида камситмасликни таъминлаш мажбуриятини бажара олмаганлигини билдиради»³, дея ҳисоблашади.

«Инсон ҳуқуқлари» ниқоби остидаги маънавий бузғунчилик экспанциясини амалга оширишда улар қиёсий таҳлил усулидан ҳам фойдаланади. Жумладан, улар асосан мусулмонлар яшайдиган кўплаб давлатлар, масалан, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбойжон ва Туркияда гомосексуаллик декриминаллаштирилган (жиноят эмас деб топилган) бўлса-да, Ўзбекистон бу масалада «инсон ҳуқуқлари»ни бузувчи давлат сифатида «инсон ҳуқуқлари»га оид халқаро рейтинг кўрсаткичларида қуйи ўринларда қолаётганини қайта ва қайта таъкидлашади. Одатда, бундай кураш услуби фақат экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидлардагина қўлланилади.

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг (CESCR) 22-сонли Умумий изоҳи (23-банд). 2016 йил май.

² Жиноят кодексининг 120-моддаси санкциясида бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача муддатга қамок жазоси белгиланган. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.08.2021 йил, 03/21/711/0825-сон.

³ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси, Ўзбекистоннинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактни бажаришига бағишланган бешинчи даврий ҳисоботига якуний шарҳлар, 2020 йил 1 май, CCPR/C/UZB/CO/5, 10-11-бандлар.

Ҳозирда жаҳондаги айрим давлатлар бундай таҳдидлар таъсирига тушаётганини таъкидлаган ҳолда, айнан мана шундай ҳаракатларни мафкуравий таҳдид эканини тушуниб, унга қарши курашиб келаётган давлатлар ҳам борлигини эътироф этиш зарур. Бундай давлатларга мисол қилиб, Саудия Арабистонини келтириш мумкин.

Ўз вақтида БМТ бош Ассамблеясида шундай масала кўтарилганда Саудия Арабистонининг БМТдаги доимий вакили Абдуллоҳ ал-Муаллимий бунга қатъий раддия бериб, «Аллоҳ эркак ва аёлни илоҳий табиатнинг бир қисми сифатида яратган, ислом маданияти ва қадриятлари бундай тушунчаларни табиатга зид деб ҳисоблайди», дея у қиролликнинг ҳар бир давлат ўз жамиятининг маънавий қадриятларига, маданияти ва диний ўзига хослигига мувофиқ қонунлар ва қоидаларни қабул қилиш ҳуқуқига эга, – деган позициясини кўрсатиб беради¹.

Албатта, бу масалада Ўзбекистон жамияти ҳам худди Абдуллоҳ ал-Муаллимий илгари сурган ёндашув каби қатъий позицияга эга. Буни бевосита халқимиз томонидан сайланган депутатлар фикрларида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ушбу масалада, Ўзбекистон халқ демократик партияси депутати Ш.Бўранов ўз нутқида Жиноят кодексининг 120-моддаси Ўзбекистон сайловчиларининг фикр ва истакларидан келиб чиққанлигини таъкидлаб, сайловчиларни жамиятдан жинсий озчиликларни рад этишга чақиради ва бундай одамлар ҳаракати қонунчиликка, халқнинг қадриятларига, унинг муқаддас динига зид эканлигинини билдиради².

Миллий тикланиш партияси депутати А.Қодиров эса, «Ўзбеклар замонавийлаша олади, дунёқарашини ўзгартира олади, лекин ҳеч қачон гомосексуал муносабатларни ёки бир жинсли эркак никоҳларини қонунийлаштирмайди, юз ёки минг йилдан кейин ҳам»³, дея қатъий фикр билдиради.

¹ Қаранг: Saudi Arabia rejects UN resolution on gender identity, sexual orientation. <https://www.middleeastmonitor.com/20211219-saudi-arabia-rejects-un-resolution-on-gender-identity-sexual-orientation/>

² Бўронов Ш. Ноқонуний ҳаракатлардан тийилиш зарур // <https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/34073/>

³ Қодиров А. «Men bu odamlarga yordam berishni xohlayman». Alisher Qodirov LGBT vakillarini chiqarib yuborish taklifi haqida // <https://www.gazeta.uz/ru/2021/06/07/kadirov-alisher/>

«Инсон ҳуқуқлари» ниқоби остидаги маънавий бузғунчилик экспанциясини амалга ошириш ҳеч қачон кун тартибидан тушмайди. Аксинча, у янгидан-янги усуллар ҳамда сиёсий ёки ҳуқуқий босимлар билан янада жонланиб боради. Бунга мисол қилиб, 2020 йил октябрда Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021-2023 йилларга сайлангани, эндиликда мазкур кенгаш Ўзбекистондан аъзо мамлакат сифатида инсон ҳуқуқларини тарғиб қилиш ва ҳимоя қилишда энг юқори стандартларни қўллаб-қувватлашни кутаётганини келтириш мумкин¹.

Таъкидлаш керакки, ниқобланган «инсон ҳуқуқлари» экспанцияси фақат бир жинслилар ҳуқуқи билангина чекланиб қолмайди. Бу жараён бир қарашда инсон ҳуқуқини ифодаловчи, мазмунан эса жамият барқарорлигини издан чиқарадиган кўплаб мафкуравий таҳдидларни юзага келтираверади.

Бизнингча, бундай шаклдаги мафкуравий таҳдидларга қарши курашни айнан уларнинг ўз усули, яъни ҳуқуқий нормалар орқали амалга ошириш лозим. Бунинг учун, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасидаги ноаниқликни бартараф этиш зарур. Бу ноаниқлик «63-модданинг иккинчи «Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади» қисмида келтирилган «томонларнинг» жумласидир. Таъкидлаш керакки, мазкур ўринда ушбу жумла ўзининг функционал маъносини очиб бера олмаган, маъно ноаниқ қолиб кетган. Бизнингча, мазкур жумла ўрнида «икки қарама-қарши жинс вакилининг» ёки «аёл ва эркак жинсидаги шахслар»нинг жумлаларини қўллаш ноаниқликни бартараф этилишига олиб келади. Бу ўзгариш қонун ва қонун ости ҳужжатларида ҳуқуқий атамаларнинг аниқ қўлланилишини таъминлаб, ижтимоий ҳаётда менталитетимизга ёт бўлган турли ахлоқсиз ҳаракатларни жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилага салбий таъсир этишининг олдини олади»². Иккинчидан эса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 120-моддасини

¹ Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган резолюция, Инсон ҳуқуқлари кенгаши, 2006 йил 3 апрел, 9-банд (A/RES/60/251).

² Маматкулов Д. Конституциявий ўзгаришлар жараёнида оилавий муносабатлар масаласи. puz.uz. сайти. – Тошкент: (мурожаат қилинган сана: 24.06.2022).

такомиллаштириш зарур. Чунки, мазкур нормада «Бесоқолбозлик»¹ жиноят деб белгилаган ва унга нисбатан аниқ санкциялар қўлланилган. Бироқ мазкур модда ҳамда Жиноят кодексининг бошқа моддаларида ҳам «лесбиянка» (кўнгилхушлик учун аёл билан жинсий муносабатларга киришадиган аёл)² ҳаракати жиноят сифатида ўз ифодасини топмаган. Бизнингча, «инсон ҳуқуқлари» ниқоби остида бир жинслилар ҳуқуқи тарғиб этилаётган ҳозирги вақтда, Жиноят кодексига маънавий ва ғоявий бузилишнинг аёлларга хос жиҳатини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Аслида, экстенсив, яъни «оммавий маданият», «демократия экспорти», «инсон ҳуқуқлари» экспанцияси каби мафкуравий таҳдидларни амалиётда ўз-ўзидан шаклланади, дея ҳисобламаслик зарур. Бугунги кунда кишилар онгига муайян ғояни «юмшоқ куч» таъсир стратегияси асосида сингдирувчи назария ва амалиётлар мавжуд. Улардан бирига мисол қилиб, «Овертон туйниги» концепциясини келтириш мумкин.

«Овертон туйниги» концепцияси америкалик олим ва психолог Жозеф Овертон (01.04.1960 - 30.06.2003) номи билан боғлиқ. У ўз вақтида инсонни ноинсонийлаштириш усулини ўрганган ва қандай қилиб қабул қилиб бўлмайдиган, жирканч ва шармандали ҳолатни босқичма-босқич тарзда, оддий, жамият ва давлат томонидан қабул қилинган ҳолатга олиб келиш жараёнини тушунтириб берган.

«Овертон туйнуги» концепциясида олти босқич мавжуд. Улар:

Биринчи босқич – «Табу» – жамиятга бутунлай ёт бўлган, жамият аъзоларига тақиқланган, ўйлаб ҳам бўлмайдиган нарса;

Иккинчи босқич – «Табу»ни муҳокамага олиб чиқиш ва вазиятни радикал (радикал – лотинча «radix» илдиз сўзидан олинган бўлиб, қатъий ва кескин чоралар, ҳаракатлар тарафдори) шаклга келтириш;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.08.2021 йил, 03/21/711/0825-сон.

² Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик / Н.Т.Исмоилов, Ў.Х.Мухамедов, А.С.Турсунов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. 340-б.

Учинчи босқич – радикал вазиятни мақбуллаштириш, юмшатиш. Масалан, анъанавий атамаларнинг маъносини ўзгартириш. Мисол учун «никоҳсиз» яшаш – зинони «фуқаролик никоҳи» (гражданский брак) атамасига ўзгартириш;

Тўртинчи босқич – қабул қилинган янги нормани «оқилона иш»га айлантириш. Масалан, «фуқаролик никоҳи»ни илмий, табиий, тарихий, биологик ёки бошқа сабаблар билан асослаш;

Бешинчи босқич – «оқилона иш»ни машҳур қилиш. Яъни, ўтмиш ёки ҳозирда кўплаб таниқли шахслар ушбу меъёрнинг тарафдорлари бўлганлигини кўрсатиш;

Олтинчи босқич – ижтимоий-сиёсий даражада оммабоп бўлган нарсани қонуний мустаҳкамлаб қўйиш. Масалан, «никоҳсиз» яшаш – зино тарафдорларининг ҳуқуқини ҳимоялаш бўйича қонун қабул қилиш кабилар.

Кўриниб турибдики, «Овертон тўйнуғи» концепциясида «табу» – гўё имконсиз нарса – жоизга, жоиз – маъқулга, маъқул – мантиқийга, мантиқий – машҳурга, машҳур – инкор этиб бўлмас ҳақиқатга айланади.

Мазкур концепция том маънода экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидларнинг ишлаш принципини кўрсатиб беради.

Афсуски, жамиятимизнинг мустақил тараққиёт давридаги мафкуравий манзараси бизнинг юртимизда ҳам «Овертон тўйнуғи» концепцияси ишлаётганини кўрсатади. Чунки ҳозирги ҳолат, яъни:

– «Ўзини аёлларга ўхшатиб, тўйма-тўй юрадиганларга «пародист санъаткор» номи берилиб, ҳатто ТВ га олиб чиқилиши, уларнинг жирканч ишларига «санъат» деб ном берилиши;

– Баъзи санъаткорларнинг трансгендерлар билан илиқ муносабатини ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёйиш;

– Икки машҳур аёл қўшиқчиларимизнинг бир-бири билан ўпишгудек даражада бир-бирига қарата севги ҳақидаги қўшиғига ишланган клип;

– Турли шоуменлар томонидан баччавозлик ҳақидаги ҳазилларнинг ниҳоятда кўпайиб, халққа оддий ҳолдек

кўрсатилиши, натижада кўпчилик бундай ҳазилларни нафрат билан эмас, кулги билан қабул қила бошлагани;

– Баъзи ОАВларнинг ЛГБТларни ҳимояловчи, уларга муҳолиф бўлганларни қоқоқликда, мутаассибликда айбловчи мақолаларни тез-тез эълон қилиб туриши;

– Баъзи популист блогерлар томонидан ЛГБТларни бевосита ёки билвосита қўллаб-қувватлаш, уларга нисбатан толерант бўлишга даъват қилишнинг авж олиши;

– Шундай блогерлар жамоаси томонидан гейликни биологик тақозо, педофилликни ҳам нормал ҳолат деб баҳолайдиган китобнинг таржима қилиниб, ўзбек китобхонларига тақдим этилиши»¹ кабиларнинг мавжудлиги шундан далолат беради.

Таъкидлаш керакки, юқоридаги масалалар «Овертон туйнуги» концепцияси методикаси бўйича жамиятимизга экстенсив шаклдаги мафкуралар: «оммавий маданият», «демократия экспорти», «инсон ҳуқуқлари» экспанцияси кабилар ўз таъсирини ўтказётганининг исботи ҳисобланади. Чунки, юқорида мисол келтирилган маънавий-мафкуравий бузилишлар бундан эллик ёки етмиш йил аввал ҳам жамиятимиз учун «табу» (тақиқланган, ўйлаб ҳам бўлмайдиган нарса) даражасида бўлган. Эндиликда эса, бундай нарсаларни ўзаро муҳокама қилишимиз, баъзилар томонидан уларнинг ҳуқуқлари ҳақида қайғурилиши жамиятимизни «Овертон туйниги»нинг айрим босқичларини босиб ўтганидан далолат беради.

Хулоса қиладиган бўлсак, мана шундай вазиятда экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидларни «Овертон туйниги»нинг сўнгги босқичигача етиб боришларига, яъни «менталитетимизга зид бўлган нарсани қонуний мустаҳкамлаб қўйиш»ларигача кутмаслик зарур.

Бунинг учун, мафкура объекти бўлган инсон деб аталмиш олий мавжудотни ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз лозим бўлади. Бинобарин, «инсон, унинг мияси, ақли шу даражада кўп қиррали, хилма-хил, англаш қийин бўлган ҳолат ва башорат қилиш мумкин бўлмаган хазина. Ўзида мужассам этган беқиёс

¹ Муқимов Ё. Фитна назарияси чинга ўхшайди...// <https://azon.uz/content/views/fitna-nazariyasi-chinga-uhshaydi>.

имкониятлари билан ноёб мўжиза. Бу муаммо жуда мураккаб ва балки, ундан ҳам қийин бўлган ҳодисаки, уни фан ҳали-бери ҳал эта олмайди»¹.

Инсон моҳияти ва унинг потенциал кучини йўналтириш масаласида фан ожиз бўлса, бу жараён, албатта, мафкура томонидан ҳал этилиши лозим. Бунинг учун эса, жамият ҳаётига ҳар томонлама мос келадиган, замон ва макон учун оптимал бўлган мафкуравий механизмларни яратиш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Учинчи боб бўйича хулосалар

Учинчи бобда амалга оширилган илмий изланишлар натижалари бўйича хулоса қиладиган бўлсак, *биринчидан*, XX аср охириларига келиб, коммунистик мафкуранинг ижтимоий ҳаётда ўз исботини топмагани маълум бўлиб қолди. Бунинг сабаблари сифатида:

– коммунистик мафкура «мутлақ ҳақиқат» даъвосини илгари сургани ва шу позиция уни назарий ва амалий ривожланиш йўллари тўсиб қўйгани;

– коммунистик мафкурада миллат омили ҳисобга олинмагани, иттифоқ ҳудудида яшовчи миллатларнинг тили, тарихи ва маданиятига беписандлик билан қаралиб, байналмилаллик ғояси остида рус тили ва маданияти тарғиб этилиши натижасида аксарият миллатларда ўз-ўзини асраш инстинкти кучайиб боргани;

– коммунистик мафкура узоқ тарихий тажриба ва катта аудиторияга эга диний мафкураларни бутунлай инкор этгани, натижада танлов имконияти пайдо бўлиши билан кенг халқ оммаси яна диний илдизларига қайта бошлагани;

– коммунистик мафкура, назарий жиҳатдан кенг халқ оммаси: ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар мафкураси бўлиб кўрингани, амалда эса, уларнинг ҳаётини яхшиламагани боис, саксонинчи йилларнинг ўрталарига келиб, у фақат кичик

¹ Константинов Ф. Современные проблемы философии и задачи философской общественности // «Вопросы философии». 1972. – №1 35-С.

ижтимоий гуруҳ – коммунистик партия номенклатурасининг мафкураси бўлиб қолганини келтириш мумкин.

Иккинчидан, коммунистик мафкуранинг ижтимоий ҳаётда ўз исботини топмагани сабаб, иттифоқ ҳудудида узоқ йиллар бостириб келинган миллий ғоя феноменини қайта уйғонишига олиб келди ва бу давр халқимиз тараққиётидаги мафкуравий жараёнлар трансформациясида туб бурилиш ясаб, 1991 йилдан – ҳозирга қадар бўлган «Мустақиллик, миллий ғоянинг қайта уйғониши ва такомиллашуви даври»ни бошлаб берди;

Учинчидан, мустақиллик арафаси ва унинг дастлабки йилларида миллий ғоя нафақат ижтимоий мафкура сифатида балки сиёсий мафкура сифатида ҳам бўй кўрсата бошлади. Бироқ бу даврда, миллий ғоя қарийб уч минг йиллик тараққиётимизда фақат диний асослар билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келгани боис, дунёвий асосларда шаклланиши ва амалиёти учун тарихий, ижтимоий, сиёсий тажриба етишмади. Мазкур, ҳолат Ўзбекистондаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-мафкуравий туб бурилиш палласида, миллий бирлик жуда зарур бир вақтда ижтимоий ҳаракат ва сиёсий партиялар фаолиятида яққол кўзга ташланди;

Тўртинчидан, айти вақтда ижтимоий ҳаракат ва сиёсий партияларнинг мухолифлик ҳаракатидан ташқари, собиқ Иттифоқ даврида узоқ вақт давом этган атоистик сиёсат натижасида диний маърифат заифлашган, бироқ исломий билимга эҳтиёж ортган вазиятда юртимизда сиёсийлашган диний-экстремистик мафкуралар фаолияти ҳам кузатила бошланди;

Бешинчидан, мазкур давр халқимиз ва ҳукуратимиз фаолиятида регрессив ғояларга қарши курашда муайян тажриба шакланганлигини кўрсатди. Шунга қарамай, айрим мафкуравий масалаларда камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Жумладан, бу даврда социалистик ғоялар кадрсизланган бир вазиятда социал-демократик асосдаги ҳамда ҳали ижтимоий асоси шаклланиб улгурмаган леберал-демократик асосдаги партияларнинг легаллашуви қўллаб-қувватланди. Бироқ юртимиздаги мафкуравий бўшлиқларни тўлдириши кутилган мазкур

партиялар ўз ғояларининг ижтимойлашмагани сабабли кўзлаган натижани бермади;

Олтинчидан, бу даврда давлат бош ислохотчи сифатида жамиятдаги мафкуравий жараёнларда Миллий истиқлол мафкураси назарий ва амалий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Жумладан,

– 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ташкил этилди. 2006 йилга келиб, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши негизида Республика Маънавият тарғиботи маркази ҳамда Миллий ғоя илмий-амалий маркази давлат ташкилотлари сифатида иш бошлади;

– 2001 йилда Миллий истиқлол мафкурасининг назарияси «Президент Ислом Каримов асарлари, маъруза ва нутқлари, чиқишларидаги маънавий-маърифий мавзуда билдирган фикрлари асосида» Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамиятининг ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилди;

– мазкур йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойиши билан «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш ишлари амалга оширилди. Бироқ, мазкур ишларни амалга оширилишида давлат ва мафкура муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатлари (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-ва-41 моддалари) эътиборга олинмади ёки вазият тақозоси нуқтаи назаридан ушбу ҳуқуқий нормалар четлаб ўтилди.

Еттинчидан, ушбу даврда Миллий истиқлол мафкураси назариясида ҳам камчиликлар кўзга ташланди. Жумладан, унинг фалсафий таянчи ҳамда мафкура учун амалиётда зарур бўладиган мафкуравий категориялар каби назарий масалалар ҳал қилинмади;

Саккизинчидан, мазкур бобда мафкуравий номукамаллик натижасида жамиятда юқори даражада кучланиш билан номоён бўлувчи интенсив ҳамда кенг қамровли, узоқ муддатга йўналтирилган – экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидларнинг юзага келганлиги назарий асосланиб,

мафкуравий таҳдиднинг интенсив шаклига: «диний-экстремизм», «миссионерлик ва прозелитизм» кабилар, экстенсив шаклига эса, «юмшоқ куч» характеридаги «демократия экспорти», «инсон ҳуқуқлари» экспанцияси, «оммавий маданият» кабилар киритилди ҳамда уларнинг ғоявий мазмуни, юзага келиш сабаблари, интенсив ва экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидларга бирдек қарши кураш зарурлиги илмий асослантирилди.

Тўққизинчидан, изланишлар давомида экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидлар шаклланишига хизмат қилувчи назария ва амалиётлар мавжудлиги, жумладан, «Овертон туйнуги» концепциясининг олти босқичдан иборат таъсир стратегияси илмий таҳлил этилди ва мафкуравий таҳдидларнинг ишлаш принциплари кўрсатиб берилди. Мазкур илмий далиллар ҳозирда миллий манфаатларимизни ўзида ифода этадиган, назарий ва амалий жиҳатдан давр талабларига ҳар томонлама мос келадиган янги мафкурани яратиш зарурлигини кўрсатиб берди.

IV БОБ. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МАФКУРАВИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИ РИВОЖИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

4.1-§. Янги Ўзбекистон тараққиётида мафкуравий жараёнлар ва уларнинг замонавий тенденциялари

Маълумки, учинчи бобда «Мустақиллик, миллий ғоянинг қайта уйғониши ва такомиллашуви даври»нинг 1991 йилдан 2017 йилга қадар бўлган биринчи босқичидаги мафкуравий жараёнлар таҳлил этилди. Илмий изланишларимиз, бу даврда жамиятда коммунистик мафкура таъсирини тугатиш, диний-экстремистик, миссионерлик ва прозелитизм, «оммавий маданият», «демократия экспорти», «инсон ҳуқуқлари» экспанцияси сингари регрессив ғояларга қарши кураш ҳамда Миллий истиқлол мафкураси концепциясини яратиш ва амалиётга жорий этиш каби мафкуравий жараёнлар юз берганини кўрсатди.

2016 йил якунида Ўзбекистон тарихида бешинчи бор ўтказилган Президентлик сайлови натижалари асосида Президентлик лозимига Ш.Мирзиёев сайланди. Мазкур сиёсий ўзгариш, ўз навбатида, жамиятдаги мафкуравий жараёнларга ҳам таъсирини ўтказди. Бу ҳолат, мафкуралар сиёсатга, ўз навбатида, сиёсат – мафкуравий жараёнларга таъсир ўтказишини яна бир бор исботлади.

2017 йилдан бошлаб мамлакатимиздаги мафкуравий жараёнлар ўзининг сифат жиҳатдан янги босқичига қадам қўйди. Бунинг натижасида дастлабки вақтлардаёқ:

– ташқи сиёсатда Ўзбекистон яқин ва узоқдаги ҳамкорларига шартсиз дўстлик қўлини чўзди, қўшни давлатлар билан муносабатлар ўзининг янги босқичига кирди;

– сиёсий бошқарувнинг асосий таянчи бўлган куч тизимлар фаолиятини танқидий кўриб чиқиш бошланди;

– сиёсий ёки мафкуравий мотивлар билан қамалган маҳбуслар қамоқдан озод қилинди, диндорларнинг «қора рўйхат»лари тугатилди;

– вазирлик ва давлат ташкилотлари фаолиятида оптималлашув бошланди;

– ахборот эркинлиги амалда таъминлана бошланди, журналистик фаолият эркинлашди. Бу жараёнда жамият учун янги ҳодиса юзага келиб, блогерлик фаолияти оммалаша бошлади. Натижада интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар мафкуравий жараёнлар «ойнаси»га айланди.

Юқоридаги ҳолатлар юртимиздаги мафкуравий жараёнларда жадал ижобий ўзгаришлар юз бераётганидан далолат берса, айтиш мумкин ва мафкуравий либераллашув натижасида кўплаб салбий мафкуравий тенденциялар ҳам юзага келаётганини кўриш мумкин. Жумладан, ҳозирда юртимиздаги мафкуравий жараёнларда қуйидаги салбий тенденциялар ўзининг яққол мавжудлигини кўрсатмоқда:

1. Пансоветизм;
2. Диний фундаментализм;
3. Сепаратизм;
4. Истеъмолчилик мафкураси.

Маълумки, пансоветизм деганда, буюк давлатчилик шовинизми ҳамда собиқ Иттифок ҳудудини қайта бирлаштириш ғояси назарда тутилади. Бу ғоя муайян вақт давомида Иттифок доирасида яшаш натижасида сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётда юзага келган муайян яқинлик, ўхшашлик, умумийлик, иқтисодий алоқадорлик ва боғлиқликни мутлақлаштиришга асосланади. Бугунги кунда мазкур ғоя ортида, албатта, ундан манфаатдор кучлар турибди. Уларнинг асл мақсади: сиёсий жиҳатдан – «катта оға» мавқеини тиклаш ва собиқ Иттифок давлатларини Россия сиёсий орбитасидан чиқиб кетишига йўл қўймаслик; иқтисодий жиҳатдан – собиқ Иттифок давлатлари ҳудудидаги ер ости ва усти бойликларига сўзсиз эгалик қилиш, маданий жиҳатдан эса – маҳаллий халқ ҳаётида рус тили ва маданияти устуворлигини таъминлаш ҳисобланади.

2017 йилдан бошлаб, мамлакатимиздаги мафкуравий жараёнлар фонида пансоветизм кайфияти кўтарилганини кўриш мумкин. Бунга, биринчидан, мамлакатимизда ҳукуматнинг янгиланиши ва аввалги ҳукумат давридаги мафкуравий изоляция

сиёсатининг бекор қилиниши сабаб бўлган бўлса, иккинчидан, рус мафкура пропагандаси томонидан илгари сурилаётган:

- умумий тил бирлиги (рус тили устуворлиги)ни сақлаш,
- иттифоқ давридаги сиёсий-мафкуравий байрамларни яқдилликда ўтказишга интилиш;
- иттифоқ даври тарихий хотирасини тиклаш ҳаракатлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Таъкидлаш керакки, тил масаласи доимо мафкуравий масала бўлиб келган. Тарихий мафкуралар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, бу қоида нақадар долзарб эканини кўриш мумкин. Масалан, ислом мафкураси ўз даврида араб тилини илм ва сиёсат ҳамда миллатлараро мулоқот тили даражасига кўтарди. Муайян давр ўтгач, бу тажрибани коммунистик мафкура ҳам кўллаб, мамлакатимизда рус тилини давлат тили ҳамда мулоқот тили даражасига олиб чиқди. Бундай тарихий тажрибаларда амалий тил сиёсати орқали мафкуралар ўз ғояларини жамиятга сингдириб боришни ҳам уддалаганини кўриш мумкин. Бинобарин, бу жараён ҳар қандай тил ўз аудиториясини кенгайтириши орқали ўз ортидаги миллат маданияти ва мафкурасининг майдонини ҳам кенгайтириб боришини кўрсатади.

Афсуски, мустақилликнинг биринчи даврида Миллий истиқлол мафкурасининг назария ва амалиётида мазкур қоида инобатга олинмади. Ўзбек тили нафақат давлат тили ва айни вақтда жамиятда миллатлараро мулоқот тили даражасига ҳам кўтарила олмади.

Тил масаласида бўшанг эканлигимиз бор гап. Буни 1995 йил 21 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни¹ да ҳам кўриш мумкин. Таъкидлаш керакки, унинг мазмунида мамлакатда ўзбек тилининг устуворлик статусини қатъий белгилаш эмас, кўпроқ бошқа тиллар ривожига ҳуқуқий кафолат берилгандек гўё. Шунинг учун ҳам Она тилимиз қарийб ўттиз йилдан ортиқ даврни, сиёсат тили, илм-фан тили, савдо ва бизнес тили, интернет тили ва бошқа даражаларга эриша олмай,

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги 167-И-сон Қонуни (янги таҳрири). 1995 йил 21 декабрь // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 йил, 03/21/683/0375-сон.

кундалик сўзлашув – қишлоқ тили даражасида қолиб келмоқда. Мазкур ҳолатни Миллий истиқлол мафкурасининг ҳаётда ўз ижобатини топмай қолишининг сабабларидан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Миллий истиқлол мафкурасининг тил борасидаги бундай позициясизлиги мамлакатимиздаги мафкуравий жараёнларда пансоветизм кучларига қўл келди ва 2019 йил май ойида (Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавровнинг Тошкентга сафари олдида Vesti.Uz сайтида чоп этилган очиқ хат асосида) бир гуруҳ шахслар томонидан Ўзбекистонда рус тилига расмий тил мақомини бериш таклифи билан чиқиши амалга оширилди. Гарчи, бунга блогер, журналист ҳамда зиёлилар кечроқ ва эҳтиёткорона муносабат билдиришган бўлса-да ¹, мамлакатимизда рус тили устуворлигини таъминлашга оид ғоя илгари суриб бўлинган эди.

Ўз вақтида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2020 йил 20 октябрдаги ПФ–6084-сон Фармони² мазкур «қайноқ» масалани нисбатан «совитди». Ушбу Фармонда 2030 йилгача ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тил масаласи мафкуравий масала экан, бу йўналишда мафкуравий бўшлиқни вужудга келтириб бўлмайди. Чунки, «қаердаки, мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши тайин»³.

Ўзбек тили масаласи шундай ҳолатда турган бир шароитда пансоветизм кучлари нафақат рус тили устуворлигини таъминлашга ва айни вақтда собиқ Иттифоқ давридаги сиёсий-

¹ Қаранг: Рус тилига расмий мақом бериш бўйича мунозаралар юзасидан: «Инсонда она Ватан, ота-она ва миллий тил иккитадан бўлиши мумкин эмас». <https://xs.uz/uzkr/post/rus-tiliga-rasmij-maqom-berish-bojicha-munozalara-yuzasidan-insonda-ona-vatan-ota-ona-va-millij-til-ikkitadan-bolishi-mumkin-emas>; <https://www.uzanalytics.com/jamiyat/4673/>; <https://kun.uz/news/2019/05/05/bu-absurd-taklif-universitet-olimlari-rus-tiliga-rasmiy-til-maqomini-berish-tashabbusiga-munosabat-bildirishi>.

² // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.10.2020 йил, 06/20/6084/1398-сон.

³ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001, – Б. 84–85.

мафкуравий байрамларни яқдилликда ўтказишга ҳам уринмоқдалар. Бунинг исботини мамлакатимизда 9 май – «Хотира ва қадрлаш куни»ни мазмунан «Ғалаба байрами» (ўлмас полк, Григорий лентаси, оммавий парадлар) шаклида нишонлашга бўлаётган уринишларда кўриш мумкин. Бугунги жамиятимизда янгиланган мафкуравий жараёнлар фонида собиқ Иттифоқ давридаги сиёсий-мафкуравий байрамларни қайта тиклаш ва уларни яқдилликда ўтказишга интилишни айнан пансоветизм кучларининг навбатдаги пропагандаси сифатида баҳолаш мумкин.

Пансоветизм кучлари нафақат собиқ Иттифоқ давридаги сиёсий-мафкуравий байрамларни нишонлаш, айни вақтда Чор Россияси ва собиқ иттифоқ даврига оид тарихий хотирани тиклашга ҳам уринмоқдалар. Чунончи, мамлакатимизда 2019 йилда давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан 1886 йилда Тошкент шаҳрини босиб олишда ўлган рус аскарлари учун барпо этилган Георгий Победоносец бутхонасини реставрация қилиниши миллий мафкурамизни ҳалигача заиф экани ва айни вақтда пансоветизм тенденциясининг ютуғи бўлганидан далолат беради.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 12-моддасига асосан «ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин бўлмаган» давлат сифатида юқоридаги каби ишларни амалга оширилиши мантиқий ва қонуний бўлиб кўрилади. Бироқ бизнингча, айнан Конституциянинг 2-моддасига мувофиқ «давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши», халқининг менталитети, тарихи ва келажагини инобатга олган ҳолда қарорлар қабул қилиши мақсадга мувофиқ. Бинобарин, бугунги кунда Россиянинг Украинага агрессияси вақтида кўплаб шарқий Европа мамлакатлари ўз халқи иродасини ифода этиб, коммунистик ва пансоветизм мафкураси элементлари бўлмиш совет даври монументларини демонтаж қилаётган бир вақтда бизни мустамлака даврига оид, миллий озодлигимиздан маҳрум этган шахслар ва воқеалар билан боғлиқ монумент ва ёдгорликларни реставрация қилишимиз миллий манфаатимиз ва мафкурамиз мантиғига тўғри келмайди.

Бизнингча, мустамлакачилик даврини эслаш ва ундан керакли хулосалар чиқариш зарурати муҳим бўлса, аввало XIX аср охири ва XX аср бошларида миллий озодлик йўлида жанговор кураш олиб борган ватанпарвар аждодларимизнинг хотирасини тиклашимиз, улар учун монумент ва ёдгорликлар ўрнатишимиз зарур. Мана шундай ҳаракатлар билангина миллий мафкурамиз орқали «ватанпарварлик» ғоясини ҳаётда ўз ижобатини топишига кафолат бериш мумкин.

Таъкидлаш керакки, мафкуравий бўшлигимиз ҳозирда пансоветизм пропагандаси иштаҳасини янада очиб юбормоқда. Бу жараён Россиянинг Украинага агрессияси фонида янада яққол кўринмоқда. Аввалига рус мафкура пропагандаси таъсири халқимизнинг иккига: урушни қораловчи ва оқловчиларга ажратишда номоён бўлган бўлса, эндиликка келиб, улар муҳожирликда юрган Ўзбекистон фуқароларидан ҳарбий батальон тузиш ғоясини кўтаришгача бориб етди.

Бизнингча, Россия ҳудудида юрган муҳожир ватандошларимизни шу каби регрессив ғоялардан асраш учун мазкур ҳудуддаги элчи ва консулликлар фаолиятини янада кучайтириш лозим. Бунинг учун уларнинг фаолият йўналишларига:

- муҳожирларга амалий ҳуқуқий ёрдам;
- муҳожирлар учун махсус ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва диний билимлар бериш хизматлари;
- оғир вазиятга тушган, ёрдамга муҳтож муҳожирлар (биринчи навбатда, кексалар, аёллар ва болалар)га ҳуқуқий, тиббий, молиявий ва реабилитация ёрдамларини ташкил этиш вазифаларини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш керакки, пансоветизм мафкуравий пропагандаси улкан тарихий тажрибага эга. Бу тизим ўз даврида таъсирчан мафкуравий тарғиботни ташкил эта олган коммунистик мафкуранинг вориси ҳисобланади. Мафкуравий амалиётда пансоветизмнинг мафкуравий кучини тўғри баҳолаш унга қарши курашнинг биринчи шarti ҳисобланади.

Бугунги кунда жамиятимиздаги мафкуравий жараёнларда кўзга ташланаётган яна бир тенденция бу диний фундамен- тализмдир.

Маълумки, фундаментализм деганда, «муайян таълимот ақидаларининг ўзгармаслигини эълон қиладиган, эътиқодни ақл далилларида устун қўядиган, илоҳий китоблардаги ваҳий қайси маънода баён этилган бўлса, шу маънода қабул қилинишини талаб этадиган, айтиш вақтда уларни мажозий маънода талқин этишга ҳар қандай уринишларни рад этадиган, дин асосларни оғишмай бажаришни қаттиқ талаб қиладиган ижтимоий, мафкуравий, диний йўналиш»¹ тушунилади.

Фундаментализм мамлакатимиздаги мафкуравий жараёнлар учун янгилик эмас. Бу тенденция мустақилликнинг дастлабки йилларида жуда фаол бўлган. Бунинг натижасида юртимизда диний-экстремизм ва террорчилик ҳаракатлари ҳам юзага келган. Шунга кўра, айтиш мумкинки, диний фундаментализм диний-экстремизм ва терроризм учун назарий асос ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳам мафкуравий жараёнлардаги либераллашув мазкур тенденциянинг кучайишига олиб келмоқда. Ҳозирда диний фундаментализм тенденцияси билан боғлиқ ҳаракатлар «Умумтаълим мактабларида «Эволюция назарияси» ўқитишга қарши мунозаралар², «Қадимчилар ва Неожадидлар мунозараси»³, «Мактаб формаси ва унга қарши мунозаралар»⁴ каби шаклларда намоён бўлмоқда. Мазкур мунозаралар мазмунида ислом таълимоти ақидаларининг ўзгармаслиги, ўз эътиқодини ақл далилларида устун қўйиш, дин асосларини оғишмай бажаришни қаттиқ талаб қилиш каби ҳолатларнинг мавжудлиги жамиятимизда диний фундаментализм тенденцияси ўсиб бораётганидан далолат беради.

Таъкидлаш керакки, диний фундаментализм, аввало, диннинг асосига оид баҳс ва мунозаралар шаклида вужудга

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Тошкент: 2010. 302-303 б. <https://n.ziyouz.com>.

² Қаранг: «Эволюция назарияси – илмий фанми ёки диний эътиқодми?» <https://islamonline.uz/index.php/dolzarb-mavzu/ateizm/item/605-evolyutsiya-etiqdmi-yo-fan>; Эволюция назарияси Муқаддас Китоб билан уйғунми? <https://wol.jw.org/uz-Cyrl/wol/d/r42/lp-uz/2008006>.

³ Қаранг: Салимов С. Нео-жадидлар ким? // Vatandosh газетаси. 2014 йил 16 январь № 33, Мубашшир Аҳмад: «Ҳамма хато қилади, ҳатто «неожадидлар» ҳам» // <https://azon.uz/content/views/mubashshir-ahmad-hamma-hato-qiladi-hatto>; Неожадидлик ҳақида. <https://funcliptv.com/play/video/jamshid-muslim-64w2r3a433v465z4h3n4d4.html>

⁴ Қаранг: Мактаб формаси ва сиёсат // <https://www.xabar.uz/jamiyat/maktab-formasi>; Дин ишлари бўйича қўмитанинг ягона мактаб формаси ҳақида фикри // <https://religions.uz/news/detail?id=938>; Мактаб формаси ва рўмол: унинг ўртасидаги чегара қаерда? <https://tarjumon.uz/maktab-formasi-va-rumol-uning-urtasidagi-chegara-%D2%9Baerda/>

келади. Мазкур мунозараларга диний ва илмий жиҳатдан ечим топилмаса, тарафлар ўртасида масалани кескин – экстремистик йўллар билан ҳал этишга уринувчи гуруҳлар етишиб чиқади. Бундай гуруҳлар фаолияти эса, кейинчалик террорчилик ҳаракатларига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Бизнингча, диний фундаментализм тенденциясининг кучайиб боришига йўл қўймаслик учун, аввало, ушбу масалани диний ва дунёвий олимлар ёрдамида ечиш имкониятларини кўриш, мазкур тенденцияга мойил шахсларга «дунёвийлик даҳрийлик эмас» тамойилини англатиш ҳамда юқорида тилга олинганга ўхшаш бахсли масалаларга илмий ва диний билимлар консенсуси асосида ечим топиш лозим бўлади. Диний фундаментализм мафкуравий масала бўлгани учун ҳам унга қарши фақат мафкуравий йўл билангина курашиш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги мавжуд мафкуравий жараёнларда сепаратизм тенденциясининг шаклланаётгани ҳам бор гап.

Маълумки, «сепаратизм деганда (французча, *separatisme* – ажратилган) - ажралишга, алоҳидаликка интилиш, давлатнинг бир семики миллий, диний, этнографик, сиёсий, иқтисодий сабабларга кўра, ажратиб олиб янги давлат тузилмаси тузиш ёки мамлакатнинг бир қисмини мухториятга айлантириш ҳаракати»¹ тушунилади. Мазкур ҳаракат шаклан амалий характерга эгадек кўринса-да, аслида унинг асосида миллий, диний ёки сиёсий мазмунга эга ғоялар ётади.

Мамлакатимизда мазкур тенденция 2022 йил 1 ва 2 июль кунлари Қорақалпоғистон Республикасида юз берган намоёишларда яққол кўзга ташланди. Мазкур намоёишларнинг юзага келиши асосан ижтимоий ва иқтисодий сабабларга бориб тақалса-да, бу жараёнда миллатчилик ғояси «байроқ» қилиб кўтарилганини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда юз берган мазкур сепаратистик ҳаракатнинг асосий сабабларидан бири сифатида Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти.

– Тошкент: 2010. 308-б. <https://n.ziyouz.com>.

Республикаси Конституциясининг XVII боби¹ 70 ва 74-моддаларида «Қорақалпоғистон Республикасига автоном эмас, суверен» мақоми берилгани ҳамда «Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон таркибидан халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқи»нинг кўрсатилганини келтириш мумкин. Таъкидлаш керакки, 1992 йилда киритилган мазкур нормалар миллий, диний, тарихий ва ажралмас ҳудудий бирликка эга қорақалпоқ миллати ичида айрим бузғунчи кучларга сепаратик ҳаракатини авж олдириш учун ҳуқуқий «туйнук» вазифасини ўтаган.

Аслида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрири лойиҳасидан 70 ва 74-моддалардаги «суверен» ва «референдум» жумлаларининг олиб ташланиши жамиятимизнинг барқарор тараққий этиши, миллатчилик ва сепаратизмни олдини олиш учун энг яхши ечим эди. Бироқ ўзбек ва қорақалпоқ халқи учун бирдек манфаатли бўлган бу ҳаракат ташқи сепаратистик кучлар учун қўл келди.

Асосий мақсад халқ ва давлат ўртасида зиддият келтириб чиқмаслик, талофатларни олдини олиш ва мамлакат яхлитлигини сақлаб қолишдан иборат бўлгани учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVII бобига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласи кун тартибидан олинди ва барқарорлик сақлаб қолинди.

Дарҳақиқат, тезкор чоралар асосида Қорақалпоғистондаги мураккаб вазият бартараф этилган бўлса-да, бироқ мазкур жараёнда келажакда яна сепаратизмга асос бўлиши мумкин бўлган потенциал хавф, яъни конституциянинг 70 ва 74-моддаларидаги ҳуқуқий «туйнук» бартараф этилмай қолди.

Таъкидлаш керакки, сепаратизмнинг Конституциядаги ҳуқуқий «туйнук» каби сабаблардан ташқари, ўттиз йиллик мустақил тараққиёт давомида жамият ва давлат бошқарувида коррупция, ишсизлик, таълим ва соғлиқни сақлаш сифатининг пастлиги каби ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг бартараф этилмай келингани ҳам сабаблардан бири бўлди. Мафкуравий жараёнда ўттиз йил давомида Миллий истиқлол мафкураси

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/21/671/0093-сон.

тарғиботи фаол амалга оширилса-да, назария амалиёт билан уйғунлашмади.

Маълумки, «сепаратизмнинг кучайиши ёки пасайиши ташқи ва ички омилларга боғлиқ бўлади. Мамлакат ҳудудида ҳар бир миллат, элат, халқнинг манфаатидан келиб чиқиб, сиёсат юритилса, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши, ўзини шу мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида ҳис қилиши учун ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий шарт-шароитлар яратилган бўлса, сепаратизмга ўрин қолмайди»¹.

2022 йил июль ойида юз берган Нукус воқеалари 1985 йилларда бошланган коммунистик мафкура таназзули ва Миллий истиқлол мафкураси шаклланишининг қирқинчи йилларига тўғри келди. Бу рақамлар 2.3-параграфимизда илгари сурган «ўртача эллик йиллик тарғибот – мафкуранинг натижадорлик муддати» деган илмий фаразимизни яна бир бор тасдиқлади. Мазкур гипотеза миллий истиқлол ғоясини ҳаётда ўз ижобатини топмаганини кўрсатишдан ташқари, унинг олди олинмаса, бу жараён янада чуқурлашиши мумкинлигини, эндиликда барқарор тараққиётни таъминлаш учун мафкуравий масалага янгича ёндашиш зарурлигини кўрсатиб берди.

Ҳозирда жамиятимиздаги мафкуравий жараёнларда кўзга ташланаётган тенденциялардан яна бири бу истеъмолчилик мафкураси ҳисобланади.

«Истеъмолчилик мафкураси» атамаси жамиятимиз илмий истеъмолида кам қўлланилган тушунча бўлгани учун ҳам ҳозирда унинг илмий-назарий таҳлили ва таърифлари учрамайди. Шунга кўра, тадқиқот ишида мазкур атамага биринчилардан бўлиб, қуйидагича таъриф беришни лозим топдик: *Истеъмолчилик мафкураси бу – барча нарсани товар-пул муносабатларига боғлайдиган ҳамда моддий ва маънавий неъматларни керагидан ҳам ортиқ истеъмол қилишга ундайдиган мафкура ҳисобланади. Мазкур мафкура бозор иқтисодиётига ўтган барча жамиятлар учун хос бўлиб, у ўзида истеъмолчилар ижтимоий фикрининг умумий белгисини ифодалайди. Генезисига кўра, ташқи ва ички кучлар таъсирида*

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Т.: 2010. 308 б. <https://n.ziyouz.com>.

сунъий фаоллашмайди, у мустақил тарзда, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг инъикоси сифатида шаклланади.

Рус олимаси М.В.Иванова истеъмолчилик мафкурасига хос бўлган икки муҳим белгини кўрсатиб ўтади. Унга кўра мазкур мафкурада:

1) инсон истеъмол қиладиган мавжудот, шунинг учун унинг қиймати ва ижтимоий мавқеи у истеъмол қиладиган нарсаларнинг нархи билан белгиланади;

2) моддий қадриятлар (уларнинг истеъмоли) ҳаётнинг мақсади ва мазмунига айланади¹.

Истеъмолчилик мафкураси ривожланиб боргани сари истеъмолчилик инсон мавжудлигининг асосий белгисига айланиб боради. Бу жараёнда моддий ва маънавий маҳсулотларни ҳар қандай нархда, ҳар қандай йўллар, ҳатто ноқонуний ва ахлоқсиз йўллар билан бўлса ҳам қўлга киритиш ижтимоий ҳаётнинг бош ғоясига айланади. Айнан мана шу мафкура замонавий жамиятнинг барча салбий ҳодисалари: мансабдор шахсларнинг мансабини суъиистемол қилиши, коррупция ва жинойтчилик, маиший бузуқлик ва ахлоқсизлик, табиатга шавқатсизларча муносабат, уруш ва бошқа муаммоларга сабабчи ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳозирда «миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортмоқда. Фақат ўзини ўйлаш, меҳнатга, оилага енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти турли йўллар билан одамлар, айниқса, ёшлар онгига устамонлик билан сингдириляпти»².

Истеъмолчилик мафкураси ҳам барча мафкуралар қатори муайян ижтимоий гуруҳларга таянади. Жумладан, унинг асосий таянчи бу ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ҳисобланади. Бинобарин, ишлаб чиқарувчилар истеъмол ҳажмининг доимий ўсиб боришидан манфаатдор бўлса, истеъмолчилар ҳам истеъмол ҳажмини ошишидан манфаатдор бўлиб, бу уларга истеъмол жараёнида қулайлик ва юқори ижтимоий мавқени

¹ М.В.Иванова. Идеология потребительства как феномен современного либерально-демократического общества // Вестник ЧитГУ. 2008. – № 4 (49). 18-б.

² «Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади». Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 19 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқи // <https://xs.uz> (мурожаат қилинган сана 2021 йил 11 февраль).

таъминлаб беради¹. Истеъмолчилик мафкурасининг яна бир характерли жиҳати уни ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилардан ташқари, асосан, энг йирик мулкдорлар манфаатларига хизмат қилишидир.

Таъкидлаш керакки, мазкур мафкуранинг асосий тарғибот воситаси реклама ҳисобланади. Рекламада асосан жамиятнинг элитасига хос истеъмол стандарти тарғиб қилинади ва ушбу стандарт ижтимоий муваффақият кўрсаткичи сифатида тақдим этилади. Натижада ҳозирги замон кишиси ҳаётий мақсадларни амалга ошириш, барча шахсий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишни тобора кўпроқ янги товарларни сотиб олиш билан узвий боғлиқда кўра бошлайди². Истеъмолчилик мафкурасининг хавфли жиҳати, аввало, уни чекланган ресурслар маконида чексиз эҳтиёжларни тарғиб этиши бўлса, иккинчидан эса, инсонни маънавий ривожлантиришдан кўра, моддий эҳтиёжлар тобесига айлантеришга қаратилганлигидир.

Истеъмолчилик мафкурасининг яна бир хавфли жиҳати глобал характерга эгаллиги бўлиб, ҳозирда у орқали Америка капитали, Америка турмуш тарзи ва маданияти бутун дунёга тарқалмоқда. Бугунги кунда айнан оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқлар ҳам ушбу мафкурани тарқатиш воситаси сифатида ишламоқда. Истеъмолчилик мафкурасини жаҳон миқёсида ёйишдан мақсад «глобал истеъмолчи»ни яратишдан иборатдир³.

Таъкидлаш керакки, истемолчилик мафкурасига қарши иқтисодий, сиёсий ёки ҳуқуқий механизмлар билан тўғридан-тўғри курашиб бўлмайди. Чунки, бундай ёндашув, аввало, иқтисоднинг табиий қонуниятларини бузишга ва шу орқали халқ фаровонлигини юксалтеришга салбий таъсир кўрсатади.

Бизнингча, истеъмолчилик мафкурасига қарши курашишнинг асосий йўли «истеъмол ҳаётнинг мақсади эмас, балки унинг воситаси экани, инсоннинг кадр-қиммати унинг ижодкорлиги ва ахлоқи билан белгиланиши» тўғрисидаги

¹ М.В.Иванова. Идеология потребительства как феномен современного либерально-демократического общества // Вестник ЧитГУ. 2008 – № 4 (49) – С. 19-20.

² Ўша манба. С. 21.

³ Тузиков А.Р. Масс-медиа: идеология видимая и невидимая / А.Р. Тузиков // Политические исследования. 2002. – № 5. 131-с.

мафкуравий тарғибот ҳисобланади. Албатта, уни биргина тарғибот орқали амалга ошириб бўлмайди. Бу жараёнда ноқонуний ва ахлоқсиз йўллар билан амалга ошириладиган истемолчиликка қарши туриш, қонунийлик ва ахлоқийликка асосланган истемолчиликни рағбатлантириш муҳим ҳисобланади.

Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, ҳозирда юртимиздаги мафкуравий жараёнлар ўзининг мураккаблиги ҳамда хавф-хатарга бойлиги билан аввалги даврлардан қолишмайди. Бугунги кундаги либераллашув халқимиз учун жуда катта имконият ҳисобланса-да, айти вақтда бу шароит барқарор тараққиётга хавф солувчи регрессив мафкуралар учун ҳам жуда кўл келмоқда.

Ҳозирда жамиятимизда юз бераётган мафкуравий жараёнларда мавжуд бўлган тенденцияларни таснифлаганимизда, улар асосан сиёсий (пансоветизм), диний (диний фундаментализм), миллий (сепаратизм) ҳамда иқтисодий (истемолчилик мафкураси) асосга эга тенденциялар экани маълум бўлади. Мазкур тенденциялар жамиятимизнинг ҳозирги мафкуравий манзарасида асосий роль ўйнамоқда.

Таъкидлаш керакки, юқорида маълум бўлган ғоявий тенденциялар ўз моҳиятига кўра регрессив бўлиб, улар жамият барқарорлиги учун потенциал хавф мавжудлигини кўрсатувчи ижтимоий майл ва ёндашувлардир.

Бизнингча, мазкур хавф-хатарлар «мақбул доирадан четга чиқиб, зўрайиши натижасида «таҳдидли ҳолат» ва «бевосита таҳдид»¹га айланмасидан аввал олди олиниши лозим. Бунинг учун аввало Миллий истиқлол мафкурасини такомиллаштириш зарур. Чунки, ғоявий тенденциялар ўз мазмунига кўра, хали ошкора таҳдид шаклига кирмаган потенциал хавф ҳисобланади. Шунга кўра, уларга қарши сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ёки куч ишлатар тизимлар фаолияти орқали курашиб бўлмайди. Ғоявий тенденцияларга қарши курашнинг ягона йўли бу мафкуравий кураш ҳисобланади.

¹ Пахрутдинов Ш. Барқарор тараққиёт ва раҳбар масъулияти.– Т.: Академия, 2011. 113-бет.

Таъкидлаш керакки, Миллий истиқлол мафкураси бугунги даврдаги либераллашув ҳамда плюрализм шароитларига дош бера олмаяпти. Буни ижтимоий ҳаётда унга нисбатан «Мусаффо осмон ғояси»¹, унинг тарғиботчилари эса, «Маънавиятчилар»² каби кесатик иборалар билан аталаётганида ҳам кўриш мумкин.

Шу ўринда табиий савол туғилади: Бу қандай содир бўлди? Унинг сабаблари қаерда? Нима учун ўз вақтида ташқаридан кириб келган (ислом ёки коммунистик) мафкураларни қабул қилган халқимиз мустақиллик йилларида яратилган Миллий истиқлол мафкурасини қабул қилиши қийин кечяпти? Нима учун Миллий истиқлол мафкураси ҳаётда ўз ижобатини топмаяпти?

Бизнингча, мазкур саволлар ортидаги вазият, биринчи навбатда, Миллий истиқлол мафкурасидаги бўшлиқлар ва назарий муаммоларнинг мавжудлиги билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Чунки, ўз вақтида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Миллий истиқлол мафкурасининг ҳуқуқий муносабати», «Миллий истиқлол мафкурасининг социал ёки сиёсий феноменлиги масаласи», «бу мафкурада бирор дунёқараш мутлақлаштирилмаслиги»³ ҳамда «Миллий истиқлол мафкураси учун зарур бўлган мафкуравий категориялар ишлаб чиқилмаганлиги» масалалари ҳал этилмади. Мазкур назарий муаммолар ортида Миллий истиқлол мафкураси амалиётида ҳам муаммолар юзага келганини кўриш мумкин.

Маълумки, шу даврларгача Миллий истиқлол мафкурасининг амалиётида латентлик (яширинлик) принципига амал қилинмади. У мафкуравий қонуниятларга зид равишда очик-ошкора тарғиб этилди. Яъни, бу бўйича давлат ташкилотлари ташкил этилди, кўрсатув ва эшиттиришлар йўлга

¹ «Мусаффо осмон» эффекти: таниқли ҳажвчилар нега узр сўрашди?» <https://www.xabar.uz/huquq/musaffo-osmon-effekti>; Чет эл бақлажон икрасини емаган журналист. <https://sof.uz/post/chet-el-baqlajon-ikrasini-emagan-jurnalist>.

² Қаранг: «Бизга «Анна Каренина»ни ўқитишдан мақсадингиз не?» Ёхуд «маънавият» бизни не қўйларга солди? // <https://zarnews.uz/post/bizga-anna-kareninani-oqitishdan-maqsadingiz-ne-yoxud-manaviyat-bizni-ne-koylarga-soldi>;

<https://twitter.com/xushnudbeck/status/1369556458472431618>; <https://batafsil.uz/cat/obchestvo/80-darazhadagi-trolling-lola-y-ldosheva-yangi-clipini-ta-dim-etdi-manaviyatchilar-albatta-k-rishi-ke/>

³ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 45-б.

қўйилди, таълим муассасаларида шундай номдаги фанлар ўқитила бошланди.

Қисқаси, Миллий истиқлол мафкураси амалиётда реал ижтимоий ҳаётни эмас, асосан, ижтимоий онгни ислоҳ қилиш билан чекланди. Маълум бир вақтдан кейин ижтимоий онг тақдим этилаётган ғоя ва қарашларни ижтимоий ҳаёт билан уйғун эмаслигини сеза бошлади. Шу сабабли, ҳозирда Миллий истиқлол мафкурасининг ижтимоий аҳамияти пастлаб кетди.

Мазкур муаммоли вазиятдан келиб чиққан ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, ҳозирда юртимизда «пансоветизм», «диний фундаментализм», «сепаратизм» ҳамда «истеъмолчилик мафкура»ларининг ривожланиш тенденциялари кўзга ташланмоқда.

Либераллашув шароити ҳамда Миллий истиқлол мафкурасининг назарий ва амалий муаммолари туфайли юзага келган ушбу ғоявий тенденциялар ўз мазмуни ва мақсадига кўра бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, пансоветизм – сиёсий, диний фундаментализм – диний, сепаратизм – миллий, истеъмолчилик мафкураси эса – иқтисодий асосларга эга эканини кўриш мумкин.

Бизнингча, мазкур хавф-хатарлар ўзининг «мақбул доирадан четга чиқиб, зўрайиши натижасида «таҳдидли ҳолат» ва «бевосита таҳдид»га айланмасидан аввал бартараф этилиши, бунинг учун эса Миллий истиқлол мафкурасини тубдан такомиллаштириш лозим бўлади. Бунга фақат Миллий истиқлол мафкурасининг назариясига оид бош ва асосий ғоялар, мафкуравий категория ва тамойилларни танқидий таҳлил этиш ҳамда уни амалий жиҳатдан латент (яширин) ва ижтимоий ҳаёт билан кучли боғланган мафкурага айлантириш орқалигина эришиш мумкин.

4.2-§. Янги Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётини таъминлашда миллий мафкура омили

Юқоридаги параграфларда келтирилган Миллий истиқлол мафкураси ҳаётда ўз ижобатини топмагани, эндиликда жамиятимиз учун тубдан янгиланган мафкура зарурлигига оид

илмий хулосаларимиз нафақат ижтимоий ҳаётда, айна вақтда, сиёсий ҳаётда ҳам ўз тасдиғини топди. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши¹ да кўтарилган масалаларни келтириш мумкин.

Мазкур йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимиз учун мафкуравий янгиланиш жуда муҳим эканини таъкидлаб, «Биз яратаётган Янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний кадриятлар тарбиясини тушунамиз»², дея янги мафкура яратиш заруриятини эътироф этди. Айна вақтда Ш.Мирзиёев томонидан миллий мафкурани янгиланишнинг уч асосий жиҳати кўрсатиб берилди. Улар, миллий мафкуранинг номланиши – «Янги Ўзбекистон мафкураси», иккинчиси Янги Ўзбекистон мафкурасининг асосий ғояси – «эзгулик, одамийлик гуманизм ғояси» экани, учинчиси Янги Ўзбекистон мафкураси – «миллий ва умуминсоний кадриятлар тарбияси»га қаратилиши кабилардир. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати тантанали табрик нутқида тараққиётимизнинг мақсади Учинчи Ренессанс бўлиши лозимлигини ҳам таъкидлади³.

Шавкат Мирзиёев янги мафкурага оид қарашлари орқали «эзгулик, одамийлик гуманизм ғояси»га асосланувчи «миллий ва умуминсоний кадриятлар тарбияси»га қаратилган «Янги

¹«Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади». Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 19 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқи // <https://xs.uz> (мурожаат қилинган сана; 2021 йил 11 февраль).

² Ўша манбада.

³ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <https://xs.uz/uz> (мурожаат қилинган сана. 2020 йил 23 сентябрь).

Ўзбекистон мафкураси»нинг натижаси - Учинчи Ренессанснинг юзага келтириши тўғрисидаги методологик фикрни илгари сурди.

Таъкидлаш керакки, «истиқлолга эришганимиздан кейин дастлабки йилларда «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» шиори олға сурилди. У амалда миллий ғоя вазифасини ўтади ва халқни бирлаштиришда, сафарбар этишда катта роль ўйнади. Мазкур жозибали шиорда урғу жамиятга эмас, давлатга берилганди. Кейинчалик миллий ғоя шаклан такомиллаштирилганда, «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт» ибораси олға сурилди. Унда урғу сиёсий ташкилотга (давлатга) эмас, балки ҳар киши учун, сиёсий, мафкуравий қарашларидан қатъи назар, бирдек азиз Ватанга ҳамда шахс ва жамият ҳеч қачон бефарқ бўлмайдиган эркинликка ва фаровонликка қўйилди. Миллий ғоянинг бундай тушунчавий ифодаси анча мукамаллик касб этди.

Аммо унинг мазмунини, уни амалга ошириш вазифаларини очиб беришга етарлича масъулият билан ёндашилмади. Айниқса, у ислохотларнинг йўналишлари, соҳалари, турли босқичлари, амалдаги ва эҳтимолдаги муаммолари билан боғланмади. Натижада у мафкуравий чақирик, қуруқ шиор даражасида қолиб кетди. Аниқ муаммолар ва вазифалардан йироқлиги учун одамларга таъсири аста-секин сусая бошлади»¹. Мазкур воқелик, мафкура ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт билан узвий боғлиқликда амалий аҳамият касб этмаса, ҳаётда ўз ижобатини топмаслигини кўрсатиб берди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йилда мамлакатимизда янги мафкурани шакллантиришга бевосита асос бўладиган «Янги Ўзбекистон стратегияси»² номли методологик манба яратилди. Мазкур методологик манбада янги мафкуранинг мазмун-моҳияти умумий тарзда ифодаланган бўлиб, эндиликда ушбу методологик асосдан келиб чиққан ҳолда, «Янги Ўзбекистон» мафкурасининг структураси: бош ва асосий ғоялар, мафкуравий

¹ Эркаев А. Учинчи Ренессанс – миллий ғоя сифатида // <https://xs.uz/uzkr/post/uchinchi-renessans-millij-goja-sifatida> (мурожаат қилинган сана 2020 йил 16 октябрь).

² Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O'zbekiston, 2021 464-б.

таянч йўналишларни аниқлаш ҳамда уларни яхлит концепция шаклига келтириш асосий вазифа ҳисобланади.

Тадқиқот ишида мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда юқоридаги масалаларни илмий таҳлил қилиш ҳамда зарур таклиф-тавсияларни ишлаб чиқиш ушбу параграфнинг асосий мақсади сифатида белгиланган.

Маълумки, ҳар қандай мафкурада бош ғоя якка шахс, муайян гуруҳ, миллат ёки бутун халқ томонидан стратегик мақсад ва манфаатни англаниши натижасида вужудга келади. Англанган бирламчи мақсад мафкуравий мақсад сифатида бош ғоя мазмунида ўз ифодасини топади. Мафкуранинг бутун структураси бош ғоя атрофига қурилади ҳамда бош ғояни амалга оширишга йўналтирилади. Асосий ғоялар мазмунан торроқ бўлса-да, улар бош ғоянинг алоҳида қирраларини, муайян соҳалардаги мақсад ва вазифаларни ифодалайди ва ўзаро боғланган ҳолда бош ғояни мазмунан бойитишга хизмат қилади (1.2-параграфга қаранг).

Ҳар қандай мафкура структурасида бош ва асосий ғоялар муҳим роль ўйнашини инобатга олган ҳолда, ҳозирда жамиятимиз учун зарур бўлган «Янги Ўзбекистон» мафкурасининг мақсади ва структурасига мос келадиган бош ва асосий ғояларни тизимлаштириш, уларни ишлаш ва мазмунан мутаносиблигини таъминлаш ва яхлит ифодалашга эришиш жуда муҳим вазифа ҳисобланади.

Бизнингча, «Янги Ўзбекистон стратегияси»¹ китобининг бош мавзуси бўлган ҳамда ўзбек халқининг азалий орзусини ифодалаган «Янги Ўзбекистон ғояси»ни миллий мафкуранинг бош ғояси сифатида белгиланса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, «Янги Ўзбекистон – мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, эркинлик ва озодликнинг янги даври, бунёдкорлик ва фаровонлик йўлининг юқори босқичидир.

Янги Ўзбекистон – бу «Халқ манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ» деган эзгу ғоя амалий ишлар билан ўз тасдиғини топаётган замондир. Янги-янги уй-жойлар, замонавий корхоналар, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, обод қишлоқ ва

¹ Ўша манбада.

шаҳарлар юртимиз чиройига чирой қўшаётган тарихий бир даврдир.

Янги Ўзбекистон – «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган ҳал қилувчи тамойил амалда ўз тасдиғини топаётган мамлакат.

Янги Ўзбекистон – катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, мададга муҳтож инсонлар ва оилаларга чинаккам кўмак ва ёрдам бериш, меҳр-оқибат кўрсатиш ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётган ижтимоий макондир.

Янги Ўзбекистон – жаҳон ҳамжамияти билан, энг аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик эшиклари кенг очилаётган, мамлакатимизнинг жозибадор демократик қиёфаси яратилаётган бугунги бетакрор замондир.

Янги Ўзбекистон – ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган, дунё аҳли эътироф этаётган янгиланган жамият, дунёга юз тутаётган эркин бир ўлкадир»¹.

Таъкидлаш керакки, «Янги Ўзбекистон ғояси» мазмун ва шакл жиҳатдан:

- бир қарашдаёқ Ватанимиз билан бевосита боғлиқ экани;
- макон (мамлакатимиз) ва замон эҳтиёжларини ўзида яхлит ифодалай олгани;
- «янги» жумласи орқали умидбахш руҳият, бунёдкорлик ва ёрқин келажак ифодалангани;
- амалий характернинг устуворлиги;
- сўз таркибини ҳажм жиҳатдан қисқалиги, яъни тушунча ҳажми қанча кенгайса, мазмун шунча тораяди, аксинча, тушунча ҳажмининг қисқалиги унга кенг мазмун бахш этади², деган мантиқ фанидаги тескари нисбат қонунига мос келгани;
- жозибадор, эътибор тортувчи шакл ва мазмунга эгаллиги билан янгиланаётган миллий мафкура учун бош ғоя ролига муносиб ҳисобланади.

Маълумки, бугунга қадар Миллий истиқлол мафкураси «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш» номли бош ғояга ҳамда «Ватан равнақи», «Юрт тинчлиги», «Халқ фаровонлиги», «Комил инсон», «Ижтимоий ҳамкорлик», «Миллатлараро тотувлик» ва «Динлараро бағрикенглик

¹ Ўша манба. – Б.26-27.

² Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. – Тошкент: Фафур Ғулом. 2004. 72-б.

(толерантлик)» сингари асосий ғояларга эга эди¹. Мазкур ғоялар бунёдкор характерга эга бўлса-да, бироқ уларнинг мазмунида амалийдан кўра, назарий жиҳат устувор бўлиб келди. Шунинг учун ҳам уларга ижтимоий ҳаётда реал воқеликдан узилган, юқори минбарларда янграйдиган баландпарвоз жумлалар нисбати берилди. Миллий истиқлол мафкурасининг бош ва асосий ғояларининг амалий характерга эга эмаслиги мазкур муаммони келтириб чиқарди.

Эндиликда Янги Ўзбекистон мафкурасини шакллантиришда албатта юқоридаги каби муаммонинг вужудга келишига йўл қўймаслик, унинг бош ва асосий ғояларини амалий характерини кучайтириш ва шу орқали реал воқелик билан боғлаш лозим бўлади.

Бизнингча, жамиятдаги муайян йўналишлардаги долзарб эҳтиёжларни акс эттириш ва шу орқали бош ғоя – «Янги Ўзбекистон ғояси»ни мазмунан бойитиш ҳамда яхлит концепция шаклида Янги Ўзбекистон мафкурасининг асосий ғояларини шакллантириш учун:

- «Илм-фан ва Учинчи Ренессанс ғояси»;
- «Одавийлик ва ижтимоий давлат ғояси»;
- «Қонунийлик ва адолат ғояси»;
- «Тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш ғояси»;
- «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт ғояси»ни таклиф этиш мақсадга мувофиқдир.

Албатта, юқоридаги беш ғоя Ш.Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон стратегияси»² номли методологик асарида мавжуд бўлиб, ушбу тадқиқот ишида улар илмий ва мантикий жиҳатдан боғланган ҳолда, Янги Ўзбекистон мафкурасининг структураси учун асосий ғоялар сифатида таклиф этилмоқда.

Мазкур ғоялар мазмунан Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан фарқли ўлароқ, «амалиёт ва натижа» формуласига асосланган ҳолда ишлаб чиқилгани, яъни уларга кўра:

¹ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 50-60

² Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O'zbekiston, 2021 йил 464-б.

– илм-фанни ривожлантириш орқали Учинчи Ренессанс юзага келиши;

– одамийлик, гуманизм ғоясининг устуворлигини таъминлаш натижасида ижтимоий давлат барпо этилиши;

– қонун устуворлигини таъминлаш орқали адолатли жамиятнинг шаклланиши;

– бизнес ва тадбиркорликка қулай муҳит яратиш натижасида камбағалликнинг қисқартирилиши ва халқ фаровонлигининг юксалиши;

– хавфсизликни таъминлаш орқали барқарор тараққиётга эришиш назарда тутилади.

Таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистон мафкурасининг структураси: бош ва асосий ғоялар, мафкуравий таянч йўланишларни ишлаб чиқишда амалий характери кучайтириш, уларни реал ижтимоий воқелик билан боғлаш мазкур мафкурани ҳаётда ўз ижобатини топишига, халқимизнинг ишонч-эътиқодига айланишига сабаб бўлади.

Янги Ўзбекистон мафкураси учун юқорида таклиф этилган бош ва асосий ғояларини яхлит концепция шаклида ифодаладиган бўлсак, улар қуйидагича намоён бўлади (4.1-расм):



**4.1-расм. «Янги Ўзбекистон» мафкурасининг
бош ва асосий ғоялари**

Мазкур концепция лойиҳасига кўра, янгиладиган миллий мафкурамизнинг бош ғояси – «Янги Ўзбекистон ғояси» халқимизга ватанимиз тараққиётининг юқори босқичи: таълим, фан, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ, иқтисод, хавфсизлик ва бошқа соҳалардаги тараққиётнинг максимал кўрсаткичларини тақдир этиди ва уларни шу йўлда бирлашиш ва сафарбар бўлишга ундайди. Асосий ғоялар эса, ислоҳот йўналишлари, соҳалари, босқичлари, амалдаги ва эҳтимолдаги муаммоларни аниқ ифодалаб, халқимизга илм-фан, одамийлик, қонунийлик, тадбиркорлик ва хавфсизлик бош ғоя – «Янги Ўзбекистон»ни барпо этишнинг асосий шарти эканлигини уқтиради ва шунга сафарбар этиди. Асосий ғоялар бош ғояга назарий ва амалий жиҳатдан боғланиши баробарида, улар мазмунан ва мантиқан бир-бири билан ўзаро боғланади. Чунки, илм-фансиз хавфсизликни таъминлаб бўлмагани сингари, хавфсизликсиз одамийликка асосланган ижтимоий давлатни барпо этиб бўлмайди.

Мафкуранинг назарий концепциясида бош ва асосий ғояларни халқчил, ижтимоий ҳаёт билан уйғунлашган, ўзаро мутаносиб шакл ва мазмунда яратиш қай даражада муҳим бўлса, уни амалиёт билан боғлаш, тўғри амалий фаолиятни ташкил этиш ҳам шу даражада жуда муҳим ҳисобланади. Шунга кўра, Янги Ўзбекистон мафкурасини амалий мафкура даражасига кўтариш учун унга аниқ мафкуравий таянч йўналишлар зарур бўлади.

Бизнингча, қуйидаги йўналишларга Янги Ўзбекистон мафкурасининг мафкуравий таянчлари сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ бўлиб, улар:

1. Фалсафа;
2. Ҳуқуқ;
3. Илм-фан;
4. Ислом дини ва ўзбек тили;
5. Таълим ва тиббиёт;
6. Мафкуравий атрибут ва ритуалларидир.

Маълумки, Гётеда шундай ибора мавжуд: «назария куруқдир дўстим, лекин унда яшнаш ҳаёт дарахти». Албатта, назария, яъни фалсафасиз ҳеч қайси соҳа, шу қатори мафкуранинг ривожини

ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам фалсафа ҳар қандай мафкура учун бирламчи таянч ҳисобланади.

Шу ўринда табиий савол туғилади: Миллий истиқлол мафкураси назария ва амалиётда қайси фалсафий таълимотга таянган эди? Эндиликда, Янги Ўзбекистон мафкураси қайси фалсафий таълимотга таяниши лозим?

Биринчи саволга тўхталадиган бўлсак, ўз вақтида Миллий истиқлол мафкурасининг назария ва амалиётида аниқ бир фалсафий таълимотга таянилмаганини кўриш мумкин. Фалсафий базиснинг ноаниқлиги 2001 йилда Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамиятининг ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида келтирилган «Миллий истиқлол мафкурасининг фалсафий асоси қадимги шарқ, юнон, рим ва бошқа фалсафа мактабларининг меросига таянади»¹ фикрида ҳам яққол кўринади. Чунки, ушбу фикрда Миллий истиқлол мафкураси қадимги шарқ (1), юнон (2), рим (3) ва бошқа фалсафа мактаблар (4) меросига таяниши айтилмоқда.

Таъкидлаш керакки, юқоридаги фикрда Миллий истиқлол мафкурасига аниқ фалсафий таълимотни базис сифатида кўрсатишдан қочилган бўлиб, тўртта фалсафий манба келтирилган ҳолда, ушбу фалсафий йўналиш ва мактаблар ўртасида жуда катта тафовут мавжудлиги, ҳаттоки уларнинг кўплари ўзаро зиддият ва қарама-қаршиликка эга экани эътиборга олинмаган. Бинобарин, тарихий мафкуралар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, ислом мафкураси Қуръон ва суннат асосидаги «калом илми» – ислом фалсафасига, собиқ Иттифоқнинг коммунистик мафкураси – диалектик-материализм фалсафасига, бугунги Хитой Халқ Республикасининг мафкураси – Марксизм-ленинизм² ҳамда конфуцийлик фалсафасига, япон мафкураси кокутай (японча *chàngín*, миллат танаси, замонавий иероглифларда – *chínì*) эса – неоконфуцийлик фалсафасига асосланишини кўриш мумкин.

¹ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.–Тошкент: Ўзбекистон, 2001.48-б.

² Хитой Коммунистик партиясининг Устави // http://russian.china.org.cn/exclusive/txt/2012-11/16/content_27137512.htm

Юқорида келтирилган тарихий ва бугунги кундаги мафкуралар тажрибаси шуни кўрсатадики, мафкура бу устқурма бўлиб, у, албатта аниқ бир фалсафий таълимот – базисга таяниши лозим. «Барча фалсафий йўналиш ва мактаблар бизнинг мафкурамиз фалсафий асосини ташкил этади дейиш» эса, фалсафа тили билан айтганда, софистика¹ ва абсурд² дан бошқа нарса эмас.

Таъкидлаш керакки, фалсафий асосга эга бўлмаган мафкура пойдеворсиз бино каби бўлиб, у амалиётда ўз ўрнини узоқ вақт сақлаб қола олмайди. Шунга кўра, эндиликда, фалсафий базис масаласида Миллий истиқлол мафкураси билан боғлиқ муаммони такрорламаслик, бунинг учун эса, Янги Ўзбекистон мафкурасининг фалсафий пойдеворини мустаҳкам қўйиш, бу жараёнда халқимиз руҳияти ҳамда танлаган стратегик тараққиётимизга мос келадиган аниқ бир фалсафий таълимотга таяниш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Уч минг йиллик тараққиётимизга эътибор қаратадиган бўлсак, халқимиз дунёқарашида: кундалик турмуш-тарзи, илмий, ижтимоий-сиёсий ҳаётда дуализм фалсафий таълимоти устувор бўлиб келганини кўрамиз. Маълумки, дуализм деганда (лотинча *dualis* – икки ёқлама) – бир-бири билан бирлаштириб бўлмайдиган ҳолатлар, тамойиллар, фикрлаш тарзи, дунёқараш, интилиш ва гносеологик тамойиллар ёнма-ён мавжудлигини тарғиб қилувчи таълимот тушунилади. Дуализм плюрализм кўринишларидан бири бўлиб, у бир вақтнинг ўзида жуфт тушунчаларни биргаликда ифодалайди: ғоялар дунёси ва воқеий дунё (Платон), худо ва иблис (яхшилик ва ёмонлик тамойили), худо ва дунё, руҳ ва материя, табиат ва руҳ, жон ва тан, объект ва субъект, билим ва эътиқод, у дунё ва бу дунё, табиат салтанати ва илоҳий марҳамат салтанати каби. Дуализм фалсафий, диний, антропологик, этик шаклларда намоён бўлиши мумкин. Қадимги даврда диний-этик дуализм Авестода учрайди. Унда дунё тараққиёти жараёни бир томондан яхшилик, ҳақиқат,

¹ Софистика – мантик қонунларини атайин бузиб, ёлғон далилларга асосланган ҳолда муҳокама юритиш. Софистика ташқи томондан тўғри бўлиб туюладиган, аслида эса илмий ва мантиқий хато мулоҳазаларга таянади. Қаранг: Софистика // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-s/sofistika-uz/>

² Абсурд – бу ифоданинг мазмуни ва ички номувофиқлиги туфайли ҳақиқатга мос келмайдиган ёлғондир. Қаранг: Ивин А.А., Никифоров А.Л. Словарь по логике. ISBN 5-691-00099-3.

ёруғлик, иккинчи томондан, ёмонлик, жаҳолат, қоронғулик ўртасида абадий кураш сифатида тасаввур қилинади. Дуализм фалсафасида дунёнинг негизида бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки мустақил нарса – руҳ ва материя мавжуд деб билишида кўринади¹.

Бизнингча, дуализм таълимоти Янги Ўзбекистон мафкураси учун базис бўлишга қодир фалсафий таълимот бўлиб, у халқимиз ҳаётида ўзининг узоқ йиллик тарихий, илмий, бадиий, ижтимоий-сиёсий асосларига эгадир. Буларга мисол қилиб, илк ёзма манба – Авестода дуалистик қараш «яхшилик худоси – Ахурамазда ва ёмонлик худоси – Ахураман курашида»² ифодалангани, аждодларимиз, Абу Наср Фаробий «Билки, (оламда) субстанция (жавҳар) ва акциденция (жавҳар бўлмаган ораз) ҳамда субстанция, акциденцияни яратувчи марҳаматли ижодкордан бошқа ҳеч нарса йўқдир»³, дея фикр билдиргани, Азизиддин Насафий «Олам ўзининг аввалида икки қисмдан иборат: биринчи қисмини олами ғайб (яширин олам), иккинчи қисмини олами шуҳуд (кўринадиган олам)»⁴ дея эътироф этганини келтириш мумкин. Шу қатори Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нодира, Увайсий, Анбар Отин, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов каби кўплаб мутафаккир аждодларимиз қарашларида ҳам дуализм таълимотига таянилганини кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, ушбу фалсафий таълимот бошқалардан фарқли ўлароқ, динийлик ва дунёвийликни, моддийлик ва маънавийликни «қўшҳақиқат» сифатида ўз мазмунида акс эттира олади. Шу маънода халқимиз тарихида дуализм фалсафасининг тарихий, илмий, бадиий, ижтимоий-сиёсий, педагогик асослари

¹ Қаранг: Фалсафа энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. 100-б: Дуализм. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-d/dualizm-uz/>

² Абдуллаева М.Н. ва бошқ. Фалсафа: изоҳли луғат. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. 136-б.

³ Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1993. 174-б.

⁴ Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойик. – Тошкент: 1995. 5-б.

мавжуд бўлгани учун ҳам у Янги Ўзбекистон мафкураси учун базис бўлишга лойиқ фалсафий таълимот ҳисобланади. Мазкур жараёни амалда йўлга қўйиш учун, бизнингча, дуализм таълимоти билан Янги Ўзбекистон мафкурасини боғлайдиган «ақл марказлари» (think tanks)ни ишга тушириш зарур бўлади. Ушбу марказлар ўз фаолиятида дуализм таълимоти асосида халқимиз дунёқарашини янада бойитадиган, кундалик турмуш тарзи, илмий, диний, ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид назарий-методологик масалаларга илмий ечим бериб боради. Бу жараёнда худди, борлиқдаги табиат, жамият ва инсон муносабатларини тушунтиришда ислом мафкураси Қуръон ва суннат асосидаги «калом илми» – ислом фалсафасига, коммунистик мафкура диалектик-материализм фалсафасига таянгани каби Янги Ўзбекистон мафкураси дуализм таълимотига таянади. Шу маънода дуализм таълимоти Янги Ўзбекистон мафкураси учун биринчи таянч – фалсафий базис бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳар бир мафкура учун муайян фалсафий таълимот биринчи таянч бўлса, иккинчи таянч бу – ҳуқуқ ҳисобланади. Бинобарин, ҳуқуқ соҳаси мафкурага ижтимоий ҳаётда легитим бўлишига шароит яратади.

Бизнингча, Янги Ўзбекистон мафкураси жамият томонидан қабул қилиниши ва унинг ишонч-эътиқодига айланиб, ижтимоий ҳаётда легитим даражасига кўтарилиши учун ҳуқуқ соҳаси билан диалектик алоқадорликда ривожланиши лозим. Бу ўринда Янги Ўзбекистон мафкурасини легал, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасига зид равишда тотал – қонуний ва давлат мафкураси мақомига кўтариш эмас, аксинча, унинг ғояларини ижтимоий ҳаётда ўз исботини топиши, мафкура билан ҳуқуқ соҳасини синхрон ривожлантириш назарда тутилмоқда.

Бу масалага янада ойдинлик киритадиган бўлсак, Янги Ўзбекистон мафкураси учун таклиф этилаётган: «илм-фан ва Учинчи Ренессанс», «одамийлик ва ижтимоий давлат», «қонунийлик ва адолат», «тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш», «хавфсизлик ва барқарор тараққиёт» ғоялари жамиятда ўзининг аниқ ҳуқуқий

кафолатларига эга бўлиши лозим. Ўз навбатида, мазкур ғояларни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи хусусий ва интеллектуал мулкка тажоввуз, инсон ҳуқуқларини паймол қилиш, коррупция ва порахўрлик, давлат ва жамият мулкани талон-тарож этиш, манфаатлар тўқнашуви каби жиноятларга қарши кураш амалда максимал даражада натижа кўрсатиши зарур. Ундан ташқари, миллий ҳуқуқ соҳаси айнан «инсон ҳуқуқлари» экспанциясининг ЛГБТ ёхуд шу сингари халқаро ҳуқуқнинг ноўя таъсирларидан ҳимоя қила олиши лозим. Мана шундагина ҳуқуқ соҳаси том маънода Янги Ўзбекистон мафқурасининг асосий таянчларидан бирига айланади ҳамда уни ҳаётда ўз ижобатини топишига кўмаклашади.

Янги Ўзбекистон мафқураси учун учинчи таянч – илм-фан ҳисобланади. Илм-фан ва мафқуранинг синхрон ҳаракатини таъминлаш учун, бизнингча, ҳозирда маъмурий ислоҳотлар орқали қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим. Улар:

1) Ўзбекистон Республикасидаги илмий-тадқиқот институтлари ҳамда олий таълим ташкилотлари учун илмий муаммоларнинг аниқ давлат ва жамият буюртмаларини шакллантириш;

2) Илмий тадқиқот жараёнини мувофиқлаштирувчи Олий атестация комиссияси сингари давлат ташкилотлари фаолиятини ривожланган давлатлар тажрибаси асосида тубдан ислоҳ этиш;

3) Илмий-тадқиқот жараёнида коррупция ва порахўрликни олдини олиш;

4) Илмий-тадқиқот ишларини баҳолашнинг халқаро мезонларини жорий этиш ва бу жараёнда прагматик талабларни кучайтириш;

5) Олий таълим ташкилотларида кадрлар тайёрлаш фаолиятидан ташқари илмий-тадқиқот фаолиятининг улушини оширишга эришиш;

6) Илм-фаннинг муқобил энергия, АКТ, работотехника, нанотехнология, генетика каби йўналишларига алоҳида эътибор қаратиш;

7) Ҳарбий соҳадаги илмий тадқиқотларни алоҳида қўллаб-қувватлаш;

8) Хусусий илмий тадқиқот муассасалари, яъни «ақл марказлари» (think tanks)ни ташкил этишни қўллаб-қувватлаш кабилардир.

Илм-фанни ривожлантириш билан боғлиқ мазкур ислохотларсиз Янги Ўзбекистон мафкураси асосида Учинчи Ренессансни юзага чиқариб бўлмайди. Шу маънода, илм-фан Янги Ўзбекистон мафкураси учун асосий таянч йўналишлардан бири ҳисобланади.

Янги Ўзбекистон мафкурасининг яна бир таянчларидан бири бу – ислом дини ва ўзбек тили ҳисобланади. Бизнингча, Янги Ўзбекистон мафкураси амалиётда ислом динининг ғоялари ва қадриятларига суяниши лозим бўлади. Чунки, тарихий таржиба (коммунистик мафкура мисоли) шуни кўрсатдики, ислом дини билан уйғунлашмаган мафкуралар халқимиз эътиқодидан чуқур ўрин ола олмаган.

Ҳозирда мазкур хатога йўл қўймаслик учун Янги Ўзбекистон мафкураси ислом динининг ўн тўрт асрлик тарихий тажрибасидан ўтган ғоя ва тамойилларни ўзига сингдириши, уларни ижтимоий ҳаётда легаллашувини қўллаб-қувватлаши, мазкур жараёнда Туркия, Индонезия ва Малайзия сингари миллий ва исломий ғояларни уйғунлаштирган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мана шу йўл Янги Ўзбекистон мафкурасини ислом динига эътиқод қилувчи кўп сонли халқимиз онги ва қалбига кириб боришини ҳамда миллий мафкура даражасига кўтарилиб, тезкор намоён бўлишига олиб боради.

Янги Ўзбекистон мафкураси намоён бўлишига яна бир шарти бу ўзбек тили масаласи ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистон мафкураси Миллий истиқлол мафкурасидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилини ривожлантириш масаласида мустаҳкам позицияга эга бўлмоғи лозим. Бунинг учун ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўзбек тилининг фақат давлат тили ва расмий тил даражаси билан қониқиб қолмасдан, уни сиёсат, илм-фан, бизнес ҳамда интернет тили даражаларига кўтарилишини мафкуравий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш лозим. Тил масаласида юқоридаги ички муаммолар бартараф этилиши баробарида ташқи сиёсатда ҳам ўзбек тилининг нуфузини кўтариш, яқин ва

узоқ мамлакатларда яшаётган миллатдошларимизнинг лисоний бирлигини вужудга келтириш Янги Ўзбекистон мафкурасининг ўзбек тилига оид амалиётининг бир қисми ҳисобланиши лозим. Чунки, ҳар қайси мафкура, аввало, ўзи яратилган тилнинг мавқеи учун курашади. Бинобарин, тилни бой берган мафкура ҳаётда ўз ижобатини топа олмайди.

Янги Ўзбекистон мафкурасининг бешинчи таянч йўналиши бу – таълим ва тиббиёт ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, Миллий истиқлол мафкураси амалиётида бу икки соҳа ўз йўналишларида алоҳида фаолият олиб борди. Бу даврда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш бўйича таълим ва тиббиётнинг умумий концепцияси яратилмади. Шу боис, ҳозирда таълим олиш ёшидаги авлоднинг физиологик ривожланишида «микроэлементлар етишмовчилиги кенг тарқалган: уларнинг 15 % анемияга учраган, 50 % дан ортиғи темир танқислиги ва 6 % «А» витамини етишмовчилигига чалинган. Бундан ташқари, 9 % болалар етарлича овқатланмаслик кўрсаткичлари (ўсишнинг орқада қолиши) аломатларига эга, уларнинг 2% да эса озғинчилик белгилари кузатилади»¹.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг физиологик ривожланиши билан боғлиқ бундай салбий тиббий вазиятда энг илғор педагогик усулларга асосланган таълим жараёни ҳам ўз самарасини бермайди.

Бизнингча, мазкур муаммони ечимини топишда аввало таълим ва тиббиёт соҳаларининг ҳамкорлигини кучайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг учун мамлакатимизда ягона таълим ва тиббиёт сиёсатини ишлаб чиқиш:

биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги олимларнинг ўзаро ҳамкорлигида умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич таълим босқичи учун мўлжалланган таомлар рецептурасини яратиш;

иккинчидан, таомлар рецептурасини яратишда юртимиз географияси, фасллар алмашинуви ҳамда болаларнинг ёш даврларини ҳисобга олиш ва мазкур мезонлар асосида

¹ 2019/2020 Ўзбекистондаги болалар вазиятининг таҳлили. Бирлашган Миллатлар ташкилоти Болалар Фонди томонидан нашр этилган. – Тошкент: 2020. 14-б.

таомномани биологик ва бошқа зарур витаминлар билан бойитиб бориш;

учинчидан, бутун мамлакат ҳудудида, биринчи навбатда, умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич таълим босқичи (кейинчалик босқичма-босқич равишда юқори синфлар) учун икки маҳал (нонушта ва тушлик) бепул иссиқ овқат беришини йўлга қўйиш;

тўртинчидан, давлат таълим муассасаларида бепул овқат бериш жараёнига аутсорсинг хизматини жорий этиш, мазкур жараёнда маҳаллий таълим ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари раҳбарларига буюртмачи мақомини бериш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш керакки, таълим ва тиббиёт соҳалари ҳамкорлигидаги мазкур ислоҳот бир қарашда давлат буюджети учун катта миқдордаги харажат бўлиб кўринса-да, ушбу харажат аслида мутаносиб ривожланмаётган ёш авлодга индивидуал (ота-онаси томонидан) ҳамда давлат томонидан сарф этилаётган тиббий ва таълим харажатларидан бир неча баробар кам ҳисобланади. Ушбу лойиҳанинг асосий мазмуни шундаки, у орқали бутун мамлакатдаги ёш авлодни таълим ва тиббий жиҳатдан комплекс ривожлантириш амалга оширилади. Мазкур лойиҳа амалга оширилса, жисмонан ва интеллектуал жиҳатдан муносиб ривожланган ёш авлод қисқа муддатда янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида майдонга келади. Айни вақтда бу амалий ишлар болажон халқимиз руҳиятига кўтаринкилик бахш этиб, уларни Янги Ўзбекистон мафкурасига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Янги Ўзбекистон мафкураси учун олтинчи мафкуравий таянч бу - атрибут ва ритуаллар ҳисобланади.

Маълумки, атрибут (лотинча *attributum* – бахш этаман) – объектнинг зарур, муҳим, хос хусусияти¹ ҳисобланади. Мафкурада атрибутлар мафкура учун (ўткинчи, тасодифий ҳолатлардан фарқли равишда) зарурий, муҳим ва ажралмас ўзига хос белги ва рамз ролини бажаради. Ритуал тушунчаси эса, ижтимоий хулқ-атворнинг ҳар хил турларида, субъектнинг (ёки

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Тошкент: 2010. 773-б. <https://n.ziyouz.com>.

гуруҳнинг) муқаддас ҳисобланган объектларга, айниқса, ижтимоий ёки инсон ҳаётининг муҳим босқичларига муносабатини белгилаш воситаси сифатида ишлатиладиган рамзий ҳаракатнинг мураккаб шакли¹ни ифодалайди.

Таъкидлаш керакки, шу кунгача Миллий истиқлол мафқурасида атрибут ва ритуаллар масаласига эътибор қаратилмай келинди. Буни биргина Миллий истиқлол мафқураси томонидан давлат рамзларини мафқуравий атрибутлар даражасига кўтарилмаганида ҳам кўриш мумкин. Мазкур воқелик сабаб, ҳозиргача давлат рамзлари халқимизнинг кундалик ҳаёти билан боғланмаган ҳолда, фақат давлат рамзи мақомида қолиб, унданда юксакроқ бўлган миллат рамзи мақомига кўтарилмай келмоқда.

Бизнингча, эндиликда Миллий истиқлол мафқурасида эътиборга олинмаган атрибут ва ритуаллар масаласи Янги Ўзбекистон мафқурасининг асосий таянчларидан бирига айланиши лозим. Бунинг учун:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи (расмий мақомга эга бўлса-да) нинг ижтимоий мақомини ошириш, бу йўлда:

– ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали хонадонига байроқ илган кишиларни латент (яширин), тасодифан кашф этиш;

– буюк шахслар ва ватан хизматчилари ҳамда аскарларни дафн маросимида давлат байроғидан (тобут устига байроқ ёпиш каби йўллар билан) фойдаланиш;

– кино саноатида давлат рамзларини латент (яширин) шаклда моҳирона тарғиб этган киноларга давлат жамғармасидан моддий кўмак бериш, уларни умуммиллий ва хорижий мукофотларга тавсия этиш лозим.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиясини – халқ мадҳиясига айлантириш, бунинг учун йилда бир маротаба (мадҳия қабул қилинган сана арафасида) бир босқичли умуммиллий «Мадҳия куйчилари» мусиқий танловини ташкил этиш, унда:

¹ Тернер В. Символ и ритуал. — М., 1983.

– кенг халқ оммаси ичидан уч ёшдан бошлаб чекланмаган ёш оралиғида яккахон ёки хор жамоа бўлиб куйловчилар иштирокини таъминлаш;

– мамлакатимиз ва турли давлатларда яшаётган ҳар бир шахсга миллати ва фуқаролигидан қатъий назар, танловда якка ёки хор жамоа сифатида бевосита ёки онлайн иштирок этишига имкон яратиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, мафкуравий атрибут ва ритуалларга оид яна бир масала бу ижтимоий муносабатларда мурожаат учун илк боғловчи тушунчани ишлаб чиқиш ҳисобланади. Мазкур масалага ўз даврида кўплаб тарихий мафкуралар эътибор қаратган. Масалан, ислом мафкурасида мурожаат учун илк боғловчи тушунча бу «биродар» жумласи бўлса, коммунистик мафкурада бу «товариш» жумласидир.

Таъкидлаш керакки, Миллий истиқлол мафкурасининг амалиётида ҳозиргача юқорида келтирилган мафкуралардан фарқли ўлароқ, бундай тушунча ишлаб чиқилмай келинди. Бизнингча, ушбу муаммони бартараф этиш учун Янги Ўзбекистон мафкураси амалиётида ижтимоий муносабатларда илк боғловчи тушунча бўшлиғини «Ватандош» жумласи билан тўлдириш имконияти мавжуд. Бу жараён икки йўл билан амалга оширилади. Улар:

биринчидан, Туркия тажрибаси каби Ўзбекистонда ҳам фуқаро жумласи ўрнига қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар, паспортда Ўзбекистон ватандоши жумласини киритиш ва уни босқичма-босқич (паспортни алмаштириш муддати келган вақтда) алмаштириб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу ёндашув орқали кўп миллатли мамлакатимизда Ватан битта экани ва барча миллатлар Ўзбекистон Республикасининг ажралмас бир бўлаги тўғрисидаги ғоя ўзининг амалий исботини топади;

иккинчидан, «Ватандош» жумласини муомалага киритишда сарафан маркетинг методидан фойдаланиш зарур бўлади. Маълумки, сарафан маркетинг «оғзаки ёки ёзма рекламанинг бепул шакли бўлиб, унинг ёрдамида фойдаланувчи кенг халқ оммасига маълум бир маҳсулот ёки хизматни нима учун ёқтиришини айтади ёки ҳаракатларда номоён қилади. Сарафан

маркетинг – бу одамлар энг кўп ишонадиган реклама шакли бўлиб, унда маҳсулот ёки хизматни тавсия қилган шахснинг шахсий манфаати яққол кўзга ташланмайди»¹. Дарҳақиқат, ижтимоий рекламалар, кино ва театр асарлари, таълим муассасаларининг кундалик мулоқотида «Ватандош» жумласини қўллаш маъмурий эмас, мафкуравий йўл билан амалга оширилса, у мурожаат учун илк боғловчи тушунча сифатида ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини эгаллайди. Бу эса, миллати, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, юртимиз аҳолисини ягона Ватаннинг бир бўлаги эканига ишонтиради.

Таъкидлаш керакки, атрибут ва ритуаллар мафкуранинг кундалик «тили» ва «юзи» ҳисобланади. Уларсиз ҳар қандай мафкура тилсиз ва қиёфасиз бўлиб қолади. Шу маънода атрибут ва ритуаллар Янги Ўзбекистон мафкурасининг асосий таянчига айланиши, юқоридаги таҳлил ва таклифлардан ташқари, ушбу йўналишга оид янги илмий-тадқиқотлар асосида атрибут ва ритуалларини янада бойитиб бориши мақсадга мувофиқ бўлади.

Дарҳақиқат, мазкур параграфда кўтарилган Янги Ўзбекистон мафкурасини шакллантиришга оид бош ва асосий ғоялар, Янги Ўзбекистон мафкурасининг мафкуравий таянчи сифатида таклиф этилган дуализм таълимоти, ҳуқуқ, илм-фан, ислом дини ва ўзбек тили, таълим ва тиббиёт ҳамда мафкуравий атрибут ва ритуаллар масалаларининг ҳар бири алоҳида илмий тадқиқотга арзирли масалалар ҳисобланади. Шу боис ҳам ушбу параграфда тадқиқот ҳажми инобатга олинган ҳолда, уларнинг асосий мазмуни, мафкура билан диалектик алоқадорлиги ҳамда Янги Ўзбекистон мафкурасининг ҳаётда ўз аксини топишида уларнинг амалий аҳамияти илмий тадқиқ этилди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, хулоса қиладиган бўлсак, ушбу параграфда:

Биринчидан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев янги мафкурага оид қарашлари орқали «эзгулик, одамийлик ва гуманизм ғояси»га асосланган «миллий ва умуминсоний кадриятлар тарбияси»га қаратилган Янги Ўзбекистон мафкураси

¹ Сернович Э.Сарафанный маркетинг. Как умные компании заставляют о себе говорить / Перевод Т.Мамедова. – Манн, Иванов и Фербер, 2012. 240-с.

концепциясини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири экани эътиборга олинди;

Иккинчидан, Янги Ўзбекистон мафкураси концепциясини яратишда Миллий истиқлол мафкураси билан боғлиқ тарихий тажрибани инобатга олиш, Янги Ўзбекистон мафкурасини ижтимоий ҳаётдан узилиб қолишига йўл қўймаслик, унинг самарали фаолиятини ташкил этиш орқали «амалий мафкура» мақомига кўтаришга эришиш зурурлигига эътибор қаратилди;

Учинчидан, Янги Ўзбекистон мафкураси концепцияси учун бош ва асосий ғояларни шакллантиришга эҳтиёж мавжудлиги сабабли, ушбу параграфда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон стратегияси» номли методологик асарига таянилган ҳолда, «Янги Ўзбекистон ғояси» ҳамда «Илм-фан ва Учинчи Ренессанс ғояси», «Одамийлик ва ижтимоий давлат ғояси», «Қонунийлик ва адолат ғояси», «Тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш ғояси», «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт ғояси» илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилиб, мазмун ва мантиқ талаблари асосида Янги Ўзбекистон мафкураси концепцияси учун бош ва асосий ғоялар сифатида таклиф этилди;

Тўртинчидан, Миллий истиқлол мафкурасидан фарқли ўлароқ, Янги Ўзбекистон мафкурасини «амалий мафкура» мақомига кўтарилишида «фалсафа», «ҳуқуқ», «илм-фан», «ислом дини ва ўзбек тили», «таълим ва тиббиёт» ҳамда «мафкуравий атрибут ва ритуаллар» мафкуравий таянч йўналишлар сифатида белгиланиши лозимлиги илмий асослаб берилди;

Бешинчидан, Янги Ўзбекистон мафкураси устқурма сифатида дуализм таълимотига таяниши, ҳуқуқ соҳаси билан диалектик алоқадорликда ривожланиши ва шу орқали легитим мафкурага айланиши, илм-фанни тубдан ислоҳ этиш зарурлиги, мафкуравий амалиётда ислом дини ғояларига суяниш ҳамда ўзбек тилини ички ва ташқи томондан мавқеини ошириш зарурияти, таълим ва тиббиёт масаласида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда мафкуравий атрибут ва ритуалларнинг бутун бир жамланмасини яратиш зарурлиги

таҳлил этилиб, мазкур масалалар бўйича илмий асосланган хулосалар берилди.

Тўртинчи боб бўйича хулосалар

Мазкур бобдаги илмий изланишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, илмий изланиш натижасида «Мустақиллик, миллий ғояни қайта уйғониши ва такомиллашуви даври»нинг 2017 йилдан – ҳозирга қадар бўлган иккинчи босқичидаги мафкуравий жараёнларда:

– ташқи сиёсатда Ўзбекистон яқин ва узоқдаги ҳамкорларига шартсиз дўстлик қўлини чўзаётгани, қўшни давлатлар билан муносабатлар ўзининг янги босқичига кирганини;

– сиёсий бошқарувнинг асосий таянчи бўлган куч тизимлар фаолияти танқидий кўриб чиқилгани;

– сиёсий ёки мафкуравий мотивлар билан қамалган маҳбуслар қамоқдан озод қилиниб, диндорларнинг «қора рўйхат»лари тугатилгани;

– вазирлик ва давлат ташкилотлари фаолиятида оптималлашув бошлангани;

– ахборот эркинлиги амалда таъминлана бошгани, эркин журналистика ва блогерлик фаолияти оммалашиб, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар мафкуравий жараёнлар «ойнаси»га айлангани аниқланди;

Иккинчидан, ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги либераллашув натижасида айрим салбий ғоявий тенденциялар, яъни «пансоветизм», «диний фундаментализм», «сепаратизм» ва «истеъмомчилик мафкуриси» кабилар вужудга келаётгани аниқланди;

Учинчидан, ҳозирда мамлакатимиздаги мафкуравий жараёнлар фонида пансоветизм пропагандаси:

– умумий тил бирлиги (рус тили устуворлиги)ни сақлаш;
– иттифоқ давридаги сиёсий-мафкуравий байрамларни яқдилликда ўтказишга интилиш;

– иттифоқ даври тарихий хотирасини тиклаш ҳаракатларида номоён бўлаётгани ва унга қарши кураш йўллари илмий асосланди;

Тўртинчидан, ҳозирда жамиятимизда диний фундаментализм тенденцияси яна уйғонаётгани, бу жараён асосан ижтимоий тармоқларда «умумтаълим мактабларида «Эволюция назарияси»ни ўқитиш», «қадимчилар ва неожадидлар баҳси», «мактаб формаси ва унга қарши мулоҳазалар» каби масалалар шаклида номоён бўлаётгани тўғрисида илмий хулосалар берилди;

Бешинчидан, бугунги кунда жамиятимизда сепаратизм тенденциясининг фаоллашуви 2022 йил 1 ва 2 июль кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтган оммавий тартибсизликлар фонида кузатилгани, ушбу муаммонинг ечими сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрири лойиҳасидан 70 ва 74-моддалардаги «суверен» ва «референдум» жумлаларини олиб ташланиши яхши ечим экани, бироқ Қорақалпоғистондаги мураккаб вазият бартараф этиш заруриятидан келиб чиқиб, сепаратизм учун потенциал хавф, яъни юқоридаги нормалар билан боғлиқ ҳуқуқий «туйнук» бартараф этилмай қолингани илмий асосланди;

Олтинчидан, тадқиқот ишида мафкуравий жараёнларда кўзга ташланаётган тенденциялардан яна бири бу истеъмомчилик мафкураси экани аниқланиб, унга илмий таъриф берилди. Илмий изланишлар истеъмомчилик мафкурасининг глобал характерга эга эканини, унинг хавфли жиҳати чекланган ресурслар маконида чексиз эҳтиёжларни тарғиб этиши, у инсонни маънавий ривожлантиришдан кўра моддий эҳтиёжлар тобесига айлантириши, унга қарши иқтисодий, сиёсий ёки ҳуқуқий механизмлар билан курашиб бўлмаслиги, қарши курашда ноқонуний ва ахлоқсиз асосдаги истеъмомчиликка қарши туриш, қонун ва ахлоққа асосланган истеъмомчиликни рағбатлантириш муҳим ҳисобланишини кўрсатилди;

Еттинчидан, мазкур салбий ғоявий тенденциялар нафақат бугунги кундаги либераллашув шароити туфайли балки Миллий истиқлол мафкурасининг назарий ва амалий муаммолари сабабли ҳам юзага келгани, эндиликда, ушбу хавф-хатарлар

Ўзининг мақбул доирасидан четга чиқиб, бевосита таҳдидга айланмасидан аввал, мафкуравий ишни тубдан такомиллаштириш, назарий ва амалий жиҳатдан латент бўлган ва ижтимоий ҳаёт билан кучли боғланган мафкурани яратиш лозимлиги илмий асосланди;

Саккизинчидан, тадқиқот жараёнида янгиланаётган жамиятмиз учун «Янги Ўзбекистон» мафкурасининг зарурлиги тўғрисидаги фикрлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилгани аниқланиб, 2021 йилда Ш.Мирзиёев томонидан яратилган «Янги Ўзбекистон стратегияси» асари янги мафкурани шакллантиришга асос бўладиган методологик манба сифатида илмий таҳлил этилди;

Тўққизинчидан, тадқиқот давомида Янги Ўзбекистон мафкурасининг структураси: бош ва асосий ғоялари, мафкуравий таянч йўналишлари бўйича илмий изланишлар амалга оширилди. Унга кўра, Янги Ўзбекистон мафкураси учун «Янги Ўзбекистон ғояси»ни бош ғоя ҳамда «Илм-фан ва Учинчи Ренессанс ғояси», «Одамийлик ва ижтимоий давлат ғояси», «Қонунийлик ва адолат ғояси», «Тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш ғояси», «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт ғояси»ни асосий ғоялар сифатида белгилаш ва шулар асосида янги мафкура концепциясини яратиш таклифи берилди;

Ўнинчидан, мазкур бобда Янги Ўзбекистон мафкурасини «амалий мафкура» мақомига кўтариш, бунинг учун мафкура назарияси ва амалиётида «фалсафа», «ҳуқуқ», «илм-фан», «ислом дини ва ўзбек тили», «таълим ва тиббиёт» ҳамда «мафкуравий атрибут ва ритуаллар»ни мафкуравий таянч йўналишлар сифатида белгилаш таклифи илгари сурилди.

ХУЛОСА

Мазкур монографияда ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар трансформацияси ҳамда янгиланаётган жамиятимиздаги замонавий мафкуравий тенденцияларига оид илмий изланишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Инсоният тарихида цивилизацияларнинг вужудга келиши, барқарор ривожланиш ёки таназулнинг туб моҳияти ғоя ва мафкура аталмиш ижтимоий онг маҳсулига бориб тақалади. Муаллифлик таърифимизга кўра, ғоя бу *«ижтимоий характер ва манфаатни ифодаловчи, ўз даври учун янги ва долзарб бўлган, инсон руҳиятига кучли таъсир этадиган тафаккур маҳсули»*, мафкура эса, *«муайян ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг дунёқарашини ифодаладиган илмий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий ёки бошқа (масалан, диний) томондан тизимга солинган гоялар, тамойил ва категориялар йиғиндисидан ҳамда уларни жамият ҳаётига татбиқ этиш йўллари, усул ва воситалари мажмуаси»* ҳисобланади;

2. Жаҳон тараққиётида ҳар бир жамият ривожидан билан параллел равишда мафкуралар трансформацияси ҳам юз бериб боради. Мафкуравий трансформация прогрессив ёки регрессив шаклда бўлади. Прогрессив трансформацияда *муайян ҳудуддаги гегемон мафкура ташқаридан кириб келган моҳияти яқин келадиган янги гоялардан озуқа сифатида фойдаланади. Бу жараён, одатда, латент (яширин, сезиларсиз) шаклда амалга ошади ва натижада гегемон мафкура ўз мавқеини сақлаб қолади ҳамда мазмун ва таъсир ҳудудини янада кенгайтириб боради. Регрессив трансформация гоявий революция шаклда амалга ошади, унинг натижасида муайян ҳудуддаги гегемон мафкура ташқаридан кириб келган мафкура томонидан мутлақ инкор этилади ва бутунлай янги гоявий сфера юзага келтирилади;*

3. Ўзбек халқи тараққиётида мафкуравий жараёнлар эволюциясида беш босқичда мафкуралар трансформацияси амалга ошгани аниқланди ва улар қуйидагича даврийлаштирилди:

1) Илк ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг вужудга келиш даври (милоддан аввалги 100 – 1 минг йилларгача);

2) Миллий хусусият ва миллий ғоянинг шаклланиш даври (милоддан аввалги 1-минг йиллик бошлари – милодий VIII асрларгача);

3) Ислом дини ва мафкурасининг кириб келиши ҳамда ривожланиш даври (VIII аср бошларидан – XIX аср ўрталаригача);

4) Мустамлакачилик, коммунистик ва атеистик мафкуранинг кириб келиши ва ҳукмронлиги даври (XIX аср ўрталаридан – 1990 йилларга қадар);

5) Мустақиллик, миллий ғоянинг қайта уйғониши ва такомиллашуви даври (1991 йилдан – ҳозирга қадар).

4. Халқимиз тараққиётида илк мафкуравий қарашларнинг бошланғич нуқтаси ўрта палеолит (милоддан аввалги 100 – 40 минг йиллар)га тааллуқли «Тешиктош одами»нинг дафн этилиши билан боғлиқлиги тўғрисида илмий фараз яратилди ва мазкур даврдаги мафкуравий қарашлар, асосан, тотемизм, анимизм ва фетишизм шаклида бўлгани, улар назарияда мифологик дунёқарашга, амалиётда эса «табу»ларга таянгани аниқланди;

5. Мафкуравий жараёнлар трансформациясининг иккинчи – «Миллий хусусият ва миллий ғоянинг шаклланиш даври»да суғорма деҳқончилик тарғиботи устувор бўлган Зардуштийлик ғоялари таъсирида халқимизда «кучли сабр-тоқат»; кўчманчи ва чорвадорлик турмуш тарзига асосланган Шомонийлик (Кўк-Тангри) мафкураси таъсирида эса «жанговарлик руҳияти» миллий хусусият сифатида қарор топгани тўғрисидаги илмий фараз илгари сурилди. Ундан ташқари, ушбу даврдаги мафкуравий жараёнларда эллинистик, христианлик, буддавийлик ва монийлик ғояларининг ҳам мавжуд бўлгани, халқимиз тарихида милодий VIII асргача ҳеч қайси мафкура монопол даражада ўрнатилмаган, – деган илмий хулосага олиб келди;

6. Халқимизнинг мафкуравий жараёнлар тарихида мафкуравий монополлашув VIII аср бошларида – ислом дини ва мафкурасининг кириб келиши билан боғлиқлиги аниқланиб, ушбу жараёнда ғоялар хилма-хиллигига чек қўйилгани ва ҳукмрон мафкура учун ташқи рақобатчи мафкура қолмагач, IX

асрларга келиб, ички ғоявий кураш (мутазилий ва мутакаллим ҳамда тасаввуф)ни юзага келтирганини кўрсатди. Ислом ғояларни тушуниш ва тарғиб этишда айрим тасаввуф тариқатлари мазмунида иррационаллик ҳамда эгоистик-аскетизм, айримларида эса, жидду жаҳд ва дунёвийлик ғоялари устувор бўлгани аниқланиб, «эгоистик-аскетизм ғоялари – инкирозга, жидду жаҳд ва дунёвийлик ғоялари – тараққиётга» олиб боришини кўрсатувчи ижтимоий қонуният тўғрисида илмий фараз илгари сурилди;

7. Тадқиқот ишида мафкуравий амалиётда «ўртача эллик йил» муддати ўзига хос хусусусиятга эга эканига эътибор қаратилди. Жумладан, зоҳидлик, таркидунёчилик ғояларини устувор бўлган Яссавия (Аҳмад Яссавий, 1041-1167) тариқатини Моварауннаҳрда ёйилишидан ўртача эллик йил ўтиб, Хоразмшоҳлар давлатини мўғуллар томонидан (Чингизхон 1219 йил юриш бошлаган) босиб олинishi, жидду жаҳд ва дунёвийлик ғояларига урғу берилган Накшбандия (Баҳовуддин Накшбанд (1318-1389) тариқати ёйилишидан ўртача эллик йил ўтиб, Амир Темур ва Темурийлар ҳаракати натижасида Моваруннаҳрда кучли марказлашган давлатнинг вужудга келиши «ўртача 50 йиллик тарғибот – мафкуранинг натижадорлик муддати» – деган илмий хулосани илгари суришимизга асос бўлди;

8. Мафкуравий жараёнлар тарихининг маълум даврларида иррационаллик ва эгоистик-аскетизмнинг устувор бўлганлиги XIX аср ўрталарига келиб Россия империяси томонидан Туркистонни босиб олиш учун қулай вазият вужудга келтирганини кўрсатди. Россия империяси мустамлакачилигининг «христианча рус цивилизацияси» тарғиботи бошлангандан (бу ўринда ҳам юқоридаги илмий хулоса ўз тасдиғини топиб) «ўртача эллик йил» ўтиб, Жадидчилик ҳаракати вужудга келди. Ўз вақтида Жадидлар икки ғоявий фронтда, яъни биринчиси – иррационализм ва эгоистик-аскетизм мазмунидаги ғоявий фронтда ҳамда иккинчиси – мустамлакачиларнинг христианча рус маданияти тарғиботига асосланган ғоявий фронтларда кураш олиб боришгани кузатилди;

9. XX аср бошларидаги Миллий уйғониш ҳамда Чор Россиясининг марказий ҳудудларида авж олган ғоявий кураш уни бутунлай тугатилишига олиб келди ҳамда унинг меросига мафкура масаласида янада тажовузкор бўлган большевиклар ҳукумати эга чиқди. Большевиклар назарияда социалистик таълимотларга таянди. К.Маркс ва Ф.Энгельс асарлари коммунистик мафкура учун илмий-фалсафий манба бўлди. Амалиётида эса, «мутлақ ҳақиқат» даъвоси илгари сурилди ва ғоявий маслакдош бўлмаганлар таъқиб қилинди. Мафкура ишига комплекс ёндашув ва мафкуравий тарғиботда ўз даврининг барча инновацияларидан кенг фойдаланилиши натижаси ўлароқ, коммунистик мафкура улкан географик ҳудудда қисқа муддатга бўлса-да, ягона мафкуравий сферани ярата олди;

10. XX аср охирларига келиб, коммунистик мафкуранинг ижтимоий ҳаётда ўз амалий исботини топиши табора қийинлашиб борди. Бунга коммунистик мафкурада:

– «мутлақ ҳақиқат» даъвоси илгари сурилгани ва шу позиция унинг назарий ва амалий ривожланиш йўлларини тўсиб қўйгани;

– миллат омили ҳисобга олинмагани, Иттифоқ ҳудудидаги кўп сонли миллатларнинг тили, тарихи ва маданияти оёқ ости қилиниб, байналмилаллик ғояси фониди рус тили ва маданияти тарғиб этилгани ва бунинг натижасида аксарият миллатларда ўз-ўзини асраш инстинкти кучайиб боргани;

– узоқ тарихий тажриба ва катта аудиторияга эга диний мафкуралар бутунлай инкор этилгани, натижада танлов имконияти пайдо бўлиши билан кенг халқ оммаси яна диний илдизларига қайта бошлагани;

– назарий жиҳатдан кенг халқ оммаси: ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар мафкураси бўлиб кўрингани, амалда эса уларнинг турмуш шароитлари яхшиламангани сабаб бўлди.

11. Коммунистик мафкуранинг ижтимоий ҳаётда ўз исботини топмагани юртимиз ҳудудида узоқ йиллар бостириб келинган миллий ғоя феноменини қайта уйғонишига олиб келди. Миллий ғоя халқимизнинг қарийб уч минг йиллик тараққиётида фақат диний асослар билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келгани боис, мустақилликнинг дастлабки йилларида уни дунёвий асосларда шакллантириш учун тарихий, ижтимоий-сиёсий тажриба

етишмади. Мазкур ҳолат ижтимоий ҳаракат ва сиёсий партиялар фаолиятида радикал муҳолифат ҳамда диний-экстремистик мафкуралар фаолияти юзага келишида кўринди;

12. Мустақиллик йилларида ғоявий бўшлиқни тўлдириш мақсадида ҳукумат томонидан Миллий истиқлол мафкураси назарий ва амалий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Бунинг натижасида мафкуравий жараёнлар нисбатан барқарорлашган бўлса-да, бироқ мафкуравий ишдаги назарий ва амалий камчиликлар сабаб, жамиятда интенсификация ва экстенсив шаклдаги мафкуравий таҳдидларнинг мавжудлиги сақланиб қолаверди;

13. 2017 йилдан бошлаб юртимиздаги мафкуравий сферада катта ўзгаришлар юз берди. Очиқлик сиёсати ва либераллашув сабаб ғоявий плюрализм амалда таъминлана бошланди. Бироқ мазкур ўзгаришлар ва Миллий истиқлол мафкурасининг ҳаётда ўз аксини топмагани ушбу даврда «пансоветизм», «диний фундаментализм», «сепаратизм» ва «истеъмолчилик мафкураси» каби салбий ғоявий тенденцияларни юзага келтирди;

14. Мазкур даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан янгиланаётган жамиятимиз учун «Янги Ўзбекистон» мафкурасини яратиш тўғрисида фикр илгари сурилди. Тадқиқот ишида ушбу методологик фикрга таянилган ҳолда Янги Ўзбекистон мафкураси учун «Янги Ўзбекистон ғояси»ни бош ғоя ҳамда «Илм-фан ва Учинчи Ренессанс ғояси», «Одавийлик ва ижтимоий давлат ғояси», «Қонунийлик ва адолат ғояси», «Тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш ғояси», «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт ғояси»ни асосий ғоялар сифатида белгилаш ва шулар асосида янги мафкура концепциясини яратиш бўйича илмий хулосалар берилди.

Мазкур тадқиқот иши натижасида аниқланган муаммолар ва уларни ечимига қаратилган ёндашувлар қуйидаги тавсияларга эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатди:

– Янги Ўзбекистон мафкурасининг назария ва амалиётида фалсафий базис сифатида дуализм таълимотига таяниш;

– мафкура ва ҳуқуқ соҳалари ўртасида диалектик алоқадорликни ўрнатиш орқали Янги Ўзбекистон мафкурасини легитим мафкурага айлантириш;

– илм-фанни тубдан ислоҳ этиш ҳамда уни мафкура билан синхрон ҳаракатини таъминлаш орқали Учинчи Ренессансни юзага келтириш;

– мафкуравий амалиётда ислом динининг ғоя ва кадриятларига суяниш;

– ўзбек тилининг нафақат давлат тили, балки сиёсат, илм-фан, бизнес ҳамда интернет тили даражаларига кўтаришга эришиш;

– таълим ва тиббиёт соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш;

– Янги Ўзбекистон мафкураси учун мос келадиган (давлат байроғи, давлат мадҳияси, ижтимоий муносабатларда илк боғловчи тушунча каби) масалалар билан боғлиқ мафкуравий атрибут ва ритуалларни яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/21/671/0093-сон.
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюция, Инсон ҳуқуқлари кенгаши, 2006 йил 3 апрел, 9 банд (A/RES/60/251).
3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг (CESCR) 22-сонли Умумий изоҳи (23-банд), 2016 йил май.
4. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси, Ўзбекистоннинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактни бажаришига бағишланган бешинчи даврий ҳисоботига якуний шарҳлар, 2020 йил 1 май. CCPR/C/UZB/CO/5, 10-11-бандлар.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги 337-И-сон Қонуни (1996 йил 26 декабрь) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 йил, 03/21/683/0375-сон.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги 167-И-сон Қонуни (янги таҳрири). (1995 йил 21 декабрь) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 йил, 03/21/683/0375-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.08.2021 йил, 03/21/711/0825-сон.
8. Собиқ СССРнинг 1990 йил 14 мартдаги Н 1360-И «СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ва СССР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни // <http://constitution.garant.ru/history/ussr-rsfsr/1977/zakony/185465/>.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 апрелдаги «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, 6-сон, 169-модда.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий

ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ПҚ – 451-сон Қарори // <https://lex.uz/docs/1354503>.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурини яратиш ва Республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги ПФ–1331-сон Фармойиши // Г. Маърифат. – Тошкент, 20.01.2001.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ – 6084-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.10.2020 йил, 06/20/6084/1398-сон.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ – 6255-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.07.2021 йил, 06/21/6255/0638-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 июндаги «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 288-сон Қарори // <https://lex.uz/docs/735209>.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълим муассасаларида «тарбия» фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 422-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 07.07.2020 йил, 09/20/422/1033-сон.

16. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Ж.1. 364-б.

17. И.А.Каримов. Демократия – бош йўлимиз. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 8-б.

18. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Ж.7. 298-б.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 6-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 42-б.

20. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998, 11-б.

21. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. Ж.8. 176-б.

22. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Тошкент: Ўзбекистон. 2006. 14-жилд.

23. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. 113-б.

24. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O‘zbekiston, 2021 йил. 464-б.

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. 80-б.

26. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи // <http://www.uz.uz>. 15.06.2017.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <https://xs.uz/uz> (мурожаат қилинган сана 2020 йил 23 сентябрь).

28. «Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади» Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 19 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. <https://xs.uz> (мурожаат қилинган сана 2021 йил 11 февраль).

29. Авесто. – Тошкент: Шарқ, 2001. 358-б.

30. Аристотелевская метафизика. <http://rushist.com/index.php/philosophical-articles/2425-filosofiya-aristotelya-kratko#c1>

31. A propos des dix premiers noms de nombre en sogdien bouddhique // MSL. – 1911. – t. 17. – P. 23–34.

32. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1968. Ж.1. – Б. 72-84.
33. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / А. Расулов тарж. Танланган асарлар.– Тошкент: Фан, 1968. Ж.1. – Б. 242–243.
34. Абул Қосим ибн Ҳавқал ан-Насибий. Китаб сурат ал-арз. – Лондон: Брилл, 1939. 465-б.
35. Аҳмад Роиф. Атлас тарих ал-ислам. – Қоҳира: Дар аз-захро ли ал-иълам ал-арабий, 1987. 131-б.
36. Абул Ҳасан Балозурий. Футуҳ ал-Булдон. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1991. 420-б.
37. Азизиддин Насафий. Зубдат ул-хақойиқ. –Тошкент: 1995. 5-б.
38. Абу Фидо Исмоил ибн Касир. Ал-Бидая ва ан-нихая. Ж.9. – Байрут: Дар ихя ат-турос ал-арабий, 1997. 142-б.
39. Абу Фидо Исмоил ибн Касир. Ал-Бидая ва ан-нихая. Ж.9. – Байрут: Дар ихя ал-маърифа, 1998. 223-б.
40. Аҳмад ал-Яъқубий. Ал-Булдон. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 2002. – Б. 133-134.
41. Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. – Тошкент: Шарқ, 2003. 53-б.
42. Абдуллаева М.Н. ва бошқ. Фалсафа: изоҳли луғат. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. 136-б.
43. Антуан Дестют де Траси. Основы идеологии. – М.: Альма Матер, 2013. 334-с.
44. Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Биз ким, ўзбеклар. – Тошкент: Шарқ, 2011. 150-б.
45. Азимов М. Исломда сабр. <https://muslimun.uz/iclomda-sabr/>.
46. Ахунжанов Э.А. Письменная культура Средней Азии (древняя и раннесредневековая история письменности и книги Средней Азии). – Ташкент: Изд-во им. А.Кадыри, 2000. 57-с.
47. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 67-90.
48. Абдирашидов З. Исмоил Гаспринский ва Туркистонда жаидчилик. Марказий Осиёни тадқиқ қилиш Француз

Институти, «ИФЕАКнинг иш хужжатлари» серияси, 2008. 299-сон.

49. Агзамходжаев С. Туркистон Мухторияти: борьба за свободу и независимость (1917-1918 гг.) - Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Тошкент: 1996 г. 29-с.

50. Алимжанов Б. Мафкура аслида нима. <https://ishonch.uz/archives/5746>

51. Архив. Савицкийнинг шахсий фонди. Рус мактаблари нега керак. <https://aniq.uz/yangiliklar/rus-maktablari-nega-kerak-2-qism>.

52. Агитатор ва сиёсий ахборотчининг қисқача луғат-справочниги. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. 44-б.

53. Ал-Ислох журнали. // 1915 йил, 24-сон.

54. Бартольд В. Туркестан в эпоху мангольского нашествия. Том 1,2. Пб: 1900.

55. Brown A.J. The mastery of the Far East. – New York: 1921.p. 471.

56. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Ленинград: Издательство Академии наук СССР, 1927, – С.136-137.

57. Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 гг.). – М.: АПН, 1961. 45-с.

58. Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. – М.: 1965.

59. Брагинский И.С. Иранское литературное наследие. – М.: Наука, 1984. 106-с.

60. Баходиров Р.М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан // Масъул муҳаррир М.М. Хайруллаев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 63-б.

61. Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг илк тангалари // *Moziydan sado*. 2007. – № 1 (33). – Б. 24–25.

62. Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VII-VIII вв.). – Ташкент. 2007. – С. 34-35.

63. Бетгер Е.К. Извлечение из книги «Пути и страны» Абул Касыма ибн Хаукаля. 18-с.

64. Blattberg Charles «Political Philosophies and Political Ideologies», in *Patriotic Elaborations: Essays in Practical Philosophy*, Monreal and Kingston: McGill-Queen's University Press, 2009.

65. Бёме Я. Ҳақиқат манзаралари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. 250-б.
66. Бекмуродов М. Мафкуравий зомби қилиш механизми. // Г. Маърифат. – Тошкент : 2007 йил 2 июнь.
67. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. – Тошкент: Ко'ҳи-нур, 2011. 95-б.
68. Большая Советская Энциклопедия. № 12. – М.: Издательство «Советская Энциклопедия», 1973. 599-с.
69. Большая Советская Энциклопедия. № 19. – М.: Издательство «Советская Энциклопедия», 1975. 544-с.
70. Б.Очилова, С.Абдурахмонов. Ҳозирги давр: геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсат. – Тошкент: Фан. 2009. 32-б.
71. Блум У. Смертоносный экспорт Америки – демократия. Правда о внешней политике США и многом другом / пер. с англ. – М.: Кучково поле, 2014. 272-с.
72. Бўронов Ш. Ноқонуний ҳаракатлардан тийилиш зарур. <https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/34073/>.
73. «Бизга «Анна Каренина»ни ўқитишдан мақсадингиз не?» Ёхуд «маънавият» бизни не кўйларга солди? <https://zarnews.uz/post/bizga-anna-kareninani-oqitishdan-maqsadingiz-ne-yoxud-manaviyat-bizni-ne-koylarga-soldi>.
74. Владимир Ленин. Полное собрание сочинений в 55 томах. – Москва-Ленинград: Издательство политической литературы, 1963. Т.6. 269-с.
75. Windengren G. Die religionen Iran. – Stuttgart, 1965. 326-с.
76. Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Очерки истории / Под ред. С.Л. Тихвинского, Б.А. Литвинского. – М., 1988. – С. 28–43, 67–72.
77. Walford G. Beyond Politics / An Outline of Systematic Ideology. Проверено 27 июня 2013. Архивировано из первоисточника 1 июля 2013.
78. Walsby Harold. The Domain of Ideologies / A Study of the Development and Structure of Ideologies. Проверено 27 июня 2013. Архивировано из первоисточника 1 июля 2013.
79. Г.Лебон. Психология народов и масс. СПб., 1896. 159-с.
80. Гетманова А. Д. Учебник по логике. – М.: Владос, 1995. 51-с.

- 81.Гладуэлл М. Зукколар ва ландавурлар. Ниҳол нашрети, – Тошкент: 2019. 206-б.
- 82.Gauthiot R. Une version sogdienne du Vessantara Jātaka // JA. 1912. – ser. 10. – t. 19. – P. 13-46.
- 83.Гафуров Б.Г. Таджики. Кн 1. 218-с.
- 84.Газеты «Туркестан», 15 октября 1910 г.
- 85.Дворкин А.Л. Сектоведение. - Нижний Новгород, 2002. 66-с.
- 86.Доктор Шавкий Абу Халил .Фатҳ Самарқанд. – Байрут: Дар ал-фикр ал-муъасир, 2004. – Б. 101-104
- 87.Диншунослик. – Тошкент: Меҳнат нашр. 2004. 23-б.
- 88.Даминов И. Баркамол авлод тарбиясида Мотрудия таълимотининг аҳамияти. – Тошкент: Sano-standart нашр, 2015. 22-б.
- 89.Джураев Д.У. Туркистон анъанавий мактаблари фаолияти тарихидан (XIX аср иккинчи ярми). Замонавий таълим / Современное образование 2017 йил, 7-сон. 20-б.
- 90.Дуализм. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-d/dualizm-uz/>
- 91.Дин ишлари бўйича кўмитанинг ягона мактаб формаси ҳақида фикри. <https://religions.uz/news/detail?id=938>
- 92.Егише. О Вардане и войне армянской / История. Пер. Шаншиева. – Тифлис, 1853. 79-с.
- 93.Ёкут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-Булдон. Ж.5. – Байрут: Дар Байрут, 1984. – Б. 45-47.
- 94.Жижек С. Возвышенный Объект Идеологии. – М.: Художественный журнал, 1999. – ISBN 5-901116-01-1. 52-с.
- 95.Жуманиёзов Х.С. Мустақиллик ва миллий ривожланишнинг маънавий-мафкуравий салоҳиятини шакллантириш муаммолари. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. – Тошкент: 2000.
- 96.Жаҳон динлари тарихи. / Масъул муҳаррир: М.М.Хайруллаев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 117-б.
- 97.Жахирин В. Спасибо революциям // Евразия журналы. 2005 г. декабрь, 54-с.
- 98.Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. 48-б.

99. Жўраева Н. Ўзбекистонда хотин-қизларга муносабат (XX асрнинг 20-80 йиллари мисолида). – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2013.

100. Жўраев Т., С.Акобиров. Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик. – Тошкент: Академия, 2007. 52-б.

101. Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири - XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент: 2019. 24-б.

102. Жалилов Б. Ўзбек, рус ва инглиз тиллардаги прецедент номлар таҳлили. Ўз МУ хабарлари журнали. 2020. 1/1 сони, 227-б.

103. Зиёев Х. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи: (Милоддан олдинги асрлардан то 1991 йил 31 августгача). – Тошкент: Шарқ, 2001. 135-б.

104. Заратсой расмлари. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-z/zarautsoy-rasmlari-uz/>

105. За дальнейшее укрепление КП (б) Узбекистана. (Речи т.т. Лепа и Фролова на III пленуме ЦК КП (б) Уз (5-19/X-31г.) – Тошкент: УзГИЗ. 1931. 9-с.

106. Ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ат-Табарий. – Ар-Риёд: Байт ал-афкар ад-давлия, 2005. 695-б.

107. Ислом. Энциклопедия. – Тошкент: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. 117-б.

108. Ивин А.А., Никифоров А.Л. Словарь по логике. ISBN 5-691-00099-3

109. Иванова М.В. Идеология потребительства как феномен современного либерально-демократического общества. Вестник ЧитГУ. № 4 (49) 2008.

110. Кызласов Л.Р. Символ креста у манихеев и сакральное пространство города Суяба на реке Чу // Вестник МГУ. История. – 2006. – сер. 8. – № 2. – С. 138–150.

111. К открытию памятника генерал-адъютанта К.П. фон Кауфман как устроителя Туркестанского края. Ташкент, 1913 г. – С. 67-71.

112. Константинов Ф. Современные проблемы философии и задачи философской общественности. «Вопросы философии» 1972. №1. 35-с.

113. Кондаков Н. И. Логический словарь-справочник. – М.: Наука, 1975. 248-с.

114. Купер Р. Постмодерновое государство и мировой порядок. // Полис № 6. 1998. 40-с.

115. Кызласов Л.Р. Городская цивилизация Срединной и Северной Азии. Исторические и археологические исследования. // М.: «Восточная литература», 2006. – С. 314-322.

116. Конь Р.М. Введение в сектоведение. Нижегородская Духовная семинария, 2008. 496-с.

117. Каримов И. Имон ва Маслак тарихи. – Тошкент: Янги нашр. 2010.

118. Комилжон Раҳимов. Абу Бакр Калободий – йирик тасаввуф назариётчиси // Нақшбандия, 2016. №1. 24-б.

119. Луконин В.Г. Культура сасанидского Ирана / Иран в III-IV вв. Очерки по истории культуры. – М.: ИВЛ, 1969. – С. 74-81.

120. Лившиц В.А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика. 131-с.

121. Le surta du religieux angles – longs // MSL, 1912. - t. 17. – P. 9-14;

122. Лунин Б.В. 20-30 йилларда шарқшуносликка доир тадқиқотларнинг ҳолати ва ривожланиши // XX аср дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик очерклари). II қисм. – Тошкент: 1994. 303-б.

123. Литвинский Б.А. Буддизм и буддийская культура Центральной Азии (древность) // Московское востоковедение. Очерки, исследования, разработки. – М., 1997. – С. 57-59.

124. Litvinsky V. Die Geschichte des Buddhismus in Ost-Turkestan. – Wiesbaden, 1999. – С. 37-39.

125. Левинтин Л. Ўзбекистон туб бурилиш палласида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 179-б.

126. Mingana A. The Early Spread of Christianity in Central Asia and the Far East A New Document // Bulletin of the John Rylands Library. – Manchester, 1925. – vol. 9. – pt. 2. – P. 301.

127. Маркс К. Энгельс Ф. Соч. Т. 3, – М.: 1955. 25-с.

128. Мўминов И. Танланган асарлар. 1-том. – Тошкент: 1969.
129. М. Мацаберидзе. «Революция роз» и страны Южного Кавказа // Центральная Азия и Кавказ, № 2 (38). 2005. – С. 11-12.
130. Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт курилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. – Т.: Маънавият, 2007. 10-б.
131. Minar David. Ideology and Political Behavior (англ.). Проверено 27 июня 2013. Архивировано из первоисточника 1 июля 2013.
132. Mullins Willard. The Concept of Ideology: An Analysis and Evaluation (англ.). Проверено 27 июня 2013.
133. Маматкулов Д. Конституциявий ўзгаришлар жараёнида оилавий муносабатлар масаласи. puz.uz. сайти. – Тошкент: (мурожаат қилинган сана: 24.06.2022).
134. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик / Н.Т.Исмоилов, Ў.Х.Мухамедов, А.С.Турсунов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. 340-б.
135. Муқимов Ё. Фитна назарияси чинга ўхшайди... <https://azon.uz/content/views/fitna-nazariyasi-chinga-uhshaydi>
136. Мукерджи Ч., Шадсон М. Новый взгляд на поп-культуру. №3.101-с.
137. Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад – Ибн ал-Имроний ал-Хоразмий. Ал-Анба’ фи тарих ал-хулафа’. – Қоҳира: Дар ал-афақ ал-арабия, 1999. – Б. 50-51.
138. Можид ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳасан. Сиясат Умар ибн Абдулазиз ал-қазоия. – Ар-Риёд: Марказ Ал-Малик ли ал-буҳус ва ад-дирасат ал-исламия, 2011. – Б. 35, 37, 39, 47.
139. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
140. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.
141. Марказий Осиёда динлар тарихи ва диний бағрикенглик. <https://bugun.uz/2021/11/12/markaziy-osiyoda-dinlar-tarixi-va-diniy-bagrikenglik/>
142. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.

143. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Тошкент: Академия, 2007.

144. Миллий истиқлол ғояси асосий тушунчалар, атамалар ва тамойиллар (қисқача изоҳли тажрибавий) луғат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002.

145. Миллий истиқлол ғояси асосий тушунчалар, атамалар ва тамойиллар (қисқача изоҳли тажрибавий) луғат. – Тошкент: Файласуфлар миллий жамияти, 2002. 73-б.

146. Маматов О.В. Мустақиллик мафкурасини шаклланишида воририйлик муаммоси. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. – Тошкент: 2002.

147. Мусаев Ф.А. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. Фалсафа фан...док. дисс. – Тошкент: 2008. 86-б.

148. Муҳторов А. Миллий ғоя тақомилида эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги. Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. – Тошкент: 2011. –37-б.

149. Мусаев М.Т. Глобаллашув шароитида миссионерлик ва прозелитизмнинг жамият ҳавфсизлигига таҳдиди. Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация. – Тошкент: 2018. 80-б.

150. Маллаева Э.М. Фуқароларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг мафкуравий омиллари. Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация. – Тошкент: 2020. – 41-б.

151. Маҳмудхўжа Бехбудий. «Бизни кемиргувчи иллатлар» мақоласи, «Ойина» журнали, 1915 йил. <https://oyina.uz/kiril/teahause/381>.

152. Мысль. <https://www.psychologos.ru/articles/view/mysl>.

153. «Мусаффо осмон» эффеќти: таниқли ҳажвчилар нега узр сўрашди?» <https://www.xabar.uz/huquq/musaffo-osmon-effekti>.

154. Мактаб формаси ва сиёсат. <https://www.xabar.uz/jamiyat/maktab-formasi>.

155. Мактаб формаси ва рўмол: унинг ўртасидаги чегара қаерда? <https://tarjumon.uz/maktab-formasi-va-rumol-uning-urtasidagi-chegara-%D2%9Baerda/>.

156. Мубашшир Аҳмад: «Ҳамма хато қилади, ҳатто «неожадидлар» ҳам» <https://azon.uz/content/views/mubashshir-ahmad-hamma-hato-qiladi-hatto>.

157. Н. Остроумов. «Сборник Кауфмана», – М. 1910. 68-с.

158. Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Камалак, 1991. 123-б.

159. Най Дж. Гибкая власть. Как добиться успеха в мировой политике. Пер. с англ. – Новосибирск/Москва, 2006. – С. 30-32.

160. Назаров Қ. ва бошқалар. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2007. 643-б.

161. Норлиев Р.И. Миллий тараққиёт ва маънавий юксалишнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсир хусусиятлари. Автореферат. фалсафа фан. ном. дисс. – Тошкент: 2011. 10-б.

162. Назаров Қ. Мафкура. Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. – Тошкент: 2014. 104-б.

163. Н. Комилов. Тасаввуф ва бадий ижод. // Ёшлик, 1997. №8. 73-б.

164. Новейший философский словарь. – М.: Наука, 1999. 256-с.

165. Неожадидлик ҳақида. <https://funcliptv.com/play/video/jamshid-muslim-64w2r3a433v465z4h3n4d4.html>

166. Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 135-б.

167. Очилдиев А. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. – Тошкент: Ижод дунёси, 2002. 31-б.

168. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Тошкент: Муҳаррир. 2009. 48-б.

169. Одилқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. 238-б.

170. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Монография. – Тошкент: Art-flex, 2010. 50-бет.

171. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий ҳавфсизлик. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. 297-б.

172. Платон. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-p/platon-uz/>; Мир идей и мир вещей у Платона. <http://rushist.com/index.php/philosophical-articles/2214-mir-idej-i-mir-veshchej-u-platona>

173. Пахрутдинов Ш. Таҳдид – халокатли куч. – Тошкент: Академия, 2001. 66-бет.
174. Пахрутдинов Ш. Барқарор тараққиёт ва раҳбар масъулияти. – Тошкент: Академия, 2011. 113-б.
175. Пахрутдинов Ш., Саидолимов С., Маматкулов Д. Миллий ғоя ва маънавият асослари. – Тошкент: Тафаккур, 2017. 174-б.
176. Проект отчёта К.П.Кауфмана за 1867-1881 гг. С-Пб., 1885. – С. 242-243.
177. Радлов В.В. Атлас древней Монголии. – СПб., 1892-1899 // Тр. Орхонской эксп. – Вып. 1-4. – Табл. XVII.
178. Россия: опыт национально-государственной идеологии. Под ред. И.А.Ильина. – М., 1994. 15-с.
179. Райзберг Б.А. Современный социоэкономический словарь. – М., 2012. 171-с.
180. Рахманов Н.А. Орхоно-Енисейские памятники и тюркские эпосы: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент: 1991. 22-с.
181. Раҳмонов Т. «Маданий инқилоб»: Бухорои шарифга юриш // Фан ва турмуш, 1993. № 3. – Б. 22-25.
182. Раимкулов А. Подземные культовые сооружения христиан Средней Азии // Қадимги Қарши. Ўрта Осиё шаҳарсозлиги ва маданияти тарихи. – Қарши: Насаф, 1999. – Б. 8–10.
183. Религиозные лидеры России высказались о разнице между проповедью и прозелитизмом // Мир религий. <http://www.religio.ru/news>.
184. Равшанов Ф. Миллий маънавиятга таҳдидлар. – Тошкент: Маънавият, 2013. 19-б.
185. Рашидов О. Туркистон ўлкасини бошқаришда миллий зиёлилар ва большевикларнинг кураши. «Тамаддун нур» журнали, 2021 йил 1-2-сон (30), 25-б.
186. Рус тилига расмий мақом бериш бўйича мунозаралар юзасидан: «Инсонда она Ватан, ота-она ва миллий тил иккитадан бўлиши мумкин эмас». <https://xs.uz/uzkr/post/rus-tiliga-rasmij-maqom-berish-bojicha-munozalara-yuzasidan-insonda-ona-vatan-ota-ona-va-millij-til-ikkitadan-bolishi-mumkin-emas>.

187.Сюрэ-Каналь Ж. Африка Западная и Центральная. – М. 1961. 140-с.

188.С.Хантингтон. Неуправляемость демократии? Демократия 1990-х, Специальный выпуск журнала «Глобальные проблемы переходного периода», 1993. 16-с.

189.Ставиский Б.Я. Была ли Средняя Азия ретранслятором буддизма? // Эрмитажные чтения памяти В.Г.Луконина 1995-1999 гг. Тезисы докладов. – СПб., 2000. – С. 18-19.

190.Субкультура // Энциклопедия социологии / Сост. А.А.Грицанов, В.Л.Абушенко, Г.М.Евелькин, Г.Н.Соколова, О.В.Терещенко. Минск: Книжный Дом, 2003. 1312-с

191.Садыков К. Титулы древнетюркских каганов и понятие «сын небо» // Shygys – 2005. – № 2. – С. 157-159.

192.Sagdullayev A.S. O‘zbekiston tarixi, I kitob. – Тошкент: Donishmand ziyosi МЧЖ, 2021. 278-б.

193.Серновиц Э.Сарафанный маркетинг. Как умные компании заставляют о себе говорить / Перевод Т.Мамедова. - Манн, Иванов и Фербер, 2012. 240-с.

194.Словарь терминов и понятий по обществознанию. Автор-составитель А.М.Лопухов. 7-е изд. переб. и доп. – М., 2013, – С. 128-129.

195.Саидов А. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси: иқтисодиёт ва маънавият уйғунлиги йўлида. https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/37879/?sphrase_id=8032635.

196.Saudi Arabia rejects UN resolution on gender identity, sexual orientation. <https://www.middleeastmonitor.com/20211219-saudi-arabia-rejects-un-resolution-on-gender-identity-sexual-orientation/>.

197.Сардор Салим. «Ўзбекистон: давлат дин соҳасида “олтин оралиқ”ни қандай топиши мумкин?» <https://cabar.asia/ru/author/sardorsalim>.

198.Салимов С. Нео-жадидлар ким? Vatandosh газетаси, № 33, 16 январь, 2014 йил.

199.Словарь терминов и понятий по обществознанию. Автор-составитель А.М.Лопухов. 7-е изд. переб. и доп. М., 2013. 117-с.

200.Софистика. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-s/sofistika-uz/>.

201.Сапаров Б.Б. Миллий ғоя тизимида миллий ўзликни англашнинг тузулмавий-функционал тахлили. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация.– Тошкент: 2019. 20-б.

202.Туркестанские ведомости. 1908. № 224, 16 октябрь.

203.Теодор Ильич Ойзерман. – Прогрес-Традиция, 2003. ISBN 5-89826-135-4. 568-с.

204.Traynor I. US campaign behind the turmoil in Kiev // <http://www.guardian.co.uk/world/2004/nov/26/ukraine.usa>.

205.Тернер В. Символ и ритуал. – М. 1983.

206.Туленов Ж. ва бошқалар. Истиқлол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон. 1993. 12-б.

207.Тузиков А.Р. Масс-медиа: идеология видимая и невидимая / А.Р. Тузиков // Политические исследования. – 2002. – № 5. 131-с.

208.Togan A.Z.V. Umumî Türk tarihi'ne giriş. Cild I. 49-s.

209.Турсунов Қ.М., Қўзибоев Ж., Ҳамидов А., Турсунов Й.Қ., Дин ва хурфикрлилик тарихи асослари. -Фарғона, 2000. 13-б.

210.Тургун Алмас. Уйгуры. Кн.1. – С. 84; Шювен П. Византийские посольства к первым тюркским правителям Согда (Проблемы ономастики и топонимики). 33-с.

211.Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань Цзяна. – М.: Наука, 1991. – С. 5-6.

212.Тоҳириён А. ва бошқалар. Миллий ғоя ва маънавият асослари. – Тошкент: Navro'z. 2015. 48-б.

213.Tarix. Qadimgi dunyo 6-sinf: umumiy o'rta ta'lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik / A.Sagdullayev, V.Kostetskiy. – Т.: Yangiyo'l poligraf servis, 2017. 140-б.

214.Умарзода М. “Овесто” сирлари. Жаҳон адабиёти журнали 1997, 4-сон. – Б.199-200.

215.Усмон Турон. Туркий халқлар мафкураси. - Тошкент: Чўлпон, 1995.

- 216.Фараби. Комментарии к категориям Аристотеля // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. – М.: 1961 г. 191-с.
- 217.Фараби. Китаб ал-Хуруф. – Душанбе. «Илм», 1972. 25-с.
- 218.Философия луғати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1976. 172-б.
- 219.Фролова Е.А. Проблема веры и знания арабской философии. – М.: Наука, 1983. 28-с.
- 220.Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр.,1993. 174-б.
- 221.Фридланд Р. Когда в истории появляется бог.// Социс, № 3, 2000. –С. 89-94.
- 222.Фалсафа Қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. 244-б.
- 223.Фалсафа асослари (Тузувчи ва масъул муҳаррир: Қ. Назаров). – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.18-б.
- 224.Фалсафа энциклопедик луғат. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, – Тошкент: 2010. – Б. 256-257.
- 225.Хакетт Фишер, Дэвид. Семья Альбиона. Oxford University Press, 1989. 946-с.
- 226.Хайруддин Зириклий. Аълам. Ж.5. – Байрут: Дар ал-илм ли ал-малайн, 1998. – Б. 189-190.
- 227.Хасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. Тошкент ислом университети нашриёти, – Тошкент: 2014. 379-б.
- 228.Холмўминов Ж. Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва Нақшбандия таълимоти. Монгорафия. – Тошкент: Tafakkur, 2020. 324-б.
- 229.Хитой Коммунистик партиясининг Устави. <http://russian.china.org.cn/exclusive/txt/2012-11/16/content27137512>
- 230.Чет эл бақлажон икрасини емаган журналист. <https://sof.uz/post/chet-el-baqlajon-ikrasini-emagan-jurnalist>.
- 231.Шамсуддин аз-Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.10. – Байрут: Дар ал-фикр, 1991. 199-б.
- 232.Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. – Тошкент: Фафур Ғулом, 2004. 72-б.

233. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Мазҳаблар бирлик рамзи. – Тошкент: Nilol-nashr, 2018. 143-б.

234. Энгельс Ф., см. Маркс К. и Энгельс Ф., Соч., 2 изд., Т. 20, 629-с.

235. Экстремизм ва терроризм – тараққиёт душмани. Ички ишлар тизими ходимлари (профлактика инспекторлари) учун ўқув-амалий қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. 164-б.

236. Эргашев И., Худойбердиев Х., Қахрамонов А. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ва мафкуравий жараёнлар. – Тошкент: Ижод дунёси, 2002. 31-б.

237. Эргашев И., Набиев Э., Қаяюмов А. Ватан муқаддасдир. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002. 24-б.

238. Эркаев А. Маънавият. – Тошкент: Маънавият, 2011. – Б. 215-216.

239. Эркаев А. Учинчи Ренессанс – миллий гоя сифатида. <https://xs.uz/uzkr/post/uchinchi-recessans-millij-goja-sifatida>.

240. Э. Назарова. Жадидларнинг миллий маънавият ривожига қўшган ҳиссалари. «Oriental Art and Culture» Scientific-Methodical Journal – (2) I/2020. 153-б.

241. Эгамберганова М.Ж. Хоразм воҳаси туркманлари анъанавий идентиклигидаги ўзгаришлар. «Ўтмишга назар» журнали, 2021. №10. 63-б.

242. «Эволюция назарияси – илмий фанми ёки диний эътиқодми?» <https://islamonline.uz/index.php/dolzarb-mavzu/ateizm/item/605-evolyutsiya-etiqdmi-yo-fan>.

243. Эволюция назарияси Муқаддас Китоб билан уйғунми? <https://wol.jw.org/uz-Cyrl/wol/d/r42/lp-uz/2008006>.

244. XXVIII съезд Коммунистической партии Советского Союза. 2-13 июля 1990 года. Стенографический отчет. Т. 1. – М.: Издательство политической литературы, 1991. 639-с.

245. Якубовский А.Ю. Вопросы изучения пянджикенской живописи // Живопись древнего Пянджикента. Сб. статей. – М.: Изд. АН СССР, 1954. – С. 21–22.

246. Ўзбекистон МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 382-иш, 3-4-варақлар.

247. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2010. <https://n.ziyouz.com>.

248. O‘zbekiston tarixi: 7-sinf uchun darslik. Qayta ishlangan uchinchi nashr / Muall. A.Muhammadjonov. – Тошкент: Sharq, 2017. 160-b.

249. O‘zbekiston tarixi: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik. / U.Jo‘raev va boshq. Qayta ishlangan va to‘ldirilgan 4-nashri – Тошкент: O‘qituvchi NMIU, 2019. 160-b.

250. O‘zbekiston tarixi (XIX asrning ikkinchi yarmi — XX asr boshlari): 9-sinf uchun darslik / Mas’ul muharrir: D.A. Alimova. – Тошкент: Sharq, 2019. 160-b.

251. O‘zbekiston tarixi: O‘rta ta’lim muassasalarining 10-sinfi va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi muassasalarining o‘quvchilari uchun darslik / Muall.: Q.Rajabov, A.Zamonov. 1-nashri. – Тошкент: G‘afur G‘ulom, 2017. 144-b.

252. O‘zbekiston tarixi: O‘rta ta’lim maktablarining 11-sinf o‘quvchilari va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi muassasalari uchun darslik / Muall.: N.Jo‘rayev, A.Zamonov. 1-nashri. – Тошкент: G‘afur G‘ulom, 2018. 144-b.

253. 2019/2020 Ўзбекистондаги болалар вазиятининг таҳлили. Бирлашган Миллатлар ташкилоти Болалар Фонди томонидан нашр этилган. – Тошкент: 2020. 14-б.

254. Қосимов Б. Ўзбек Совет энциклопедияси. – Тошкент: 528-б.

255. Қуронов М. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. – Тошкент: Фан, 1995. 118-б.

256. Қуронов М. Мафкура, таъсирчанлик ва услуб. Воизга ёрдам: маъруза матни. – Тошкент: Маънавият, 2000. 12-б.

257. Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. – Тошкент: Akademiya, 2008. 32-б.

258. Қуронов М. Эзгу ғоялар рўёби. – Тошкент: Маънавият, 2011. 157-б.

259. Қуронов М., Жумаев Ш., Сафаров О. Тадбир самарадорлигининг ўн шарти. – Тошкент: Истиклол, 2006. 24-б.

260. Куронов М. Мафкуравий вазиятларни моделлаштириш – ғоявий тарбия воситаси. // Ж. Педагогик таълим. – Тошкент: 2000. №3. – Б. 22-23.

261. Қодиров А. «Men bu odamlarga yordam berishni xohlayman». Alisher Qodirov LGBT vakillarini chiqarib yuborish taklifi haqida. <https://www.gazeta.uz/ru/2021/06/07/kadirov-alisher/>

262. Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. 212-б.

Маматкулов Давлатжон
Махаматжонович

**МАФКУРАВЙ ЖАРАЁНЛАР
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

МОНОГРАФИЯ

Муҳаррир М.Талипова
Мусаҳҳих И.Турсунова
Саҳифаловчи Г.Ибрагимова

Босишга рухсат этилди 22.02.2023 й. Бичими 60x84 1/16
Офсет қоғози. Офсет усулда. Times гарнитураси.
Шартли босма табағи 14.0. Нашр ҳисоб табағи 12.8.
Адади 100 нусхада. Буюртма №22-02.

«LESSON PRESS» МЧЖ нашриёти
100071, Тошкент шаҳри, Комолон, Эркин тор кўчаси, 13-уй

«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди
100071, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 6-уй